

Шарқ юлдузи

Адабиёт журнали

1931 йилдан чиқа бошлаган

2007

6-сон

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Абдулла Орипов –
таҳрир ҳайъати раиси
Эркин Воҳидов
Хуршид Дўстмуҳаммад
Жуманиёз Жабборов
Омон Мухтор
Минҳожиддин Мирзо
Тўлан Низом
Хайриддин Султонов
Ибройим Юсупов
Пиримкул Қодиров
Ўткир Ҳошимов

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Бобур Алимов
Туробжон Жўраев
Алишер Каримов
Бахтиёр Кубеев
Фатҳиддин Муҳиддинов
Ботир Парпиев
Неъматилло Худойбергенов
Ислом Шоғуломоф
Омонулла Юнусов
Рустам Қосимов
Қаҳрамон Қуронбоев

Бош муҳаррир
Сирожиддин Саййид

Бош муҳаррир ўринбосари
Икром Отамурод

Масъул котиб
Муҳаммаджон Аҳмедов

Наср бўлими мудири
Асад Дилмурод

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,
РЕСПУБЛИКА «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Шоирлик шундай санъатки, (шоир) бу санъат орқали ҳаяжонлантирувчи тушунчаларни ҳосил қилади ва таъсирчан қиёсларни бир-бирига улайди. У шундай йўл билан, масалан, кичик маънони каттага, катта маънони эса кичикка айлантиради, чиройлини хунук либосда кўрсатади, хунукни эса чиройли суратда жилвагар этади. Илҳом санъати билан ғзаб ҳамда ҳиссий қувватларни кўзғатади, натижада, кишилар табиатида қайғу ёки хуррамлик пайдо қилади. Бу эса улуг кишилар фаолиятида оламни тартибга солиб туриш учун хизмат қилади.

Низомий Арузий Самарқандий



**Муҳаммад
Салом**

Биринчи қисм

КЎНГИЛДА БИР ҒУБОР

Ҳилола эпикни очиб, ичкари кирдию даҳлизда анкайиб, тўхтаб колди: шундоққина рўпарада сафар халталари, кичикроқ чамадон йўлга шайлаб кўйилибди. Аллақачон кийиниб олган акасининг бесаранжомроқ, сал мунглироқ кўзларига, ичкаридан чиққан ва кийинган янгасига кўзларини катта очганча саволомуз қаради: “Йўл бўлсин? Тўсатдан?”

– Янганг билан қишлоққа биир бориб келайлик, – деди унсиз саволга жавобан бепарворок оҳангда акаси.

– Нимага? – Кўнгли нимадир сезгандай бўлиб, овози титраброк сўради Ҳилола. – Бунақа гап йўғиди-ку, тинчликми ўзи?

– Тинчлик, тинчлик, шунчаки ўзимиз бир айланиб келайлик. Ўйлаб қарасак, бормаганимизгаям анча бўлиб қолибди.

– Акажон, ростини айтинг, бирортаси сим қоқдимми?

Акасининг кейинги сўзларида қандайдир дардли оҳанг борлиги сингилнинг хавотирини янада кучайтирдию у қатъий овозда сўради:

– Мениям олиб кетасизми?

– Ёмон бўлмасди... Лекин ўқишингдан, ишингдан жавоб сўрамагансан...

– Э, ўқиш, иш... – дея Ҳилола қўл силтадию бу борада жуда каттиққўл акасининг тезда ён бергани унинг хайратини бадтар оширди. – Онам тузукмиканлар ўзи?

– Ту-тузук... Сал мазалари кочибди, холос, – акаси яна четга қараганча ғудранди. Сўнг ўзини ўнглаб, кўшиб кўйди. – Майли, овқатингни егин-да, дарҳол кийинақол.

– Мендан яшираёпсиз, ака, онамга нимадир бўлган, очик айтмаёпсиз, – кўзлари намланганча у янгасига нажоткорона бокди. – Ахир шу пайтда йўлга чиқиш мавриди эмас-ку, поезд кетиб бўлган.

Янгаси нима деярини билмай, талмовсираб, эрига қаради.

– Соат ўнда автобус жўнайди. Тинчгина... – акаси изоҳ берди. – Шу жуда ўнғай. – Азонда етиб борамиз.

– Овқатизни сузиб қўйдим, – янгаси ошхонага ишора қилди.

– Йўқ, овқат емийман, – қатъий рад этди Ҳилола ва кийини ўзгартириш учун биқиндаги хона сари ошиғич йўналди. Янгаси эрига маъноли ишора қилди. Сингилсининг фельлини яхши биладиган акаси Ҳилолани шарт тўхтатиб, жиддий шарт қўйди:

– Яхши майдақайиш бўлган, ичиб ол. Агар ичмасанг, биз билан бормийсан.

– Акаа... – Ҳилола тўхтаб, акасига илтижоли қаради. – Томогимдан ҳеч нима ўтмайди.



НАЖОТ

Роман



Йўллари кўча-кўйдаги еймликлар тугул кўни-кўшниларнинг ҳам, синовдан ўтмаган бошқаларнинг ҳам овқатларига қўл урмайдиган Ҳилола билан шу дамда мураса қилиш мумкин эмас эди. Ҳали кишлоққа етиб боргунча ва ундан кейин не ҳолатларга йўлиқишни ҳеч ким башорат қилолмасди. Балки...

– Бўлақолинг, автобусга кечикамиз, – янғаси Ҳилоланинг билагидан тутганча ошхона сари судради.

– Онам оғир ётган бўлса... мен қандай қилиб... – Ҳилоланинг томоғига бир нима тикилгандай бўлиб, сўзи бўғзидан нари ўтмади. Кўзларидан шашқатор ёшлар отилди.

Бироқ акаси шафқат қилмади:

– Ким сенга онамни оғир ётибди деди. Мана биз ҳам қоринни тўқлаб олдик, – акаси овозига сал қувнок ҳамда ўктамона оҳанг киритди. – Тез бўл, йўкса, жияларингга қоровул бўлиб қолсан. Уларни тоғасиникига жўнатдик.

Бу гап Ҳилолада бир оз умид уйғотди ва янғасига эргашаркан, акасидан журъатсиз сўради:

– Ўзи онам уйдаканлами ё касалхонадами?

– Уйда ётганмишлар, – дедию бу сўзи аканинг ўзига ҳам далда берди. – Ким билади, бизларни шунчаки кўргилари келиб, сим қоқтирганларми? .

– Онамни билмайсизми? – Ҳилола қўлида қосани тутганча, тик туриб овқатдан бир қултум ичдию акасига гинали қаради. – Ўзлари сираям айттирмайдилар. Йўл азобини бизга раво кўрмайдилар.

Акаси индамади. Шу топда ўтган йил эрта баҳор кунларида онаси билан юз берган вази-ятни эслади. Ўшанда онаси зулмат дунёси билан бир юзлашгану фарзандларини бўзлатгиси келмай гўё ортига қайтган. Ўшанда ҳам пойтахтда яшайдиган тўнғич ўғли Нуриддин билан кенжаси Ҳилолага хабар беришга йўл қўймаган. Худди шу орада Газлида даҳшатли зилзила рўй бергану ташвишга тушган Нуриддин дарҳол йўлга отланган. Онасини шифохонада, оғир аҳволда қўриб, укаларини жиддий қойиган.

– Буларни айблама, бачам, – деган онаси безовталаниб. – Ман қўймадим. Шунча йўлга келиб-кегишни ўзи бўладими? Рўзгоринг катта бўса. Мана, худога шукур, ёнимда укаларинг бор, сингилларинг бор.

– Ҳар кимни ўз ўрни бор, онажон. Бошиз ёстикқа етганда ёнизда бўлмасам, қандай фарзанд бўлдим.

– Қўй, хафа бўма, бачам. Мана, индин тузукман. Худо жонимни қайтариб берди.

– Тузук бўлганиз шуми, онажон? – Нуриддин эгилиб, онасининг пешонасидан ўпди, кўзлари ёшланди. Онаси ҳам ўнг қўлини унинг елкасига ташлаб, бошини бағрига босди:

– Худога беадад шукур, сани кўриш насиб қилган экан... – Онаси бетокатланди. – Ҳилолани кўролмадим-да... Кўз юмдим, кўзимга кўринаверади...

– Аранг қолдирдим уни. Ҳам ишни, ҳам ўқишни қотирупти.

– Кенжаниман... – Онанинг кўзидан бир томчи думалаб, ёноғида тўхтади. – Қийналмаёптими? Ариқлаб кетгандир. Ҳар кимни овқатиши эмаса у нодон...

– Уни ўйламанг, онажон, қийналгани қўярмидик!

– Биламан. Уни сангаю янғасига, сизларни Худога топширганман.

– Кўнглиз тўқ бўлсин, ҳа демай кўрасиз, – Нуриддин жилмайди.

– Юборасанми? – Она тирсагини ёстикқа тиради, кўзлари ёркинлашди.

– Ўзиз борасиз. Сизни олиб кетаман.

Онаси толикдими ёхуд умидсизлик қаърига тортдими – тирсагини ёстикқа шилқ ташлади, бир нафас кўзини юмди.

– Шу аҳволда қаёққаям борардим, бачам? – Хириллаганмамо овоз чиқарди онаизор.

– Ташвишланманг, бир оз тузалгунизча кутаман. Самалётда қийналмайсиз. Ўша ёқда дўхтирларга кўрсатаман...

Шубҳасиз, ўша аҳволда у онасини Тошкентга олиб кетиш иложини қилолмади, волидан муҳтарама ёнида узоқ вақт қолиб ҳам кетолмади. Ярим йилдан сўнги у ўз орзусини амалга оширди – она ўз тўнғичи ҳамда “ҳалта қоқди”си Ҳилола билан бир ҳаводан нафас ола бошлади. Бироқ бу қувонч ҳам кўпга бормади. Доимо ҳаракатга, кенгликка, кўни-кўшнилар билан ҳамниша мулоқотга ўрганган онаизор беш ойга етмай кетаманга тушиб қолди.

– Отамни соғиндизми? – ҳазиллашди Нуриддин. – Бориб, отамниям олиб кела қолай.

– Отанг бу уйлариңга бир кундан ортиқ чидамайди.

Нуриддин отасини эслаб, қулимсиради. Ўз уйи-ҳовлисидан бошқа жойни тан олмайди. Шундоққина ёнгинасида, яқин атрофларида яшайдиган ўғил-қизларнинг қидида ҳам бирор

оқшом ётиб қолмаган. Гўё ўз уйининг тағига ажиб хазина қўмилгану ўшани қўриқлаб ётади, ўшандан куч-қувват олади. Шундай деса, мана, онаси ҳам шаҳарга тоқат қилолмаяпти. Бу ер қанчалик қулай бўлишига қарамай ўз ҳовлиси- ўлан тўшаги совқотган кишини ловуллаб ёнаётган гулхан каби ўзига чорлаяпти. Сабаби нимада экан?

Шуни ўйлаб, ўйига етолмаган Нуриддин яна онасининг нозик туйгулари орқали таъсир этишга жазм қилди:

– Энг муҳими, Ҳилола ёнизда. Ҳозир шундан бўлак каттароқ ташвишиз йўқ.

Онаси ўнг тирсагини хонтахтага тираганча бир лаҳза ўйга чўмди. Чиндан ҳам Ҳилоладан бўлак барча фарзандлари уйли-жойли. Чолининг ташвишини қилмаса ҳам бўлади. Келинлар, ўғиллар, бошқа қизлар ҳамиша отасининг иссиқ-совуғидан хабардор. Ўзига эътибор бермасликларига Одил бобонинг ўзи ҳам бепарво қарамайди. Энди кўпроқ Ҳилола борасида қайғуриш зарур. Боз устига, бу қиз ҳаммасидан бошқача – алламтавур меҳри борга ўхшайди. Ундан ташвишланмаслик ҳам мумкин эмас: улкан шаҳарда битта-ярим олчокка алданиб, қоклишидан Яратган Эгамнинг ўзи асрасин. Буни онажони тез-тез қизига эслатиб турадию бари бир қишлоқни, яқинларини қўмсайди.

– Агар зерикаётган бўлсайиз, ишдан кейин ҳар кечкурун мен, дам олиш кунларида Ҳилола сайрга чиқарамиз, томошаларга олиб борамиз.

Бош фарзандининг аврашига онаизор ногоҳ қутилмаган жавоб қайтарди:

– Мани бачам иккита эмас, ўн битта. Ҳар қайсини ўз ўрни, ўз йўриғи бор, бачам.

Нуриддин онасини яхши тушунган эса-да бўш келмади:

– Э, она, ахир улар ҳам бепарво ўтиришгани йўқ: икки ўғлиз, бир қизиз сизни кўришга келиб кетди, симда тез-тез гаплашиб турибсиз, – дедию Нуриддин кулди. – Гуруч орқасидан биз – қурмаклар ҳам сув ичяпмиз. Отамни ўйлайдиган бўлсангиз, энди ҳовлидагилар сизга иш қолдирмайдилар. Ҳовлида Қарамгул бор...

– Отангни ўшанга ишонасанми? – Онаси кўзларини катта очиб, ўғлига қаради. – Отангни одатини билмайсанми?

– Ҳилолни гапига қараганда отам анча ўзгарганмиш. Ой ҳам Қарамгулга боқаркан, кун ҳам... Аввалги инжикликларидан асар ҳам қолмаганимиш. Ишонгим келмайди. Шу ростми, она?

– Рост... – онаси сездирмасликка уриниб, секин хўрсинди. – Отангминан шу келин масаласида ҳеч келишолмаёпмиз.

– Шу учун ҳам бу ёқда бемалол юраверганиз маъқул эмасми, она?

– Қўй, мани кўп қистама, бачам, ман ўша ёққа кўпроқ керакман, буни ўзинг яхши биласан.

Қарамгулнинг рўзғор тутниши, саранжом-сарихталикка жуда бепарволиги, ҳардам хаёллиги, хусусан, фарзанд кўрганидан сўнг бу хусусиятлар янада бўртиб чиққанлиги катта ҳовли аъзоларининг ҳеч бирига маъқул эмас: ҳар ёқда сочилиб яшаётган қайнагалару қайнопа ҳамда қайинсингиллар бу борада ҳар кўрганларида дашномлар берадилар, панд-насихат қиладилар. Аммо таъсири узокка чўзилмайди-Қарамгул яна ошган хамирдай бўшашиб кетади-ҳамма эътирозларини тез унутади. Оилада ўта инжик ҳисобланган қайнотагина унинг жонига оро қиради, тарафини олади. Бунга ҳамма лолу ҳайрон. Шундай кезде каттиқкул қайнопа келин ёнида бўлиши, уни ўз измида саклашига эҳтиёж туғилади. Нуриддин онасини худди шу маънода тушунди ва:

– Ўзисини ҳа деб ўтга-чўгга ураверганиз энди етади, она, – деди юраги эзилгудай бўлиб. – Энди маза қилиб, дам олиб юринг. Қолаверса, Ҳилол ёнизда.

– Ҳилолдан кўнглим тўқ, – шарт кесди онаси. – Ишинга ғарқ бўлиб кетмай ундан кўз-қулоқ бўлиб турсанг, бас. Мана, кўклам келопти. Бориб, памидор экаман, кади экаман, қавун экаман... Онангдан ташвиш чекма, онанг ишминан тирилади, бачам, – волидасининг кўзида қандайдир жонланиш кўриб, Нуриддин эътироз билдиришга на рағбат, на куч-қувват тополди. Шу орада онасидан хабар олишга келган укаси Ҳусниддин билан волидаи муҳтарамасини ноилжоз қузатиб қолди. Бироқ, орадан икки ой ўтар-ўтмас қишлоқдан Фазлиддин сим қокдио онасининг оғир ётганини, иложи борица йўлга чиқишларини маълум қилди.

– Ўшанда бекор юборганман, – деди Нуриддин ўз-ўзига, тун қўйинини ёриб, шиддатли елаётган автобус ойнасидан маънос қараркан. Ёнида, мижджа қокмай, ўз хаёллари билан ўзи олишиб бораётган Ҳилола хушёр тортган каби акасига ялт қаради. У йўлда акаси билан бирга ўтиришни, янгаси эса олдинги ўриндиққа жойлашувини илтимос қилган эди. Аслида Нуриддиннинг ўзи ҳам шундай мўлжаллаганди.

– Аҳ, нима дедиз ака? – негадир йиғламсиради Ҳилола. – Онамни айтопсизми?

– Ҳа-да, ўшанда онамни қолишга қўндирганимизда, шу ёқда тузукроқ даволаттирганимизда яхши бўлармиди.

– Онам уйда сиқилдилар. Ўйлаб кўринг, сизу янгам ҳам, мен ҳам ишда, жиянлар ўқишда... Ўзларича пастга тушиб, у ёк-бу ёкка бормайдилар, камокка тушгандай учинчи кават ойнасидан қараб ўтирадилар... Телевизорга тушунмайдилар... Қуриб кетсин, нукул ўрисча кўрсатувлар. Бизаям, болалариз ҳам асосан Масковни кўрамиз. Онам бечора... – Ҳилола пиқиллади. Акаси ҳам безовталанди, сўнг синглисига таъна тошнини отди:

– Шунни сезган экансан, нимага олдини олмадинг, ҳеч бўлмаса, нимага менга айтмадинг?

– Қаллам ишламаган, ака, энди эсимга келопти... Ранглариям сарғая бошловди. Кўчага айлангиришга олиб чиқсам, ҳарсиллаб қолардилар, ўтиришга жой излардилар.

Нуриддин индамай бош силқитди. Ўша пайтларда ўзи ҳам чуқуррок мушоҳада юритмагани учун ичдан ўзини айблади. Кўз ўнгидан киш ўрталарида онасини Ҳамза номидаги театрға олиб борган окшом йилт этиб ўтди. Уйи билан театр оралиғи узоқ эмас, орада улов ҳам йўқ, фақат пиёда юрилади. Келини ҳамда қизи кампирни қўлтиклаб олишган, олдинда ўғил. Ўн дақиқалик йўлни қарийб ярим соатда босиб ўтишди, уч-тўрт марта тўхтаб, дам олишди. Ўшанда ҳам ўғил онани айблаган бўлди:

– Овқат емаганиз учун шу ҳолга тушгансиз, она.

– Ундай дема, бачам, қаригандаям чопқиллаб юрайдимми?

– Олтмиш тўртга кирганда одам қарийдимми?

Кўнгил учун Нуриддин шундай деса-да, чиндан ҳам онасида эрта қариш аломатларини сезар, бунинг олдини олиш, уни тузукрок даволатиш имконияти йўқлигидан қийналар, ўзини ношудликда, қўли калталикда айблар эди. Ажаб, ростдан ҳам ўшанда онаси кишлокка қайтмаганида жиддийроқ ўзгариш юз берармиди?

Шу савол кўнглидан кечдию Нуриддин бош тебратди, яна ойна тарафга, тун қаърига эзгин кўз тикди. Автобус ҳамон шошиб, олға интилар, ичидаги одамлар ташвишу ўйларини ҳам гўё ўзига ортмоқлаб олгандай зўриқиб, зирилларди. Шу боис қанчалик илгариламасини, йўли сира унмаётгандай кўринарди. Нуриддин кўзларини юмди. Яна онасининг тимсоли гавдаланди. Айни шу топда:

– Акаа, – дея Ҳилола бошини буриб, Нуриддин томон юзланди, – ухламаёпсизми?

– Йўғ-а... Ўзингчи? Нимага ухламаёпсан?

– Уйқу келармиди... Онамни олиб келамизми яна?

– Ҳа, олиб келамиз...

– Акаа...

– Ҳа...

– Агар онамга бирор нима бўлса...

– Ундай дема!

– Йўқ, барибир-да.

– Тўғри. Киши ҳар қандай вазиятга шай туриши керак.

– Йўқ, акажон, чидаёлмийман, – Ҳилола юзини акасининг тирсағига босди.

Нуриддин юраги орқасига тортиб, ўзини бўм-бўшдай, муаллак осилиб қолгандай ҳис этди. Гарчи, у анча олисда яшаса-да, ота-онасини истаган чоғда кўравермаса-да, ўзини уларсиз тасаввур этолмасди. Қандайдир кўринмас нурлар уларни бир-бирлари ила боғлаб, гўё зарурий қонлар билан таъминлаб, куч-қувват бахш этиб турарди. Агар ўша ришталар узилса... Худо кўрсатмасин... уч кам ярим аср яшаб қўйган ўзики ўзини шундай тутса, ундан икки мучал кичик, кўпроқ ота-она бағрида ўсган синглиси не ҳолга тушаркин?

Шунни мулоҳаза қилиб, Нуриддин синглисига далда бергиси келди:

– Бу дунёга ҳеч ким устун бўлолмайди. Ризқ-насиба тугагандан кейин...

– Онам дунёга келиб нима кўрдилар?.. – Ҳилола ҳиқиллади. – Фақат азоб!

– Кўй, ҳалитдан одамни эговлама. Яхшиси, кўзингни юм-да, уйқуни ур. Балки биз боргунимизча онам соғайиб қоларлар... – деди Нуриддин ишончсиз оҳангда. Ўзини ухлаганга солди. Бирок бу ҳаракатларни, сўз оҳангини Ҳилола сезиб турарди. У ҳам акасига мослашган каби бирпас жим қолди, кўзларини юмди. Лекин ногоҳ киприклари кўтарилиб кетди. Акасига қаради. Нуриддин бошини суянчиққа тираганча, кўзи очик ҳолида нималарнидир ўйларди.

– Акаа, ўзиз нимага ухламаёпсиз? Айтнинг, нималарни ўйлаёпсиз?

– Биласан-ку, йўлда – поезддаям, автобусдаям ухлаёлмийман.

– Ҳм...

– Илмий ишимни ўйлаёпман... – гўдрагандай, мубҳам жавоб қайтарди акаси, худди кўнглини гўбор тутганга ўхшарди. Балки уйқу босиб келаётгандир.

ҲИЛОЛА ҲАҚМИДИ?

Акаси ҳозир рост гапирмаганини Ҳилола аниқ сезди. Албатта, шу дамгача укаларию сингилларига раҳнамолик қилиб келган акаси шундай нозик лаҳзаларда ўз илмий ишини ўйлармиди?! Ҳатто, гафлат уйқусига ботишини ҳам тасаввурига сиғдирилмасди. Шундай экан, боятдан бери бутун вужудини гулгулага солиб турган гапни акасига айтиб қолишни, калбдаги аланга тафтини оз бўлса-да сўндиришни лозим топди:

– Акаа... – деди у мунгли овозда, сирлироқ тарзда. Акаси индамай бошини у томон бурди.

– Агар онамга бирор нима бўлса, мен ўзимни кечиролмайман, – қизнинг кўзларига тўлиқиб ёш қуйилдики, гапиролмай юзини акасининг елкасига босди.

– Бу нима деганинг, Ҳилол? – Нуриддин қаддини шиддатли тиклаб, синглига олайиб қаради. – Онамга бирор ноҳўя гап айтувдингми?

– Ҳа, баъзида айтганларини қилмаган пайтларим бўлган. Лекин ранжитганимни сираям эслаёлмайман.

– Унда нимадан ташвиш чекасан?

– Биласизми, ака, агар Тошкентга келмаганимда, онамга ҳамниша ўзим қараб турганимда бунақа дардларга йўлиқмасдилар

– Эсинг жойидами ўзи? – Нуриддин энди синглисини жеркиди. – Қаёқдаги бўлмағур гапларни ўйлаб топаясан!

– Хай, ўзиям шундай-ку!

– Биринчидан, бу ишга онамнинг ўзлари бош қўшганлар. Мениям хол-жонимга қўймаганлар: “Шуниям кўнгли ўксимасин, ўқисин, хўнар ўргансин”, деб неча марталаб айтганлар. Иккинчидан, отам ҳам бу ишдан қувонганлар. Тўғрими?

– Тўғрилиқка-тўғри, лекин отам ардоқли келинларини авайлаб, мендан қутилганларига шукур қилганларини билмайсизми?

Нуриддин қулди. Сўнг тан олди:

– Буниси рост. Айтганча, бунини ўзлари очик айтганлар. Бунга нима дейсан?

Ҳилола бош ирғади. Акаси эса синглисининг отасидан кўнгли совишини истамай, гўё дарз кетган “чизик”ларни сувашга уринди:

– Лекин ўқишга ҳамда ишга кирганингга жуда қувонганлар. Онамни айтмайсанми? Ҳамиша сени ўйлардилар ахир! Шундай экан, нега ранжисинлар?

– Барибир-да, уларни келинларига ташлаб келиб, ёмон иш қилдим.

– Жиннимисан? Ахир қачонгача ота-онага ёстик бўласан! Қиз бола бўлсанг, бировнинг ҳасми бўлсанг. Бахтинг очилса...

– Қўйинг-э, унақа деманг,– Ҳилола акасининг оғзига қафтини босди. – Унақа десайиз, ёмон кўраман сизни, – у дарҳол тесқари тарафга бурилиб олди.

– Шу учун ҳар қанақа ҳаёлларга бораверма, ҳаммамизнинг олдимизда юзинг ёруғ.

– Шундай эмас-да, ака, – Ҳилола яна акаси томон бурилди. – Ўзлари рози бўлдилар деб, бепарво юриш керакми? Хай, айтинг, ёстик бўлишимга арзимайдиларми?

Синглиси билан шу дамда гап талашиб лозим эмаслигини, ҳозир бари бир сўзини ўтказолмаслигини Нуриддин ҳис этиб турарди. Бироқ, айни чоғда, у ўз ёғига ўзи ковурилиб, ўзини қийнашини ҳам истамас эди. Боз устига, Ҳилоланинг кейинги гапни акасини бадтар қийноққа қўйди.

– Ҳозир ҳам кеч эмас, ака, энди шаҳарга қайтмайман, кишлоқда қоламан. Хўп дейсизми? Мени ҳимоя қиласизми? Сиз ҳам ота-онамиздан ташвишланмай, хотиржам бўласиз...

– Эсингни ебсан! – Нуриддин овозини бир қадар кўтарди. Олд ўриндикда ўтирган хотини ўзи нима гап, дегандай ортига безовталаниб қаради. У ака-сингил ўртасида онда-сонда турли баҳслар бўлиб туришини, баъзан бир-бирларидан аразлашишгача етиб боришларини, аммо араз атиги бир неча лаҳза ё бирор соатгача чўзилишини яхши билади. Шу боис ҳам ўртага суқилишни эп кўрмайди. Бироқ ҳозир даҳанаки жанг бошланишини мутлақо хоҳламас эди. Шунини ўйлаб:

– Дадаси, оғир бўлсалариз яхшимиди, – деди шивирлаб. – Одамлар нима дейди?

– Ҳа, рост, – деди эри секингина. Бир лаҳза жим қолди. Аммо кўнглидагини синглисига билдирмасликни ҳам ноҳўиз ҳисобладию оғзини унинг қулогига яқинлаштириб таъкидлади: – Билиб қўй: сен беҳуда қурбон бўлишингга йўл қўймайман. Сендан бошқалар ҳам бор у ёқда. Ундан кейин... онам соғайиб кетсалар, ўзлари ҳаммасини изга туширадилар.

– Айтганиз келсин, илойим, акажон. Лекин кеча кўрган тушимдан хавотирга тушиб ўтирибман.

– Тушга ишонма! – дедию Нуриддин ногоҳ ўзининг бугунги ғалати ҳолатини эслаб, негадир сесканди. Бу ҳолатни бировга айтиш нари турсин, ҳатто кўз олдига келтиришдан ҳам чўчирди. Аммо Ҳилоланинг туш ҳақидаги гапи ўша вазиятни хотирасида тез-тез тиклайверди.

Нуриддин бир неча ойдан бери ўз уйида эмас, ёзувчиларнинг шаҳар ташқарисидаги ижод уйида яшаб келяпти. Баҳаво, сўлим, осойишта, илмий иш қилиш учун жуда қулай маскан. Қиммат ҳам эмас. Дўстлари унга шу ерни тавсия этишган. Уч ой ичида у ўша ерда анча-мунча ошнолар ҳам орттирди, гоҳида улфатчиликлар ҳам қилди. Энг муҳими, йирик иши юзасидан кўп нарсалар ўқишга, ҳатто, анча-мунча саҳифаларни қоралашга ҳам улгурди. Агар ҳаракатлари шу тарика давом этса, икки йилга мўлжалланган иши аввалроқ поёнига етиши ҳеч гап эмас. Аммо бугун...

Бутун мамлакатда бўлгани каби боғда ҳам шанбалик ўтказилди. Шаҳардан бир автобус тўла ёзувчилару адабиётчи олимлар ҳам келишди. Тушликда ҳаммага палов тортилди, боғда тайёрланган мусалласлар, ижодкорлар ўзлари билан олиб келган ҳар хил ичкиликлар дастурхонга қўйилди. Сўнроқ ҳар ким ўзича боғнинг турли бурчакларига тарқалиб кетдилар, ўзларича ҳордик чиқардилар. Уларнинг кўплари билан Нуриддин мулоқатда бўлган эса-да, нечундир у бугун ўзига ўхшамасди: кўнглининг тубида аллақандай қоронғу ўпқон бору гоҳида ўшанга қулаб тушаётгандай, унинг қаърига чўкиб бораётгандай сезарди ўзини. Табиатдаги ажиб уйғониш, қийғос гуллаган олма дарахтларига учиб, қўнаётган асаларилар-фусункор боғ ҳам унинг дилига қалит соломлади- қора ўпқонни йўқотолмади.

“Наҳотки қаттиқ чарчаганман? – деб ўйлади у “ҳашарчилар” кетгач, боғ тинчиб қолгач. – Яхшилаб ювиниш, мириқиб ухлаш зарурмикан?”

Шу фикри ўзига маъқул тушдию қўлидаги самбит толдан ўзи ясаган нафис таёқчани ўйнаганча бини ичкарисига кирди. Кираверишда қоровул йигит телефон ёнида, юмшоқ курсида мудраб ўтирибди. Нуриддин ундан ҳол сўрадию уйга сим қоккиси келди. Тик турганча рақам терди. Дастакни хотини олди. Ҳаммаси жойида: у ҳам, болалари ҳам шанбаликда иштирок этиб қайтишибди.

– Эртага болалар билан ёнизга борсак, бир кун бўлсам боғда дам олсак, сизга халал бермаймизми дадаси? – сўради хотини.

– Жуда яхши ўйлабсан, ҳозир боғ жуда антика. Келаверинглар, – деди у ва ноҳос эсига тушди: – Қоғозим тугаяпти: бир даста сарғиш қоғоз билан бир оз новвот олиб келсаларинг... – у дастакни қўйиб, таёқчага ярим таянганча юқорига, учинчи қаватга кўтарила бошлади. Айни шу лаҳзада у ақлига сиғдира олмайдиган бир рўё кўрди. Кўз ўнгида ғалати манзара жонланди: эгнида қорамтир чопон, белида белбоғ, бошида дўппи, қўлида узунроқ, қийшиқ таёқ-ҳасса тупроқли йўлда, бир оз чангга беланганча оломон қуршовида унинг ўзи кетиб бораёпти, чанг-ғуборлар орасидан аранг кўзга ташланганда. Атрофида эса яқин биродарлар... Ортига назар солдию титраб кетди: тобут тебраниб бораёпти... Ким у? Отасими? Онасими? Ёхуд...

– Ё Оллоҳим! – деб юборди Нуриддин ихтиёрсиз равишда. – Бундай кунни ҳали бошимга солмагайсан! Ҳеч бўлмаса, 20-25 йил тинч қўйгайсан... Ҳали онам ҳам, отам ҳам роҳатимизни кўрмаганлар.

– Нима бўлибди, ажал ҳали улар роҳат кўрмаган, деб кутиб ўтирадимми? – деган ички бир овоз унинг дилини баттар ларзага солди.

– Кўпам ваҳима қилаверма, – деди яна ўзини босиб у. – Ҳаммаси соғинчдандир, балки. Шу боис ҳар хил фикрлар бошингда айланаверади. Ҳа, дарвоқе, мана буни ҳасса қилиб юрибсан... – Нуриддин қўлидаги чиройли, самбит таёққа тикилдию бутун вужуди қалқиб, уни иккинчи қаватнинг очик ойнасидан кўчага отиб юборди. Қўнгли сал таскин топди. Болалик йилларида таёқ-ҳасса бобида онасининг танбехларини яна эслади. У ёхуд укалари таёқни ҳасса каби ишлатсалар, супургини тик қўйсалар, анчагина иримчи оналари дарҳол дашном берарди:

– Бировни ўлимни тилаяпсиларми? Мурдашўйлар ўргатдим, а?

Шубҳасиз, ўша чоғларда бу гап мурғак қалбларга таъсир этиб, дарҳол қилғидикларидан пушаймон бўлардилар. Улғайганларидан сўнг эса олган таълимлари бўйича бунақа қарашларни зарарли хирофот деб тушундилар. Лекин, айни шу дамда, Нуриддин ўша ирим гулханига тушган, ўз-ўзидан тутаб ёнар, ушбу алангадан қочиб қутулолмас эди.

Хонасига кирганидан сўнг ҳам бу ҳолат давом этди. Шоша-пиша ювиниб, миясига дам бериш учун ўзини диванга ташладию кўзларини юмди. Бирок мишжалари ўз-ўзидан

кўтарилиб кетаверди, ҳалиги кўриниш ҳадеб безовта килаверди. Ўзига тасалли бериб, онаси яқиндагина санаторияда даволаниб, шу кулларда кишлоққа жўнаганини, отаси ҳали соғлом ва бақувват эканлигини ўзига қайта-қайта таъкидлайверди.

“Ёки икки-уч кун ичида ҳаво кескин ўзгаргани уларга салбий таъсир этдимикин? Отамнинг хон босими кўтарилиб кетди? Йўғе, ўзимча нималар деяпман?... Унда нечун бунака ҳолат кўзимга кўринди?..”

Тўғри, Нуриддинда қандайдир ички сезги гоҳида нималардандир дарак берарди. Баъзан тушида кўрган кимсаларни ёки воқеа-ҳодисаларни эртасига айнан ўнгида ҳам кўрар эди. Гоҳида кизик ҳоллар ҳам юз берган. Антикароғи эса анча аввал, тахминан ўн-ўн икки йил бурун уни хайратга солган. Ўшанда дам олиш куни эди. Ўз уйида, диванга чўзилганча хаёлларга берилиб ётарди. Ногоҳ кўз ўнгида шаҳар бош бекати гавдаланди. Отасини эслатадиган бир киёфа поезддан тушиб, бир-бир босганча такси бекатига келдию бир яшил “Волга”га ўтирди. Елкасидаги хўржунга ўхшаш халтани ёнига қўйиб, ҳайдовчига манзилни айтди. Чорак соатлардан сўнг машина уларнинг уйи яқинида тўхтади. Отасига ўхшаш киши уловдан тушиб, халтани елкасига ташлаганча шу томон юрди. У ён-бу ён аланглади...

Нуриддин мийиғида кулди. Ўша киёфа нигоҳидан ҳеч нари қочмас эди. Қизик, у киши шошилмай аввал биринчи каватга, сўнг иккинчи ва учинчи каватга кўтарилди. Бир дам нафасини ростлаб, ажабки, уларнинг эшиги рўпарасида тўхтади. Нуриддин негадир ҳовлиқди. У туш кўрмаётган, ҳаракатларнинг ҳаммаси кўриб тургандай назаридан ўтаётганди. Шундай эса-да, қандайдир куч таъсирида шаш туриб, эшик сари юзланди. Айни шу лаҳзада эшикни кимдир икки ёки уч марта “тап-тап” урди. Нуриддин калитни бураб, тутқичдан тортган эдики, рўпарасида халта кўтарган ўз отасини кўрдию лол котди, ҳанг-манг бўлганча падарига интилди.

Чой устида шу ҳолатни отасига гапириб берган эди, Одил бобо:

– Қўйсанг-чи, ўзинг тўқиёпсан, – деди кулганча. Аммо шунга ўхшаш ҳолатлар кейинги икки-уч йилдан буён уни тарқ этган эди. Айни ҳозирги лаҳзаларда ўша ноёблик қайтмаган бўлсин-да, дея Худодан илтижо қилиб турганида эшик тақилладию сапчиб тушди:

– Қираверинг, эшик очик, – деди ва сабри чидамай ўша томон юрди.

– Сизни тилпонга чақиришяпти, – деган қоровулнинг овози эшитилдию у тезда изига қайтди.

– Ким бўлдикин? Ҳар қалай, уйдан эмасдир... – деганча у ўзини овутиб, бироқ нафаси бўғзига қадалгудай бўлиб, шиппагини оёғига илдию чопкиллаб пастга тушди, устол устида ётган дастакни дарҳол кўтарди.

– Дадаси, мен... – Озоданинг овозини эшитиб, унинг кўзлари катта очилди, – сизни безовта қилишга мажбур бўлдим.

– Нима гап? – ҳовлиқиб сўради у хотинидан.

– Ҳозиргина Фазлиддин телефон қилди, шунинг сизга айтиб қўяй дедим...

– Чўзмай айтақол, тинчликмикан?

– Ойимни товлари қочибди... – Озоданинг товуши пасайиб кетди. Нуриддиннинг жони бўғзига тикилгудай бўлиб, дастакка қараганча уни чақирди. Овози бўғилди. У ёқдан аёли тортинганнамо мулоҳазасини айтди. – Боришимизга тўғри келади, чоғи.

– Тузукрок суриштирдингми? Бирор нима бўлмаганда... – давомини айтишга тили бормади. – Қасалхонадайдиканларми?

– Йўқ, уйда дўхтирлар даволаётганмиш...

“Уйда” сўзи унга сал пажот бағишлади ва хотинига тайинлади:

– Нарсаларни тайёрлаб қўй, мен тезда етиб бораман...

Сафарга Озоданинг ўзи ҳам шайланибди. Ҳилоланинг қўшилгани ҳам айни муддао. Ҳар қалай, доғда қолмаган яхши-да. Лекин унинг азми қарори...

– Акаа... – деди Ҳилола қўрқа-пуса, Нуриддиннинг хаёлларини учириб, – тушда тиш нима?

– Тиш? – Нуриддиннинг вужудинда титроқ кўзғалди. Оғир: “Тушда тишинг тушса, яқинларингдан бири ўлади” деган бир марта. Тушларни кўрилган вақтига қараб, аниқ таъбир қилардилар, таъбирлари кўпинча тўғри чиқарди. Ҳилола бунақа гапларга қулоқ солавермас, бошини китобдан кўтармас эди. Бироқ ҳозир ақасидан таъбир сўраяпти. Ақаси эса тўғри жавоб қайтаришга ўзини ожиз сезяпти. Шундай эса-да: – Тиш-тиш-да, – деб қўйди ўзини билмаганга солиб.

– Биронга тушим эсимда колмасди. Бунишни шу азонда кўрдим: олддаги катта тишимни шундай тортсам, кўлимга сугрилиб келибди. Эсиз-а, жуда керакли тишим бевақт тушди-я, деб куйиниб ётибман...

Нуриддин тўлганиб, иккинчи ёнига ўгирилди, лабини каттик тишлади. Гўё ухлаш учун кўзларини юмди. Автобус тун бағрини тилиб-тилкалаб, бамисоли учиб боряпти. Унинг ичидаги эллик жоң, эллик вужуд ҳар қайсиен ўз дарди, ўз ташвишга кўмилганча курсиларига қапишгандай. Аммо улардан ҳеч бирининг дарди ёнма-ён ўтирган ака-сингилниқига ўхшамас... Ким билади, балки буларнинг гаמידан ҳам ошиб тушувчилар йўқ эмасдир.

Нуриддин шуни ўйлаб, ўзини ухлагга мажбур этди. Бирок кўккисдан онасининг кетар жафосида ўзига тайинлаган, илтижо ширасига йўғрилган сўнгги сўзларини эслаб колди:

– Ҳилолани санга, сани худога топширдим, бачам... Ёшнам ўтиб борапти. Қиз бача пишган кавундай... Бир бача айланишиб юрганга ўхшайди... Суриштириб кўр, тагли-тугли, яхши бўса, узок-яқинига қарамаймиз...

– Ўзининг кўнгли борақанми? Сўрадимми?

ТАШВИШ КЕЛТИРГАН ЧАҚАЛОҚ

Онаси бир дам сукут сақлади. Бундан бош ўғил ғоят оғир вазифа елкасига тушаётганини ўзинча ҳис этдию яна онасига саволомуз қарайди.

– Ундан гап олиб бўларканми, бачам? – деди онаси чайналиброк. – Дугонасини гапидан пайқадим. Эҳтиёт бўлиб суриштирсанг... Янгасигаям тайинлаб кўйдим...

Бирок Нуриддин суриштиришга улгуролмади, бунга имкон ҳам тополмади. Уйда бўлган вақтида сингилсини ҳар кеча, соат ўнлар атрофида троллейбус бекатида кутиб оларди. Ёзувчилар боғига кетганидан сўнг бу ишни Озода ҳамда болалари адо этишяпти. Хотини бирор нима пайкаганида, албатта унга сездирадди. Ўзи ҳали унчалик кўп вақт ўтгани ҳам йўқ-да.

Катта хонадоннинг тўнғичи Нуриддин билан кенжаси Ҳилола биргаликда, ёнма-ён юрганни кўрган киши уларни ака-сингил эмас, отаю киз деб ўйлайди. Орадаги фарк, масофа ҳам нақ икки мучал –йигирма тўрт йил. Отаси ҳазиллашиб, “катта ҳўкиз, кичкина ҳўкиз (сингир)” дейди. Ака-сингил бирор китоб хусусида баҳслашиб қолганда: “Шохлашганларинг етар”, дейди кулиб. Акаси кўпинча сингилсини атайлаб баҳсга тартади, кизиштиришни ёқтиради. Уларни кузатган бегона кимса Ҳилоланинг “ака” деб мурожаат қилганидан ҳайратланади. Нуриддин ўз ёшига нисбатан хийла улугроқ кўринади: ўрта бўй, хиёл қорин чиқарган, паст ковокларига ҳалтачалар пайдо қилган, кўзлари ҳорғин боқувчи, елкаси бир оз букилган-курсида кўп ўтиргани яққол сезилувчан, асли бугдой рангга мойил юзлари йиллар ўтиб, оқиш-сарғиш тус олган, сочи сийраклашиб, чаккаси анча оқарган-зиёли сифат киши. Унинг акси ўларок Ҳилолани ҳеч ким йигирма уч ёшга кирган, аллақачон ҳаётнинг анча чигалликларига дуч келиб, анча-мунча кийинчилликларни бошдан кечирган киз эмас, балки, эндигина ўн етти-ўн саккиз оstonасидаги нозиккина, қорамағиз юзлари таранг, силлик-ўзига бино кўйган кизалок деган ўйга боради. У ўзига ҳам, яқинларига ҳам ўта талабчан. Ҳеч кимга гард юктиришни истамайди.

Нуриддин бу сингилсини бошқа яқинларига нисбатан камроқ билади. Лекин уларнинг ҳаммасидан бир мунча фарк қилишини, кўп жиҳатдан онасини эслатишини, баъзан ўзига ҳам тартадиган белгиларни борлигини ўзинча ҳис этади. Авваллари кичкина Ҳилолани унча ёқтирмасди: онасига катта ташвиш, ҳатто ўлим хавфи солгани учун “Шу носкадихон туғилмаса нима қиларкин”, деган сўзни беписандлик билан айтиб ҳам юборган. Гап шундаки, Ҳилола онасининг ўн тўртинчи фарзанди ҳисобланар эди. Булардан ҳар бирининг туғилиши, вояга етиши ғалати воқеаларга бориб тақалади. Учаси эса вафот этган. Ҳалта коқди – Ҳилола ўн биринчи рақам олиб, отасининг дафтарига тушган.

Ҳилолага ҳомилдорлик онаси учун жуда оғир кечди. Туғилиши эса ундан-да, машаққатга айланди. Дорилфунун талабаси бўлмиш Нуриддин бир кунгина аввал қишги таътилга келган, эртасига бир гуруҳ меҳмонлар унга эргашган – ноқулай вазият ҳукм сурган эди... Волидасининг аҳволини кўриб, у йиғлашдан ўзини аранг тийган... Отаси эса олис Қизилқумда, катта рўзғор ташвишида қаҳратон совук, жазирама иссиқ, кум бўронлари демай, ҳаловатлардан кечиб юрибди. Шундай қилмаса, бу рўзғорни эплаш кийини. Буни бош ўғил яхши тушунади, отасини айблай олмайди. Бунга ҳаққи ҳам йўқ. Фақат ҳамма ташвишларни онаси ўз елкасига олишидан изтироб чекади. Ҳайриятки, фарзандлар она измида, барча ишларни

ўзлари бажариб кетаверадилар. Аммо мана бунақа қалтис вазиятда уларнинг кўлидан нима ҳам келарди?

Нуриддин меҳмонларни укаси ихтиёрига қолдириб, шоша-пиша велосипедга ўтиради-да, кишлоқ касалхонасига жўнайди, ҳеч иккилашиб ўтирмай бош шифокор хузурига қирадию онасининг аҳволини тушунтиради. Сўзлари, шубҳасиз, қатъиятли ҳамда таъсирили эди. Шифокор дарҳол туман тугруқхонасига сим қоқиб, “тез ёрдам” сўрайди.

Шом чоғи “тез ёрдам” машинаси билан Нуриддин ҳам бирга жўнайди. Аслида, онасининг хисоби бўйича, фарзанд туғилишига ҳали икки ойдан мўлроқ вақт бор, аммо рўзғордаги оғир юмушлар, бўлар-бўлмас ишларга уринаверишлар ҳомиланинг эрта қўзғалишига, кўп кон кетишига олиб келган. Энди бир мунча қарилик, қувватсизлик, кам қонлик ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бола туғилиши учун кучаниқ етишмайди. Аҳвол шу зайдда давом этса, бола ичда, кон орасида қолиши, бу муқаррар ўлимга олиб бориши, онани ҳам хавфли аҳволга тушириши мумкин. Фақат тиғни ишга солсагина омон қолишга умид бор. Бунинг учун аёлнинг ўзидан ҳам, яқинларидан ҳам розилик олиш зарур.

Нуриддин кўз ёшларини тийламайди ва бошқа нажот ҳам йўқлигига кўзи етиб, иккилана-иккилана розилик билдиради. Туни билан Худога ёлвориб, дераза ортида у ёқдан бу ёққа юриб чиқади. Тонгга яқингина ҳамшира унинг кўнглига чирок ёқди:

– Сингилча муборак бўлсин, укажон!

– Онам... ўзлари тузукми? – Қуйилиб келган ёш дарёларини тўхтатолмай, сўзларини ичдан аранг суғуриб чиқаргандай сўрайди у ҳамширадан.

– Яхши... Умрларидан бор экан, зўр дўхтир навбатига тўғри келдилар. Худонинг ўзи асради. Энди бемалол уйга кетаверинг.

Нуриддин ихтиёрсиз равишда чўнтак қовлаб, ёнидаги ягона ўн сўмликни ҳамширага узатиб, мишнатдорчилик билдиради.

Кейин билса, онасининг аҳволи яна оғирлашган, унга янгидан қон қуйишган. Буни онаси уйга қайтган кунни ўғлига айтиб берган.

– Энди тугманг, онажон, – деб юборган ўшанда Нуриддин. – Бизга ўзиз керак, соғлиғиз керак.

– Ўзим истабманми, балажоним, Худони бергани-да, ношуқурлик қилиш-гуноҳ. Ахир қайси биттанг ортиқлик қиласан?

Бу оғир гап эди. Нуриддин ҳеч нима деёлмай ерга қараган.

– Бунга нима от қўясан, бачам? – Онаси беш кундан кейин оппоқ матога ўраб ташланган, фақат бошчаси очик, жимитдайгина, ҳатто яшашига ишониш мушкул чақалокни кўлида тутиб, акасига кўрсатган. Нуриддин афтини бужмайгириб, четга қараган. – Тешкайн қаяманг, акажон, – чақалок номидан онаси гапирган, – ҳали ман шундай чиёйли киз бўяйки, ҳамма хавас қисин. Сизга чойлай дамлаб беяман, овқат пишийиб беяман.

– Ҳоо, шу кишимми? – Нуриддин масҳараомуз илжаёди. – Носкадихон.

– Ношқадихон эмасман, акажон, манга чийойилиёқ от топинг, акажон...

– Бўпти, ана, Ҳилола бўлсин, – деган Нуриддин бир дам ўйлаб олгач. – Сиз Шамсия – Куёш, бу – Ҳилола, атрофизда қичкина Ой бўлиб айланади.

– Яхши от топдинг, бачам, – онаси қувониб кетади. – Ойдаё ёруғ бўлсин, йўллариям ойдин бўлсин. Акаларидай қатта ўқишларда ўқисин...

Ҳали хасталик аримаган, аммо ишончли сўзлар ҳозир ҳам, автобусда елиб бораётиб Нуриддиннинг қулоқлари остидан майин таралгандай туюлди. Ёнида эса ўша мурғак, кўпларга ташвиш келтириб, оламга мўралаган, акаси писанд қилмаган Ҳилола. У ҳам тинимсиз онажони ҳақида ўй суриб боряпти, энг оғир дамларда меҳрибонига дармон бўлолмагани учун ўзини ерга уриб, гўрга соляпти.

Нуриддин ўзи сезмаган ҳолда “уф” тортди, Ҳилола унга ялт қараркан:

– Ака, сўрамадизми, нега касалхонага ётқизишмабди? – деб сўради.

– Сўрамабман. Ким билади, балки жой йўқдир. Боргач биламиз...

– Илойим боргунимизча тузалиб қолсинлар-да, ўзим яхшилаб парвариш қиламан. Э, ана, яқинлашиб қолибмиз, – Ҳилола муюлишдаги уруш қурбонлари учун ўрнатилган ёдгорликка ишора қилди. Автобус тўхтаб, бир неча киши ундан тушди. Тонг отиб, атроф ёришиб қолган эди.

Кун оламнинг қора пардасига ниш уриб, зарғалдоқ элчиси ила мўралаганда улар тасига ўтиришди. Машина елиб боряпти. Лекин буни ака-сингилу Озода гўё сезишмайди. Атрофга бефарқ, мунгайиб назар ташлайдилар. Аслида, табиат бор ҳуснини намоён этган. Аммо бу нафисликлар уларга жуда ғариб кўринади. Хаёлларида фақат бир фикр: қанийди

гулга бурканган шу дарахтлар ҳам, гужур-гужур куйлаётган кушлар ҳам буюк она хақида некбин хабар етказсалар... Қишлокка яқинлашган сайин ака-синглида титрок бошланди, вужудлари кулоқка айланди: қани энди йиғи-фарёд овозлари эшитилмаса...

Ажабо, уларнинг нолаю фиғонларини Оллоҳ эшитдими, Парвардигорнинг уларга раҳми келдими, ҳар қалай, ҳовлига яқинлашганларида ҳам баланд овоз чикариб йиғлашларни эшитмадилар.

– Хайрият... – деди Нуриддин енгил тин олиб. – Осойишталик...

– Нима бўлиши керагиди, ака? – Ҳилола ногоҳ хушёрланиб, кўзларини катта очганча акасига қаради. Бир лаҳзада хаёлнинг ўнлаб кўчаларига кириб чикди.

– Ҳа, энди ҳар хаёлга боради-да, одам, – деди Нуриддин мужмал қилиб ва шоша-пиша машинадан тушиб, кичкина йўлга бурилди. Синглиси ва хотини ҳам индамай, шундай алпозда унга эргашишди. Ҳовлига жуда яқин қолганда дарвоза ланг очик эканини, атроф супуриб-сидирилган, топ-тозалигини кўриб, Нуриддиннинг кўнглида яна шубҳа кўзгалди: кенжа келинда бунақа хусусият йўқ. У ўзидан билиб, ҳеч қачон кўча юзини ҳам ойнадай тозалаб қўймайди. Модомики, шундай қилинибдими, қандайдир таралдуд бор. Нима? Бу ўй унинг миясини пармалай бошлаган чоғда вилоят марказидаги катта илмгоҳда ишлайдиган укаси Баҳриддиннинг кифаси кўринди. У бир кўлида супурги, иккинчисида челақ тутганча атрофни кўздан кечириб юрарди. Буни келувчилар дарҳол ўзларича тушундилар. Дарҳақиқат, Баҳриддин табиатан ўзи шунақа: қаерга борса, қаерда ўтирса, озодалиқни, нафисликни талаб қилади. Бирор хас-хашак, уйиб қўйилган ашқол-дашқол ошга тушган пашшадай табини хира қилади. Кўпинча буни айтиб ўтирмай, ўзи ишга тушиб кетади. Мехрибончиликда ҳам унинг тенги йўқ. Отасию онаси бош ўгилдан сўнг унга кўпроқ суянадилар...

Нуриддин укасини кўрган захоти кўнгли бўшашиб, ичдан нимадир тўлиқиб келди. Ҳатто челагу супургини қўйиб, кўлнини офтобада чайганча ўзига пешвоз чиккан укасига бирор оғиз сўз ҳам айтолмади, жигаргўшасининг саломига бош қимирлатдию индамай уни бағрига босди. Бир нафас шу қўйича, жимгина уни кучиб турди. Ўзига келолмади. Баҳриддин акасининг аҳволини тушунган, синглининг кўзларидан шашқатор томчилар кулаётганини кўриб, ўзи ҳам бўшашган эди. У фақат:

– Онам соғ, кўркманглар, – дейишга куч топди. Бу ҳаммадан тезроқ Озодани дадиллаштирди. У жилмайишга уринди. Лекин кулолмади.

– Ойимга нима қилди? – деб сўрай олди Озода.

Савол жавобсиз қолди. Ичкаридан бошқа укалар, сингиллар, келинлар, бир талай кариндош-уруғлар тўда-тўда бўлиб, пешвоз чиқишди. Олисдан келган ака-сингил уларнинг ҳар бири билан кучоклашиб, гоҳ ўпишиб кўришаркан, ажаб, иккиси ҳам бир хил ҳолатга тушган, иккиси ҳам гапиролмай, унсиз йиғлашарди. Ҳилола баъзангина ҳикиллаб қўярди. Гўё нимадир демокчи бўлишардию ёшлар жилғаси парда бўлиб, сўзларни тўсарди. Қани энди бу йиғи дард-аламларни улоқтирувчи, қувончли йиғи бўлсаю бор овозларини қўйиб юборишса! Шундай лаҳзалар келармикан? Ҳаммалари йиғилишганига кўра, ким билади... Худо кўрсатмасин...

САВОЛЛАРГА ЖАВОБ ҚАНИ?

Нуриддин олдинда, икки ёнида синглиси билан хотини, ҳозирда онасининг хонаси ҳисобланмиши катта уйга кирди. Қибла тарафдаги дераза ёнида, шифтга қараганча ҳаракатсиз ётган онасини кўргач, у одимларини тезлатиб, бемор ёнига тиз чўқди. Озода оёқ томонда нима қиларини билолмай, тик турганча лол котди. Ҳилола бўлса, бир оёғини остонадан ўтказиб, иккинчиси нарёқда турганча, рангги сурпдай оқариб, эшик кесакисига суянди. Қимдир уни маҳкам тутиб, ичкари бошлади, йиқилишдан саклаб қолди.

– Онажон... Сизга нима бўлди? – Нуриддин йиғи аралаш пичирлаб, онасининг юзларидан, пешонасидан ўпди, юмук кўзларига тикилди. – Гаширинг...

– Онажон!-Энди ҳушига келган Ҳилола ҳам волидасининг бағрига отилди. – Нимага ўрнидан турмаёписиз?

Бирок саволларга жавоб йўқ, кўзлар юмук, оғиз очик- хишиллаб, хирқирок нафас олишлар. Нафас йўлларини балғам тутган чоғи, куч билан ҳаво тортиб, яна куч билан чикарилади. Юрак зўриқиб ишлаётгандай: кўкрак қафаси тез кўтарилиб, тез тушади. Бундайн дардларга, шунча ёшга кириб на Нуриддин, на Озода дуч келган. Қандай чора кўришни билмай, гангиб қолишди. Ҳилола-ку, батамом ўзини йўқотиб қўйган. Гоҳида:

– Она, онажон, кўзизни очинг, – дейдию волидасининг юзларига юзларини босади. Лекин онасидан садо чиқмайди: уларнинг келишига ҳам, саволларига ҳам бепарво, гўё аразлагандай. Агар ҳуши жойида бўлганида, ўзини салгина эплаб билганида онагинаси шунақа ётаверардимиз? Узоқдан кўринишлари билан жазирама иссиқми, қаҳратон совуқми, ёмғир ёхуд бўронми, шикиллаб-синкиллаб олға интиларди, терга пишган холда ҳаллослаб чопарди ҳамда фарзандларини бағрига босганча:

– Юраккинам сув ичсин, бачагинам! – деганча соғинчларини кондирарди. Аммо ҳозир ҳаммасига лоқайд – улардан хафадай унсиз ётибди.

– Онажон, мен гумроҳ сизни негаям бу ёққа юбордим? – дедю Нуриддин гапини давом эттиролмади, сўнгги сўзларини гўё ичдан нимадир тортиб кетди. Бошини қуйн эгиб, сукутсиз холда онасига бир дам тикилиб турди. Ичдан эса ўзини аёвсиз лаънатларди.

Онаси шу даражада оғир ётибди. Уй тўла одам: қариндош-уруғлар, яқин биродарлар, қўни-қўшилар. Бемор тепасида, деразага боғлаб қўйилган осма уқоаб асбоблари. Уч ўғилдан кейин туғилган, туғруқхонада ҳамширалак қилувчи Роҳила онасининг оғзига пахтада сув томизиб турибди. У гоҳида томчилаб тушаётган аралашма дорининг маромини кўздан кечириб қўяди, бемордаги ўзгаришларни кузатади.

Нуриддин қариндошлар билан зўрма-зўраки, бош ирғаб сўрашди ва ҳаммага эшитарилиқ овозда синглисидан сўради:

– Сенга нима бўлди, Роҳила?

– Менга? Ҳа, нима қилибди, акажон? – Қандайдир кўркув босгандай, шошқин акасига бўзрайиб қаради у. – Ҳеч нима бўлгани йўқ... Тузукман...

– Баракалла сенга-е! – Энди акаси очик зарда қилди. – Қанақа ҳамшира, қанақа тиббий ходимсанки, онам шундай оғир ётибдилар, уй худди томошахонага ўхшайди. Ахир бунақа пайтда осойишталик керак эмасми?..

– Ке-керак... – бармоқларини лабларига босганнамо, деярли шивирлаб жавоб қайтарди Роҳила ва акасининг кулоқлари яқинига оғзини яқинлаштириб, гапини давом эттирди. – Жуда зарур... Лекин, акажон, ҳаммалари онамни кўргилари келади. Уларга қандай айтаман?

– Сен айтмасанг, ким айтади?

– Бир-иккитасига айтувдим, хафа бўлдила...

Нуриддин ҳам юмшоқ кўнгили, ҳеч кимга озор бермаган. Бунини истамайди ҳам. Аммо ҳозир фиғони фалакка чиқиб, фикрини дангал айтди:

– Онамни ҳурмат қилганлариз учун ҳаммаларизга кўп раҳмат. Бироқ, кечиринглар мени, беморга ҳозир жуда осойишталик зарур...

– Хапа бўма, айланай, жигаргинамни кўрмай кетавераманми? – йиғламсираб, эътироз билдирди қариндошлардан бири. – Қўйинини сўрайману хайдамасанг ҳам кетавераман.

Унгача баъзилар ўринларидан туриб, эшик сари йўналдилар. Нуриддин шаштидан тушмади:

– Соғайсинлар, кейин истаганча кўнгили сўрайверасизлар. Роҳила, сингилжон, сендан илтимос, уйга ҳеч кимни киритма. Фақат икки киши қолса, бас... Ҳилол, сен ҳиқиллама, чиқ. Мана, ўзим ҳам чиқаман, – у йиғлагудай бўлиб, эшик сари йўналди. Ўзига биринчи дуч келган кенжа укаси Фазлиддинни кишлоқ касалхонасига, бош шифокор Носиржонни бошлаб келишга жўнатди. Сўнг дарвозахона сари юриб, остонаси ёнида қатор қалишлар териб қўйилган, меҳмонхона номини олган узунгина уйга кирди. У ерда суҳбатлашиб ўтирган отаси, амакиси, яна баъзи қариндошлар билан кучоклашиб кўришди. Ҳали дарвозадан кирганда улар билан кўришгани мутлақо эсидан кўтарилган, ярим беҳуш тарзда сўрашганини эслолмас эди. Унинг бундай ҳолати сабабини отаси ҳамда амакиси ўзларича тушундилар. Лекин сездирмадилар. Юзига фотиҳа тортиб, аҳвол сўрашгач, Нуриддин отасига мурожаат қилди:

– Ота, онамга нима бўлди? Ҳеч ким тузук-куруқ гап айтмади. Тошкандан жўнатганимда соппа-соғидилар.

– Қишлоққа кеганида отдайинди. Ўтган хафта шу бугун келувди. Билмасам, нима бўлди, бирданга мазаси қочди...

Отаси яна нималар деди, Нуриддин эшитмади, англай олмади. Балки бирор кўнгилисиз воқеа юз бергандир, деган ўй вужудини зирқирата бошлаган эди. Гўё шу фикрни тасдиқлагандай Одил бобо айтган сўнгги сўз шубҳасини янада кучайтириб юборди:

– Ўзига ўзи қилди-да.

– А?... – У отасини ранжитиб қўйиндан чўчиб, айни пайтда, ўзини босик тутишга уриниб, ўридан турди, секин ортага чекиниб, дарвозахона сари юрди.

– Дардини берган Худо шифосини ҳам беради... – Амакисинининг мингирлаган овози кулогига чалиниди. – Тақдири азалдан қочиби, қутилиб бўмайди, жиян.

– Рост айтасиз, амаки, – Нуриддин эшикдан бош сукиб, ярим зардали, ярим гинали оҳангда гап котди. – Одамзот бир-бирини асраб-авайлашидаям гап кўп.

Сўз маъноси ўзига қаратилганини отаси яхши тушунди. Бунақа пайтда лов этиб, ёнади-ган, жаҳлини жиловламайдиган отаси негадир бу сафар ёнғинга чап берди. Балки, жаҳли чикканда ўзига ўхшаб, ҳеч кимни аямайдиган тўнгичини меҳмон санагандир, балки ўзидан нимадир ўтгандир...

– Онангни пишагини ҳеч ким пишт дегани йўқ, бачам, – леги отаси ҳар қалай, қулим-сираб. – Худо берган дард. Қўлингдан кеса, давосини топ.

Бунақа жавобдан отаси ловулагани қайта тузукрок эди. Айни чоғда, қуриган янтоқдай ёнишининг ҳам мавруди эмаслигини Нуриддин ҳис этдию отасига тан берди. Аслида бош ўғилнинг эътиқодини отаси ҳам, амакиси ҳам жуда яхши билишади. Тўғри, анча йирик, обрўли хонадон ичиди у яққоу яғона фирка аъзоси. Бунақа ном эгаси бўлган кимса Худога, охиратга ишонмаслиги, ишонувчиларга қарши ташвиқот ишлари олиб бориши зарур. Лекин Нуриддин ўшандай қилмаган-да. Раҳматли Мунаввар бувиси гўдакликдан унинг қалбига иймон сувидан ичирган: “Худого шак келтирган киши дўзах оловнда ўтин бўлади. Тилингда дўзахийларни маъқулласанг ҳам дилингда Худони чиқарма. Дилингда мудом Худо яшасин...”

Хайриятки, тилида ҳам, ҳаракатларида ҳам у мунофиқлик йўлидан бормади. Бувиси ўргатган Қалимаи Шаҳодатни ҳар куни бир неча бор ёлғизликда ошқора, бегоналар орасида пинҳона – ичдан такрорлашни қанда қилмади. Ҳатто, онла аъзолари, биринчи галда, Озода ҳам, фарзандлари, укаларидан айримлари бу борада ундан ибрат олдилар. Дин илми бўйича кишлоқда, яқин атрофда бир мунча пешқалам ҳисобланган, бунга амал қиладиган, бироқ бунинг жабру жафосини анча татиган Маҳмуд амакиси жиянининг бу қалтис ҳаракатидан чўчиб, гоҳида панд-насиҳат ҳам қилар, отаси ҳам эҳтиёткорликка чорлар эди. Хусусан, ҳозир замон жуда нозик паллага кирди. Уттизинчи йилларнинг иси анкиётгандай гўё. Ҳамма нарсани қайта қуришга тарғиб этишяпти. Қарашлару эътиқодлар ҳам қайтадан кўрилиши керакмиш. Демак, аввалгиси бузилиши, ўрнига янгиси тикланиши зарур.

Мавруди келганда Маҳмуд амаки жиянидан шу ҳақда сўрамоқчи. Аммо кўриниб турибдики, унинг қўнглига қил ҳам сиғмайди. Ишқилиб, Оллоҳ таоло янгасига шифо берсин, буларни бўзлатмасин. Бандаси тасалли беришдан нари ўтолмайди. Умр тугамаган бўлса, уринишлардан бир нима чиқиши мумкин. Жиян қараб ўтирадиганлардан эмас...

Бироқ Нуриддиннинг ўзи гангиб қолгандай кўриняпти. У ҳали онасининг қанақа дард билан ётганини, қандай қилиб шу аҳволга тушганини аниқ билмайди. У эътиқод кўйган, кишлоқдагина эмас, туманда ҳам ташхислари тўғри чиқадиган Носир дўхтирдан ҳамон дарак йўқ. Уни излаб кетган укаси ҳам қорасини кўрсатмаяпти. Шунинг ўйлаб, Нуриддин кўча тарафга юрди. Қаршисидан кўзлари киртайган Баҳриддин чиқди.

– Носир онамга қанақа ташхис қўйди? Ундан сўровдингни?

– У келганда мен йўғидим, – хижолат чеккан қаби тушунтирди укаси. – Кўп дорилар кўшилган осма уколларни буюрган. Дориларни топдирдим. Тумандан келган дўхтирлар билан ҳам гаплашдим. Улар томоқ оғриқ дейишди.

– Йўғ-э, томоқ оғриғи шунақа оғир бўларканми? Тўғри, иситма жуда кўтарилиб кетиши мумкин. Лекин бунчалик хушсизлантирмас, деб ўйлайман.

– Дард устига чипқон бўлиб, ўтган куни битта тишлариниям олдирибдилар.

– Ииҳ... – Нуриддин лабини тишлаб, бош тебратди. Шу топда битта ақл тишини олдириб, бир ой қийналганини, ўшандан кейин хотирасига анча путур етганини эсладию онасини яна кўз олдига келтириб, дардига дард қўшилди. Шу билан бирга дилида йилт этган умид чироғи ёнди. – Бултур ҳам аҳволлари оғирлашувди, сен Масковда юрганингда...

– Эшитиб, қўрқиб кетувдим.

– Онамнинг дардлари доимо оғир ўтади. Чидайдилар. Худо хоҳласа, бу дафа ҳам ўтиб кетар. Носир келсин, дарҳор шифохонга олиб борамиз.

Баҳриддин умидсиз бош чайқадди:

– Носир ака шифохонга рой қилмаган.

– И-йэ, нимага? – Нуриддиннинг кўзлари пирпиради. – Хоҳламадимми?

– Ўрниларидан кўзгагиш мумкин эмас, дебди.

Нуриддин йиқилган еридан энди қад ростлаганда яна хандакка ағанаган одам аҳволига тушди. Кўнглида ёнган чироқни шамол ялаб, пир-пир титратдию ўчирди-қўйди. Тилига

бирор сўз ҳам келмай кўзларини юмди. Бундан ташвишга тушган укаси ака кўнглига тир-
гак тиради:

– Бу – ҳукм эмас-ку, ака. Ўйлайманки, осма уколдан кейин ўзгариш бўлар. Ноумид шайтон дебдилар.

– Хай, бошдан гапир-чи, онамнинг аҳволлари аввал қандайиди? Бир ҳафта олдин бирга бўлгансизлар-ку.

– Яхшийди. Шунга ишониб, бу ёққа жўнатувдик, – дедию Баҳриддин ўйланиб қолди. У яна нимадир демокчи бўлиб, оғиз жуфтлади. Унинг кўзларида қандайдир истиҳола борга ўхшарди. Бирок, қарахтлиги бонс, Нуриддин буни пайкамади. Онасининг Тошкентдан қайтган кунлари, санаторийда қандай муолажалар қилгани, ниҳоят, кишлоқдаги сўнгги уч кундаги антика фаолияти уни кўпроқ қизиқтирарди. Уларнинг даврасига яна бир укаси, Сайфиддин ҳам келиб қўшилдию баъзи ҳолатларга анча ойдинлик киритди.

Сайфиддин бу ҳовлидан қарийиб икки чақирим нарида, каттагина онласи билан бирга яшаса-да, деярли ҳар кунни, кун ора отасию онасидан хабар олиб туради, уй-рўзгор ишларига қўмаклашади. Соғлиги ёмонлиги, бир кўзи ожиз, иккинчиси анча заифлиги бонс ўз мутахассислиги – инглиз тилидан мактабда камгина дарс беради, пешиндан сўнгги вақтларда рўзгор ишларига шўнғийди. – Онамни бу ёққа келишларини Худо хохламадимми ё ўзи шунга мос тушдимми, билмадим, ўша кунни ҳаво тўсатдан ўзгарди, – деди Сайфиддин ўйчанлик билан. – Қучли шамол туриб, ҳамма ёқни чанг-тўзон босиб кетди. Қурук, ёмғирсиз момоқалдирик гумбурлаб, иссиқ ҳаво ўрнини изғирин эгаллади.

– Ёзгача онамни ўша ёқда қолдириш керак эди-да, – деганча Нуриддин Баҳриддинга таънали қаради. – Ҳар қалай, шаҳарда қулайликлар кўп. Ёзда кишлоқ яхши...

– Хай, ўзиз нимага Тошкентда, Ҳилолани ёнида олиб қолмадиз? – дея Баҳриддин жиддий сўрадию тезда вазиятни юмшатишга уринди. – Бизаям кўп ҳаракат қилдик. Дам олиш кунни Ҳусни акам сим қокди: онам ҳамма нарсаларини тахлаб, кетаманга тушиб турибдилар, деди. Дарров бордим.

Онаси бирор нимага қарор қилганидан сўнг қайтариб бўлмаслигини Нуриддин яхши билади. Укаларининг ҳам аҳволини тушиниб, лабларини қимтиганча тебранди.

– Отамдан ташвиш тортдилар. Биз тез-тез келиб, отамдан хабар олишимизга қаноат қилмадилар. Охири бу ёққа келтириб қўйишга мажбур бўлдик.

– Отам соғлом – бақувватдай-ку! – Нуриддин таажжубланди. Ҳатто январ ойида ўзи ҳам келиб-кетганини, отаси ҳеч нимадан ташвиш тортмаганини эслади.

– Онам қайқдан ҳам бир туш кўрганлар. Ўша туш эс-хушларини ўғирлаган, – деди ирим-сиримларга, тушларга ишонмайдиган Сайфиддин. – Чолларини йўқотиб қўйишдан кўрканлар.

– Қанақа туш экан? – сесканиб сўради Нуриддин. Шу дамда Ҳилоланинг тушини ҳам, ўзи кўрган рўени ҳам эслаб, негадир ажабланди. Айни шу маҳал рўпарада, кўприк ёнида “тез ёрдам” тўхтаб, ҳаммаларни ўша томон юрдилар.

– Нажоткорим, дўстим, укам... – дея Нуриддин қалдираган товушда, қучокларини очган қўйи Носир дўхтирини қарши олди. – Бемаврид безовта қилдим.

Оппок халатга бурканган, бошида ҳам оқ қалпоқ, дўмпок оқ юзли, тик коматли – фаришталарга ўхшаб кетадиган Носиржон гапни кўпайтириб ўтирмади, тезда олдинга тушиб, тўрдаги уй сари юраркан:

– Бари-бир келардим, ака, – деди. – Аҳволлари қандай?

– Ўзгариш йўқ, ўшандайинча, қимирламай ётибдилар, – жавоб қайтарди Баҳриддин ва уй эшигини очиб, шифокорни ичкари бошлади. Роҳила билан Ҳилола ўринларидан туриб, унга йўл беришди. Носир ҳамон томчилаб турган дори – осма уколга бир назар ташладию беморни гапиртиришга уринди, қовоқларини кўтариб, кўз қорачикларига қаради. Аммо унинг уринишлари таъсирсиз кетди. Шундан сўнг шифокор беморнинг оёқлари тагини қитиқлади, билақларини қўлга тутиб, игна учини баданда секин юргизди. Шамсия буви бепарво: юзлари сал учгандай бўладию жавоб қайтармади. Носиржон билан бирга келган ҳамшира янги дорилардан қўшма уколлар ўтказди. Шунда ҳам ўзгариш сезилмади.

– Носиржон, тўғриси айтинг, бу ўзи қанақа касаллик? – деб сўради Нуриддин овозини пастлатиб, тушқин оҳангда. – Бундай вазиятда нима қилиш зарур?

– Юрак томирларидан бири узилди, мияга қон қуйилган. Миянинг қон ҳамда кислород билан таъминланиши бузилган, қон йўли тўсилган.

– Инсульт дегани шу эмасми, ишқилиб?

Шифокор бош силқитиб, маъқуллади, сўнг изохлади:

– Ҳм, шундай... Бу – жуда огир дард...
– Эшитганларимга кўра, – иккиланган каби фикрини айтди Нуриддин, – қон босими жуда баланд беморларда рўй беради бунақа ҳолат. Онамда қон босими ҳамиша паст юрарди.
– Пастлиғиям яхши эмас, ака, тана, аъзолар шунга мослашади. Босим сал кўтарилиши билан вужуд кийин аҳволга тушади, гоҳида чидай олмайди. Холамда босим кескин кўтарилган. Бунақа босими у кишида аввал ҳеч кузатганим йўқ.
– Наҳотки ҳавонинг кескин ўзгариши шунчалар таъсир этган? Ёки...
Нуриддиннинг кўнглида яна ғалати шубҳалар қўзғалди...

ОПАНИ КИМ РАНЖИТГАН?

Суриштирув бўйича ҳар хил тўс-тўполон Шамсия холага ҳукмини ўтказолмаган: бировнинг каттиқроқ нафасига акса урадиган позик-ниҳол эмаслигини, шаҳардан анча соғайиб кайтганини у намойиш этган-ҳар қачонгидан баландроқ кайфиятда бўлган.

– Ўша кунни кўришга келувчилар шунчалар кўпайиб кетдики, ҳовлимиз тўйхонага айландими, деб ўйладим, – деди кейинчалик кенжа ука Фазлиддин. – Онамниям таниб бўлмай қолди. Худди икки-уч йил аввалги онамга ўхшардилар. Ҳамма билан кучоклашиб, ўпишиб кўришдилар. Тошкент ҳамда Бухорода кечган кунларини мактадилар.

– Балки... – укасининг сўзини кесди Нуриддин, – Карамгулнинг бирор қилиги ёқмай ранжигандирлар. Ёки бошқа бирор гап...

Унинг сўзини Одил бобо кескин рад этди:

– Э, Карамгулга мунча ёпишасан! Ўзи унга бирор ниш қолганаканми?!

– Шу учун онам унга бирор танбех берган бўлсалар, у захрини сочганми, жеркиганми, буни сиз қаёқдан биласиз, ота?

– Ҳич қанақа танбих-манбих бергани йўқ! Шу катта ҳовлини эплаб, супириб-судуриб юрган шу – Карамгул. Ўчоқбошиям шуни гарданида! Молларгаям шу қарайди! Ўзини бачасиям бор-ку, ахир! Инсофларинг борми?

Нуриддин индамади. Отанинг гапига қўшилмай иложи ҳам йўқ. Фақат моллар масаласида бир оз муболага қилинди, холос. Шунини ҳисобга олган бош ўғил ўзини кулганга солиб:

– Ота, молларни тўла ишониб, Карамгулга топширдизми? – деб сўради. – Ҳеч қимга ишонмайдиз-ку?

– Ундан бошқа қимга ишонай, бачам?

– Отам ўзларни қиладиган ишлариниям келинларини меҳнат дафтарчасига ёзадилар, ака, – дея гап қўшди Фазлиддин.

– Отамда бу одат азалдан бор, – дея Нуриддин яна қулимсирашга уринди. – Отам молни яхши кўрадилар. Қим молга яхши қараса, қим кўпроқ даладан ўт териб келса, қун ҳам ўшанинг бошига чиқади, ой ҳам ўшани ёритади.

– Молга яхши қарасанг, барака топасан, бачам, бундай ишнинг Худогаям ёқади. Худога ёққани манга ёқмайдимми?

– Рост гап, ота, – дедию Нуриддин ёшлик йилларини эслади. Олдинма-кейини туғилган уч ўғил орасида энг кичиги Заҳриддин падари эътиборини кўпроқ тортди. У негадир анча чакқон, абжир, жуда ҳаракатчан эди. Даладан ўт-ўлан ўриб-йиғиб келишда ҳамиша мактов эшитиб эркаланарди. Бундан у ўзига бино кўяр, ҳаракатларини янада кучайтирарди. Катта ака Нуриддин кўпроқ китоб шайдоси, хаёлпарастроқ, секин ҳаракат қилувчи, бироқ укаларига ўз гапини ўтказадиган, гап қайтаришга мутлақо йўл қўймайдиган, қаҳри ҳам, меҳри ҳам қаттиқ, яна анча ориятли бўлганидан анча-мунчага ўзини пастга уришларга имкон қолдирмас эди. Укалари ундан хайиқиб турардилар. Ундан кейингиси Шавқиддин эса бўш-баёв, юмшоқлиги боис асосий зарбалар ўқига дуч келар, укаси Заҳриддиндан ҳам даққилар эшитар, кураш тушганда ундан йиқилар эди. Молларга қарашда, ўт-сувидан хабар олишда Заҳриддин улоқни ҳеч қимга бермас, мактовлардан яйраб, ғалабасини акаларига қўз-қўз қилишни яхши кўрарди. Шубҳасиз, унинг керилишлари Нуриддинга ёқмас, отаси йўқлигида ўз ҳукмини ўтказиб, Заҳриддиннинг таъзирини берарди. Отаси ёнида эса эрка ўғил ҳеч қимдан кўркмас, ҳатто катта акасининг ҳам ғашига тегаверарди. Бундай дамда Нуриддин отасидан хайиқиб, муштини ишга солишдан тийилар, Заҳриддинга ҳали кўрасан, дегандай ковогини уярди. Даргазаблигини ошқор этса, муштини дўлайтирса ёки сўкса, ҳақлигига қарамай, отасидан танбех эшитарди. Бу эса Заҳриддиннинг мағрурланишига, эрк қанотини ёйишига янги имкон очарди.

“Захриддин бола эди, гайрати ҳам бориди. Лекин эртанги кун канақа жазо олишини ўйлаб ҳам ўтирмасди, – деган ўй кечди Нуриддиннинг кўнглидан. – Аммо Карамгул нимага келажигини ўйламайди? Отам унга ҳамиша кўриқчи бўлиб қололмайдилар-ку? Боз устига, эри ҳам ундан анча совиган. Оқибати қандай бўларкин, билмадим...”

Айни шу топда Карамгулнинг жилмайиброк турган, оқиш-малладан келган узунчок юзи, баланд қадди, сал маъюсроқ бокиши Нуриддиннинг кўз ўнгида бир сонъяча гавдаландио унга ачингандай ҳис этди ўзини. Ҳамма қайнақалар, қайнопаю қайсингиллар эътиборидан қолган, ҳатто баъзиларининг нафратига учраган, ўзини ўнглашга жиддий уринмайдиган кенжа келиннинг бу ёнги тақдири нима бўларкин?

Тўғри, Нуриддин уни кам кўради, у билан онда-сонда – йилга икки-уч марта меҳмон бўлиб келган чоғларидагина мулоқотда бўлади, у тайёрлаган таомлардан истеъмол қилади. Эҳтимол, шу боисдандир, эҳтимол, табиатан мулойимлиги сабабидандир, у келинига озорли гапирмайди, жиддий танбеҳ бермайди. Карамгул ҳам, чамаси, бунинг қадрига етади, қатта қайинаканинг айтганларини дарҳол бажо келтиради. Шамсия хола эса, нечундир бу келинга унча эътибор бермади. Ҳадеб келин туширишу қиз чиқаришлар чарчатдими ёки бунисига қилинадиган меҳнатлар зое кетишига кўзи етдими, ё Одил бобоининг ўжарлигига бас келиш қийинлигини билгани учунми, ҳар қалай, қайнона ўз уринишларини тўхтатиб қўйди. Оназор ҳеч кимнинг тирикчилигию муносабатларига аралашмаслиқни, қолган умрини фарзандлариникида, меҳмондорчиликларда ўтказишни лозим кўрди. Ҳатто бу қарорини чолига ошқор ҳам қилди: “Сизни келиннига топширдим. Ман қолган умримни бачаларим, навараларимминан ўтказаман. Ҳар қайсиникида бир ойдан турсам-сал кам бир йил ўтади. “Кейинчи? – сўраган Одил бобо. -Яна қайтиб келасанми?” “Ҳа, келаман, кейин яна бошланади...”

Шаҳарда, ҳовлиси йўқ, каталакдай-каталакдай, қаватма-қават жойлашган уйларда бир кечадан ортқ тунашни ҳаёлига ҳам келтиролмайдиган қол мийиғида қулиб:

– Ол-а, ошиғинг олчи бўларкан, – деган киноя аралаш. – Ёнзгаям баъзида мурувват қиладиларми, а, кампир?

– Сиз тухум босиб, уйдан ҳеч ёққа чикмай ўтираверинг.

– Кўрамиз, қани неччи кунга сигаркансан ўша бедона қафас уйларга...

Бу гап-сўзлар Нуриддину бошқа фарзандлар иштирокида, у онасини Тошкентга олиб кетиши арафасида бўлиб ўтган эди. Шубҳасиз, отаси салкам эллик йил бирга яшаган кампирини бир қадам ҳам нарига силжитишни, ўздан узоклаштиришни истамасди. Бирор иш қилмаса-да, рўзгор бошида туриб, пишир-туширларга бош-қош бўлиб юришини жуда хоҳларди. Аммо йил сайин соғлиғи кетиб бораётганига, шифохонадан боши чикмаётганига ҳам бефарқ қараёлмас эди. Шу боис қатта ўғлининг истагига эътироз билдириб ўтирмади. Фақат кампирнинг “осмондан келиши”, шаҳарга жуда интилаётгани энсасини қотирди, холос.

Ҳар қалай, қолнинг гапи ўринсиз эмаслиги ярим йилга бормаёқ сезилди, қолди. Ахир одам-ку одам, ҳатто қуш ҳам ўзи дон еб, сув ичган, ухлаган ётоғига интилмайдими? Кампир ўз ҳовлисига, қоли ҳамда бошқа фарзандлари ёнига қайтгани яхши бўлдию, бироқ, бунақа ташвиш, хавф-хатар бошлаб келиши нақадар қалтислиги-чи? Энди йўқ ердан ғавғо, чигал чиқармоқчи бўлаётган қатта ўғлига буни қандай тушунтирсин отаси?

– Саан, бачам, ҳамма нарсани шу келинга боғлайверма, – деди отаси ўғлини мурасага чақириб. – Онанга у ҳали бирон мартаям тик қараб гапиргани йўқ. Онанг касални ўша ёқдан, санаторийдан орттириб келди.

– Ўйлаб гапиреёпсизми, ота? – деди бир оз аччиғланиб Нуриддин. – Санаторийда касал орттирмайдилар, даволанадилар.

– Билмаганингни гапирма, бачам, мана, укаларнингдан сўра, санатор-санатор деб мактанасизлар.

– Ҳай, ота, тан оласизми, онам келганларида жуда яхшийдилар-ку? – Хонага чой кўтариб қирган Фазлиддин гап қўшди. – У ёқдан соғайиб келмадиларми? Ўзимизни ҳовлида шу аҳволга тушдилар-ку!

Кенжа ўғилнинг бу гапи отага ёқмаганлиги сезилиб турарди. Бундан Нуриддин сергак тортиб, безовталанди. Энди у чуқурроқ суриштиришни мўлжаллаганда отаси:

– Сан билмайсан, гапга аралашма, – дея бармоқлари ила ҳавони кескилади. – Бор, молларга сув бер.

– Карамгул ҳозиргина суғорди, хўрак ҳам берди.

– Ундай бўса, гапни чувалаштирма, мана, Баҳри акангдан сўра, ўша санаторда нима бўган. Ўзинг айт, Баҳри, – отаси эшик ёнида маъюс ўтирган бошқа ўғлига қўл силкиди.

Бирок Бахриддин ўзи билан ўзи оворага ўхшарди, айна дамда, ўтиб кетган, гумонли холларни шунака нозик маҳалда эсга олиб қизишишни, катта акасини жahlга миндириб, кўнглини хуфтон этишни истамас эди. Шу боис ҳаммани чалғитиб:

– Шунака тахминий гапларни йиғиштириб кўяйликда, онамни даволаш йўлларини излайлик, – дедию ўрнидан турди.

– Гапинг тўғри, бачам, локин кўркиш ёмон-да, қирк кунда ўзини билантиради. Шу бугун ўшанга қирк кун тўлди.

Бу гап Нуриддиннинг эсхонасини чиқариб юборди. У ҳам дарҳол ўрнидан туриб, бош тебратганча секин юриб бораётган укасига эргашди. Нарирок бориб, Бахриддиннинг тирсагидан каттик тутди:

– Санаторийда нима бўлган? – Қатъий, ҳукмона сўради у. Энди унинг сўроғини жавобсиз қолдириб бўлмас эди. Кечмиш хунук воқеани пайсалга солиб айтиш ҳам зарар келтириши мумкин. Фақат бир оз юмшатиш лозим шекилли.

– Бу ишда, тўғриси, бизларни ҳам айбимиз бор, ака.

– А?–деб юборди бош фарзанд.

– Ҳа... Фафлатда қолганмиз, – дея ука ётиги билан сўз бошлади. – Санаторий шаҳар яқинидаги колхоз марказида. Маъдан сувли, шароитлариям ёмон эмас. Ўйлаб-ўйлаб, даволатиш учун онамни ўша ерга жойлаштирдик.

– Индаллосини айт, – Нуриддин сабрсизланди.

– Тўрт кишилик яхши палатайди. Ҳаммаси тузук бошланди. Иккинчи кун онамни ёнидаги бўшаган каравотга ёшгина келинчак келган. Очиккина, хушмуомалалийкан, онам билан чиқишиб қолган. Эри ичиб келиб, беҳудадан беҳудага уравераркан. Бемаҳалгача гаплашиб ётиб, уйкуга кетишган. Бир вақт каттик чинкиришдан, дол-войдан сапчиб уйғонишган. Кимдир шоша-пиша чирокни ёққан. Нима бўлганлиги номаълум, халиги келинчак ерда думалаганча типирчилаб ётади. Уввос солиб йиғлайди, иккала қўлини чўзиб, химоя сўраб сандироклайди.

– Имм... – Нуриддин титраб кетди. Вазиятни кўз олдига келтириб, ўзини қўярга жой тополмай қолди. – Туш кўриб, алахсираган экан-да.

– Шугина эмас, кейин билдик, асли эси пастрок, кирди-чиқдиям экан.

– Оббо, нега уни соғ одамлар орасига қўйганлар?

– Ҳамма гап шунда-да, ака, бефаросат дўхтирларни иши-да бу.

– Ўшанда онам ёмон кўрққанлар, юраклари шикастланган, демокчисан, а? – деди Нуриддин ўйланкираб. – Тўғри, кўркув-ёмон. Мен ҳам шу фикрга келган бўлардим. Хўш, кейин-чи?

– Икки кун аҳвол шундай давом этган. Келинчакнинг бу қилигидан бир бемор шайтонлаб қолган... Ўзига келмаган... Шундан кейингина телба келинчакни олиб кетганлар. Онамни мазалари кочган.

– Нега мени чақирмадинглар? – Нуриддин яна аччиғланиб, укасига хўмрайиб қаради.

– Сиз қиладиган иш йўғиди, ака, кейин онамни икки кишилик яхши палатага ўтказтирдик. Қўшимча дорилар, уколлар ишлатдик. Соғайиб қолувдилар...

– Балки босим ўшанда кўтарилиб кетгандир? – дедию Нуриддин Носир дўхтирнинг эрталаб айтган сўзларини эслади: паст босимга ўрганган томирлар, вужуд ортикча босим кўтарилишга тоб бериши қийин. Бу кўпинча инсультга олиб келади. Унинг шакли ҳар хил, оғиридан қутилиш мушкул. Ортиқча таъсирланиш-қувониш ҳам, кучли ғазаб ё ҳаяжон, ҳатто ҳожатхонада жиддий кучаниш ёки оғир юк кўтариш ҳам шундай вазиятларга олиб келади...

– Ундан кейин қирк кун ўтибди. Бошқа таъсирлар ҳам бўлганми, дейман, а, Бахриддин, нима дейсан? Уйда, ҳовлимизда қанча муаммолар қалашиб ётибди.

– Йўғ-е, онам учун муаммо йўқ-ку, – эътироз билдирди Бахриддин. – Келганларидан бери эъюзлашган. Яна ким билади дейсиз, буни аста-секин аниқлаймиз. Ҳозир эса... – дедию Бахриддин умидсиз бош чайқади, – онамни аҳволлари жуда оғир...

Нуриддин яна Носир дўхтир билан эрталабги суҳбатни хотирида жамлади, ўзича мушоҳада қилди.

– Наҳотки... укажон... – у Бахриддинни бағрига босди, кўзларидан тиркираб ёшлар отилди. – На... наҳотки онамдан айриламиз...

– Ундай деманг, ака...

– Мен Носирга ишонаман... – Шу топда шифокор дўстининг сўзлари қулоқлари тагида тақрорланди гўё:

“Хафа бўлманг, ака, сизга айтишга мажбурман: бунақа касалликда ҳозирча юзтадан биттаси омон қолмас... буям камдан-кам ҳолларда насиб қилади. Бу, одатда, уч ё тўрт кунда бир ёқлик бўлади...”

“Ўша битта имкониятни топса бўладими, Носиржон? Фараз қилинг, онам – сизнинг онангиз...”

“Ҳалиям шундай...”

“Ҳамма имкониятни ишга солайлик”

“Ёмони шундаки, холамни ҳозир қўзғатиш мумкин эмас, бош имконият ҳозирча шу, холос...”

Нуриддин ҳафсаласи пир бўлиб, дод деб юборишга тайёрдай, ўзини кўчага урди. Кимдандир нажот излаётганга ўхшарди. У ҳамон тиш олдиришу томоқ оғриғи таъсиридан онаси шу аҳволга тушган, деган мулоҳазадан чиқиб кетолмас, бу дард ўтиб кетишидан умидвор эди. Айни шу топда “тез ёрдам” машинасида ҳайдовчилик қиладиган, оила дўсти бўлмиш йигитга унинг кўзи тушиб қолди. Йигит Нуриддин билан сўрашиб бўлгач:

– Район реаниматсия бўлимининг бошлиғи зўр дўхтир, шунақа беморлардан кўпини даволаган, – деб қолди. Бу гап сувга чўқаётган кимсага қутқарув тахтаси улоқтирилгандай нажот бахш этди.

– Укажон, ўшанга бориб келсак, сизга малол келмайдими?

Йигит иккиланиб ўтирмай ўз машинасини йўлга бошлади. Дам олиш куни бўлгани боис шифокорни уйдан, туман марказидаги шинам ҳовлисида топдилар. У Нуриддинни яхши танир экан, фиროғ-димоксиз, самимий қабул қилди. Бемор аҳволини суриштирди.

– Инсульт бўлса, кийин экан, – дея у бош тебратди.

– Шояд кўлингиз енгил келиб, халоскор бўлсангиз, – илтижо, умидворлик билан у таникли шифокорнинг лоқайд кўзларига мўлтираб қаради. Бунақа одамлар ҳақида мушук куруққа офтобга чиқмайди, қабилда кўп эшитган. Лекин ҳозир бу борада нима дейишга ҳайрон эди. Шундай эса-да, кўнглидагини сездириб қўйгиси келди. – Бир умр эсдан чиқармасдим. Хизматизга донм тайёрман, ука.

– Нималар деяпсиз, ака? – деди шифокор хижолат аралаш. – Ахир бу бурчимиз-ку! Ёрдамим тегса-шуни ўзи муқофот эмасми?..

Бу гапларни у юракдан чиқариб айтдию шоша-пиша ҳовлисига қайтиб кирди. Кўп ўтмай, ўзига зарур асбоблар, яна дори-дармонлар олганча, йўлга шай ҳолатда чиқди.

НАЖОТ ФАРИШТАСИ

Янги келган шифокорга Роҳила ҳам, ундан таъсирланиб, Ҳилола ҳам нажот фариштасидай қарадилар. Улардаги жонланиш Нуриддинга ҳам кўчди. Шифокордаги ҳар бир ҳаракат маъносини гўё унинг кўзларидан укмоқчи бўларди. Чиндан ҳам таникли тиббий ходим бор билимини, тажрибасини ишга солиб, астойдил ҳаракат қиларди. Жуда эҳтиёткорлик ила, эринмай у нафас йўлларини тўсган балғамларни бемор оғзидан олиб ташлади. Нафас олиш ва чиқариш бир мунча енгиллашиб, хишиллаш йўқолди. Қўшимча уқоллар ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Қон босимни тобора пасайиб бораётган эди, муолажалар оқибатида қирқдан етмишга кўтарилди. Тирноқларда ҳам сал-пал қизиллик пайдо бўлди.

“Онажоним, бир соғайиб кетсайиз борми, бошимда кўтариб юрардим. Ҳеч кимга сизни ишонмасдим”, деган ўй Нуриддиннинг миясидан муттасил ўтиб турарди. Укаларнио сингилларининг ҳам чехраларида ёруғлик, умид шуълалари кўтарилди бошлади.

– Акажон, сизга раҳмат... – дея аввал Роҳила, сўнг Ҳилола катта акасини кучоқлаб, қувончли кўзёш тўқдилар.

– Йў-йўк, менга эмас... – Нуриддин довдираб, нажоткор томон ишора қилди. У шифокор эса ўзи мўлжаллаган ҳамма ишларни тугатиб, кетишга чоғланди, сўмкасини кўтарди.

– Сизга қанақа миннатдорчилик айтишга сўз тополмаяпман, укажон, – дея Нуриддин уни кучоқлаб, бағрига босди. – Сал бўшасам, ёнига ўтаман.

– Бизни ҳаётимиз, касбимиз ўзи шу, ҳеч хижолат чекманг. Мен бирор ортиқча иш қилганим йўк, – деди у. – Агар хоҳласайиз, холани ўша ёққа, реаниматсия бўлимига олиб кетамиз.

– Қанийди шундай қилсайиз, дўхтиржон! – дея Роҳила жонланиб, шифокорга нажоткорона, мўлтираб тикилди. – Доним врачлар назоратида бўлардилар.

Шифокор Нуриддинга нима дейсиз, маъносида саволомуз қаради. Нуриддин эса, дафъатан лол қолди. У Носир дўхтир айтган гап таъсирида онасини кўзгагиш мумкин эмас, деган ўйда эди. Бу шифокорнинг фикри ундаги умидни янада кучайтирди. Шундай эса-да, умидворининг бу борада ўз фикрини, аниқ хулосасини билгиси келди:

– Сиз, ўзингиз нима дейсиз? Шундай қилсак, яхши томонга бурилмиш бўладими? Яшаш-ларига имконият кўпаядими?

– Бир нима дейиш қийин, ака... – шифокор яна ўйга чўмди. Унинг ўзида ҳам қатъий ишонч йўқлиги аниқ сезиларди, “чиқмаган жондан умид...” дейдиганга ўхшарди. – Албатта, имконият яхшилаблади. Лекин кафилик бериб бўлмайди. Кўзгагишлар... йўқ, яхшиси, бу ишни сал кечиктирайлик. Бир оз тузалсинлар, кейин вазиятга қараб иш тутармиз. Бирок осойишталик сақланиши, кириб-чиқишлар тўхталмиш зарур.

Аммо кейинги топширикни адо этишининг иложи йўқлигини вазиятнинг ўзи кўрсатди. Шуни ўйлаб Нуриддин, оғир бемор албатта шифохонада ётиши зарур экан-да, деган хулосага келди. Онасининг аҳволи, ўлим билан кураш олиб бораётгани ҳақидаги гап ҳамма яқин кишиларга етиб борган, шу боис келиб-кетувчилар кети узилмас, уларни ичкарига киритмасликнинг иложи топилмас эди. Шундайлардан биттаси дарвозадан кириши билан ўзини тутолмай дод солиб:

– Холажонимга нима бўлди? – дея йиғлаб юборди. – Нимага уйда ётибдила? Шунча ўғиллар, шунча қизлар нима қилиб ўтирибсизлар?

Таъна тошлари, шубҳасиз, Нуриддиннинг юрагини кўпроқ илма-тешик қилар, у ҳам ўзини тутолмай нажотсиз қолган каби ҳар ён тўлганарди, уни ичкарига киритмаслик учун ҳар хил гаплар ила аврашга уринарди. Бирок холавачча бу ҳаракатлардан қаттиқ озорланди, ўзини бегона кўрилгандай қабул қилди. Шунга қарамай, жўрасини суриб, ичкари кирдию холасининг хушсиз ётганини кўргач, хик-хик йиғлашдан ўзини тиёлмади. Нуриддин тенгдош холаваччаси билан сенсираб гаплашар, лекин бир-бирларининг хурматларини ҳам ўрнига қўйишар, тўқнашувлар юз беришидан сақланишар эди. Ҳозир ҳам Нуриддин унга эътироз билдириб ўтирмади-да, қўлидан тутиб, аста ташқарига етаклади.

– Гапнинг жуда тўғри, – деди сўнгра ўзи ҳам ҳикиллаб. – Онам учун ҳар нима қилсак, камлик қилади. Лекин у кишини кўзгагиш мумкин эмас экан-да, осойишталик зарур экан-да. Райондан ман-ман деган дўхтирлар келиб, қўлидан келганича уриндилар. Шоядки...

– Қишлоқ дўхтириминан шаҳар дўхтири барабар эмас-да, Нурдин. Бухородан, Тошкандан зўрларини чақирмиш имконларинг йўқми?

Нуриддин ўйланиб қолди. Холаваччасининг гапида жон бор. Нега шуни аввалроқ хаёлига келтирмади? Фафлат босдимми? Ҳозир ҳам уриниб кўриш керакмикан? Ҳечдан кўра кечи ҳам афзал дейилади-ку?

Шу фикр унга қувват бағишладию дарҳол укалари Баҳриддин ҳамда Фазлиддинга маслаҳат солди. Чунки, бу осон иш эмас эди. Қун ҳам тугаб борар, боз устига, дам олиш кунни эканлигини ҳам назардан қочириб бўлмасди.

– Носир ака нима деркин? – ўйланиб жавоб қайтарди Баҳриддин. – Қаердан кимни чақирмишми у киши яхши билсалар керак...

– Ҳа-я... – Нуриддин ўйлаб ўтирмай кичик укаси билангидан тутди. – Фазли, укажон, велингингни миң, Носирни бошлаб кел.

– Униям безор қилиб юбордик-да, ака, – сал мулоҳаза юритиб деди Фазлиддин. – Малол келмасмикан?

– Ҳозир малолни ўйлайдиган пайтми? Ўзим бораёми? Оёғига йиқилишгайм тайёрман.

– Ундай деманг, ака, Носир ака оғинадиган одам эмас...

Баҳриддин гапи тугар-туғамас Фазлиддин йўлга тушди. Ярим соат вақт ўтар-ўтмас Носир дўхтир ўз машинасида етиб келди. Аслида Нуриддин уни марказдаги айрим профессорлардан ҳам баланд кўяр, унга ихлоси жуда юқори эди. Бунга кўп марталар отасиё онасини энг хавфли вазиятлардан қутқазгани, ташхислари асосан тўғри чиқишлари сабаб эди. Билим ҳамда тажрибанинг ажиб тарзда биригиб, самара беришини шу йигитда кўрарди, унга меҳри ортиб борарди. Аммо туман марказидан ўзи бошлаб келган шифокорнинг ишларини кўрганидан сўнг ҳадеб бир кишига ёпишиб олиш шарт эмас, ўткир тиб билимдонларию тажрибакорлари бошқа ёқларда ҳам бор, деган иддао миёсида айлана бошлади.

Носир дўхтир вазиятни, не мақсадда яна шошилмиш чакиртирилганини Фазлиддиндан суриштирган шекилли, ака-укалардан бирор нима сўраб ўтирмасдан асбобларини

кўтарганча олдинга тушди. Нуриддин индамай унга эргашди. Онасининг юмик кўзларига, аввалгидан ҳам оқаринкираган юзларига назари тушиб безовталанди. Шифокор ҳам бемордаги ортаг кетишни дархол пайқади. Баданда сарғайиш аломатлари кўзга ташланган, тирноқлар қорамтир тусга қирабошлаган, чеҳрада сўлгинлик кучайган эди. Носир беморнинг қовоқларини кўтариб, қорачиқларига қараганда анча кенгайиш юз берганини, маъно бир мунча йўқолганини Нуриддин ҳам қалбан ҳис этдию лол қолди. Дўстидан бирор нима сурашга бир лаҳза журъат этолмай турди. Шифокор эса назарини бемордан узмасдан, ҳолатни бошқаларга сездирмасдан нималарнидир ўйладию сўмкасидан дорилар чиқариб, Роҳилага кўрсатма берди. Яна уқоллар бошланди.

– Бечора янгагинам, баданлари илма-тешик бўлиб кетди-я, – деган аммасининг шивири қулогига етиб, Нуриддин хушёр тортди ва ялт қаради. Ҳаммага меҳрибон, озғин, касалманд кампир бош тебратганча: “Бас энди, қийнаманглар”, дегандай қўл чайқади. Нуриддин шифокорга юзланди. Носир садо бермадию Роҳилага ишингизни қилаверинг дегандай ишора қилди.

– Носиржон, бир гап айтсам, кўнглизга олмайсизми? – деди Нуриддин сўнги муолажалар тугаб, ташқари чиққанларидан кейин шифокорга.

– Тортинмай айтаверинг, ака, – Носир сергак тортиб, онаси хусусида мислсиз қайғураётган олимга ташвишли назар солди.

– Бухородан ё Тошкентдан бирорта зўррок, соҳа профессорини чақирсак, нима дейсиз? Шунга имкон борми?

Шифокорда қандайдир озорланишга ўхшаш яширин ҳолат қалққанини Нуриддин пайқади. Лекин Носир буни дархол инкор этди:

– Имкон бор. Хохласайиз ҳозир касалхонага бирга борамиз, санавиатсия оркали профессор сўраймиз. Бизни домлалар бор.

Шу пайт меҳмонхонадан чиқиб келаётган Маҳмуд амаки шифокор билан сўрашиб, суҳбат бўлинди. Ўз дарди билан овора Нуриддин эса амакисининг сўзини тўхтагиб, врачга мурожаат қилди:

– Унда шундай қилақолайлик, Носиржон. Вақтни ўтказмайлик.

– Марҳамат, мен тайёрман.

– Нима кимокчисила? – Амаки жиянга юзланиб, сўради.

– Тошкентдан профессор чақирамиз.

– Ўв, манга қара, жиян, – чол Нуриддиннинг билагидан тутди. – Онангни мунча қийнамасанг. Ўша прописсоринг худо эмас-ку? Манман деган пошшоларам, министриларам ўшалар қўлида ўлмаётими?

Бир нафас сукут ҳукм сурди. Баҳриддин биринчи бўлиб жимликни бузди: амакисини ёқлади-бош силкиб маъқуллади. Акаси ҳам шундай ҳоллар тез-тез юз бериб турганини эслаб, ўйланиб қолди. Лекин умидворлик туйғуси уни ҳамон тарқ этмас эди.

– Онангни қийнайверишдан наф чикса-ку, майли, ўрнига тушар, локин... нима дейсиз, дўхтиржон?

Носиржон индамай елка қисди.

– Ахир мана шу дўхтиримиз ҳам прописсорингдан кам эмас, жиян. Ман касал бўлиб кўрганам йўқ, одамлар шундай дейди... Яна ўзинг биласан...

Амаки жавоб ҳам қутмай йўлида давом этди. Носиржон ҳали айтган сўзини ижро этиш мақсадида кўча сари йўналди. Нуриддин унинг билагидан тутиб тўхтатди:

– Билиб турибман, Носиржон, юзимни қилиб, сўзимдан қайтармаяпсиз...

– Бемор эгаси ўзингиз, ака, кейин надомат чекиб юрманг, дейман-да.

– Сиз менга дангал айтинг: уринишимиздан натижа чиқадими?

– Бир нима деёлмайман, ака, мени тўғри тушунинг, сизни йўлдан қайтаришга ҳаққим йўқ...

Нуриддин уф тортди. Негадир кўз ўнгини қоронғулик чулғагандай бўлди. Бу дамда кун ботиб, шом қўнган эди.

– Мен сизга ишонаман, – деди у ниҳоят шифокор дўстига. – Фақат дадил гапирмаётганиз менга унча ўтиришмаяпти.

– Бор имкониятни қилдик, ака. Шояд... – у сўзининг давомини айтмади. Ёлғон гапиргиси келмади. – Маҳмуд амакимни гапига қўшилгим келади. Лекин сиз нима десайиз...

– Майли, бу ёғига Худо пошшо, ўзи шифо берсин. Раҳмат сизга...

Муолажалар ўз таъсирини кўсатди шекилли, кечки соат тўққизларда беморда анча ўзгариш сезилди. Онасининг ҳар дақиқадаги ҳолатини суриштириб, билиб турган фарзандлар калбида ҳам умид чироғи липиллай бошлади.

“Дорилар кучини кўрсатиши керак, – дерди Нуриддин ўзига ўзи умидворлик билан. – Сал соғайсинлар, кейин ўзим биламан нима қилишни. Энди хато қилиш мумкин эмас!.. Аста-секин соғайсалар керак, онам кучли..”

Шу фикрни тасдиқлаган каби ичкаридан Ҳилола чиқиб, акасини янада қувонтирди:

– Онам анча яхши, ака, гапирмоқчиам бўлоптилар.

– Ростданми? – Нуриддин шошганча уй сари юраркан, кўшиб қўйди. – Йўқ, Ҳилол, онамни гапиртиришга уринманглар. Ҳали эрта.

У Роҳиланинг кўзларида қувонч ёшларини кўриб, онасининг биқинига тиз чўқдию беморнинг чеҳраси аллақандай ёришганини, юзларига нур ёйилганини ҳис этиб, ўзининг ҳам кўз ёшларини тиёлмади:

– Хайрият... Онажон... – деди аранг. – Ху-худога шу-шукур...

Онаси жағ қоқиб, нимадир демокчи бўлди, ҳатто кўзларини ярим очди, қувват етишмадими, яна юмди. Бундан ўғли ўзича хулоса чиқариб:

– Онажон, безовталанманг, ҳаммамиз ёниздамиз, худога шукр, энди тузаласиз, – деди ва уйдагиларга қаради: – Онамга осойишталик керак. Гапираман деб куч йўқотподилар. Икки киши қолсин. Ҳар икки соатда ўрин – алмашамиз. Қани, ҳозир кимлар навбатчилик қилади?

Ҳеч кимнинг кетгиси йўқ, қолаверса, Нуриддиннинг ўзи ҳам бирор қадам жилишни истамайди. Ахир бунинг беморга нима нафи бор? Боз устига, тун яримлаб қолди. Эртага кўпларга иш қуни. Шунини ўйлаб Нуриддин ташаббусни ўз қўлига олди:

– Аммам билан Ҳабиба қола қолсин, бошқаларга ҳозирча жавоб. Майли, менгаям. Икки соатдан кейин уйғотасизлар.

– Ака, мендан ташвиш тортманг, – Роҳила акасига ўтинч, илтижо ила мурожаат этди. – Аммам дам олсинла, ўзим қоламан, Ҳабибаминан иккаламиз.

Ҳабиба иккинчи сингил, анча олисдаги туман марказида бошланғич синф муаллимаси, тиббиёт ишларигаям жуда кизикади. Дадиллиги шунақа лаҳзаларда иш бериши ҳеч гап эмас. Ўзи тўғри деб билган ишдан, сўзидан қайтариш жуда маҳол. Чарчашни ҳам билмайди. Шу жиҳатларини ҳисобга олиб, акаси уни посбошликка танлаган эди. Аммасида эса тажриба бор. Бирок етмиш ёшдан ошган, анча заифроқ аёлни кийнаш нимага керак, деган ўйда у синглиси фикрига кўшилди.

Ташқарига чиққанларидан сўнг шаҳарда яшайдиган укаларини ёнига чорлади-да:

– Худога шукур, онам тузалиш томон бороптилар, – деди уларга қарата. – Шавки, Ҳусни, Баҳри, эрта ишга боришларинг керак, а?

– Мен кетмишман, – деди дангал Баҳриддин. – Иш-пиш кўзимга кўринмайди.

– Ихтиёринг...

Ҳадемай Ҳусниддин машинани ўт олдириб, йўлга отланди. Баҳриддин бемор ётган уй рўпарасидаги кичкина хонага кирди. Нуриддин жуда қарахт ва чарчаган эди. Онасидан кўнгли бир оз хотиржам тортгач, кўзлари қисилиб ётгиси келаверди. У отаси ҳамда амакиси ётган меҳмонхонага кирдию қатор қилиб солинган ўринлардан бирига чўзилди.

– Онам энди ўлмайди. Ё Оллоҳим, ўзингга, онамни қайтариб бераётганинг учун беадад шукрлар қиламан, – дея лаблари шивирлади. Айни шу топда бундан уч ой аввал, антиқа муолажадан кейин онаси тушган вазият кўз ўнгиде жонландию ўзи айтган сўз амалга ошадигандай туюлди.

Онасини Тошкентга олиб келганидан сўнг ўз ҳолига ташлаб қўймади, албатта: ҳар хил тоифадаги шифокорларга кўрсатди, текширувлардан ўтказди. Бир профессор ошнаси ошқозон ҳам жигар учун туркона-қўлбола дори тайёрлаб берди. Ўша дори онасига анча наф қилди-қабзиятни яхшилаб, жигилдон қайнашини тўхтатди. Шу орада хоразмлик экстрасенс киз Муяссар Шарипова пойтахтга келиб, сеанслар ўтказаяпти, деган овозлар тарқалиб қолдию Нуриддин ўша кизни топишга киришди. Таниш-билишлар воситасида уни уйга таклиф этди. Чиндан ҳам табиб кизнинг талабгорлари жуда кўп экан, вақти нуқтаи назаридан бошқа бир неча беморларни ҳам униқиде кўришга қарор қилди. Аввал бегоналар ҳожати чиқарилгач, Нуриддин уни онаси ҳузурига олиб кирди. Юмшоқ курсига ўтказиб, изига қайтди. Дарҳол табиб билан бемор ўртасида суҳбат бошланди. Ёшгина кизчанинг бу

қадар шухрат қозониши, ажиб муолажа усули, дардлардан қутилган беморлар миннатдорчиликлари уни ҳайратга солди. Лекин, қизиқ, онаси нега унга илтижо қиляпти, ялиняпти:

– Жон қизим, йўқ дема, Худо хайрингни берсин.

– Сизни дардиз эскійкан, тушунинг, холажон, ман даволай олмаймаман, – дер эди Муяссар юмшоқ, майин товушда. – Дўхтирларга қаратинг.

– Дардгинангни олай, қизим, кўйним сезиб турибди, сандан наф кўраман.

Нуриддин бунақа бўлишини сира қутмаган эди, нима қиларини билолмай эшик ортида бир лаҳза ўйланиб қолди. Онасининг ноумид бўлиши, руҳи тушиб кетиши дилига ғулгула солдию ичкари кириб, табиб қизга илтимос қилди:

– Муяссархон, онам сенга қаттиқ ихлос қўйганлар. Ихлосия – халосия, деган гап бор. Агар оғирлик қилмаса...

Қизча иккилана-иккилана муолажасини бошлади: бармоқларию қафтларини беморга яқинлаштириб, узоқлаштириб, турли ҳаракатлар қилишга киришди. Нуриддин яна хонани тарк этди. Салдан сўнг онаси қизарган, терга ботган ҳолда меҳмонлар ёнига кирди. Ўғли ҳамда келини ҳол сўраганда:

– Жуда яхши, балажонларим! – деди кўзлари порлаб.

“Демак, фойдаси тегибди-да, – деган ўй кечди ўғилнинг хаёлидан. – Унда нимага рад этдийкан? Балки бирор жумбоқ бордир?”

У ўзини ҳам табиб қизга кўрсатгиси келди-кўпдан буён қийнаётган уйқусизлик дардидан қутилишни мўлжаллади. Бу ишга киришишдан аввал Муяссардан онаси ҳақида суриштирди. Қиз аниқ жавоб беришдан қочдими ёки чиндан-да, даволашга кўзи етмадими, аввалги жавобини такрорлади. Кўп гапириб, эзмалик қилишни ёқтирмас экан, бошқа савол қутмай қўл ҳаракатларини бошлади. Бирок Нуриддин ўзида қандайдир ҳолат ўзгариши сезмади. Қайтага ўша кеча уйқуси бадтар ёмонлашди.

ЖУМБОҚ

Қаттиқ чарчаган, руҳий эзилган эса-да, Нуриддиннинг уйқуси келавермади. Яна табиб қизалоқ хаёлида ўралашаверди: “Наҳотки Муяссар онамнинг анча абгор бўлганини, вужуди ишдан чиққанини сезган? Нега ўзимга ҳам айтмади? Бунақа нарсаларни айтиш таъқиқланганмикан? Жиддийроқ уринмадим. Онамнинг дарди жумбоқ бўлиб қолди. Аммо онам... Қизиқ...”

Ўшандаги келишув бўйича Муяссар бир ҳафтадан сўнг Нуриддиннинг уйига яна ташриф буюрди. Жуда кўп беморлар, ҳатто айрим шифокорлару ҳамширалар ҳам табиб қиз ҳузуридан бошқача бўлиб чиқдилар, вужудларида жимирлашлар юз берганлигини айтдилар. Шифо топганлар ортиб борган сари қизнинг доврўғи ҳам ошиб, шов-шувлар кўпайди. Нуриддиннинг ўзи ҳам қойил қолганлигини ҳеч қимдан яширмай, қизчани ташвиқ қилишдан ҳам қайтмади. Аммо миясининг қайсидир нозик толалари ичида кезадиган фикрга қулоқ солса, жўнгина жавоб билан қутилиб қоларди: шунчаки ихлос, ишонч одамга руҳий қувват бахш этади. Ўша кўтаринки руҳ-қувват зарби қонни кўпиртиради, қучли ҳаракатга келтиради. Оқибатда шиддатли оққан қонлар йўлидаги ғуборларни, қуйқа, тикмаларни суриб кетади-вужудда ўзгариш ясайди.

– Тўғри, шундай бўлиши мумкин, – дея Нуриддин ўзича пичирлайди ва дарҳол инкор этади. – Лекин ўзинг-чи? Энди уйқусизликдан қутуламан, дея ихлос билан ҳузурига кирмадингми? Ҳаяжон билан курсига ўтирмадингми?

– Ҳа, шундай бўлди. Лекин муолажа вақтида ҳеч қандай жимир-жимир сезмадинг, – дея иккинчи, аллақандай кўринмас вужуд гўё садо берди. – Умуман, бунақа нарсалар ҳеч қачон сенга таъсир этмагани эсингдан чиқдими? Игна санчиб даволанишдаям синовдан ўтгансанку? Балки бу қизча сени англар...

– Ўнг тарафизда, жигарда ишқал бор, – дея Муяссарнинг ишончли, майин овози таралди. – Ичакларда эски дард кўрinnaди...

“Ёпирай, қўлини тегизмасдан, бир газ наридан тўғри айтаяпти...”

– Буйракда шамоллаш сезилаёпти... Юрак чарчаган...

– Рост, синглим... – деб юборди Нуриддин қойил қолганини билдириб. – Даволаса бўладими ишқилиб?

– Худо хоҳласа... Яна икки марта муолажа зарур бўлади. Шифони Худо беради. Биз бир сабабчи... Дардниям ўзи беради...

Мактаб ўқувчиси бўлган кизалок тилидан Худо номи тушмаётгани бу замонда, хусусан, қайта қуришга киришган жамиятда нечоғлик жасорат эканини Нуриддин ичдан тан олди. Қолаверса, бу калима болаликдан нурдек пичир шаклида ўзининг ҳам вужудида кезишини инкор этмайди. Шу бонс Муяссарни рағбатлантиргиси келди:

– Қўлинг дард кўрмасин, синглим, Оллоҳ ишинга барака берсин...

Бирпасдан сўнг у табибу ҳамроҳларини кузатиб, кўчага чиқди. Индинга аини шу маҳалда улар яна келадиган бўлишди. Нуриддин асосан онасини ўйлаб, Муяссарга яна келишини илтимос қилган эди. Ўзида эса ҳамон иккиланиш жараёни ҳукм сурарди. Қизик, муолажага кирган катта ўғлида ҳам яққол ўзгариш кузатилган. Қизнинг қўл ҳаракатлари чоғида ўғлининг баданида нималардир ўрмалагандай туюлган. Бурни битиб, нафас олиши кийинлашиб юрарди, очилиб кетибди, нафас олиши равошлашибди. Онажони-чи? Ўзларини қўйгани жой тополмайдилар. Терга пишганлар...

Бекатда шулар ҳақида ўй сураркан, негадир совкотаётганини ҳис этди. Ажабо, ҳаво илик, шамол йўқ, осмон тиник, юлдузлар чарақлаган... Шамоллашга асос борми?.. Ўрнидан туриб, у ёқ-бу ёқ юра бошлади. Барибир эти жунжикиб, титроқ кучайди. Троллейбус тўхтаб, ундан Ҳилола тушди:

– Кўп кутдизми, ака?

– Чорак соатча. Меҳмонни кузатиб, бу ёқка сени кутиб олишга келдим, – ҳеч нима бўлмагандай, хотиржам жавоб кайтарди ака.

– Меҳмон? Ким келди?

– Муяссар келиб кетди.

– Ростданми? – Ҳилола таққа тўхтаб, акасига юзланди. У акасидан қувонтирадиган, хаяжонли жавоб кутар эди. – Онамни кўрдими? Нима деди?

– Онамни дарди врачбоп эмнш.

– Ээ, акаа... Энди нима бўлади? – Ҳилола йиғламсираб, судраб кадам ташларкан, жуда эзгин овозда қўшиб қўйди. – Унга жуда ишонувдилар...

– Барибир муолажа қилди. Ўзлари айтдилар, кучли таъсир қилганмиш...

Ҳилола онасидаги тетикликни кўриб, қувониб кетди, киприкларидан бир неча томчилар сирпанганча онасини кучиб, она бағридан ўзини бўшатмай жим котди.

Эртаси кун ҳақиқатдан ҳам Шамсия буви ўзини бағамом соғайгандай ҳис этди. Онадан хабар олиш учун келган Роҳила ҳамда Фазлиддин билан биргаликда ярмаркадаги магазинларни айландилар, ҳатто “Қозоғистон” кинотеатрида бўлаётган хинд фильмига болаларини неваралари билан бирга боришга майл билдирдилар. Нуриддин орага тушиб, рад этди:

– Бирданига кўп юриб юбордиз, онажон, чарчайсиз.

– Кучимга куч қўшилопти, бачам. Шунча юрсам ҳам чарчамадим. Тўртинчи каватдан икки марта пастга тушиб, дам олиб-олиб чиксам ҳам латга бўлардим-колардим. Соғайганим шу-да, бачам. Муяссарни Худо манга етказди.

– Тўла соғайинг, ўзим бунақа киноларга, театрларга кўп олиб бораман, хўпми, онажон.

Шамсия буви Муяссарнинг учинчи муолажасидан кейин ўзини янада тетикроқ сезиб, гўё буткул соғайгандай эди. Бирок Нуриддиннинг мазаси кочди. Бундан у жуда ажабланди. Кейинроқ маълум бўлдики, у тузуккина тумов-гриппга йўлиққан экан. Дори-дармонлар ила муолажалар бошланди. Онасини укаси билан жўнатганидан сўнг ёзувчилар боғини макон тутди, юрагига малҳам топди. Аммо кўп ўтмай шум хабар...

Шунн эсладию у ўйлашдан тўхташга уриниб, ағдарилди, кўзи илинди, чоғи...

ҚОРА ТУН, МУДҲИШ КУН

Мизғиб, туш кўрдими, хаёл элитдими ёхуд чиндан-да эштилдими-аввал олисдан таралгандай гўнғир-гўнғир овозлар қулоғига урилди. Кейин, сал ўтмай, хона чироғи “чирк” этиб ёқилди. Кўзи беихтиёр очилиб кетган Нуриддиннинг юраги “шув” этиб кетди: “Наҳотки яна мазалари кочган бўлса... Агар посбонликка бориш учун уйғотишса, чирокни ёқмай, секин туртиб қўярдилар...”

– Ма-мазалари кочдими? Яна... – у сўзининг давомини айтолмай устол ёнида эзилган кўн тик турган Бахриддинга аграйиб қаради. Жавобни ҳам кутмай туришга интилди, кўзгалолмади. Унгача отаси билан Фазлиддин ҳам уйғонди. Бошқа тўшақлар эса бўш турар, ҳовлининг йирик лампални чироғи ҳамма ёқни ёритиб турарди.

– Туринглар, онам...

– Нахотки? – дедию Нуриддин коронгулик каърига, йўклик оламга чўкиб-шўнғиб бораётган каби сездн ўзини. – Туш... туш кўраётганим йўкми?

– Оббо... Шунча дорилар, уринишлар кор килмабди-да, – деди отаси ранги оқарганча ўрнидан туриб кийинаркан.

Нуриддин ҳам довдираганча, тебрана-тебрана кийинаркан, ўзи билан ўзи хаёлан олишарди: “Гумрохлик килдим-а? Ҳаловат топгилари, маза килиб ухлагилари келибди-да... Онаизор у ёқда ўлим билан олишиб ётибди, сен карахтман деб алданибсан-да. Онанг учун бир неча кун ухлмасанг, ўлиб колардингми? Сўнгги сўзларини, сўнгги ҳолатларини... эҳ, гумрох! Энди соғаядилар, деб яқинларини қувганинг-чи? Нимага гафлатда колдинг?!”

– Яқиндагина, ўнта кам бирда жон бердилар, ўз кўлимда, – дерди Бахриддин титрокли, дардли овозда.

Нуриддин бу гапдан гўё хушига келдию туш кўрмаётганига, воқеалар хаёлида кечмаётганига ишониб, ўкраб йиғлаб юборгисн келди. Аммо бу лаҳзада, тун ярмида баланд овоз чиқариш, одамларни безовта қилиш мумкин эмаслигини эслаб, ярим гандираклаганча тўрдаги уй сари юрди. Ажабо, ундан, Фазлиддин ҳамда отасидан бўлак ҳамма ўша срда, мархума рўпарасида. Остона хатлаб, уларни не алфозда кўрдию ўзини тутолмай беихтиёр инграб юборди-бутун вужудини ларзага келтирган айрилиқ ҳисси, мислсиз ўқинч пўртана янглиғ юзгага отилиб чиқди. Аммо пўртана мустаҳкам қопқоқ-қучли масъулият пардаси билан бурканган эдики, бу дод солишга монелик қиларди. Шундай эса-да, у:

– Онажоним! . . . дея нидо килиб, онасининг совий бошлаган жасадини кучоклаганча юзларидан, пешонасидан қайта-қайта ўпди. Кўзларидан қайнок томчилар ёмғир бўлиб ёғилар, аммо тилида бирор қалима ҳам айланмай, нукул: “Онажон, онажон, нимага бизни ташлаб кетдиз, нимага?”, деярди, холос. Шу топда хатоси яна эсига келиб ўзини айблашга тушди: – Мен гумрох бўлмасам, анков бўлмасам, гўл бўлмасам, охирги лаҳзаларда сизни ташлаб кетаманми?! – У ўрнидан ногоҳ турдию укаси Бахриддинни бағрига босди:

– Жигаргинам, сенга тасанно айтаман, сени кўзларимга тўтиб қиламан, сени тавоф қиламан! Мен учун сен ҳозир гоят буюқ инсонсан, гоят ўткир, гоят сезгир зотсан! Сени юрагинг аввалдан ҳаммасини сезган! Мен лақма, гумрох бўлсам... хих-хих...

– Ундай деманг, акажон, – дея йиғи аралаш жавоб қайтарди Бахриддин. – Аслида онам охирги дамларини бизларга кўрсатгилари келмаган. Ҳаммамизга дам олишга руҳсат бериш учун бор кучларини йиғиб, ўзларини соғайгандай кўрсатганлар. Мен ҳам инониб, кичкина хонага ўтувдим. Узокрокка кетгим келмади. Салгина мизгидим чоғи, туш кўрдим-онам жон берибдилар. Додлаб йиғлаб юборибман. Уйғониб кетиб, шу заҳоти бу уйга ўтдим. Роҳила опам онамни оғизларига пахтада сув томизоптилар. Онагинамни ёнларига чўкдим.

– Шу сенга насиб қилган экан, укажон, – титраб, алам билан ҳикиллади Нуриддин. – Мен ҳузур-ҳаловат истаб, догда қолибман. Энди бошимни қайларга урайки, бир оғизгина сўзларини эшитсам...

– Биза ҳам сўзларини эшитолмадик, акажон! – Роҳила акасини кучоклаб, ички дард ила ингради. – Бир оғиз гаплариниям кўп кўрдилар!

– Юрак уришлари пасайиб, аста-секин сўниб борди. Кўзларини бир марта ярк очиб қарадилар. Худди шам лоп этиб ёниб, ўчгандай... Кейин бир марта “пуф” дедилару узилдилар. Азобдан, кийинчиликлардан қутулдилар. Манакларини ўзим боғладим...

Нуриддин яна инграб юборди. Ҳилола билан Ҳусния ҳам унинг икки ёнидан қучиб, бир-бирларига ёпишганча дард-алам билан фиғон чекардилар. Акаларининг давъати билан икки кичик сингил ҳам ўша кичик уйга ўтишган, чарчовлар таъсирида донг қотиб қолишган, энди улар ҳам ўзларини айблаб, сочларини юлишар, пешоналарига муштлашар эдилар.

Ҳусния – оиланинг ўнинчи фарзанди, уч чақиримча наридаги гавжум кишлоқда ўз оиласи билан яшайди, ёнгинасидаги мактабда тарих фанидан дарс беради. Гарчи онасининг дийдоридан сал-пал бўлса-да, тўйиб улгурган, шаҳардан келтиришган дамларданок волидаси бағрига отилган эса-да, сўнгги лаҳзаларда бирга бўлолмагани учун ўзини ҳеч кечиролмас, гафлат уйқусини лаънатлар эди. Опа-сингиллар фиғонига тоқат қилиш маҳол эди.

Нуриддин уларни йиғламасликка ундардию ўзи бетиним, сассиз кўзёш окизарди. Охири у чидолмай ўзини ҳовлига – ташқарига урди. У ўзини батамом йўқотиб, гангиб қолган эдики, бу ёйга нима қилишни, кимга нима дейишни билмас, супада у ёқдан бу ёқка сарсари тентирарди. Дод солиб йиғлашни бутун вужуди талаб қилаётганга ўхшарди. Шундай, бор вужуди билан йиғласа, онаси уйқудан уйғониб, қаршисида пайдо бўладигандай туюларди. Ахир икки соатча аввал мизғиб олиш учун уйдан чиққан чоғида умид учқунламаган эдими?

Ўшанда кекса юрак темирчининг боскони каби шиддатга кирган, кўкракнинг кўтарилиб тушиши яққол кўзга ташланарди. Бемор оғзини, лабларини ҳаракатлантиришга, тилини кимирлатишга уринарди, кўзларини очишга интиларди. Буни Нуриддин ўзича тушунди. Мана эндиги хулосаси бошқача: ўша лаҳзада онаизор ўнглолмаслигини сезгану сўнги сўзини айтишга, нималардир дейишга бор кучини сарфлаган. Лекин бош мияда қонга беланган майда томирчалар бунга монелик қилган.

Агар тажрибалирок киши бўлганида аҳвол чигаллашиб бораётганини аниқ сезарди. Нуриддин эса онасини авайлаш мақсадида осойишталикка эришган. Йўл кўйган жиддий хатосини энди у қандай тuzатсин, додини кимга айтсин? Вақтни орқага қайтариш, янги ҳаракатлар қилиш иложи йўқ. Ярим кеча: осмонда юлдузлар мўлтирайди, бутун кишлоқда соқилик. Фақатгина мана шу катта ҳовлида безовталиқ: хира чирок ёруғида мархуманинг яқинлари ғимир-ғимир ҳаракатда, гап-сўзлар ҳам гоҳида шивир-шивирга ўтади, йиғлашлар ҳам сассиз. Бу, аввало, атрофдаги ҳамсоялар тинчлиги бузмаслик, кейин воқеани маълум қилгунга қадар у-бу тайёргарлик ишларини битириб олиш учун мажбурий чекиниш, ўз-ўзини дафн этиш...

Кимдир ярим қақиримча наридаги дала шийпонига югурди. У ерда телефон бор. Сим орқали яқин-йироқдаги қариндош-уруғларга, икки соатча аввал жўнаб кетган фарзандларга хабар етказиш зарур. Яна кимдир ҳаракатни бошқарадиган қайвонию бригадирни, яқин кўшниларни уйғотишга олам жўнагди. Ҳадемай ҳовли гавжумлаша бошлади. Келувчилар асосан оиланинг яқин кишилари бўлгани боис сува чеккасидаги чорпоёда хомуш ўтирган хонадон соҳибини, сўнг фарзандларни бағриларига босиб, ҳикиллашар, ҳамдардлик билдиришарди, кейин мархума ётган уй томон ўтиб кетишарди.

Етмиш етти ёшни қоралаган ҳовли соҳибни Одил бобо кишлоқнинг обрўли кишиларидан саналади. Уни ўғилларию қизларигина эмас, кишлоқдаги қари-қартанглар ҳам, катта рўзгорларнинг эгалари бўлмиш эркаклару ёш йигитчалар ҳам яқин сирдошларидай эъозлашади, ҳеч тортинмай ўз дардларини чолга очик айтгаверишади. Одил бобо эса одам танламайди, каттами-кичикми, бир хилда, аммо вазиятга қараб, иложи борича қувнок оҳангда муомала қилади, ўз маслаҳатини аямайди. Ҳатто душманга ҳам адоват сақламайди, ёмонлик раво кўрмайди. Ичида сир сақлаб ҳам ўтирмайди-кўнглидагини вазият тақозасига қараб, дарҳол юзага чиқаради. Шу боис атрофидан одам аримайди. Хусусан, ёшлар кўпроқ парвона бўлишади, гоҳида бобони улфатчиликка тортишади. Улар учун Одил бобонинг эшигию дастурхони ҳамда чехраси ҳамини очик. Фарзандларидан бирортаси феълига зид боролмайди. Мабодо қайси бирида зикналиқ сезилса, у жиддий қаршиликка йўлиқади. Ютук отада кетади. Фақат кейинги чоғларда чолда баъзи ўзгаришлар юз кўрсатдики, бунга гўё “улфатлар” сабабчидай. Шундан Шамсия буви ранжиганмикан? Бу борада фарзандлар ҳақми? Балки бу машғум ўлимда отани ҳам айблашар?..

Чорпоя чеккасида ҳеч нимага аралашмай, жуда хомуш ўтирган Одил бобо эҳтимол шулар ҳақида ўйлаётгандир, балки камширини авайламагани учун ўзини ҳам бир чеккаси айбдор санар? Эҳтимол шу ўйлар билан бандлиги бонс келувчиларни у қадар пайкамай қолаётир...

Шуни сезган каби Баҳриддин отасининг ёнига секин юриб келди-да, гўё тасалли берган каби:

– Отажон, онам азоблардан қутулдилар, – деди. У ўз гапини чуқурроқ ўйлаб олмаган эди. Буни ҳар хил маънога йўйиш мумкин эди. Аммо оқ кўнги, меҳр-оқибатли Баҳриддин ҳозир таъаналар қилишдан жуда йироқлиги сезилиб турарди. Шу бонс отанинг жавоби ҳам айни ўрнига тушди:

– Бу ёлгончи дунёда яшаши ўзи азоблардан иборат. Лекин, барибир, яшаш ширин. Ҳич кимни ўлгиси кемайди.

– Бизани ҳузуримизни кўрмай кетганлари яхши бўлмади-да, ота.

– Аттанг... Онанг ёш кетди –эндигина олтимиш тўртдан ошувди...

– Хафа бўлманг, дугонамни умри қисқайкан, – дарвозадан кириб келган гўла, юзлари кип-кизил, думалоқрок, шиддаткор Қайвони хотин ҳамдардлик билдирди.

– Ночормиз, бандасини қўлидан ҳич нима кемайди.

– Ўшани денг, Носирим ҳаммасини гаприб берди, эсиз, эсиз, – Қайвони бош чайқадиган ўзига яқинлашиб, салом берган Нуриддинни бағрига олди. –Кўп уринибсилар. Умри тугаган экан-да, айланай.

– Фафлатда қолдик, холажон,– Нуриддин овозини кўтариб йиғлади. –Уринишимизни кеч бошлабмиз.

– Ундай деманг, айланай, жўрайиз ҳам караб ўтирмади, ўрнизни билдирмади.

– Ажал кегандан кейин ҳич ким сақлаб қололмайди, бачам,–деган отасининг овозида ҳам титрок бор эди.

– Рост айтасиз, Одил бова... – дедию Кайвони бир дам ўйланиб олгач, сўзини давом эттирди. – Асли дугонамга кўз тегди.

– Кўз?–Нуриддин ногох сергакланди. – Заифгина вужудларининг нимасигаям кўз тегди, холажон?

– Йўўк, айланай, Шамсия дугонам кеган куни заиф эмасиди. Рангиям кип-кизил, ўзиям гужумдайиди. Ўтган жума кунини айтаман–да, аммаваччайиз битган уйи учун хатми курьон ўтказди. Пешинда аёллар йиғилдик.

– Онам ўшанга бордиларми?

– Э-хе, боришам гапми? Бунақа очилиб-сочилганини аввал ҳич кўрмавдим. Шамсия мунақа гапдон эмасида, ҳаммани оғзига қаратди.

– Ростданми?

– Ҳа, айланай, ишонинг, сал-пал тортишиб қўл чўзган аёлларни уялтирди.

– А? Қандай? – Энди Одил бобо ҳам кизксиниб сўради.

– “Сизларминан етти ой кўришмадик, сизларни жуда соғиндим. Шу учун кўлминан эмас, кучоклашиб, ўпишиб кўришайлик”, деб, ҳар биттамининг бағрига босганини кўрсайиз... Келаётганимда шу қиликлари кўзимдан ўтиб: “Э, бевафо дунё, ўшанда биза билан видолашганакан–да”, дедим ўзимга, – Кайвони аёлнинг кейинги сўзлари йиғи аралаш эшитилди.

– Хатмдан келиб, кеча, шанба эрталаб киган ишларига нима дейсиз, Кайвони?

– Ҳали иш ҳам қилдиларми?

– Иш бўлиб, иш-ку, эмас, локин ўзига иш орттириб юарди-да, раҳмати, – Одил бобо афсуслангандай бош тебратди. Яна нимадир демоқчи бўлгандай лаб жуфтладю ўйланиб, жимиб қолди.

– Бирор нимадан жаҳллари чиққанми?..

– Кўй, буни суриштириш мавриди эмас, кейин биларсан.

Нуриддин яна ҳар хил гумонлар курвошида қолди, бироқ отасию укаларини ортик безовта қилмай Кайвони ортидан онаси ётган уйга кирди. Ҳамма тўю маъракаларда ушбу хонадоннинг азиз ҳамроҳи, Шамсия бунининг тенгдош дугонаси, Носир дўхтирнинг онаси бўлмиш Кайвони аёл остона ҳатлаши билан опа-сингиллар яна ўзларини тутиб туrolмадилар: бириси пиқиллаб, бириси инграб, бошқаси кўксига муштлаб, онажоним деганча овоз чиқаришди, Кайвонига ёпишганча нола қилишга уринишди. Бу ҳолат волидаси энди чиндан ҳам ўлганини эслатган каби Нуриддиннинг юраги орқасига тортиб кетди. “Онам энди йўғ-а, онамини энди ҳеч қачон кўролмаймиз-а”, деган ўйдан келиб:

– Онажон, онажоним! – деганча ўзини жасад устига ташлади. Унинг овозию ҳаракати қисилиб турган ҳаво – газга гўё ўт чакди-кучли портлаш юз берди ва ҳамма фарзандлару яқинлар дод солиб юборишди. Энди бу “ёнгин”ни, сўнгсиз дардли нидоларни ҳеч қандай куч тўхтатиб туролмас эди.

– Айланай, ўргилай сизлардан, – дея Кайвони илтижо қиларди, – ҳали жудаям эрта, сал сабр қилинглар ...

Ким эшитди, ким эътибор бермади бу даъватга. Кайвони қўл ҳаракатларидан қатта ака биринчи бўлиб, ўзига келди-да, укаю сингилларини тиқитишга уринди. Ҳар қалай, салдан кейин деярли жимиб қолишди. Нуриддин ўз қилиғи учун ўзини айблаб:

– Кечирасиз, холажон, чидаш қийин бўлопти, ўзимни тутолмадим,– деди. – Онажоним ҳузуримизни кўролмай кетдилар.

– На илож, бачам, бошга тушган кўргилик, ҳаммамизнинг бошимизда бор бу савдо. Лекин урф-одат...

– Эсиз-а... Одамлар уйғониб бўлгандир-а!

Аслида ҳушёрлик у ўйлаганчалик танобни қўйиб юборган эмас эди, йиғию нидолар бор овоз билан эмас, ички алам, дард билан, фиғон тарзида таралардики, қаттиқ уйкуга кетганлар буни сезмасдилар. Уйғонганлар, уйқуси зийракларгина эшитган бўлишлари мумкин эди. Буни Кайвони хола тушуниб турарди, аммо жуда қатта сув пўртана бўлиб, тўғонни бузиб кетиши – одагдаги улкан йиғи маросими бошлаб юборилишидан чўчирди.

Нуриддин соатига қаради. Ҳали тўрт ҳам бўлмабди. “Қизик, – ўзича ўйлади у. – Мен одамлар учун, ўзимни кўрсатиш учун йиғлар эканманми? Йиғлашим ўзимнинг дардим, ўзимнинг фиғоним эмасми?”

– Энди гап бундай, балажоним,– кайвони Нуриддиннинг тирсагидан тутди. – Урф-одатни кимаса бўмайди.

– Ҳа, албатта, нимаикн бўлса... – уф тортди у.

– Ман суриштирдим, келинлариздан биттаси ширчой килибди. Ичиб олинглар.

– Э, нималар деяпсиз, ҳозир ширчой ўгадимиз? – Ҳозиргина вилоят марказидан етиб келган Ҳусниддин эътироз билдирди. – Онам бунақа аҳволда ётсалару биз бемалол овқат еймизми, хола?

– Мани гапимни кайтарманглар, сал қувват бўмаса, судралиб коласизлар. Овоз ҳам чикмайди. Қани, бўлинглар, – Кайвони яна бош фарзанднинг билагидан тутиб, ошхона сари судради. Сўнг бош киз ҳисобланмиш Роҳилага обдон тушунтирди.

Катта хонадоннинг кўп аъзолари бунақа прим-сиримларни бошидан ўтказган эмас. Тўғри, канчадан-канча таъзияларга боришган, йиги-сигиларни кўришган. Аммо бевосита яқин одамлари, жигаргўшалари учун бунақа кўйга тушмаганлари бонс довдираб туришарди. Нуриддин қарийб тўрт мучал умрни яшаб кўйган эса-да, ханузгача овоз чикариб йиғламаган, буни тасаввурига ҳам сиғдиролмас эди. Иккала бувиси ҳам вафот этганда у Тошкентдан етиб келгунича марҳумларни тупрокка топширганлари сабабли ўзини синовдан ўтказмаган.

Кайвони хола айтган гаплар таъсирида Нуриддин ўртак бўлиши, укаларини авайлаб, ҳадемай бошланадиган “киёмат койим”да аҳволлари танглашиб қолишининг олдини олиши зарур. Шунини назарда тутиб у:

– Ўзимизни мажбурлашга тўғри келади, юринглар, –дея олдинга тушиди.

– Менга ҳеч нима керак эмас, – ингранди Ҳилола. Опаси Ҳусния ҳам унга кўшилди.

КЕЛИНИНГ ЙЎРИҒИ

Нуриддин ёмон ният килишдан сақланиб, ўзи билан таъзиябоп кийим- одатий тўн, белбоғу дўппи олиб келмаган эди. Озода ҳам бунга журъат этмаган. У аллақакдан бу либосларни топиб келиб, эрини кийинтирди. Ўзи ҳам махсию қора камзул, бошига оқ сурп чорси топиб олибди. Кўриниши афтодаҳол: ковоклари шишиб, ранги бошидаги сурпдай оқарган. Қайсингилларидан кам қайғурмагани шундоқкина сезилади. Гоҳида айтиб йиғлашда улардан ўтиб тушаётганга ўхшарди. Қайнанасига ҳурмати баландлигини эри аввал ҳам кузатган. Аммо меҳр ҳам кўйганлигини юрак қаъридан чикариб йиғлаётганидан ҳам билиш мумкин эди. Бунга асос ҳам бор: Шамсия буви келинларини ўз фарзандидай аяр, кези келганда, болаларини тергагандай тергар, йўл-йўриқлар кўрсатар эди.

Нуриддиннинг эсида: тўйдан бир ҳафта ўтгач, ўз ишига жўнади. Ўша ёқда у ижара уйда яшар, фақат дам олиш кунларида кишлоққа кайтар эди. Гоҳида келмай қолиш ҳоллари ҳам учрарди. Уйланганидан сўнг бир ҳафта шаҳарда қолиб кетиш, тунларни ижарахонада ёлғиз ўтказиш анча мушқуллашди. Шанба кунини тоқатсизлик билан кута бошлади. Афтидан, Озодада ҳам шу ҳол сезилди. Буни қайнана тушундию келинни зериктирмаслик пайида бўлди.

– Бачам, хотинингни қачон олиб кетасан? – охири сўради ундан онаси.

– Нима, келишмай қолдизларми?

– Йўғ-э, нимага келишмайлик. Ахир эр-хотини бирга бўгани яхши-да.

– Олиб кетиш қочиб кетмас, керагича хизматларини қилсин.

– Келинни хизматига куним қолибдимн, бачам, худога шукур, қўлим-оёғим бутун, кучим-қувватим бор, қолаверса, қизларимдан иш ортмайди.

Аслида таклиф ёкиб тушаётганди, лекин хотини билан бировнинг уйида, бўйин қисиб яшашни истамаётган Нуриддин онасига бошқача тушунтиришга уринди:

– Қизларини хизмати бошқа, келинники бўлак, она. Ахир буни уйга келтиргунча қанчалар қийналдиз... – у қулди. – Энди бошлаб хумордан чикнинг.

– Йўқ, келинни ўзим учун олганим йўқ, сан учун олдим, бачам, ҳаракатингни қил. Келинни йўриғи бошқа, ёнингда бўлса, қўнглинг жойида бўлади. Шу учун, тайёргарлигини кўр, бачам.

– Ҳаракатим йўқ эмас, онажон, уйга ариза берганман. Янги уй олишим керак. Ишхонадан ваъда беришган.

Хотини билан ёлғиз қолганда Нуриддин ундан сўради:

– Онамга ишлов берибсан, а?

– Йўқ, ўзлари-да, бачагинам қийналиб кетди, иссини бор, совуғи бор, қачонгача ис-талобойни авкатиини ейди, деганлар.

– Шундай-ку, аммо, киркига чидаган кирк биригаям чидар. Уй ҳал бўлсин, кейин сени олиб кетаман.

Озода синик кулгандай бўлди.

– Ҳа, яна бирор гап айтдиларми?

– Боши очик йигит: шаҳарда ким кўп, чиройли, ҳар хил кизлар кўп, бириси бўмаса бошқаси кўз сузади, айтиб бумаиди-да, айланай, дедилар.

Нуриддин кулиб юборган ва очикчасига:

– Энди унақа даврлар ўтди, хоним. Елкага хуржин тушди, – деган эди.

Кейинги ҳафтасида эса онаси келини билан тўғри ўглининг ишхонасига борган, кейин биргаликда у яшайдиган ижара ҳовлига жўнашган эди. Шубҳасиз, оназорнинг бу кишигидан Нуриддин аввал уялган, сўнг ичдан миннатдор бўлган. Сал ўтмай, алоҳида хужраси бор бошқа болохонали уйни ижарага олиб, кўчиб ўтишган. Дарҳақиқат, бу ҳаракатда ҳикмат бор экан, орадан ярим йил ўтмай, ёш оилага икки хонали уй бериб, хурсанд қилишган.

Нуриддин уф тортди. Онасининг бунақа мардона ишлари, эр-хотинларнинг аҳил бўлишлари учун жонини жабборга беришлар шунинг ўзи билан кифояланганда, эҳтимол, Озода ҳам, бошқа баъзи келинлари ҳам бунчалик куйишмас, бу қадар ох-воҳ чекишмас эдими?

Дарвоқе, Тошкентга кўчиб кетиш-чи? Буниси ҳам аввалгисидан қолишмайди. Ҳатто, антикарок. Нуриддин аспирантурага қабул қилиндию, дастлабки пайтда бир ойдан кўпроқ вақт ҳовлига қорасини кўрсатолмади. Бундан Озодага нисбатан ҳам Шамсия буви кўпроқ ташвишга тушди. “Бачагинам ейиш-ичишда қийналоптимикиан? Кечаларни овқат бўмай курук нон қавшаб ётаётимикиан?” деган гапни айтиб, ичида қаланғи-қасанғи аёллардан шубҳаланади, онаси бузилиб кетишидан ташвишланиб, ич-этини ейдию ўғлига сим қокдириб, қайона-келин поездга ўтирадилар...

* * *

– Укаларингга айт, Нурдин, жуда бўқирмасинлар, ўзинг ҳам ҳадсб кўз ёши тўкаверма, – дея Маҳмуд амакиси аввало катта жиянга таъсир ўтказмоқчи бўлди. Бу вақтда атроф энди-гина гира-ширалашган, кишлоқ аҳли асосан уйқуда эдию бироқ фарзандларни айтилган лаҳзагача тутиб туриш имкони бўлмаганди. Бутун ҳовли аёллару эркаклар ҳамда болалар фарёди билан кўмилган эди. Бу қадар баланд овозда, дардли йиғлашни аввал ҳаёлига ҳам келтирмаган Нуриддин ҳам бошқалардан қолишмасди. Унинг ҳолатини кўриб, амакиси ташвишга тушдию қакириб олиб, насиҳат қилди.

– Нимага ундай дейсиз, амаки? – Кўзларидан оқаятган қайнок ёшларни рўмолчаси билан артиб, меҳрибон амакисига ўпқаланиб қаради у. – Одам онасига йиғламаса, кимга йиғлайди?

– Ҳа, бача, бача, билмийсан-да, бу тартибда йиғлаш жуда увол, марҳумани оғир аҳволга солади.

Нуриддин ҳеч нимага тушунмади. Ҳозир тушунадиган аҳволда ҳам эмас эди. Боз устига, амакиси жиянларини авайлаётгандай туюлган эди унга. Агар шу ғиятти мўлжаллаган бўлса, амакиси у ёқда турсин, отасининг сўзига кириши ҳам душворга ўхшарди. Тўғри, болалигида отасининг шунга ўхшашроқ гапини эшитган: “Кўп йиғлаш Худога ношукурлик белгиси. Худонинг қаҳри келади. Марҳумни кўзёшлар уммонига кўмаркан...” Ажабо, шундай бўлса, нега одамлар дод солиб йиғлашади, тинимсиз бўзлашади, кўкракларига муштлаб, сочларини юлишади? Бу Оллоҳга исёними? Бу даҳшат эмасми? Лекин энг яқин онаизор учун йиғламаслик ҳам кийин масала. Буни тасаввурга сиғдириб бўлмайди. Шуларни ўйлаб, у амакисидан таънаомуз сўради:

– Бирор таъзияхонада йиғламаганларни кўрганмисиз? Қариб-муриб кетганларгаям йиғлайдилар-ку?

Шу сўзларни айтдию ўзи шаҳарларда вафот этганлар учун эркаклар дод солиб, овоз чиқариб йиғламасликларини, бунга ўзи гувоҳ эканлигини эслади. Бироқ шу лаҳзадаёқ шаҳар аҳлининг осойишталиги бузилмаслиги учун шунақа қарорга келишган бўлса керак-да, деган фикрга борди. Аммо ҳамма ёқда одат ҳар хиллиги ҳам кишини ўйга толдиради.

– Тўғри, кўп ерларда овозини кўтариб йиғлайдилар. Қанча баланд овозда йиғланса, ўшалар обрў оладилар. Бу – омилиқ, билимсизликдан, – дея амакиси атрофга олазарак, шубҳали назар солиб қўйди. – Куръони қаримдан беҳабарлар шунақа йиғлайди...

– Э, ҳаммамиз Куръони қаримдан беҳабармиз, амаки.

Улар ёнига якиплашиб келган Солиха амма орага тушди:

– Ака, кўйинг, кўнглини бўшатиб осин, дард-аламлардан халос бўсин.

– Ўзинг биласан, ман айтдим-кўйдим, жиян, – дея амакиси ҳафсаласиз ҳолда чорпоёга суянди. – Ундан кейин... замон нозик, пирка аъзосисан... Сани кузатиб ўтирганлар ҳам йўқ эмасдир, жиян, ўйлаб кўр.

– Э, ўшаларга... – Нуриддин сўкинмокчи бўлди дарҳол тийилди, қўл силтаганча укалари сафига бориб қўшилди. Уларнинг ҳаммаси ҳам тўн, белбоғ ва дўппида, қўллариди ҳасса-бири олиб, бири кўйиб, гоҳида бараварига фарёд қиладилар. Айвон ёнида тол шохидан тайёрланган бир даста ҳасса турарди. Нуриддин ҳам улардан бирини, йўғонроғини олиб, унга таянганча икки-уч одим босди:

– Онажоним... Наҳотки бизни абадийга ташлаб кетобсиз? Наҳотки энди сизни ҳеч қачон кўролмаимиз?! – дея бор овоз билан нола бошлади. Ўзи кутмаган ҳолда сўзлар, фикрлар қуйилиб келар, ўзини тўхтатолмас, онасининг янги-янги ҳислатларини, усиз бу дунё ҳувирлаб, қовжираб қолишини айтиб, изтиробларини ошкор этарди. Укалари, жиянлари, нарироқда аёллар сафиди сингиллари, қариндош-уруғлари гоҳида унга кўшилиб, дардларини ўзларича сўзда ифодалаб, йиғига қўшилардилар.

– Онажон! Бир ҳафтагина аввал сизни уйимдан нимагаям жўнатдим-а!-Хириллаганнамо товушда кўксига аламли шапалоқ тушириб, юм-юм ёш тўқарди иккинчи фарзанд бўлмиш Шавқиддин. – Ўлиш учун бу ёққа келувдизми, онажон?!

Ўғиллар орасида Шавқиддин ҳазил-хузулга ўчлиги боис ҳар қандай жиддий вазиятни ҳам қувноклик билан бартараф этиш йўлини топар эди. Баъзида ўйламай-нетмай гапириб, қовун тушириб қўйиш ҳоллари ҳам юз берадики, кўпинча акаю укаларидан жиддий танбеҳлар ҳам эшитади. Аммо, ҳадеганда тан олавермайди, ўз билганидан қолмайди, “Э, ўладиган бу дунёда хўмрайишга бало борми”, деганча кўнглидаги гапни дангал айтаверади. Кенглик, сажийлик бобиди ҳам анча-мунча киши унинг олдида тушолмайди: ҳеч кимдан ҳеч нимани аямайди. Бу жиҳатдан уйи қарвонсарой вазифасини бажаради. Шуни мўлжаллаб, икки хоналикни учтасига, уни тўрт ва кейин бешталигига алмаштириб, кенгайтириб олган. Кишлоқдаги ҳамма қариндошлар, таниш-билишлару нотанишлар уникида меҳмон бўлишган. Бирортаси шаҳарга борсаю уникига кириб, бир пиёла чой ичмаса, тасодифан эшитган Шавқиддиндан у балога қолади:

– Ҳа, биз оддий ишчимиз-да, амалимиз йўқ-да, бизни писанд қилмабдилар-да... Майли, бизниям кунимиз туғар...

У асли мол дўхтир: шаҳар зооветеринария бўлимида, гўшт комбинетида ишлаган. Кейин маоши тузукрок, мукофоти ҳам бор тўқимачилик комбинятига ишга ўтган. Қарда ишласа муомаласи, қувноклиги қўл келиб, ҳурматга эришган, “Ака Шавқи” деган ном олган. Ҳатто кишлоқда ҳам обрўси анча баланд. Чунки, онда-сонда, таътил, дам олиш кунларида келганида ҳам “ичи сикилиб”, уйда ўтиролмайдди, дарҳол кўни-қўшни, қариндош-уруғларни суриштирганча ҳовлима-ҳовли юриб, хол сўрашади. Кўпинча улфатлари қўярда-қўймай уйларига судрашади.

– Уйим шаҳар марказида, хоналариям кўп, ўзим ҳам кичкина эмасман, – дея баҳсларда енгил учун кўкрагига нуқиб қўяди.

– Қани, кичкина эмаслигини кўрайлик-чи, – деганча Ҳусниддин унинг ёнига келиб, бўй чўзади. У бошқалардан бўйчанроқ, ҳазил аралаш шуни кўз-кўз қилиб, ўзи “қаттарок” – баландроқ эканини, бинобарин, онасига ўзи кўпроқ ҳақдорлигини билдиргиси келган уч ойча аввал.

Шавқиддин шартта тоғора келтириб, устига чиккан-да, укасидан баландлашган:

– Номард, қани қатталигинг? – деган ва яна чаккасидаги оқ соч толаларини кўрсатган: – Бунақаси-чи, сенда борми?

– Бўлди, бўлди, тан бердик, ака, – Ҳусниддин икки қўлини кўтарган. – Энди қатта акамни олиб келамиз, восита қиламиз, чоғи. Унда нима дейсиз?

– Акам мени бу ерим, – Шавқиддин чап кўкраги устига бармоғини нуқиган. – Акамни гапи бизга закон!

– Биз-чи, ака, биз ҳам ҳисобизда бормизми? – Баҳриддин ўсмоқчилаб сўраган.

– Ҳаммалариз мени жоним-жаҳоним. Онажоним билан отажоним – ойиму куёшим, – дея у эгилиб, онасининг иккала юзидан чўлпиллатиб ўпган.

Шамсня буви кўзларидан томчилар қуйилганча ўглини бағрига босаркан:

– Бир-бирига меҳрибон бачаларимдан айланай, – деб қафтларини очганча дуо қилган: – Илоё аҳилликларингга кўз тегмасин, Худонинг ўзи ёмон кўзлардан асрасин.

– Келишдик, а, онажон, шаҳарда бу уй-бош штаб! – Онасидан тасдиқлатиш учун у яна таъкидлаган ва хотини Мурувватга шовқинлаган, ёлгондакам дўк урган. – Нимага пусниб ўтирибсан, жонинг борми, бир нима де!

– Хукм ўқидиз-ку, хўжайини, хукмини қайтарадиган бу ерда ҳеч ким йўқ, – кулганча эрини маъқуллаб, у ҳам қайнарасига суялган. Қайнана-келини қайта-қайта ўпишганлар. – Ойимни ҳеч ерга юбормаймиз.

Мурувват кенг феълликда эридан қолишмайди, “Кенга-кенг дунё, торга – тор дунё”, деб ҳисоблайди, шу тушунчасини болаларига ҳам юктиришга уринади. Шу боис дастурхони хаамиша очик, қозони доимо қайнаб туради. Эридан фарқи бор, албатта: бўйи бир қаричча баланд-тик коматли, бунинг устига кам гап. Ҳар хил ишларга ҳуда-беҳуда аралашавермайди, ҳар қанақа суҳбатда гап сукавермайди. Ҳаддан ташқари ориятли ҳамда иззатталаблиги ҳам бор. Шу жиҳатдан эри билан гоҳида келишолмайди. Шавқиддин эса ҳазил-ҳузил билан уни енгиб кетади, кулдириб юборади. Гарчи, бу борада номутаносиблик бўлса-да, эри буни эслатиб, ҳаммани кулдиради:

– Биз хотини танлаганда ақлни ишлатиб, сўрригини танлаганмиз, – дейди. – Онам: “Хотиннинг навчаси яхши, бачам, бачаларинг кўримли-кўркам бўлади”, деганларига лаққа учганмиз. Бу хотиннинг ўзлариям мени кўз тагига олиб кўйганлар-да. Шундайми, пари?

– Ҳеч ҳамда, – дейди уялинқираб, кулиб Мурувват. – Аммагинайиз ҳол-жонимга кўймай мени кўндирганла.

– Ҳаа, шунақами, аммажоним ўртага тушмаганларида бирорта лаққи сўрригига тегардингми, а? – Шавқи кўлини мушт тугиб, пўписа қилади. Мурувват кулади. – Биздиям зўр харидоримиз бориди.

– Юм-юмалок Тош паққими? – хиринглаб кулади Мурувват.

– Паққи дема, номард, аччиғим чиғади! Бўйи бўйимга тенг, тўғри, сал букчайганроғиди. Аммо тилидан асал томарди. Ҳар куни юзлаб беморлар думбасига игна тикиб, дуосини оларди, ўзимга ўхшаган дўхтирчайди. Менга пул ишлаб келтирайди.

– Хай, нимага ўшанга ўйланмадиз? – Энди Мурувват рашки кўзгаб, ковоғини уяди. – Аммайизни кўриш баҳона ҳовлимизга танда кўювдиз. Асли ўша ҳамсояни соғиниб келайкансиз-да.

– Мени йўлдан урмаганинг-да...

– Бас, кўп алжиманг.

– Хўп-хўп, пари, унга уйланмийман.

– Шавқи ака, нимага пакана бўлиб қолгансиз? – гапни бошқа томон буриб, сўрайди Бахриддин. – Катта акамни гапларига қараганда, аввал туппа-тузук, ўрта бўй экансиз. Бўйизни бир қисмини аскарликка ташлаб келган эмишсиз, шу ростми?

– Авваламбор, укажонгинам, хато гапирма: акагинанг пакана эмас, паст бўйли. Лили-пулларни пакана дейдилар. Тўғрими?

– Уларни одамчалар, митти одамлар дейдилар.

– Яна... акам тўғри топганлар: Красноярскийга ҳар ким ҳам чидайвермайди. Қирқ даражали совуқда оккулоқлар машққа чиқарарди. Э, укажоним, – Шавқиддин хўрсинди, – бекор эслатдинг-да, шафқат нималнигини билмайди, номардлар. Ўлмай келганимга шукур қиламан, – у яна кулиб, хотинини кучоклайди, Мурувват кулганча қўли билан уни итарарди. – Бўйимни қоган қисмини маңави ўзига кўшиб оған.

– Ин, қандай қилиб? – Бу сафар хайрон қолган каби сўрайди Хусниддин.

– Ҳамма рўзгор юкини елкамга ортган, пачокзада қилган ким?

– Нолиманг мендан, хўжайин, – Мурувват кулимсираб, изоҳ беради, – камбинат юкини денг.

Дарҳақиқат, Шавқиддин станокдан чиққан газламаларни ўзидан анча ёш ҳамда бакувват йигитлар билан бирга аравачаларга юклайди, омборга етказиб яна туширади. Кечкурун қалтак зарбидан эзилган кимсадай ҳориб-толиб қайтади. Бироқ чарчаганини заррача бўлсада, болаларига сездирмайди, дарҳол кўчага чиқиб, улфат ахтарарди, бир сўм, бир сўмдан қилиб, захри котилдан отишади, овқат тайёр бўлганини мўлжаллаб, илжайганча, қувнаб, уйга қиради.

Бир неча кун мобайнида бу ҳолни кўрган Шамсия буви:

– Бачам, бу ишинг манга ёқмади, енгилроғига ўт, – дея ташвиқотни бошлайди.

– Буни мулла жирингги соз-да, онажон, дастурхонимизни обод қилаётган ўша аравачалар, ўша юклар.

– Э, пули куриб кетсин, манга соғлиғинг керак, бачам. Энди ёш эмассан, кирк бешни уриб кўйдинг.

– Уйимда талабаларим бор, онажон, уларни ўйламасам, бўмайди.

– Бутун нон деб ўзингни абгор кима-да, бачам, яримта нон – ороми жон, бутун нон – азоби конга айланибди, айланай...

– Хўп-хўп, гапизни ўйлаб кўраман, онажон.

– Кейин... – Онаизор ниманидир мулоҳаза қилиб, тўхтаб қолади-да, сал сукутдан сўнг фикрини очик айтади: – Қўли очиклик ҳам эвиминан бўгани яхши.

– Отам билан онамининг бачасимиз, онажон, олмани тагига олма тушади...

– Сан ўйлаган замонлар бошқайди, бачам, – онаси бир лаҳза ўй суриб қолган. Фарзандлари ундан бирор воқеа сўзлаб беришини кутганлар. Бирок онаизор буни хохламаган, шекилли, гапини қисқа қилган. – Бир парча нон, ярим коса гўжаминан одамларга суягичик, хасса бўлишинг аниғиди. Қариндошлар, яна бошқа кўп кишилар силласи куриб, касалга чалинувди. Қараб ўтириб бўлардимми?

– Мен эс-эс биламан ўша вақтларни, – Шавқиддин жиддийлашган.

– Аканг эслроғиди, ҳаммасини билади... Ҳозир оч қоладиган замон эмас, уринган одам кунини кўради, ҳаммага қалқон бўлаверма, ўзингни ўтга-чўгга ураверма. Соғлиғингни йўқотсанг, санга ҳич ким табиб бўмайди.

– Соғлиғимдан нолимийман, онажон, – Шавқиддин яна онасига эрқаланган. – Бош штабни бошқариб турсайиз, бас, бизни иш ҳам юришаверади, сиздан куч-қувват олаверамиз, онажон.

– Манн инди бу жойга боғлаб қўёлмайсан, бачам. Отангни кўндирсаларнинг, ҳар қайсингникида бир-бир меҳмон бўлиб, айланиб юравераман. Қоган умрни роҳатда ўтказсак демокчиман.

– Айтганиз келсин, онажон, – дея Баҳриддин қувониб, онасини маъқуллаган, акасига голибона қараган. – Отамниям бирга олиб юрасиз.

– Отамни кўндириб бўлсан! – Хусниддин қулиб, қўшиб қўйган. – Отам гашт қилиб юрсалар, Карамгулни аҳволи нима кечади?

Ҳаммалари қулиб юбордилар. Фақат онаизор маъюслашиб, хўрсиндию:

– Бачагинам, Фазлигинам, пешонанг шўр бўмаса, – дея эшитилар-эшитилмас пичирлаб қўйди. – Хай майли, Карамгулгаям Худо ақл берар...

– Қўйинглар, ўшани гапирманглар! – Шавқиддин қўлнинг паҳса қилиб шовқинлади. – Ундан бошқа дардимиз йўқми?

– Гап мавриди келди-да, дадаси, – Мурувват эрини муҳокамага тортгиси келди. – Бор гап айтилопти-да, ўзи.

– Йўқ, керак эмас. Отам нима қилишларини ўзлари биладилар. Биза онамни ўйлайлик...

Дарҳақиқат, шу суҳбатдан сўнг икки-уч кун ўтиб, ака-укалар бирлашган ҳолда санаторий-шифохонага йўлланма топдилар, волидан мухтарамалари соғлиғини мустаҳкамлаш йўлидан бордилар. Аммо бу ҳаракат, аксинча натижа берди, отасининг фикрича, эъзоз-эъзоз Худога хуш келмади. Ҳамма нарсанинг меъёри бор. Ҳар қанча авайлаб-асрама, кун битгандан кейин ҳеч ким восита бўлолмайди.

Яқиндагина бўлиб ўтган бу гапларни эсларкан, Шавқиддин яна кўкрагига муштлади:

– Онажонимдан, меҳрибонимдан айрилдим. Энди сизни насиҳатларизни қаердан топаман, онажон?

Бу сўзлар сингилларни хуружга келтирди; йиги-сиғилар гўё оламни ларзага келтирди. Бу пайтда кун эндигина ёйила бошлаган, сарғимтир нурлар бўлиниб-бўлиниб, бемор кўзларидан оқаётган томчилар сингарин сачраб- сочилиб, худди захарга айланиб, вужудларни огулантирарди. Офтоб кўтарилган сайин оғули зарбаси ҳам кучайгандан кучайиб, фарёдлар юқори чўқкиларга кўтарилар, фарёдларга янги-янги овозлар қўшилар, одамлар сафлари ҳам тобора кўпайиб борар эди.

Бу ҳол, айниқса марҳуманинг жияни дарвозага яқинлашганда янада бошқача тус олди. Кеча у холаси сал соғая бошлаганидан сўнг кўнгли хотиржам тортиб кетган, орадан уч-тўрт соат ўтганида, ўз уйида мириқиб, хуррак тортаётган лаҳзада симдан борган шум ҳабар унинг бутун дунёсини остин-устига қилиб юборган, қари онасини учраган машинага ўтказганча йўлга тушган эди.

Жиян кўкрагига мушглаганча дод солиб, дарвозадан кириши билан гўё кул боса бошлаган чўгларни шамол елпидию кичик гулхан кучли аланга тусини олди. Йўғон ҳамда баланд

овозда мингирлаган, ҳолдан тойган товушлар ҳам кучайган ҳолда кўшилиб, бутун ҳовлини ларзага келтирди. Бунга чидаш маҳол эди. Хусусан, аёллар, кизлар тўпи ниҳоятда аянчли тусга кирди. Хусния билан Ҳилола бир неча бор хушдан кетиб, ёрдамга муҳтожлик сезишди. Носир дўхтир юборган ҳамшира валекардин бериб, уларни тинчлантиришга уринди. Лекин, барибир, ҳеч кимни йиғидан тўхтатиб бўлмади. Роҳиланинг товуши аллақачон бўғилиб, сал нарига ҳам эшитилмай қолган, баланд овозлар пардаси остида ўзини ҳар ёнга ташлаб, типирчилаётгандай кўринарди. Анча бақувват, чидамли, баъзи эркаклардан кўра тузукрокдай Ҳабибанинг овозигина аёллар йиғисидан ажралиб, умумий “ёнгин”га кўшилари.

Нуриддин ўзи билан ўзи оворалигига карамай, аёллар сафига тез-тез ташвишли назар ташлаб кўяр, йиғи суръатини пасайтириш зарурлиги ҳақида ўйлар эдию яқинларининг нолаларига чидолмай ўзи ҳам уларга кўшилари. Шу орада бир киши унга яқинлашиб, биллагидан секин тортдию қулоғига:

– Домла, кайғуйизга ҳамдардман, – дея шивирлади. Нуриддин кўз ёшлар пардаси остида уни дафъатан таний олмади, рўмолчаси ила томчиларни артиб, жамоа хўжалигида фирка ташкилотининг раҳбари бўлиб ишлайдиган йиғитни аранг эслади ва уни бағрига босди. Йиғитнинг кўзларидан ҳам бир неча томчилар думалагач, у кафтининг орти билан мижжаларини сездирмай артиб, яна ўз кўнглидагини пичирлаб айтди: – Домлажон, сизни ҳурмат қиламан, яхши кўраман, лекин...

– Раҳмат, укажон, – Нуриддиннинг овози титради. – Умризга завол етмасин, бунақа оғир кунга ҳеч қачон тушманг.

– Вазият қалтис, домлажон, сиз кўп йиғламасайиз бўларди: қатта одамсиз, фирка аъзоси...

– А? – Нуриддин кўзларини қатта очиб, унга карадио бармоқлари шиллик куртга теккан каби кўлларини тортиб, индамай нарироқ юрди, гарангсиз, анқайиб турди.

– Домлажон, – йиғит яна унга яқинлашди, – мендан хафа бўлманг, айтиб қўйганим яхшида. Дарвозахонада туриб, келган-кетганлардан таъзия қабул қилсайиз ҳам етар... Ўшандаям, ким билади, айримлар бунга қанақа баҳо берар...

– Ғамхўрлигиз учун сизга раҳмат, укажон, – деди Нуриддин титраган, айни дамда зардали овозда. – Бу ёгини ўзимга қўйиб беринг... Мен учун онамдан муҳимроқ, улугроқ нарса йўқ ҳозир.

Йиғит бу таникли одамнинг нима демокчилигини тушундию, нафаси ичига тушиб кетди. Атрофига аланг-жалаң каради. Ҳар қалай, хавфсирайдиган, шубҳали бирор кимсани кўрмади, аста-аста одамлар орасидан ўтиб, йўл чеккасида турган машина сари юрди. Нуриддин эса бадтар хуноби ошиб, фарёдига фарёд кўшилиб, яна укалари сафидан ўрин олди. Унинг ҳаракати қасдма-қасдига, ўчакишиб иш тутаётганга ўхшарди. Лекин, аслида, унинг нолалари мислсиз дардга йўғрилиб, юракдан отилиб чиқаётган эдики, волидасню барча яқинларига меҳр-муҳаббати чуқур илдиз отган, бутун вужудига беғубор туйғулар сингиб кетган кимсадагина шундай ҳолатлар юз кўрсатиши мумкин. Эндиликда уни бирор куч тўхтатолмайдиганга ўхшарди. Қарийб бирор соат давомида вазият шу йўсинда давом этди. Аммо у ўзида на гаранглик, на чарчов, на онасини сифатлашларда сўзга ночорлик сезди. Қизик, иш жараёнида, илмий ишини ёзаётган кезларда кўпинча толиқиб қолар, фикрларни қоғозга раво туширишга баъзан қийналиб, бир неча соатлаб, гоҳида бир неча кунлар қийналар, боши хумдай шишиб кетарди. Дунёда энг азиз кишининг йўқотиш унга мисли йўқ азоб бераётган шу лаҳзаларда эса унга диққат қилган киши олимнинг сўз бойлиги, билимига қойил қолиши, шубҳасиз эди. Бу орада қиёмат қойимни бошланг, ҳаммани лол этган тенгдош қариндош ҳам, ўзини уриб, девонавор йиғлаётган Шавкиддин ҳам, яна кўплари ҳолдан тойиб, хириллаб қолган, ҳатто баъзилари ноилож ҳикиллашга ўтган эдилар. Фақат Заҳриддингина энди кизишган, авж пардаларга кўтарилаётган кўринарди.

Шу орада Маҳмуд амаки яна Нуриддинга яқинлашиб:

– Ўзингни кўп қийнама, соғлигинг ҳали жуда керак, – дея пичирлади. У киши ҳам белбоғ боғлаб, янгаси учун ҳассақашлик бурчини бажараётган эди. Бирок овоз чиқармасди. – Қанча дод дема, онанг тирилмайди, жиян.

Бу сўз, волидасининг тирилмаслиги, ўғли билан мулоқотда бўлолмаслиги ҳақидаги тушунча унинг қайғусини янада аланга олдирдики, янги-янги йиғи тўлқинлари тўфондай босиб келаверди. Аммо амакисининг кейинги гапи тўлқин кучини анча пасайтириб, гўё ўзига қайтарди.

– Нодонлик кима, жиян, ўзингни ўйламасанг, онангни ўйла. Охиратини ўйла. Раҳматлини кўз ёшлари дарёсига ғарқ қиманглар-да, э, – дея амакиси нарироқ кетди, дарвозахонага

қўйилган бўш курсиларнинг бирига, акасининг ёнига бориб ўтирди. Сўнг Одил бобога бир нималар деб қўйди. Афтидан, фарзандларининг аҳволига тоқат қилмай, гоҳида сездирмайгина кўз ёши тўқаётган, бироқ, мислсиз қайғу ичра ўйчан, афтодаҳол ўтирган Одил бобо укасини Нуриддин хузурига юборган эди. Ўзи аралашини эса эл билмас, таъна эшитишдан ҳайикар эди. Ўзига қолса, ўрнидан туриб, ўглининг қўлидан етаклаб келарди, курсига ўткизиб, гап-сўзлар билан чалғитарди. Хайрият, Нуриддин шаштидан тушдими ё амакисининг гапи таъсир этдими, айтиб йиғлашларини қамайтириб, салдан сўнг тахтаб қолди. Энди Заҳриддин гўё уни давом эттирар, авж нукталарга кўтарилиб бораётган эди. Унинг бу даражага боришини отасию амакиси ҳам, катта акаси ҳам кутмагандилар.

– Сизга қанчалар озорлар бердим, онажоним, беозоргинам, онаам, энди қандай қилиб кўнглизни оламан, онаам, онагинам...

Заҳриддин дийдаси каттиклиги, бир оз шафқатсизлиги билан бошқа оғайниларида ажралиб турарди. Уни анча-мунчага “эритиш”, бирор гапга кўндирини осон эмас. Бирор фикр айтса, ўзини ҳимоялашгина эмас, шу фикрини ўтказини учун аёвсиз курашгача шай туради. Ўзининг ноҳақлигини сезиб қолса ҳам буни эътироф этишга ор қилади. Бирор ишга киришса, охирига етказмагунча қўймайди, ҳар қандай рақиби билан очик “жангга” киришади. Сўзлар жангига унга тенглашиш учун ниҳоятда сабр-бардош зарур бўлади. Қўл қовуштириб, тавба-тазарру қилишни, йиғлокиликни у хуш кўрмайди.

Шунга кўра, Заҳриддиннинг йиғисини, кўзёшлар тўқнишни ҳеч ким тасаввурига сиғдиролмасдики, шу дамдаги астойдил бўзлашларидан мусибат кучи ниҳоятда улканлигини, ҳар қандай тош юракни ҳам эритиб юбориши мумкинлигини ҳис этиш қийин эмасди. Ҳақиқатан ҳам учинчи ўғил феъл-атворидаги хусусиятлар, Парварданин рўзғордаги “майдакаш”лиги онага анча озорлар етказган, буни ҳатто Нуриддин ҳам эшитган, бир неча марта укаси ва келинига насихатлар қилган. Аммо танқидга тоқати йўқ Заҳриддин ҳеч нимани тан олмаган, ҳақлигини исботлашга тиш-тирноғи ила уринган, бу борада отасини ҳам аямаган.

Нуриддиннинг назарида, Заҳриддин такаббурроқ ҳамда худбинроқ эса-да, лакмалиги ва гўллиги ҳам йўқ эмас. Бу заиф томонидан, катта аканинги ўйлашича, Парварда усталик билан фойдаланади, эрига пишағ берида-уни бош силкиб маъқуллагандай бўладию сал ўтиб, ўзиникини ўтказди. Гоҳо эрининг ақлига қойил қолганини билдиради-чилдирманш ўтда тоблайтиди. Эҳтимолки, эр-хотиннинг ўзлари сезмаган “ҳамкорлигидан” онаизор жиддий озор кўрган, қон босими кўтарилган. Оқибатда...

“Виждонан қийналяпти, чоғи,– деган ўй кечди Нуриддиннинг миясидан укаси чекаётган изтироблар таъсирида. – Парварда-чи? Наҳотки чиндан ҳам юраги ачишиб, қайнонаси учун кўзёши тўқаяпти? Ростмикан шу ёхуд шунчаки артистликми?”

Онасининг ўлими сабабига ҳамон миясининг бир чеккасида тинимсиз айбдор излар экан, Нуриддин ўз гумонига асос тополмади, ўзини беҳуда шубҳачига чиқарди. Чунки, онаси ҳеч бир келинига ёмон муносабатда бўлган эмас, ҳатто уларни ўз кизларидан устунроқ қўйганларини, улар учун елиб-югурганларини кўп марталар ўз қўзи билан кўрган, ўз қулоғи билан эшитган. Озода билан кечган воқеа Парварда ҳаётида ҳам юз берган. Заҳриддин қўшни тумандаги олис қишлоққа ўқитувчиликка юборилган, ҳафтада бир марта у янги келин ёнига қатнаб юрган кезларда, ногаҳон Шамсия буви Парвардани етаклаганча мактабга борган, ўғли ва келинини хурсанд қилган. Заҳриддин фақат:

– Аввал оғоҳлантирмабсиз-да, она, тайёргарлик кўрардим, – деган.

– Эсингдан чиқибди-да, бачам, манга хизматқор керагамас, хотинингни олиб кет, девдим. Пайсалга солдинг...

– Бўпти-да, биз таслим! – дея Заҳриддин завқ-шавқини ошқор этган, ҳамкасбларига мақтанган. – Бизни шунақа онамиз бор. Қутилмаган ишлар қилиб, одамни шошириб юрадилар.

– Ўйчини ўйи битгунча таваққалчини иши битади, бачам, ҳар иш ўз вақтида бўгани яхши-да.

Ҳар қандай оилада ҳар хил вазиятлар, келишмовчиликлар, эр-хотин аразлари юз бериши табиий ҳол. Қизиғи шундаки, Шамсия буви ҳам, Одил бобо ҳам ҳеч қачон ўз фарзандлари тарафида эмас, худди келишгандай, келинлари ёки куёвлари ёнини оладилар ва туманликларни тарқатиб, гина-қудуратга йўл қўймайдилар. Шундай бўлгач, Парварда бунинг қадрига етмай иложи йўқдир.

Тўғри, бултур қайнана-келин ўртасида ёқимсиз тўқнашув юз берган. Ёнма-ён ҳовлида яшайдиган Парварданинги зикналиги – катта рўзғордаги ул-бул буюмларни ўзиники қилиб

олишга уринишлари, Карамгулнинг тўнгиллашлари Шамсия бувининг ҳикилдоғига етадию жаҳл устида катта келинини аямайди:

– Кўзи оч, етимча, ма, – дея бир даста тақсимчани унга узатади, – шуминан кўзинг тўйса, тўякосин.

Парварда турган ерида котади-колади ва ногоҳ йиғлаб юборади.

– Етимлигимни юзимга солдиз-а, ойи, – дейди йиғи аралаш. Чиндан-да, у гўдаклигида онаси вафот этиб, ўгай она кўлида қолган. Аммо ўгай она етимларга зугум ўтказмаган, балки, рўзгорда танқисликлар юз бергандир, нималарнидир болалардан аягандир, ҳалим-юшюк муаллим ота булдан беҳабар қолгандир, шулар таъсирида Парвардада кизганчилик аломатлари қалққан бўлса, ажаб эмасдир. Бирок қайнанасининг унга етимлигини юзига солгани жуда қаттиқ ботган. Буни Шамсия буви ҳам сезгану ногоҳ ховридан тушган:

– Ўзи сани етимлигинг биллинганиям йўқ, мана, ман етимлик нималигини яхши билман, – қайнанаси кўксига уриб кўяди, шу топда кўзларидан ёшлар қуйилади. – На она дийдорини кўрдим, на отамни тузукрок эслайман. Бийимни кўлида ўсдим. Лекин ўзинг биласан, бирор нимани кизгондимми?

Шу гапларнинг ўзидан орага ойдинлик кириши, араз шу захоти унутилиши зарур эди. Аммо Парварда паст кетган: зикналигини тан олгиси келмаганми, яна ўз баҳонасини рўқач қилган:

– Майли, ойи, бирор кун етимниям кунни туғар, – деганча бурилиб, ўз ховлисига жўнаган.

– Кунингга нима қилибди? – деб қолган унинг ортидан қайнанаси. – Уятсиз.

Шу воқеадан кўп ўтмай, Нуриддин онасини Тошкентга олиб кетди. Хайрлашув чоғида қайнана-келин орасида бирор адоват борлиги мутлақо сезилмади. Шамсия буви Парвардани ҳам бағрига босганча, юзларидан қайта-қайта ўпди. Қайтганидан сўнг ҳам соғинчларини ўпичларга кўмиб ифодалади. Ўз навбатида, мана, бир ҳафтадирки, Парвардада тиним йўқ. Рўзгор ташвишлари асосан унинг зиммасида: хонадон кизлари йўқлигида қозон-товок, хилма-хил овқатлар тайёрлаш унга топширилган. Тўғри, Одил бобо бу ховлидаги рўзгор ишларига уни аралаштиришни унчалик хоҳламайди, лекин кампирию фарзандлар истагини ҳисобга олмай ҳам иложи йўқ. Парварда пиширган таомлар ҳаминша ҳам эътибор қозонавермайди. Бунинг сабаби битта: “Янгамнинг овқатини лаззатли қилган-акамнинг масаллиғи”. Бу борада Фазлиддин ўз рўзгоридан ҳеч нимани аямайди. Гарчи, Захриддин ҳам ундан қолишмаса-да, Парварда тежаш йўлини тутди. Бир парча гўшт билан катта қозонни тўлдириб овқат қиладики, бунинг мазаси ҳам шунга яраша бўлиши табиий.

Ўша машъум эрталаб ҳам Парварда қайнанаси атрофида парвона бўлган: Шамсия буви томоғи оғриб, ютинолмай қийналаётганини кўргач:

– Ойи, ўзиз айгансиз, томоғини даъвоси-ширдок, – дея ўз ховлисига югуриб ўтган, кайнок сутга сарёғ ҳамда асал аралаштириб, қайнанасига мажбуран ичирган...

Шундай экан, ундан гумон қилишга асос борми?

“Шундайлар ҳам борки, – дея ўзича мулоҳаза қилди Нуриддин, – қилғиликни қилиб кўяди-да, кейин пушаймон еб, ўзини кўярга жой тополмайди: ошқора ё пинҳона изтироб чекади. Келинимиз шундай ҳолатга тушмаганмикан? Йўғ-а, униям овози бўғилиб қолгандай...”

ЎГИЛНИНГ ШУБҲАСИ

Кайвони аёл уввос солиб йиғлаётган аёллар орасидан ўтиб, Нуриддинга яқинлашди-да:

– Агар хоҳласайиз, онайизди ахирги марта кўриб қолинг, айланай, – деди паст овозда. – Мурдашўй ишнини тамомлайди яқинда. Сизни сўради.

Нуриддин лол қолди. Наҳотки у ёққа кириш мумкин бўлса? Билишча, майит ювиб-таралганидан сўнг, кафанга солиш олдидан ҳеч кимнинг кўзи тушмаслиги зарур. Унинг таажубини тушунди, шекилли, Кайвони изоҳлади:

– Оёқларигами, бошқа бирор ерига сув қуйишгами, тутиб туришгами ёрдам берасиз. Савоб бўлади.

– Фарзандларга шу равоми? – яна хайратини яширолмади у.

– Бизани атрофимизда шунақа расм бор. Агар қўрқмасайиз...

– Нималар деяпсиз, холажон, онамдан, онажонимдан кўркаманми? – Нуриддин бенхтиёр аёллар томон юрди. Сал нарида паришон ўтирган Одил бобо кайвонини кўргач, ногоҳ уни тўхтатди.

– Манга қаранг, кайвони, сизни сўзиз ўтадим, йўқми?

– Нима бўлибди, Одил тоға? Бирон ишиз бажарилмадими?

– Ман гўяндани чакирманглар девдим. Ким хабар берган, билмадим.

– Во-ей, ҳаммага бир-бир айтилмайди-ку, эшитганлар келаверади-да. Радиёлдан ҳам айтган. Энди ха деб инжиқлик келаверманг...

– Гўяндага бориб айтинг: овозини ўчирсин. Ҳаммаи кон килиб юборди-ку! Ўшасиз ҳеч ким йиғламайдими?

– Йиғлайдилар-у, тоға... Лекин, рости, сизниқилар жа ошириб юборонти.

– Шу учун гўяндани йўлатманглар девдим. Эшитмагансизми, нариги дунёда Худо гўяндани тилидан осаркан.

– Билмасам, шунақа дейдилар, лекин урф-одатдан қочиб бўладими, тоға... Баъзи таъзияларда шулар обрў олиб беради-да.

– Э, обрўси курсин, увол-савобни билмаганлар... Кайвони, мани айтди деб кўйинг, ҳозирок кетсин ё шайтонни сўзига кириб, кўнгилга гулгула сомасин.

Кайвони бошини эгиброк ерга қаради.

– Айтмасайиз, бу ёққа чақириб беринг.

– Йў-ға, сиз аралашманг-а, ўзим айтаман, – дея у шоша-пиша аёллар орасидан ўтди. Аввал Нуриддинни онаси ювилаётган кичик хонага кузатди, сўнг аҳли аёлларнинг ҳар бирига дахлдор марҳумлар номини айтиб, бўзлатаётган гўянда сари юрди. Дарҳақиқат, шундан кейин унинг овози чиқмади.

Нуриддин узун тахтанинг устига ётқизилган, белдан пасти дока билан ўраб қўйилган онасининг жонсиз танасини кўриб, довдираганча таққа тўхтади, бутун вужудига яна титроқ кирди, кўзларидан қайноқ томчилар отилди.

– Кўркманг, бачам, сизни тўққиз ой, тўққиз кун қорнида кўтариб, дунёга келтирган онайиз, – деди ювғувчи. Хусниддин билан Баҳриддин ҳам шу ерда маъюсланиб, тик туришарди, киприқларидан ёш думаларди. – Агар кўрксайиз, майли, бораверинг. Ўзи шарт эмас-у, сўнгги бор кўриб қолинг, дедим-да. Онайизди меҳри сизга жуда баланиди...

Нуриддин ўкраб йиғлагиси келди, лекин лабини тишлаб, ўзини босди. Унда заррача кўрқув аломати сезилмади, буни хаёлига ҳам келтирмади. Тўғри, у ҳеч қачон ўликни ўз кўзи билан, хусусан, яланғоч ҳолда кўрмаган, вақти-соати келиб, онасининг жасади билан юзма-юз туришини, ҳатто уни ювишда иштирок этишини тасаввур ҳам қилмаган. Баъзилар ўликни кўрса шайтонлаб қолишини, жуда кўрқиб, ижирганишини ҳам эшитган. Аммо шундай ҳолатлар на унда, на укаларида белги берди. Аксинча, улар волидаларини кучоклаганча видолашувга, дод солиб йиғлашга шайдай кўринардилар.

Мурдашўй – ювғувчининг кўрсатмаси бўйича укаларидан бири сув қуйиб турди, бири ул-бул керакли нарсаларни олиб бериб, гассолга ёрдамлашди, Нуриддин онасининг қўлидан туганча ювишга қулайлик туғдирди.

– Буларни ўзим ҳам қилаверман, – деди мурдашўй изох бериб. – Лекин савоб олинигла дедим, ўргилай. Оналаринг тенгсиз аёлиди. Одамни кўнглини олишнинг биларди, вақти келса, ҳеч кимга сўзиниям бермасди, раҳмати. Жойи жаннатда бўлсин, илоё.

Нуриддин онаси кафтидан тутдию аввал ҳеч нимани ҳис этмади, бир лаҳза ўтиб, лол қолди: ахир ўлган кимсанинг баданни муздай бўлади, дейишарди-ку? На илик, на совуқ-ҳали жон танани тарк этмагандай кўрилади. Нахотки... Йўғ-а, балки унга шундай туюлаётгандир... Ҳаво иссиқлиги-чи? Ҳаво ҳарорати танага таъсир этмайдими?

Бу ўй-мушоҳада унга озрок хотиржамлик бердию онаси ширин уйқуда ётгану ҳадемай уйғониб, ўрнидан турадигандай туюлганда Нуриддин энтиқиб кетди: “Қанийди бу туш бўлиб чиқсайди, онажоним ўлганлиги ҳақидаги гап адашув бўлсайди, қувончига бир худойи килиб берардим”.

Энди ҳеч қачон бу ходиса юз бермаслигини, ўзи уйқуда эмаслигини ўйлаб, у ўз-ўзидан ҳиқиллади, кўзларидан тирқираб ёш отилди.

– Эҳтиёт бўл, бачам, жасадга ёш томмасин, яхши эмас, – дея ювғувчи аёл қўлидаги ишлагилган пахтани тоғорага ташлади ва Хусниддин узатган янги пахтани олди. – Онанг ҳич қачон тушингга кирмайди.

– Худо сақласин, – чўчиб тушган Нуриддин бенхтиёр пичирлади. – Онамни тушда кўришдан бенасиб қилмасин.

– Онангни рухи бирор тешикчадами туриб, ҳаммамизни кузатиб ўтирибди.

– Онажон, бизани бевакт ташлаб кетдиз, хузуримизни кўрмадиз, – деди Бахриддин калдираган товушда. – Сизга алвидо айтиш жуда оғир, онажон.

– Ундай дема, бачам, фарзанди бахтнини кўрган ҳар қандай она ўзини бахтли санайди, хузур-ҳаловат топади. Раҳматли ҳаммаларининг ўқитди, ўйли-жойли қилди. Кўнгли хотиржам кетопти.

– Онажон, ишонинг, Ҳилолайиз ҳам бахтли бўлади, ундан донмо хабардор, бош-кош бўламиз, – деди Нуриддин онасининг орзусини тўлдиришга аҳд қилган каби. – Шу ниятизга етолмадиз, онажон. Ниятиз амалга ошажак...

– Фаршталар омин десин... Қани, жасадни энди орқага ўгирайлик, – дея ювғувчи ёрдамчиларга йўл-йўрик кўрсатди. Айни шу топда Нуриддин ундан ниманидир сўрамоқчи бўлгандай оғиз жуфтладию шу ҳолича тўхтаб қолди: “Балки эсим оғандир, ҳеч ниманинг фаҳмига етолмаётгандирман, –деган ўй миясидан кечди. –Сўрасам, уятга қолмайманми? Ахир бу аёл ўлган кимса ҳолатини мендан тузукрок билмайдими?..”

* * *

Айни пешини чоғи, кун энг тикка нуқтадан сал ғарб томон оғанда жасадни тобутга солишди. Бу ҳол марҳуманинг яқинларини бадтар жазавага солди. Дод-фарёдга ҳар қандай тош юрак ҳам чидаши кийин эди. Ҳилола билан Ҳусния яна хушдан кетиб йиқилишди. Дарҳол уларга тиббий ёрдам кўрсатилди. Сал ўтмай, тобут қўлма-қўл ўтиб, дарвозадан ташқарига чиқарилди. Унга яқинлашиб бўлмас, оломон окими яқинлашган кимсани кучли тўлқин каби чеккага улоқтириб ташларди. Тўн кийиб, ҳасса тутганлар тобутдан олдинда илгарй силжишарди.

Қонда бўйича масжидга олиб бориш, ўша ерда жаноза намози ўқиш лозим. Лекин бу атрофлагина эмас, ҳатто жамоа хўжалигининг ўзида ҳам масжид йўқ: шўро йилларида барча масжидларга, деярли ҳамма мадрасаларга барҳам берилган, борлари эса омбухоналарга, идораларга айлантирилган.

Ҳозир эса икки юз кадамча наридаги бригада қароргоҳига тобутни кўтариб бориб тўхтадилар. Қишлоқдаги барча жанозалар шу ерда ўқилади, мажлислар ҳам айнан шу майдонда ўтказилади, кинофильмлар томоша қилинади. Аслида ҳам шу ўринда яқин вақтларга қадар каттақон масжид қад ростлаб турарди. Бригада пахтаси шу ерда қабул қилинар, қуритилиб, заводга жўнағилар эди. Йиғирма йилча аввал уни батамом бузиб, битта хона ҳамда айвондан иборат қишлоқ марказига айлантиришган, муҳим тадбирлар шу ерда ўтказилади. Яқиндан буён марҳумларга жаноза ўқиш ҳам таъқиқланди. Тўғри, оддий халқни ҳозирча бу йўлдан қайтаролмаганлар. Тарғибот-ташвиқот ишлари билан чегараланиб қолишяпти. Аммо бирор амалдор ё зиёли киши жаноза намозида иштираётган эҳса, “иғнанинг кўзидан” ўтказилади, мажлисларда муҳокама қилинади, фирма аъзоларини ўз сафларидан ўчирадilar.

Буни Нуриддин ҳам яхши билади. Хўжалик фирма қўмитасининг котиби уни бежиз оғоҳлантормади. Мана энди унинг қораси ҳам ўчган, бошқа зиёлинома кишилар ҳам тобут ортидан озрок юриб бориб, аста-секин кадамларини секинлатдилар, кейин тўхтадилар. Кимдир Нуриддиннинг қулогига шивирлади:

– Домла, сиз ҳам орқароқда турсайиз бўларди, балога коласиз.

Аммо Нуриддин унга қиё ҳам боқмади, қайтага қаддини тиклаброк, янада дадилроқ кадам ташлашга киришди, зиёли укаларни ҳам ундан ортда қолмадилар. Фақат сафда турмадилар. Улар аввал бунақа маросимларда иштирок этмаганлар-жаноза намози ўқишни ҳаёлларига ҳам келтирмаганлар. Нуриддин эса, Тошкентда, жанозаларда баъзан қатнашар, жаноза намозида имомга эргашган ҳоллари бор, зотан, бу борада пойтахтда бир мунча эркинлик кўзга ташланарди. Ҳатто фирма аъзоларию раҳбар ходимлар ҳам бундай маросимда кўриниб қолса, ҳеч ким ажабланмас, чакимчилик қилмас эди. Лекин яқин бир йилдан буён вазият кескин ўзгарди: диний эътиқод, расм-русмлар, урф-одатлар, буюк аждодлардан ғурурланиш каттиқ бўронга йўлиқди. Ўша бўроннинг кучлигина шамоли бу ёқларда ҳам эсиб, миллий кадриятлар дарахтларининг гулларига чанг солингани, қовжиратиш йўлидан борилгани шундоқки билиниб турибди.

Шунга қарамай, Нуриддин ҳам баъзиларни лол қолдириб, жаноза намозида қад ростлади, анча олисдан келган қари имомга эргашди. Тонгда ювениб олгани шу лаҳзада асқотди ва намоз тугаши билан шошилиб, тобут сари юрдию норвоннинг олддаги бир учини елкасига

тутганча бир неча кадам босди. Бирок мўлжалидаги камда етти кадам юришига, онанзорини узокрок елкасида олиб юришига имкон бермадилар. Янги-янги одамлар тўлкини пайдо бўлиб, тобутни қўлма-қўл қилганча катта йўлга ўтдилар. Нуриддин шошганча жиянларининг кўлидан ўз хассасини олдию шитоб билан юрганча тобутдан ҳам, белбоғли кариндошларидан ҳам олдинга ўтганча:

– Опажоним, онамеей, – дея бор овози билан йнглади, укаларига, жиянларига, кариндош-уруғларига гўё жўр бўлди. Ортида катта оломон, ўртада – атрофига кўк мато ўралган, устига мархуманинг янгигина, жигарранг камзули ёпилган тобут лапанглаб борар эди. Одамлар оёк кийимларидан кўтарилаётган чанг-ғуборлар бир лахза муаллақ қоларди-да, сўнг секин атрофга таркалиб, ғойиб бўларди. Айни шу топда Нуриддин бундан сал кам икки кечакундуз аввал кўз ўнгида гавдаланган рўёни эсладию:

– Аввалдан белги берган меҳрибонгинам, беозоргинам, – дея дод солди. Лекин унинг нима деяётгани овозлар, ғала-ғовурлар орасидан аник эшитилмас, эҳтимолки, гапининг маъносига ҳам бирор кимса эътибор бераётган эмас эди. Йўлдан ўтаётган йўловчилар шоша-пиша тобут томон ўтар, тобуткашлар уларга дарҳол йўл берар, бундай лахзаларда тобут у ён-бу ён тебраниб, сафларни ҳам тўзгитарди.

Сал кам ярим соатда шу атрофнинг энг йирик қабристонига кириб бордилар. Бешвали деб аталадиган, қор босган янглиғ оппоқ шўр тупроқ билан қопланган энг қадимий бу қабристон атрофлари бетон деворлар билан ўралган эди.

Нуриддин болалик пайтларида шу қабристон ёнидан тез-тез, кўрка-пуса ўтиб турар, кеч чоғи нари турсин, ҳатто кундузи ҳам юрагини ҳовучлаб кадам ташлар, ҳар хил итлар, шақол, тулки, юмронкозиқлар ўзига ташланишидан ҳадиксирар, жин-алвастилар чалиб кетишидан кўркар эди. Не-не улуг одамлар ётган шундай муқаддас даргоҳ қаровсиз ҳамда ташландиқ ҳолда эди. Сўнги марта, сал кам ўн беш йилча аввал у катта бувисининг қабрига зиёратга келувди.

Қабр тайёр экан, ҳаш-паш дегунча тобутни унга рўпара қилишди. Одатда мархумни энг яқин кишиси сўнги маконига қўяди. Бундай одами йўқ жасадни гўрков жойлаштиради.

– Қани, манга ким ёрдам беради? – Гўрков қабр атрофида тизилишган, тўну белбоғли кишиларга қараб сўради. – Жасадни ким қабрга қўяди?

– Мен, онамни жойларига ўзим қўяман, – деди бўғиқ овозда Нуриддин ва беихтиёр тупроқ босиб, олдинга чиқди. Чиндан ҳам унда шундай истак ниҳоятда кучли эди. Бирок буни кўнглидагидай эплашига унчалик кўзи етмас эди. Негаки, уч кечадан буён ухломлагани, батамом ҳолдан тойгани боис ноаниқ ҳаракатларга йўл қўйишини ўзича хаёлидан ўтказарди. Шу билан бирга бу ишни, бош фарзанд бўлгани боис, фақат ўзига тегишли ҳисоблар, бунга фақатгина ўзини ҳақли билар эди. Шунга қарамай, укалари бўш келишмади.

– Йўқ, ака, биз турганда сизни пастга туширамизми? – деди Баҳриддин ошиқиб. Сўнг гўрковга муржоат қилди. – Фақат нима қилишни айтиб турсайиз бас.

– Ҳа, айтиб тураман-да, кўрсатаман-да, ука, – тўнгилади гўрков.

– Унда онамни сўнги ётоғига мен қўяколай, – дея Ҳусниддин ҳам қатъий журъат этди. – Чопон билан қирадиларми ёки ечинибми? – У нима қиларини билмагандай тараддудланиб, у ён-бу ён қаради.

Шу дамгача акалари ҳамда укаларини зимдан кузатиб, гўё синамоқчидай турган Заҳриддин шартта тўннини ечиб, шошганча бир газча чуқурликда қазилган ўра-қабрга, гўрков ёнига отилиб тушди:

– Шаҳарликлар эплайдиган иш эмас бу, буни менга қўйиб беринглар.

– Бу ишда шаҳар-кишлоқ деган гап бўлмайди, – эътироз билдирди катта ака. У мархумани асосий манзилга бу укаси қўйишини унча хоҳламас эди. – Ҳар қалай, мен қўйганим маъқулмикай? – У гўрковга умидвор қаради.

– Ака, сиз чарчагансиз, кўришиб турибди, – деди Заҳриддин самимий оҳангда. – Мен у ер-бу ерларда шунака ишларни кўриб юрибман, шу учун бу иш мени чекимга тушгани ўринли-да, ака.

– Манга барибир, тезроқ келишинглар, – озорланган каби елка қисди гўрков.

– Айтинг, нима қилай? – Заҳриддин гўрковдан сўради ва унинг ишораси билан ўра ичидан шимол тарафга қазилган лаҳмга аввал қўлларини, сўнг боши ва танасини текиб, ичкари кирди. Лаҳм ичидан унинг овози эшитилди: – Э-ҳэ, чинакам уйча бўлибди-ку бу. Онажон, қабриз ўзиздай кенг бўлибди.

Салдан кейин оппоқ қафанга ўралган жасадни тобутдан олиб, гўрковга узатишди, гўрков бош томони боғланган қафандан тутганча уни лаҳадга, Заҳриддиннинг қўлига етказди.

Ичкаридан иккала кўлини чўзиб турган Захриддин эхтиёткорлик ила уриниб, “Онажон, онажоним”, дея титрокли овозда жасадни бағрига ярим олганча лаҳадга тортди.

– Аёқлар қибла тарафга узатилади, – дея ўргатиб турди гўрков. – Бош ҳам.

– Ё Тангри-таоло, онамни гуноҳларидан кечгайсан, – ичкаридан гўнгиллаб, учинчи ўғилнинг овози эшитилди. – Алвидо, онажон, алвидо!... – йиғламсиради у. – Ё Худо... Э-э...

– Ҳа, нима гап? – Гўрков сал эгилиб, сўради.

– Э, ўзим...

– Чикнинг энди...

У лаҳмдан чиккач, гўрков ўша айлана шаклидаги туйнукка кесак-чим қалаб, ташқарига кўтарилди. Биринчи бўлиб, Одил бобо, сўнг ўғиллари кетмошу белкуракда кабрга тупрок тортдилар. Бир неча киши этагида бошқалардан тупрок йиғиб келтириб, чош устига тўқди. Ҳадемай, кабр дўмпайиб, усти ҳассалар ўрмонига айланди. Мулла “Таборақ” сурасини кироат билан ўқнишга киришди. Айрим кичик амалдорлари муаллимлар анча четрокда ярим ўтирганча, бошларини куйин эгиб, гоҳо у ёк-бу ёкка аланглаганча фотиҳага кўл очдилар. Эхтиёткорлари эса аллақачон кабристонини тарк этгандилар.

– Мархума канака аёлиди?

Қатор дуойи-фотиҳалардан сўнг кимдир ўринларидан кўзгалган халойикдан баланд овозда сўради.

– Раҳмати, яхши аёлиди.

– Кўўп яхши, окила аёлиди.

– Меҳнаткашиди, заҳматкашиди, жойлари жаннатда бўлсин...

Ҳар ердан чиккан бундай садолар Нуриддинни титратиб юборди: “Энди сизни қандай топаман, онажон!”

Бир неча одим юрганларидан сўнг кимдир оғир хўрсинди ва эзилиб бўзлади. Нуриддин бош кўтариб, кўзларидан булок бўлиб ёш оқаётган Ҳусниддинни кўрди.

ШУБҲА КУЧАЙДИ

Кечки соат саккизларда каттакон ховли деярли бўшаб, одамлар сийраклашиб қолди. Ака-укалар, яқин қаринодошлар дарвоза ёнидаги меҳмонхонани тўлдирдилар. Ҳар ёндан келган палов, шўрва, ширгуруч ва бошқа таомлар ўртага кўйилди. Қоидага кўра, уч кун мобайнида бу хонадонда овқат пиширилмайди. Ўт ёқилмайди. Лекин ҳеч ким оч қолмайди.

Чой устида яна мархуманинг ажиб одатлари, ўзига хос фазилати хусусида сўз бораркан, кимдир Захриддиндан сўраб қолди:

– Заҳир ака, лаҳм ичига кириб, бироз йитиб кетдиз, бирор нима кўрдизми, дейман? Ичкари канака бўларкан?

– Гўрковга беш кетдим, – дея Захриддин сўз бошлади. – Одамни охириги жойини бошлаб кўяркан. Кичкина, пастаккина уйча денг. Ётиб ҳам кўрдим.

– А? Кўркамдизми?

– Нимадан кўркишим керак? Бир қунмас бир қун ҳамма борадиган жой.

– Ана ўшанда ҳақиқий кўрқув бўлади, – мунгли овозда кўшинб кўйди Маҳмуд амаки. – Ҳисоб-китоб бошланади.

– Кўйинг-э, тоға, – дея кўшини йигитлардан бири, шофер бўлиб ишлайдиган норгул киши эътироз билдирди. – Ўлган одам билан канака ҳисоб-китоб бўлади.

– Ҳе, нодон банда, астафтурулло де... Бу дунёда қилган гуноҳлару савоб амаллар нариги дунёда тарозидан тортилади. Яхши ишлар, савоблар кўпроқ бўса, Худонини Пайғамбар алайҳиссаломни таниса, мукофотланади-жаннатга ўтади, гуноҳлар тарозини босиб кетса-дўзахга отилади. Ло илоҳа иллаллоху Муҳаммадин Расулulloх... Жазо қунида Ўзи махфират айлосин...

– Илоийм айтганинг бўсин. Ло илоҳа иллаллоху Муҳаммадин Расулulloх, – дея такрорлади ҳамон хомушлиги тарқамаган, анча толиққан Одил бобо. – Худони даргоҳи, қарами кенг, таъба қилгани кечиради. Фақат била-кўра, қасддан куфр кетиш, Худога ширк кетириш жуда ёмон. Бундай гуноҳ асло кечирилмайди.

– Ҳақ сўзни айтдиз, ака, Оллоҳ кечиргувчи зот, янгамизни гуноҳлариниям Ўзи кечирсин.

– Холам фариштадай аёлидилар, нимаям гуноҳлари бўларди?

– Кимда кандай гуноҳ борлигини факат Ўзи билади.
– Кечирим сўраса, Худо кечираркан, ўшанда кечирим сўраб кўямиз-да, амаки, – деди кулган каби Шавкиддин. – Бундан осони йўқ.
– Тавба де! Тавба де, аҳмоқ! – шошиб, ўғлининг сўзини кесди Одил бобо.
– Тавба, тавба, лекин, ота, ўзиз ҳам айтдиз...
– У ёққа боргандан кейинги тавба ўтмайди, – Маҳмуд амаки бошини қайта-қайта чайкади.
– Бу дунёнинг ўзида, ўлмай туриб, Худога йиғлаб, сидкидилдан тавба килсанг, ўша ёмон ишларингни қайтармасанг, ажаб эмас, тавбанг қабул бўлар.
– Ҳм, буям осон эмас экан. Ахир Захрибой қабр ичиди ҳеч нима кўрмадим дедилар-ку, бунга нима дейсиз? – Ҳайдовчи йигит амакини яна баҳсга тормоқчи бўлди. – У ерда тарозиям кўринмаган.

– Бунақа куфр кетма, ўзингга қийин, тавба де, – Маҳмуд амаки яна бош тебратди. Боз устига, шу маҳалда у билан мунозара қилишни хоҳламади. – Бирор пайти келиб, санга ҳаммасини тушунтираман.

Айни лаҳзада Заҳриддиннинг сўзи ҳаммани ҳайратга солди:

– Онамни жойларига қўйганимдан кейим оёқларига, қўлларига қарадим. Бошлари – юзлари тепага қаратиб қўйилганиди. Қизик, бошларини тўғрилаб қўйишим билан бош кимирлаб, ўз-ўзидан ўннга бурилди. Қўркиб кетдим.

– А, ростданми? – ҳаяжонланиб сўради отаси.

– Ҳа, рост, хаёлимда шундай бўлдим деб ўйлаб, яна бошларини тўғриладим. Ўша заҳоти бош яна ўннга бурилди. Нахотки онамни тирик кўмдик, деган ваҳима бутун вужудимни ларзага солди.

Бу гапдан Нуриддин ҳам ваҳимага тушди: эрталаб мурдашўйининг сўзи бўйича онасининг қўлларини тутганда бадан унчалик совук эмаслигидан гумонга борганини эслади. Унинг хаёлидан яна “Чиндан ҳам онамни ўлмасларидан бурун кўмган бўлсаг-а? – деган даҳшатли ўй кечди. – Шундай ҳоллар анча-мунча юз берган-ку! Дўхтирлар адашиб, жиддий шок ҳолатига тушган беморларни ўлдига чиқарганлар!..”

– Э, ақлга сиғмайдиган гапни айтиб, нима киласан? – Бўғик, чарчокли овозда эътироз билдирди Шавкиддин – собик мол фельдшер. – Бошлари нотекис ерга қўйилган бўлса, бурилиб кетгандир. Бирор буюм ё тошниям қийшиқ қўйса, кимирлаб кетади. Шуниям билмайсанми?

– Бу гапизга кўшиламан, Шавки ака, – Заҳриддин иккиланган каби акасининг сўзларини тасдиқлади. – Лекин, аниқ эсимда: жойлари тахтадай теп-текисиди, ҳатто ётиб ҳам кўрувдим.

Ўша кабристон атрофларидаги қишлоқларнинг мулласи ҳисобланмиш Маҳмуд амаки баҳсга яқун ясади:

– Жиянни кўргани ҳақ рост. Ҳаммамизнинг Каъбамиз-Қибла тарафда. Каъба – Худонинг уйи, Маккада. Шу учун ҳам намозлар ўша тарафга қараб ўқилади, Худога сажда қилинади. Қибламиз – мукаддас, ҳожатхоналар у тарафга қаратиб қурилмайди, у тарафга қараб туфланмайди. Ўлгандан кейингина, қабрда оёқ учлариям, бош ҳам қиблага қаратиб қўйилади.

– Гўрков шундай дегани эсимга тушди, – тан олди Заҳриддин. – Қарахтрогидим, унутибман. Ўшани гапиминан онамни бошларини тепага қаратувдим.

– Ҳа, баракалла, сани хатонгни Худонинг ўзи фаришталар кўли билан тўғрилаган, бошни Қиблага қаратган.

– Бу факат мусулмонларга тегиншли, – деб тузатиш берди Одил бобо.

– Ии, мусулмон бўлмаса, бошни Қиблага бурилмайдими? – сўради кимдир.

– Шундай дейишади. Ҳадис китобларидаям бу гаплар бор.

– Менимча, бу тасодифан юз берган, – Хусниддин ишонқирамай ўз фикрини айтди.

– Заҳри акага шундай туюлган бўлишиям мумкин.

– Хусниддинни гапига тўла кўшиламан, – деди Сайфиддин ҳар хил акидаларга ишонмаслигини маълум қилиб.

– Табиатда сирли ҳодисалар жуда кўп, – деди хўрсинганча Нуриддин. – Олимлар аллақачон ҳамма нарсани аллақандай, қудратли куч бошқариб туришни мисоллар билан исботлаганлар.

– Ҳа, баракалла, жиян, – Маҳмуд амаки жонланиб, ўзи суяниб ўтирган девордан кад ростлади. – Ўша қудратли кучни Худо дейдилар. Худо гоҳида ўзини билдириб, сездириб туради-да. Худонинг амри билан мўмин-мусулмонлар бошлари ҳам қиблага қараб қолниши ҳақ рост. Агар ишонмасанглар, гўрковдан сўранглар. У кўп нарсани билади.

– Мен онамининг тобутларини салкам икки кун аввал ўз кўзим билан кўрувдим, – дея Нуриддин ногоҳ эслади. – Ўша кўрганларим айнан юз берди.

– Тушингда-да, – ҳам ишониб, ҳам кизиксиниб тасдиқлади отаси.

– Йўк, ўнгимда.

– Бу нима деганинг? Тушунтириб гапир.

Нуриддин шанба кунни тушдан сўнг ўз хонасига кўтарилаётиб, кўз ўнгида кўринган рўёни, ўша ҳолат бугун пешинда айнан юз берганини тафсилотлари билан сўзлаб берган эди, айримлар ёка ушлади, баъзилар ишонмай лаб бурди.

– Ман ишонаман, бачам, санда шунақа хислат аввалам бориди, – дея отаси уни қувватлади.

– Мани Тошканга борганимни, адашганларимни тилвусорда кўргандай кўргансан. Кейин ипидан игнасига давур айтиб берувдинг.

– Акам авлиёга ўхшайди, – Шавкиддин ёнгинасида, деворга суяниб ўтирган акасини кучиб, иккала бетидан ўпди.

– Йўғ-э, унақа эмас, ўзи фандаям исботланган: якин кишинг ёмон вазиятга тушиб колганда биологик нурлар хабар бераркан.

– Тўғри, мен ҳам ўкиганман, – Баҳриддин тасдиқлади. – Лекин кўпинча тушда аён бўлиши ёки кўнглига кил сиғмай, ўзини ҳеч ерга қўёлмай юриш шаклида кўзга ташланган. Сиздаги ҳолатни ҳеч эшитмовдим.

– Аканг ўқишга киришини, кейин катта шаҳарда ишлашини ўқувчилигида тушида кўрувди. Тушини гапириб берганидан кейин онанг қувониб, мушкулкушо қилиб берган.

– Шу ростми, ака? – кизиксиниб сўради Фазлиддин.

– Онам айтмаганларми?

– Йўк, у пайтларда ҳали биз тугилмаганмиз.

– Мениям эсимга тушди, – Захриддин жонланиб, тасдиқлади. – Мушкулкушо қилишни Мунаввар бувим айтувдилар. Сизни орқа қилиб, мен ҳам ўқишга борганман.

– Онанг раҳматиям хислатлийдди, кўп тушлари ўнгидан келарди. Лекин бу сафарги тушида андақ адашган. Ўздан эмас, мандан хавотир кинган, – Одил бобо фикрини айтмоқчи бўлиб, оғиз очганда Захриддин янги гап айтиб колди:

– Адашмаган эканлар, ота. Шанба кунни эрталаб, ишга кетаётиб, онамининг ёнларига кириб, аҳволларини суриштирдим. Баланд кўйилган ёстикларга ёнбошлаб, хомуш ўтирган эканлар. Ўзларидан гапирмай, мени ишларимни, соғлиғимни сўрадилар. Жавобимдан каноатлангач, ўйланиб туриб: “Билмадим-да, бу сафар қутилишим кийинга ўхшайди-ёв...” дедилар тушқин овозда. “Нима деяписиз, она, сизни нима безовта қилаёпти?”, деб сўрадим. “Тушим...” – дедилару нима туш кўрганларини айтмадилар. “Тушга ваҳима қилиб ўтирибсизми, она, уни ўйлайверманг, кўнглиздан чиқариб ташланг, – дедиму яна тайинладим. – Ўйламанг. Ўйласайиз, тинчиз бузилади, кейин... Мана, мен тушга ишонийман, амалгаям ошмайди”.

– Нима дедилар? – шошқин сўради Фазлиддин.

– Индамадилар. Уч соатлардан кейин билдимки, аҳволлари оғирлашган. Кейин ҳушдан кетганлар.

– Эрталаб мен томоркада савзи экиш учун жўя чиқараётувдим, – дея Фазлиддин гапни давом эттирди. – Яқинимга келиб, жўяни қийшиқ олганимни, қайтадан тўғрилашимни тайинладилар. Бу ишни бажариб бўлгунимча қараб ўтирдилар. Кейин янги ўтказилган помидор кўчатларини ўзлари кўздан кечириб, айримларига қўшимча тупрок тортдилар, қийшайиб қолганларини тикладилар. Отам уйга киритиб юбормаганларида, билмадим-да, ер ичида йиқилиб қоларканлар...

Одил бобо ҳамон ғам-ташвишдами ёхуд чарчовданми, тўрдаги қийим жавонига суянгач ярим мудраб ўтирарди. Аммо барча гап-сўзларни эшитиб, гоҳо ўз фикрини айтар, хўрсинганнамо, билинтирмай нафас оларди. Ҳозир ҳам ўзи ҳақида кенжа ўғлининг гапини эшитиб, кўзларини катта очдию:

– Ҳа, бачам, онанг ўзини сира аямасиди, ўзига ўзи қилди-да, – деди. – Ўша кунни эрталаб, ювинганимдан кейин уйга кирсам, онанг ерга тикилганча бир нималар деб ўтирибди. “Нима қилопсан?” деб сўрасам, “Мазам йўк, томоғим оғриётпти”, деди. “Сут ич”, десам, “Ҳозир Парварда ширдоқ қилиб берди, ичдим”, дедди, “Инди соғаясан”, деб қўйинини кўтардим. Ранги оқариб кетганиди. Бирор соатдан кейин томоркада кўриб ўришдим.

– Ишга ўрганган киши бекор ўтиролмас экан-да, – деди Ҳусниддин ҳам бир нималарни эслаган бўлиб. – Ўша учун шаҳарга сиғмадилар, кетаманга тушиб олдилар. Мен каллаварам

кимдир онамни хафа қилган деб ўйлабман. Яхши суриштирмай, отамни соғингансиз, олиб келмаган дебман.

Хонадаги анча оғир, мотамсаро вазиятни биринчи марта бузиб, Шавкиддин ҳазил тарикасида гап қўшди:

– Чоллари бўгандан кейин соғинганла-да. Биз беҳуда қафасда сакладик.

– Хай, онанг нима деди? – Одил бобо ҳам хиёл кулимсираб, Хусниддинга қаради. Ўғилнинг ҳам чехраси ёришди.

– Йўқ, бормасам бўмайди, бачам, отангни сийш-ичишида ҳаловат йўқ, шаҳарга олиб келганингминан бир кундан ортқ турмайди дедилар.

– Тўғри айтибди.

– Онам ҳамман, ҳаммамизни ўйлардилар, – Баҳриддиннинг бўғик, титрокли овози эшитилди.

– Ўша ёқларда юрсалар ҳам молларимизни, экинларимизни суриштириб турардилар, эсиз, шундаги меҳрибонимиз бизни ташлаб кетдилар-а, – деб кўйди эзгин, тушкин бир оҳангда Фазлиддин.

– Айтгандай, ота, онамнинг тушлари ҳақида гапираётувдиз... – Нуриддин ногоҳ отасига юзланди. – Гапиз чала қолувди.

– Ҳа. Бундан бир ярим ой аввал, шаҳарга яқин онанг кўрган тушида мани бир пой маҳсимни битта кампир олиб қочган, онанг уни орқасидан қувган, тутолмаган, қувиб, етолмаган. Уйғониб, мадан хавотир оған, раҳмати.

– Ҳмм... – дея Нуриддин ўйга толди, ўзича мушоҳада қилди.

– Бухорога ҳар сафар борганимда отамни соғликларини сўрардилар, – деди Фазлиддин. – Отангни эҳтиёт қилинглар, шамолламасинлар, жаҳлларини чиқарманглар, деб тайинлардилар.

– Бизларни ҳам бу ёққа, отамдан хабар олишга тез-тез жўнатиб турдилар-да, – Хусниддин ҳам уқасининг сўзларини тасдиқлади. – Онамнинг тушларини отамга беҳосдан айтиб қўйибман.

– Кечаси кўрилган туш деб ўйлабману таъбир қилиб ўтирмабман. Лекин ўшанда кўнглим галати бўлиб кетди. Тушдаги кампир ажал, у олиб қочган бир пой маҳсим онангни ўзи бўлиб чиқди. Ўзини ўйламай мани ўйлаган...

– Онажоним... – дея пичирлади Нуриддин. – Яна ўн беш-йигирма йил яшасангиз бўлмасмиди? Кимга оғирлик қилдингиз?

* * *

Ҳамма толққан, айримлар уйқусизликдан “эзилган” бўлишларига қарамай марҳуманинг фазилагларини гапириб, узок ўтиришди. Баъзиларнинг мудраётганини, ўзи ҳам пинакка кетаётганини англаб, Маҳмуд амаки дарҳол бугунги сўнги-“Ёсин” сурасини кироат билан бошлади. Фотиҳадан кейин Хусниддин амакиси ва ўғилларини машинада-уч чақиримча наридаги катта қишлоққа ташлаб қайтди. Тонгда қабристонда учрашувга келишиб олишди.

Дераза ёнидаги тўшакка бош қўйиши билан Нуриддинни уйку элитди. Ниҳоят, уч кечалик уйқусизлик ўз таъсирини кўрсатгандай бўлди. Бирок қанча ухлаганини билолмайдн, қандайдир махлук қувладимн, у қочмоқчи бўлиб йиқилдими-ей, ўрнидан туриб, яна қочинишга ҳарчанд уринмасин, оёқлари тойиб кетаверди, махлук эса яқинлашиб келаверди. Унинг нафаси бўғзига қадалиб, жон ҳолатда олдинга интилди. Махлук тумшугини унга чўзди. Айни шу маҳал Нуриддин терга пишган ҳолда уйғониб кетди: “Хайрият туш экан! Нима бу-изтиробу ташвишлар таъсирини ё бирор дард айланишяптими?” Атрофига аланглаб қаради. Хона ним ёруғ. Ҳамма каттик уйқуда. Ташқаридаги катта лампочкали чирок ўчирилмаган, атрофга ёғду сочиб турибди. Унинг ёруғи ойнадан, юпка оқ парда ортидан бу хонадаги зулматга ҳам барҳам берган.

У ғира-ширада ёстиғи ёнида турган ўз соатини олиб қаради. И-е, ҳали қок ярим кеча-ку! Эндигина бирдан беш минут ўтибди. Дарҳол бошини ёстикка ташлаб, кўзларини юмди. Аммо уйқудан дарак йўқ. Гўёки ҳалиги махлук уйқусини юлқиб қочган. Шунинг эвазига бошқа зарар етказолмаган.

Шу топда ногоҳ уйда ёлғиз қолган болаларини эслади. Негадир шу дамгача бирор марта ҳам хаёлига келмабди. Холбуки, катта қизи билан ўгли бувиларининг ахволдан хабар қутинишяпти. Тайинлаб юборишган. Икки йил аввал шу ерда, қишлоқда бувижонларни кучоғида қарийб бир йилча бирга яшашди. Қизи бир мунча заиф, салга шамоллайверарди,

бу ерда тоза ҳаво ёқдимни, кўпроқ ҳаракатда бўлиш таъсириданми, анча очилиб, тўлишди, мактабни аълога тамомладим. Қишлоқ жуда ёқиб қолди. Аслида ҳам киндик қони шу ерда тўкилган. Агар ўқишга кирмаганида бувиси билан қолгиси бор эди. Лекин ўғли кунларини арабг ўтказди. Ун ой ичнда уч-тўрт марта шаҳарга бориб келди.

“Афсус, ўлимни олиб келмабман-да, – иккинчи ёнига ағанаб, шивирлади Нуриддин. – Бувисига ҳассакашлик қилиши заруриди. Бувиси уни яхши кўрарди”.

Айни шу топда Нуриддиннинг кўз ўнгидида опасининг тахтада, ювгувчи рўпарасида ётган ҳолати, оппоқ-қонсиз, лекин ажабтовур нурли чехраси жонландию: “Онажоним паҳотки энди йўк...” – деган сўзлар лабларидан учди ва яна беихтиёр жасаднинг кўли совуқ эмаслигини эслаб, қаддини ростлади.

“Жон тўла узилмаган, қаттиқ хушдан кетганлар, – дегандай бўлди хаёлида кимдир. – Бунақа ҳолат бир неча кун давом этишиям мумкин”.

“Ҳа, тўғри, шундай ҳолатларни ўқиганман. Ҳатто, кўмилган одамлар ҳам баъзан тирилиб, қабрдан чиққан ҳодисотлар ҳам бўлган экан”.

“Носир дўхтир ўзи кўриб, ўлимни тасдиқлади-ку? Мурдашўй-чи? Ҳаммадан кўра у яхшироқ билмайдими?”

“Дўхтир ҳам, мурдашўй ҳам одам. Улар ҳам адашади. Шундай ҳолатни аввал кўрмаган, эшитмаган бўлишлари мумкин...”

“Қабрда хушига келиб, ташқарига чиқолмай ўлиб кетганлар ҳам анча-мунча учраган. Онангда шундай ҳодиса юз бермадимкан? Бечорани тириклай гўрга тикмадингларми?”

Нуриддин шоша-пиша, ваҳима аралаш ёнига қаради. Укаси Шавқиддин осойишта, ҳеч нима юз бермагандай, нишиллаганча ухлаб ётибди. Уни уйғотганими? Йўк, Шавқи бунақа гапларга ишонмайди. Бу пайтда мазорга боришга кўради ҳам. Сираям кўнмайди. Хусниддин-чи? Ишонмайди. Лекин ишонса, иккилашиб ўтирмайди, дарров машинани йўлга чиқаради. Бироқ шу топда унга қандай тушунтиради? Акасини чарчаб, шундай ҳолга тушган деган хулоса чиқариши аниқ. Энг маъқули – Баҳриддин. Бунақа ҳодисаларни таҳлил қилиб, хулоса чиқариб юради. Бу воқеага ишонса, дарров ўзини тутолмай йиғлаб юборадим-да. Нима қилиш керак? .

У чуқур хўрсинди. Хаёлида опаси қабрда типирчилаб, инграб ётгандай туюлдию шоша-пиша ўрнидан турди.

– Ҳа, ака, нимага ухламаёпсиз?

Нуриддин чўчиб, ёнига қаради. Уйқуси жуда зийрак, салгина шарпага уйғониб кетадиган Шавқиддин бошини хиёл кўтарганча акасига саволомуз қараб турарди.

– Уйқум қочиб кетди, – шивирлади Нуриддин. Лекин бутун вужудини кемираётган ўз шубҳалари ҳақида, ҳозир мазорга бориб, опасини қутқизиш тўғрисида бирор нима дейишни лозим топмади.

– Тонг отдимми? . Чирокни ёқиб юбор.

Ўрнидан турмоқчи бўлаётган отасини кўриб, Нуриддиннинг юраги ачишди, ичдан гижиниб, ўзини айблади: “Телба!”

– Ётаверинг, ота, ҳали жуда эрта. Кечирасиз, уйғотиб юбордим... Ташқари чиқиб келмоқчиман...

– Мани уйқумга ишинг бўмасин, бачам. Ухлайман, уйғонаман, уйғонаман, ухлайман-пилонини тўлдираман.

– Уйқиздан пичасини акамга берсайиз бўларкан, ота, – Шавқиддин ёнидагиларга парво қилмай ҳазилини шу ерда, шу топда ҳам қўймади.

– Айтдим, аканг олмади-да...

Нуриддин индамай ўзини эшик ортига олди. Ҳаво очиқ, осмон тўла юлдуз, бамисоли сонсиз-саноксиз оқ қуртчалар кўм-кўк барглари устида гужгон уйнаётгандай, қоронгулик қаърини ёриб милтиллашади. Ҳаво анча салқинлашган, этни жунжиктиради, лекин ёқимли-қизилган танани аллалаб, хузур бағишлайди, чарчаган вужудга гўё ором беради. Шунга қарамай, Нуриддинни нохуш ўйлар ҳамон тарқатмайди, чап кўксиди, юраги атрофларида қандайдир кўрқинчли панжалар юриб, оғриқ кўзгаётганга ўхшайди... У офтобадаги муздай сувда қўл-юзини ювгандан сўнг ҳам ўзини қийнаган шубҳадан қутулолмади. Қароват қиррасига суяниб, нима қилиш зарурлиги хусусида бош қотирди. Гўёки қабристонга борса, опасининг қабрига қулоқ тuting кўрса, ингрок ва нолиш эшитиши мумкиндай туюлаверди. Дарҳол қабрни очиши, онаизорини қутқариб олиши, сўнг бор имкониятларни ишга солиб, муолажа ишларини бошлаб юбориши, бу ишга бутун умрини сарфлашга тайёрлигини ўз-ўзига айтиб, шунга ўзи ҳам ишонмоқчи бўларди.

Аммо ёлғиз ўзи эплаб билармикан? Баҳриддинни ёхуд атроф-теваракни яхши биладиган Фазлиддинни уйғотсинми? .

Йўқ, бу ишга Заҳриддиндан ўзгаси ярамайди. У қуврок кўринса-да, соддалигию гўллиги ҳам бор. Агар бу гумонга ишонса, уни ҳеч нарсадан қайтариб бўлмайди: на тунда кезиб юрадиган итлардан, на ажинадан, на ҳар хил гап-сўзлардан хайкади. Бироқ, шу лаҳзада, қок ярим кечада нариги ҳовлига ўтиб, уни ўз уйдан уйғотиш осон эмас. Кейин... тушунтириш-чи? Ақасини эси оғиб қолишда айбламайдимиз? Ҳай, нима қилибди? Бордию чиндан ҳам онаси ўша вазиятда бўлса, кейин қабрдан чиқариб олинса, минг қарра жиннига чиқаришмайдимиз? .

У ўрнидан кўзгалиб, бир неча кадам нариги ҳовли сари юрди. Айни шу маҳал йўтал овози эшитилдию Нуриддин чўчиб, орқасига қаради. Ўздан йигирма кадамча нарида отаси туртиниб-суртиниб, ҳожатхона томон ўтарди. Негадир отасининг гавдаси кичрайиб қолгандай, кадам олишлари ҳам анча сусайгандай туюлди. Энди падари бузрукворининг аҳволи қандай кечади? Бу машъум ўлим жиддийгина таъсир этгани билиниб турибди.

– Ким? Нурдин... Нима қилиб юрибсан?

– Э, биласиз-ку, аҳволимни, ота, – Нуриддин ортига қайтди.

– Сира ухламадингми, бачам?

– Ухладим, қамрок бўлди-да.

– Озрок бўсаям – бўгани яхши. Уйку – одамни шираси. Уйга қир, кўзингни юмиб ёт, ухлаб қоласан, ҳордигингни чиқар. Ҳадемай, мазорга борамиз.

– Ота, ҳозир борсак-чи, – деб юборди ногоҳ Нуриддин.

– Ҳозир? Соат неччи бўлди?

– Иккилар бордир.

– Э, ҳозир у ёқда нима қиласан? Ҳич ким йўқ, дарвозаним қулфлаб қўйганлар. Саҳарда очадилар, – отаси йўлида давом этаркан, яна нималардир деди, ўғли эшитмади. Сўнг Одил бобо баланд овозда таъкидлади: – Уйга қир, бачам, ухлаб ол.

– Ҳўп, ота, – дея у энди отасининг маслаҳатига бехотиёр қўнди ва хаёлан бу гапда балки рамзий маъно бордир, отам мени тушунгандир, деган ўйга борди, эҳтимол, ўринсиз шубҳаларда қоврилайтгандирман, деган фикр бир оз тасалли берди...

* * *

Отасининг қачон уйга қайтиб қирганию нималарнидир секингина сўраганини у эшитмади. Фақат ташқарида гуриллаган машина овози ва одамлар гўнғир-гўнғиридан уйғониб кетди. Дарҳол бикинига қаради. Ўрин бўш. Шавқиддин аллақачон туриб, қийина бошлаган эди. Одил бобонинг сўзи бўйича у чирокни ёқди.

Ой йўқолган. Осмон тиниқ – юлдузлар ҳамон гўжгон. У ер-бу ерда хўрозлар қичқиради, итлар вовуллайди, узок-яқиндаги бошқа итлар уларга қўшилиб, ваҳима уйғотади. Қишлоқ асосан тиниқ уйқуда. Фақат уларга тегишли хонадонлардагина бесаранжомлик. Асосий тўда аллақачон қабристонга яёв жўнаган. Ҳадемай, иккита “Жигули” ҳам тўлалнигича йўлга отланди.

Эҳ-хе, қабристон дарвозаси ёнидаги уйчаю каттагина айвон тўн қийганлар билан тўлибди. Ота-ўғилга уйчалан жой бўшатиб беришди. Нуриддин эшик ёнидаги кўрпачага тиз чўқди. Отаси тўрға ўтиши билан қабристон мулласи “Қуръон” сураларидан қироат билан ўқишга киришди. Ундан сўнг Одил бобо билан уқаси ҳам давом эттиришди-ўлганлар, қабристонда ётган аждодлар ҳақиқа дуойи фотиҳа ўқишди.

Кўплар кўғалиб, фотиҳадан кечиккан, янги қелганларга ўрни бўшатишди. Улар учун янгидан қироат бошланар эди. Навбатдаги фотиҳадан сўнг Нуриддин ҳам ўзини ташқари олди. Баҳриддин билан Фазлиддин унга эргашди.

– Кетамизми, ака? – сўради Фазлиддин. – Одамлар фотиҳа учун уйга борадилар.

– Сен отам билан амакимни Ҳусни ақангни машинасида тезроқ олиб бор.

– Сизлар-чи?

– Баҳри ақанг билан мен онамининг ёнларига борайлик-чи, хабар олайлик-чи... Қабр ёнида фотиҳа ўқиймиз.

– Мен ҳам борақолай, ҳали эрта, ҳовлига улгурамиз.

– Ихтиёринг, – дея Нуриддин кечаги сўқмоқ бўйлаб йўл бошлади. Атроф ёруғлашган, қун қикиш томон йиғи таъсирида қон талашган кўздай қизариб, бугун ҳам ҳаво иссиқ бўлишидан дарак бериб турибди.

Қор босгандай оқариб, шўралаб ётган сўқмоқдан боришар экан, Нуриддин укаларини тонг колдириб, қадамларини жадаллатди. Шу топда у сувда чўқаётган кишини кутказишга ошиқаётган халоскорга ўхшарди. Янгиллиги билан ажралиб, ҳассалар қуршовида тўмпайиб турган қабр ёнига етиб боришганидан сўнг унинг киликлари укаларини янада лол колдирди.

Нуриддин дарҳол онасининг қабри рўпарасига, шундоқ шўр тупроққа тиз чўқдию сас чиқармай жим котди. Ниманидир тинглашга, эшитишга уринаётгандай кўринарди. Аммо ҳеч қандай садо эшитмагач, эгилиб, чап қулоғини ҳассалар тағидаги уюм тупроққа тутди.

– Ака, нима килопсиз? – Ташвишланиб сўради Баҳриддин ва келган йўллари тарафга шошқин қараб олди. Фазлиддин ҳам ўша ёққа ҳеч ким кўрмадимикан, деган ҳадикла назар солди. Икки киши шу томонга секин одимлаб келарди.

– Жим... – Нуриддин қўл силкитиб ишора қилди ва бошини кўтармай қабрни “тинглаш” да давом этди. – Ос-осойишталик...

– Нима бўлиши керагиди, ака? – елка қисди Баҳриддин.

– Э, ўзим, шундай... – Нуриддин қаддини тиклади.

Фазлиддиннинг табиатида кизикчиликка мойиллик бор. Шунга кўра ҳозир акасидан: “Савол-жавоб эшитмоқчи бўлдимиз, ака?” деб сўрашни мўлжалладиди, ботинолмади. Лекин барибир жим қололмади:

– Ташвиш чекманг, акажон, онам аллақачон жаннат тўрида ўтирган бўлсалар керак.

– Айтганинг келсин, укажон, Оллоҳ гуноҳларини кечирган бўлсин.

– Онам бирор ёмон иш қилганларини эслаёлмайман, – товуши титраганнамо деди Баҳриддин. – Эшитганим ҳам йўқ.

Бу сўзлар Нуриддиннинг қулоқларига етиб бормадди. У бутун вужуди билан қабрга эгилганча нималардир деб пичирларди. Укалари ҳам унинг ёнига тиз чўқишди-да, акасининг сўзларига қулоқ туттишди.

– Онажон, шундай қоронғу, зах гўрда қандай ётдингиз? Ёлғиз ўзингиз кўркамдизми? Онажон, биза шоша-пиша, вақтидан эртароқ кўммадикми? Нимага индамайсиз? Ўлганизга инонгим келмаёпти, онажон, – унинг кўзларидан дувиллаб ёшлар қуйилди. Баҳриддин билан Фазлиддин ҳам беихтиёр йиғлаб юборишди. Айни шу маҳал ёнларига яна икки кимса тиз чўқди. Нуриддин пайқамасди. Укалари – Шавкиддин билан Сайфиддин ўтирганини кейинроқ, фотиҳадан сўнггина билди.

– Юринглар, кечикмайлик, – деди Сайфиддин акасига қараб. – Фотиҳага келувчилар ҳадемай ҳовлида тўлиб-тошади.

– Сизлар бораверинглар, Фазли, сен ҳам бор, тезроқ, – деди Нуриддин. – Айниқса отам ўша ерда бўлишлари зарур.

– Отамни Хусни олиб кетди, амаким ҳам бирга, – деди Сайфиддин.

– Яхши. Баҳри билан мен сал кечроқ, ярим соатдан кейин борамиз.

Бир оздан сўнг Нуриддин укаси Баҳриддин билан ёлғиз қолди.

– Сен узокроқ вақт ҳушидан кетиб, ўлдига чиқарилган, шу асосда кўмилган, ўша марҳум деганлари гўрдан чиққанлиги ҳақида ҳеч эшитганмисан?

– Ҳа, эшитганман, китоблардаям ёзилган, ҳатто эртақлардаям кўп учрайди, – акасига хайратангиз тикилди укаси. – Нимайди?

– Ҳмм... – Нуриддиннинг юзи оқарди. Лаблари пичирлади. – Нахотки...

– Нималар деяпсиз, ака? – ваҳима аралаш, титраганча сўради ука. – Шу учун қабрга қулоқ тутувдизми?

Нуриддин индамай бошини эгди.

– Кўйинг-э, ўзи бирор асосиз борми?

– Кеча онамни оёқларини ушлаб турувдинг, а?

– Ҳа...

– Оёқлари совуғидими ё сал-пал... – давомини айтолмади у.

Баҳриддин серрайиб қотиб қолди, рангги оқарди. Нималарнидир эслашга уринди. Гўё фикрлари чалқашиб, ҳаёли етиб борадиган манзил эшиклари қулфга ўхшар, у ҳам дафъатан гангиб қолган эди.

– Йў-йўқ, акажон, ундай бўлиши мумкин эмас, – дедию у қабр тупроғига эгилиб, қулоқ тутди. Бир лаҳза шу кўйича индамай котди. Сўнг ўрнидан туриб бош чайқади. – Ҳеч ақлга сиғмайди.

– Қандайиди?

– Оёқлари совуғиди, назаримда.

- Қўллари-чи?
 - Қўллари совуқ эмасиди.
 - Иликроғидими?
 - Ундай деёлмайману лекин ўлик танаси муздай бўлади дейишади.
 - Мен ҳам шунака гаплар эшитувдим.
 - Сиз аввал ўлик танасини бирор марта ушлаб кўрганмисиз?
 - Ҳеч қачон. Фақат арбоблар билан видолашув чоғларида ёнидан юзига қараб ўтганман, холос.
 - Ўзи сизни уйчага олиб кирмасликлари керак экан-да, ака, – Баҳриддин акасига рўпара бўлди. – Онамни у ҳолда кўрсатмаслик заруриди.
 - Нимага ундай дейсан? Сенга, Ҳуснига майлино сал-пал оқ-қорани таниган менга мумкин эмасидими?
 - Оқ-қорани таниганимиз шуми? – У акасига таънаомуз қаради. – Ўзизниям, бизаниям асоссиз қийнаб...
 - Беҳуда, асоссиз деб ўйлайсанми?.. Ахир шундай ҳодисалар бўлиб туради-ку?
 - Юринг, кетамиз, – у акасининг қўлидан тутди. Акаси беихтиёр олдинга тушди. – Хафа бўлманг, ҳаммамиз ҳам шундай: китобиймиз, ўқиганларимизга ёпишиб оламиз. Бизга шуни ўргатганлар. Урф-одатлар ҳам эсдан чиққан. Таъна деб тушунманг, ака.
 - Гапингда жон бор. Лекин...
 - Ўша кечаси онамни кузатувдим, буни сизга айтувдим, чоғи.
 - Ҳа, лекин қўллари айтмагансан.
 - Аввал оёқлари совуқ кела бошлади. Намозгарда... Кечаси соат бирга яқин жон бердилар.
- Ўз кўлимда. Кўзларини сал очдилару “нуф” деб, охири нафасларини чиқардилар.
- Адашган бўлсанг-чи?
 - Ҳозир шундайгина кўз ўнгимда: бошлари биқинга қийшайиб кетди.
 - Оғир ётган бемор қаттиқ толиққандаям шундай бўлади. Ўлди деб ўйлайди киши.
- Баҳриддин индамди. Энди унинг вужудига ҳам шубҳа тутуни ўрмалади: наҳотки шоша-пиша хулоса чиқарди? Ахир Роҳила опасиям ўлимни тасдиқлади-ку! Бироқ унинг довдираши кўпга чўзилмади: мияси шиддатли ишлаб, акасини ишонтиришга уринди. Унинг учун бу жуда муҳим эди, йўкса, акасигина эмас, ўзи ҳам хавфли дардга йўлиқишлари ҳеч гап эмас.
- Яхши биласиз, ака, онам кейинги уч-тўрт йил ичида анча чўкиб қолувдилар. Турмуш қийинчиликлари, ҳар биримизнинг ташвишимиз кўпроқ онам елкаларидайдди. Тўғри, отам бўлмаса, шунчамишни уйли-жойли қилиш биргина онамнинг қўлларидан келмасди.
 - Буниси анн: отам елиб-югуриб топиб келардилар, онам иш кўзини билиб, режали сарфлардилар.
 - Ҳа-да. Ҳалиям онамнинг жонлари темирдан экан. Бултурги қаттиқ эилзила пайтидаям онам ана кетди, мана кетди ҳолига тушганлар.
 - Ўзим кўриб лол қолганман, – Нуриддиннинг кўзлари яна ёшланди.
 - Соғлом одам ёмон аҳволга тушиб, боши қийшайиб кетса, эҳтимол, сиз ўйлагандай, шубҳага бориш мумкин. Онам раҳмати, ахир, қанча ҳушсиз ётдилар. Ўша, кўзларини ярим очгандаям шамдай бир лопиллаб ёндилар-да, ўз чирокларини нуфладилар, жон таслим қилдилар.
 - Бўлиши мумкин, – Нуриддин барибир шубҳалар гирдобидан тўлик чиқолмади, хомушлиги ҳамон тарқалмади. Баҳриддин буни ҳис этиб, кейинроқ ҳам акаси атрофида парвона бўлиб юрди, ўз гапларига оғайнисини ишонтиришга уринди. Шунга қарамай, Нуриддин анча вақтларга қадар ўз ёғига ўзи қоврилди.

ЙИҒЛАМАГАН ОДАМ

Эртасино шиддинга ҳам қабристон уйчасида фотиҳалар ўқилганидан сўнг Нуриддин онасининг қабри рўпарасига бориб, узоқ сукут сақлаганча қулоқ тутди. Бироқ на йингино нингрок, на мадад сўровчи овоз, на бирор ҳаракат сездди. Охири кунда отаси ҳам бирга эди. Яқин ораларда ёмғир-намлик кўрмаган курук, оқиниш-шўр туноқ устига тиз чўкканча отаси аввал “Таборақ”, сўнг бошқа қатор сураларни ўқиб, фотиҳага қўл кўтарди. У ер-бу ерда чўккалаб ўтирган ўғиллар, қаринодош-уруғлар у кишига эргашиди. Ўтганлар, шу ерда ётганлар руҳи покига фотиҳа ўқилди. Фотиҳаларга мазорда гўё яқун ясалди. Энди ҳайит кунларидагина яқин биродарлар аждодлар руҳини йўқлаб, зиёратга келадилар. Удум шундай.

– Ота, бийимнинг қабрларини эслаёлмаёнман. Бирор белгисиям йўқ, – дея Нуриддин отасига мурожаат этди. – Шу атрофроғдайди, чамамда.

– Ҳа, шу атроф бизани хилхонамиз, – деди отаси ўйчанлик билан. – Бувингни қабри ҳу пастрокда бўлиши керак. Ёнларига бошқалар ҳам кўмилган, хилхоналар аралашиб кетган. Отамниям, онамниям қабрларини ҳозир тополмайман.

– Ҳеч хабар олмаганмисиз? – ажабланиб сўради Ҳусниддин.

– Қанака хабар олишим керак? – Отаси ўғлига тикилиб қаради. – Тирик одамдан хабар оладилар.

– Европаликлар қабрларни бунақа хор қилиб қўймайдилар, – деди Ҳусниддин. – Уларни қабристонлари боғларга ўхшаб кетади.

– Тошкентда ҳам шундай. Умуман, катта шаҳарларда, ўзбекларда ҳам ўлганларнинг сўнги маконини обод қилиб қўядилар, – дея Нуриддин атроф-теваракка, ташландик каби хароб ётган мазорга ачиниш тикилди, бош тебратади. – Нима учундир қишлоқларда мазор кўркинчли тус олади.

– Ҳали сонга киргани-ку бу, – Сайфиддин гап қўшди. – Аввалги райкўм бова мазорларни обод қилишга киришувди. Билмадим, энди қандай бўларкин?

– Сиёсат яна бошқача тус олопти, – Одил бобо атрофга олазарақ қараб олгач, бегона кимса йўқлигига инонгач, сўзида давом этди. – Энди унақа раҳбар бизага насиб кимайдигон кўринади.

– Гап факат райкўмда эмас, ота. – деди кескин оҳангда Заҳриддин. – Ота-онага меҳрингиз бўлганида хилхонамиз шунақа аҳволга тушмасди.

Ўғилнинг таънаси отага оғир ботди. Лекин жавоб қайтаришни, ўзини оклашни эп кўрмади. Нафсиламбрини айтганда ўғил ҳақ. Ҳар қандай вазиятда ҳам яқин кишилар қабрини йўқотиш, уларни кейинги авлодларга кўрсатиб қўймаслик – яқин эмас, балки эътиборсизликнинг ўзгинаси. Буни юракдан ҳис этган, ичдан тан олган ота дилидагини юзага чиқармади, ўғиллари олдида ўзини пастга ургиси келмади. Факат:

– Отамниям, онамниям кўмишда катнашолмаганман, – дея чуқур хўрсинди, мижжалари орасидан икки томчи сизди. Ўғиллари ҳеч қачон оталарида бундай ҳолатни кўрмаганлар, шошиб қолдилар.

Нуриддин эса отасининг шундай вазиятга тушиш сабабини ўзича изоҳлади:

– Отамни камокка олмоқчи бўлиб, излаб юрганлар. Отам қочиб қолганлар: ҳар ерда яшириниб, ҳеч кимга кўринмасликка уринганлар.

– Ота, нимага қочгансиз? – хайратланиб сўради Фазлиддин. – Ямон иш қилувдизми?

– Э, бачам... у вақтлар жуда ямониди. Бизларни жудаям узокдаги ташландик қишлоққа қулоқ қилиб юбордилар. Отам оғир дардга чалинди, даволашни иложи йўғиди... Жа қийналиб, азоблар еб, бир амаллаб қишлоққа олиб кеганман. Э, бу узун тарих.

Ўша тарихни Нуриддин отасию амакисидан бир неча марта эшитган. Аслида боболари асоссиз қулоқ қилинган. Улар ўрта ҳол ҳисобланган – қассобчилик, мол боқиб-семиртириб, кўпайтириб сотиш, бир неча таноб ерда деҳқончилик қилиш орқали ҳаёт кечирганлар. Тўғри, муҳтожлик кўришмаган, ҳеч кимга қарам бўлмаганлар. Иш кўпайган мақсумларда қариндош-уруғни ёрдамга чақирганлар. Лекин ишчи кучи ёлмаганлар. Шунга қарамай, уларнинг онласи ҳам бойлар рўйхатига киритилиб, олис туманга сургун қилинган. Боболари терлама касалига йўлиққан. Умуман, сургундагиларнинг деярли ҳаммаси шу дардга учраган. Соғлом, бақувват, тузуккина саводли катта ўғил арава ёллаб, тунда отасини ўз ҳовлиларига олиб келган, яширинча табибга кўрсатишган. Бемор ўзига кела бошлаган. Шунда фаоллардан бири Одилни сезиб қоладано махфий идорага хабар беради. Уни излаб қелишаётганини айғоқчининг хотини Мунаввар бувига айтади. Оназор эса ўғлини қўшни тумандаги қариндошлариникига жўнатиб юборади. Мусибат тушида аён бўлади ва Одил таъқибдан ҳам кўркмасдан шом чоғида қишлоққа кириб келади. Бироқ икки соатгина кечикибди – отасини аср намози пайтида тупроққа топширибдилар.

– Қандай бузук замон бўлдики, отамни ўз қўлим билан маконига топширолмасам, – дея фигон чекади у, пешонасига шапатайлади. – Гуноҳим нима?

Эртаси кунни уни олиб кетадилар, икки кун авахтага тикиб қўядилар. Ҳар қалай, омади юришади: саводи, билими бор қишлоқларга эҳтиёж туғилиб, у вақтинча таъқибдан қутулади-кимнингдир тавсияси билан қўшни жамоа хўжалигига, ҳозирги қишлоққа ҳисобчиликка тайинланади. Шу ерда уйли-жойли, бола-чақали бўлиб, ўтроклашади. Кейин қанот ёйиб, катта онла-хонадон ташкил этади.

– Иккала бийим ўлганларидаям отам Тошкандайдилар, – таъпасини давом эттирди Захриддин. – Акамни ишхоналарига тилпон қилиб, ўзим чакиртирувдим.

– Насиб қилмаган-да, бачам, – Одил бобо хомушланди. – Отамгаям, онамгаям дод деб йиғлашимни Худо буюрмаган, кўлимдан нима келарди. Бўмаса, Тошканга кетаётганимда бийинг соппа-соғиди...

– Келгандан кейин йиғладизми, ота? – ўсмоқчилаб сўради Фазлиддин. – Мен кичкинайдим, эсимда йўк.

– Ислом динида ўлганларга дод солиб йиғлаш-увол. Пайгамбаримиз ҳам наваралари ўлганда овоз чиқариб йиғламаганлар, бир неччи томчи кўз ёши тўкканлар, холос.

– Сиз-чи, ота, овоз чиқариб, сира йиғлаганмисиз? – кизиксиниб сўради Сайфиддин.

Одил бобо ўйланиб қолди, сўнг бош чайқади:

– Билмиyman, эсимда йўк.

Шу топда, ногаҳон Нуриддин отасининг овоз чиқариб, атиги бир лаҳза йиғлаганини эслади. Эллигинчи йиллар бошларийди. Нуриддин ўн икки ёшга кирган ўсмир бола. Отаси билан аравада бозорга қовун олиб жўнашди. Ҳали қовунни сотиб улгуришмаган эди, қаёқдандир пайдо бўлган ҳамқишлоқлардан бири отасини нарирок чакириб:

– Одил тоға, кишлокқа қайтиш керак, – деб қолди. – Сизни бир киши йўқлаб турвди.

– Қайтаман, қовунни сотиб бўлай. Ким экан йўқлаган?

– Қовунни бирортасига кўтарасига берақолинг, тоға, сизни кутаяптилар...

– Қизик экансиз... Қанақа шошилич иш эканки...

– Кенжа ўғлийиз...

– Нима? Нима-нима? – Одил бобонинг кўзлари олайиб кетган. Нуриддин ҳам бенхтиёр ўрнидан сапчиб турган, ҳамсоянинг оғзига қараган.

– Бироз мазаси қочибди...

– Э, нимага мазаси қочади? Соғлом бача-я? Бирор нима бўлибдими?

– Ариққа йиқилиб тушган...

Отасининг рангги бўздай оқариб, тилига сўз ҳам келмай, бирор сония котиб қолган. Нуриддин йиғлаб юборган. Эндигина атак-чечак қилиб юришга ўтган, тез эмаклайдиган укаси тили бийрон, жуда шўх, ҳаракатчан, ҳаммани ўзига ром этадиган, ширин бола бўлиб ўсаётган эди. Унга бирор қор-қол бўлишини у ҳам, отаси ҳам тасаввурига сиғдирилмасди.

– Оббо! – деди отаси ниҳоят пешонасига бир уриб. Гўё шу онда унинг бутун вужудидан аланга чиқиб кетгандай бўлди ва қовунларни унутиб тўнғичини саройга стакладино аравани, олиб, отга камчи босди. У дамларда от-арава энг қулай улов ҳисобланарди.

Ўн чақиримча масофани қандай босиб ўтишди, нималар ҳақда гаплашишди, Нуриддин эслолмайди. Афтидан, отаси бутун борликни унутган, бирор нима дейиш кўнглига сиғмас, боласи эса сас чиқармай бетўхтов кўз ёш тўқарди. Дарвозага яқинлашганда аёлларнинг уввос солиб йиғлаган овозларини эшитдию отаси аравадан ўзини пастга отиб, ичкарига чопди. Эрининг феълини яхши билган, шу онда кўзига ҳеч нима кўринмаслигини сезган хотини жон ҳолатда ҳовлидан ташқарига қараб қочди. Отаси кўлига илинган узун ва йўғон қалтакни кўтарганча ўн беш-йигирма қадамча қувиб борди-да, тўпланиб турган кишилар қаршиликка учраб, таққа тўхтади ва усти ўраб қўйилган боланинг оппоқ чехрасини кўриб, инграган мисол, юрак қаъридан отилиб келган йиғини ногаҳон юзага олди:

– Вой, бачам! – дея олди, кўзларидан бир неча томчилар шовуллаб оқди. Бирок унинг қайта йиғлаганини Нуриддин кўрмаган.

Нуриддин бу ҳодисани, зехни жуда ўтқир, ўзгача меҳрли, жажжи укасининг орадан бевақт кетишини бир умр ёдидан чиқаролмади. Ҳаммалари унга ортиқча меҳр қўйганларни, отасининг айтишича, Худога ҳуш ёлмаганлиги, шу боис ўзига чақирганлиги аёнлашди. Ўша куни чошгоҳ пайтида онаси тандир қиздириш, нон ёпиш билан андармон бўлган, Шавкиддин, Захриддин, Роҳила мол боқиш, ўт ўришга жалб қилинган, Сайфиддин билан Ҳабиба эса хали кичкина, ҳар хил ўйинлар билан машғуллиги боис укаларини кузатишолмаган, бунинг фаҳмига ҳам етишмаган. Ширинтой жигарлари эмаклаб, ариқ лабига борган, эҳтимол, сув ичгиси келгандир, балки, акаларига ўхшаб, чўмилишни хоҳлагандир-лапанглаб оқаётган сувга талпинган, деб тахмин қилинган. Бир маҳал бола онасининг кўзига ташланавермагач, Сайфиддиндан суриштирган. У ҳеч нима дея олмаган. Қидирув бошланган. Ҳамсоялардан бири ариқ бўйлаб, қуйи томонга эшакда жадал илгариланган: уч чақиримча наридан, қорни шишиб кетган болани топиб олган. Аммо вақт ўтган экан. Ичидаги сувлар чиқариб ташланган эса-да, бола ўзига келмаган.

Бу гапларни эшитиб, Нуриддин ташкарига чопиб чикиб кетгану жўхоризорга кирганча, худди отасига ўхшатиб:

– Укажон, сен ўлгунча мен ўлсам бўлмасдими? – дея унникиб, йиглаб юборган. Мушт теккан пешонаси шу заҳоти бўртиб чиққан. Кейин ҳам бир неча кун карахт юрган, ҳеч ким билан гаплашмай, укажонига пинҳона аза тутган.

“Ўша жигаримиз нобуд бўлмаганда ҳозир ўттиз беш ёшларга кирарди, – ўзича фикрлади Нуриддин. – Жуда катта олим ё арбоб бўлармиди? Одамларни ортидан эргаштирувчи етакчи бўлармиди? Қизиқ, туғилмасданок хавф-хатарлар куршовида қолган. Онам ўшанда иккикат ҳолларида юк машинасида нафақа пули олиш учун туман марказига борганлар. Машина ағанаб кетган. Бир неча киши ўлган. Онам қаттиқ жароҳатланган. Лекин болага шикаст етмаган. Ўшанда асраган Оллоҳ таоло кейин сувда оқизиб, бир ярим ёшида жонини олган...”

Бир марта шу ҳақда у отасидан сўраганида:

– Укангни умри қисқайкан, – деб жавоб қайтарган отаси. – Онангни умри узун бўгани сабаб машина тагидан бутун чиққан, кейин ҳам кўп фалокатлардан омон қолган. Нимжонлашиб қоган онанг ўша укангдан кейин туғилган, шароит ёмонлигидан ўлган Фотима-Зухрани, ундан кейин Ҳусниддинни, Баҳриддинни, Фазлиддинни, Ҳуснияминан Ҳилолани туғиб берди...

* * *

“Марҳум укамиз қабри қаердалигиниям билмаймиз, – деган фикр кечди Нуриддиннинг миясидан. – Оғир меҳнат туфайли чала туғилиб – Фотима-Зухра аталган ва икки-уч ойдалигидаёқ яшашдан марҳум бўлган сингилчаларимиз қаерда ётганидан беҳабармиз. Ҳаёт шу тарзда давом этса, онаминиям қабрларини йўқотишимиз ҳеч гап эмас...”

Акасининг кўнглидан кечганларини сезган каби Ҳусниддин тўсатдан таклиф этди:

– Ўлганларни абадийлаштириш бу ерлардаям расм бўлибди. Келинлар, бизлар ҳам онамиз қабрларига ёдгорлик кўяйлик.

– Баракалла, укажон, яхши фикр айтдинг, – биринчи бўлиб маъқуллади катта ака. – Кўнглимдаги гап. Яқинларнинг қабрини тополмаслик – уят. Нима дейсиз, ота?

– Гапинг тўғри, бачам, – отаси ўйланқираб, оппоқ сочли бошини кашинди. – Локин исломда дабдабали ёдгорлик кўйиш, соғонаю уйчаларни гўр устига қўндириш макруҳ саналади, майит ахволини кийинлаштиради.

– Ахир қабрлар аралашиб кетобди-ку? – шошилиб эътироз билдирди Ҳусниддин. – Буни уламолар ҳисобга олмаганми, ота?

– Ҳисобга олинган. Тош кўйиб, битик ёзишга рухсат бор. Локин қабр бошига келиб, зиёрат қилиш шарт эмас, мазор оёқ ости қилинмаслиги зарур. Шуларни ўйлаб, ҳар қайси қавм учун хилхона ажратганлар. Хилхона эгалари вақти-вақтиминан атрофни тозалаб, обод қилиб турадилар. Фотиҳа, тиловатлар ҳар ердан ҳам етиб бораверади.

– Ҳмм... гап қаерда! – деди Баҳриддин. – Шу учун ҳам, барибир фотиҳа етиб бораверади, деб ўйлаб, мазорларга эътибор йўқолган экан-да.

– Йўқ, фақат шу учун эмас, – Заҳриддин унинг мушоҳадасини тарихчиларга хос тарзда ифдалаш ва тўлдиришни лозим топди. – Бошқа вилоятларга қараганда мазорлар бизда кўп хароблигига бошқа сабаблар ҳам бор. Илдизи бошқа ёкка бориб туташади.

– Ҳеч қанака илдиз-пилдиз йўқ, – дангал рад этди Шавқиддин. – Ҳамма айб бокибеғам одамларнинг ўзида.

– Аввал сиз Заҳри акамни гапларини охиригача эшитинг-чи, кейин фикризни айтинг, акажон, – уни жеркигандай деди Баҳриддин.

– Хўп-хўп, ана, эшитганимиз бўлсин, – Шавқи иккала кўлини баланд кўтарди.

– Ислом дини маркази деб бу ерларга кизил империя жуда катта қуч ташлаган, дин билан боғланган кишиларга ҳужумлар уюштирилган. Бу гапларимиз фақат ўзимиз учун, ҳар ерда айтиб юрманглар...

– Айтмайдиган гап бўлса, айтма, укажон, – яна эътироз билдирди Шавқиддин у ёқ-бу ёқка қараб олгач. – Билганингни ичингдан чиқарма.

– Фақат одамларимизга айб тақамаслик учун билиб кўйинглар, деб айтмоқчиман, холос. Ўша пайтларда дин арбобларини қаттиқ жазолаганлар, масжидларни йўқ қилганлар, эски қўлёзмаларни оловда ёққанлар...

– Бунга сабаб, совет ҳукумати худосиз, динсиз мамлакат ҳисоблангани, – дея Ҳусниддин гап қўшди. – Фақат комфиркага эътикод қўйиш мўлжалланган.

– Тўғри, – маъкуллади Заҳриддин. – Окибатда диний саводсизлик бошланган. Одамлар охирзамонга ишонмаган. Шу туфайли мазорларга эътибор йўқолган.

Жим тинглаб ўтирган Одил бобо ниҳоят ўглининг гапини маъкуллади:

– Ўзимизни кишлоқдан қанча муллоларни қамадилар, сургун қилдилар. Бобонга қўйилган асосий айб ҳам муллолигиди. Кўп муллоларни деворга суяб, отганларини узокдан кўрганман.

– Ҳа, шундан кўриқиб, намоз ўқийдиганлар қамайган. Лекин яширинча намоз ўқиб, рўза тутганлар ханузгача кўп, – деди Баҳриддин.

– Аслини олганда, иймони мустаҳкам кишини на кўрқитиш, на ўлим эътиқодидан қайтара олади, – деди Нуриддин. – Эсимни танибманки, рўзага қарши, Худога қарши ташвиқ эшитаман. Аммо беш вақт намозини қанда қилмайдиганларни кўп кўраман. Мана, амаким ҳам муаллим бўлганларида болаларга калимаи шаҳодатни ўргатган эканлар.

– Саид акамни билмайсизлар, жойлари жаннатдан бўсин, акамдан Худо рози бўсин, – Одил бобо кафтларини очиб, юзларига бармоқларини юритди. – Саид сўфи деб ном чиқарувди. Иймондан айриламан, деб уйланмай ўтиб кетди.

– Сайид бовамни жуда яхши кўрардим. Бийимдан бирон йил кейин дунёдан ўтдилар, – Нуриддин отасининг гапини тўлдирди. – На колхозда, на давлат ишида бирор кун ишлаганлар.

– Бизгаям Ҳазрат Алининг кофирлар билан қилган урушлари ҳақида кўп хикоя қилганлар, – деди Ҳусниддин. – Кичкина бўлишимизга қарамай орқаларидан қолмаслик, эртақ айтиб беринг, деб безор қилардик. Йўқ демасдилар. Эринмай Ҳазрат Али, Рустам дoston ҳақида сўзлардилар...

Нуриддиннинг кўз ўнгида отасининг она бошқа ўғай акаси бўлмиш Саид амаки – бобонинг кўкиш, меҳрли боқувчан кўзлари, тарам-тарам ажин босган қизғиш – нуроний чехраси, эгик қомати гавдаланди. У дорилфунунни тугатиб, ишга кирганидан сўнг биринчи маош олганда амаки-бобосига бош-оёқ сарупо қилган. Бу фикр онажонидан чиққан эди. Саид бобо хурсанд бўлиб, жилмайганча: “Кўнглингга раҳм солган Худога шукур, – деган. – Худо сани паноҳида асрасин, яхшиликлар қисин, омин”. “Сиз менга кўп яхшилик қилгансиз, бобо”, – деган амаки-бобосини кучоклаганча юзларидан ўпиб у. Саид бобо ҳеч кимни ўпмасди, ҳеч кимнинг юзига тик боқмасди. Жияни ўпишига жавобан елкасига секин уриб: “Ман санга нима яхшилик қилибман?” деб сўраган. “Эртақлар айтиб бериб, кўзимни очгансиз, табиат билан таништиргансиз”, жавоб қайтарган Нуриддин. “Бу мани ишим эмас, Худони иши”, деган амаки-бобо. Бу гапи учун ўшанда Нуриддин чолни жуда камтарга чиқаргану гап мағзини чақмаган. Аслида нуроний қариянинг ўзига хос ажиб, яширин сирлари бўлганки, бу сирлардан художўйларгина воқиф эдилар. Йигитлигида Саид сўфи Амир Олимхоннинг даъватига кўра шу кишлоқдан Бўхорога отланади. Ғазотда жуда кўп қурбонлар берилади, ҳисобсиз сарбозлар, оддий ғазот иштирокчилари пулемёт ўқидан ер тишлайдилар. Саид амаки олис кишлоқдан яёв етиб боргунча амир тақдири ҳал бўлади. Шунга қарамай, амаки-бобо ярадор, аммо милтикли кофирни қалтак ила уриб ўлдиради. Кейинчалик ҳам у киши шўро ҳукуматиға умуман ишонмайдилар, бу ҳукуматни умри қиска, узок яшамайди, деб ҳисоблайдилар. Шу ишончда яна салкам эллик йилча умр кўрганлар...

Шу ўйлар гирдобиди Нуриддин атрофга бир назар ташлаб олди-да:

– Саид бобомниям қабрларини ҳозир тополмаймиз, – деди чуқур хўрсиниб. Шу учун ҳам ҳар бир қабр белгили қилиб қўйилгани маъқул экан.

– Буни онамдан бошлаймиз, – деди Ҳусниддин. – Мен кейинги ҳафтадан шу ишга киришаман.

– Буни фақат сизга ташлаб қўймаймиз, Ҳусни ака, – атрофлардаги баъзи, янги пайдо бўлган ёдгорликлару кичик уйча – сағаналарга нигоҳ қадаб, ўз мулоҳазасини билдирди Баҳриддин. – Устахонага иккавимиз бориб, буюртма берамиз. Иложи борица қора мрамар топиш керак. Сўзларини катта акам келиштирадилар.

– Ҳисоб-китоб қилиб, етти ўғилга баравар тақсимланглар, – деди катта ака. – Гап кимда имкон бор-йўқлигида эмас. Имкони бўлмаганлар, тортинмай айтсин. Уни ҳисобдан чиқариб, бошқаларга тақсимлаймиз. Розимисизлар?

– Гап бўлиши мумкин эмас! – тасдиқлади Шавқиддин. – Одамлар ота-оналарига нималар қилмайдилар...

КЕНЖА СИНГИЛНИНГ ДАРДИ

Бир ҳафта давом этган изтироблару оҳ-воҳларга ниҳоят якун ясаш пайти келди. Якшанба куни пешинда етти деб аталмиш маросим ана шу якуннинг биринчи босқичи бўлиб хизмат килди. Аёллар яна сўнгги кучларини йиғиб, уввос солдилар. Улардан айримлари ҳамон телбаларча дод солар, на бирор далдага кўнар, на каттик-койим гапдан хайкарди. Хусусан, ҳамманинг диққат марказида кенжа фарзанд Ҳилола турардики, бу табиий ҳол эди. Гўё унинг тақдири она вафотидан сўнг хавф остида қолгандай туюларди. Шундан каттик изтироб чекишаётганга ўхшардилар. Шу учун ҳам маърака тарқалиши ҳамон ака-укалар яна меҳмонхонада, оталари атрофида тўпландилар. Қизлар ўртасида энг дадил ҳамда дангалчи ҳисобланган Ҳабиба қаддини тик кўтарди-да, катта акасига мурожаат килди:

– Мана энди ҳаммамиз ўз уйимиз-ўлан тўшагимизга кетамиз. Лекин жумбокли бир масала бор, ака.

– Қанақа жумбокли? – Нуриддин кўзини қисиброк синглисига қаради.

– Ҳилолани иши нима бўлади? Шуни ҳал қилиш керак, ака?

– Ҳилолани нима ишию нима муаммоси бор? – хайратланди Нуриддин. У бир ҳафта олдин тунда, автобусда келаётганларида синглиси айтган сўзларни батамом унутган эди. – Эртага у бизлар билан Тошкентга кетади. Иши билан ўқишини давом эттиради. Йигирмага фақат ўзим қайтиб келаман. Буларни овора қилмаймиз. Майлими, ота? – У отасига юзланди.

– Гапингга кўшиламан, бачам.

– Ҳилола бунга кўнмаяпти: ўқишгаям, ишгаям бормийман, кўнглимга сиғмайди, дейди.

Шунча ўқиганлари беҳуда кетадими?

– Бу ерда нима қилаймишлар? – Отаси писанда билан лабини чўччайтирди.

– Сизга қарармиш. Отамни ташлаб кетмийман деёпти.

– Мани нимамга қарайкан? Мани пишак ерканми? – Энди овозини анча кўтарди отаси.

– Ман биров қарайдиган аҳволдайканми?

Нуриддин шундагина синглисининг дардини, йўлдаги изтиробларини эсладию масала анча жиддийлигини, қайсар Ҳилолани бирор гапга кўндириш осон эмаслигини ҳис этди. Аслини олганда Ҳилоланинг бу қарорини катта мардлик, чин фидойилик санарди. Аммо бунга йўл қўйиб бўлмаслигини ҳам яхши биларди. Боз устига, унинг ёши ҳам аста-секин юқорилаб борар, ҳадемай, тилдан тушиб қолиши, қари қизга айланиши, танлаш ҳуқуқини йўқотиши мумкинлигидан юраги сиқиларди. Энди бу имконият ҳам гўё барҳам топди. Она ўрнини на ота, на акалару опалар ҳамда янгалар боса олади. Нуриддин асосий масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёру бироқ бу борада Ҳилола билан эмин-эркин гаплашиш анча маҳол. Ҳатто, опалари ҳам унинг юрагига чуқурроқ кўл соллолмайдилар. Шу мавзуда гап бошланса, ўрнидан шарт турадию ўзини ташқарига уради ёки қип-қизариб, қафтларини қулоқларига босади. Шу боисдан қишлоқдаги не-не йигитларнинг совчилари қуруқ қайтган.

– Йўқ, йўқ, хоҳламайман, – дейди, рад этади.

– Кимни хоҳлайсан, қизим – деб сўрарди гоҳида раҳматли онаси. – Айт, ўшанга ўзимиз совчи кўямиз...

– Э, боринг-э, – дея Ҳилола кўл силтаб, ўрнидан турарди. – Эрга теккан Роҳила опамми? Аҳволига қаранг, кўча-куйда йиғлаб юради. Эри хиёнаткор...

– Санга хиёнат қилмайдиган, мўмин-қобилидан топамиз, қизим...

– Бўлди, бўлди, кўп авраманг, – у отилиб ташқарига чиқиб кетган ҳамиша.

Шубҳасиз, бу гапларни Нуриддинга онаси шу йил қишда гапириб берган, қизининг феълию тақдиридан каттик ташвиш чеккан. Демак, онагинаси ўшанда бош фарзандига кенжа қизини топширган, ўзинг бош-қош бўл, деган маънода васият қилган экан-да. Аслида Ҳилола ҳозирги ўқишига иштиёқ билан интилган ҳам эмас-да. Кўпроқ онасининг даъвати бўйича Тошкентга, акаси билан ёнма-ён бўлишга қизикқан.

– Акаларинг, опаларинг ўқимишли бўсаю сан ўқимасанг, одамлар айтмайдими: “Шу кенжага қолганда оқсадизларми?” – дея онажони тез-тез унинг қалбидаги кўрни титқилаб турган. – Саням ўқитишга қурбимиз етади, қизим.

– Мен ўқисам, сизларга оғиримни ташламайман, онажон, – дея қиз онасига эрқаланиб ёпишарди. – Лекин хоҳлаган ўқишимга қиролмайман-да...

– Шунча акаларинг сани ёлғизлашиб қўядими, ўзим каттамга айтаман.

– Йўқ, айтманг... Акам...

У хоҳлайдиган ўқишни Нуриддин яхши биларди. Аммо ҳар сафар суҳбатлашганда уни ўз хоҳишидан совутишга уринган ва бу борада жиддий хато қилганини кейинчалик ўзи тушунган.

– Ҳилола, биламан, сен қаламқаш бўлишни орзу қилсан,–деган Нуриддин кейинги суҳбатларидан бирида. – Ёзган хатларингни, иншоларингни ўқиганимда буни сезганман. Қобилиятинг ҳам йўқ эмас.

– Ростданми? – Суюнганидан чехрасн нурланган кизнинг. – Ишқилиб, сал-пал борми? Нуриддин кулиб ҳазиллашган:

– Улмасанг одам бўласан.

Ҳилола ҳазилни яхши қабул қиладиган, танги киз эди. Шунга кўра:

– Ўлмасликка ҳаракат қиламан, ака, – деган. – Сизни тушундим.

Нуриддин буни рағбатлантириш деб билмаслиги учун унга фикрини очик айтишни лозим кўрган:

– Тўғри, Ватан ҳақида, устоз муаллимлар ҳақида, хусусан она ҳақида ёзган иншоларинг ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Ўзимниям кўзимдан ёш чиққан.

– Раҳмат, акажон, – янада қувониб кетган Ҳилола. – Менга канот бердиз.

– Афсус... боғланган қанот...

– Нимаа?

– Биласанми?. . – Энди Нуриддин синглизининг ҳафсаласини пир қилишини ўйлаб, иккиланганча тўхтаб қолган. – Эҳ, қанийди шу бўлишингга яраша ўғил бола бўлсайдинг... Қанийди...

– Ёзиш киз болага ярашмайди?

– Ярашади, жуда ярашади... Фақат бу касб жуда машаққатли, унча-мунча одам бунга дош беролмайди. Чидаёлмайди.

– Мен чидайман, кийинчиликдан кўркмийман, ака. Хай, мenden ўзи чиқармикан?

“Чиқишга чиқиши мумкин, ўзига хос қаламқаш чиқиши ҳеч гап эмас, –деган ўй кечди унинг миёсидан. – Жуда таъсирчан. Фикрини қоғозга таъсирли қилиб туширадн, туйгуларга кўмиб туширадн. Аммо бу ўткинчи ҳол бўлиб қолишннм мумкин. Кўп қизлар турмуш қурганларидан сўнг, бола-чака, рўзгорга ўралашиб сўниб қоладилар. Боз устига, Ҳилолада жуда нозиклик, жисман бир мунча ожизлик ҳам бор. Қанақа кишига турмушга чиқадию ҳаёти қандай кечади? Бунга ҳам боғлик...”

– Ишонмайсизми, ака?

– Гап фақат чидашда эмас, Ҳилола, – деди ниҳоят акаси. – Ҳаётда хилма-хил одамларга дуч келиш, баъзан устомонлар, аблахлар билан олишувга тўғри келиш, мағлубиятлар олдида эсанкираб қолиш эҳтимоллари бор. Бундай лаҳзаларда сени ҳамма ҳам тушунавермайди. Оилада қандай қарашади? Бари бир, эртами, кечми, бировнинг этагини тутушинг зарур...

– Э, қўйинг-э, ака, сиз ҳам шундай дейсиз-а, – у тескари қараган.

– Ҳа, инкор қиласанми?

– Турмуш қурмай ўтган шоиралар, ёзувчилар, қаламқашлар кўп бўлган-ку, ака. Улар севган ишларига ўзларини бағишланганлар...

Нуриддин кўзларини катта очиб, ҳам ҳайратангиз, ҳам жаҳл ифодаланган нигоҳда синглисига тикилди. Ҳилола потўғри гап айтган каби чўчинқираб, айни дамда сўздан афсусланмагани билиниб турган алфозда акасига қаради. Агар зарурат тугилса, у ўз гапини такрорлашдан ҳам тоймайдиганга ўхшарди. Бунн хис этиб, Нуриддин ҳам қатъий гап айтди:

– Бунақасига йўл қўйиб бўлмайди, – унинг титрагани сезилди. – Йўқ, бунақа фикрни миангдан чиқариб ташла. Ўзингни ҳеч кими йўқ деб ўйлама.

Шу топда унинг кўз ўнгидан ҳар хил нашрларга шеър, ҳикоя, мақола кўтариб борадиган қизлар, чиройли жувонлар гавдаланди. Аксарият ҳолларда ходимлар уларни қандайдир таъмагирилик, висолданми, ширин суҳбатданми-умидворлик илинжида қабул қиладилар, илмоқли гаплар айтиб, ўзларига оғдириб олишга уринадилар. Баъзи ҳолларда қизлар алданиб, эрмакка айланадилар. Ўша ҳаваскор ҳақида ҳар хил гап-сўзлар тарқалади.

Аммо у кичкина жигаргўшасига бу ҳақда гапиришни лозим кўрмади. Ҳилола у билган жуда кўп қизлардан батамом ажралиб турса-да, бу бобда ҳеч кимга ўзини олдиришига ишонмаса-да, аёллар хом сут эмган бандалар, деган тўхтамакга келди ва синглизини ҳам ўқситмаган ҳолда хулосалади:

– Ижодкор бўлиш учун журналистикада ё филологияда ўқиш шарт эмас.

– Унда сиз нимага филологияда ўқигансиз, ака? Сизни ҳамма яхши олим деб ҳисоблайди.

– Ҳали қанака олимлигимни ўзим ҳам билмайман. Буни келажак кўрсатади.

– Мени йўлдан қайтариш учун камтарлик қиялмасиз.

– Ундан кейин... менга маслаҳат берадиган кишининг ўзи бўлмаган.

– Йўғ-э, ака, пушаймонмисиз? – Ҳилола акасининг кўзларига жавдираб тикилди.

Нуриддин жавобга шошилмади, тўғриси, саволни жавобсиз қолдиргиси келиб, четга қаради: “Пушаймон эмасман, лекин вақтимни, умримнинг анча қисмини беҳуда ўтказганман, беҳуда ишларга ортиқча вақт сарфлаганман. Кўнглимдагидай билим ололмаганман. Тарихимиз қатламлари шундоққина варақланмай, чанг босиб ётибди. Ўша чангларни кўзга тўтиё қилиш зарур эди. Қанийди ҳозир йигирма беш ёшлар атрофида бўлсайдим...”

– Ака, айтмаяпсиз, олимликни ёқтирмайсизми?

– Мени йўлим бўлак, Ҳилола, – деди у ниҳоят ўйчанлик билан. – Қиз бола бўлганимда бошқачароқ касб танлаган бўлардим.

– Ни-маа? – Ҳилола йиғламсиради.

– Масалан, тикувчиликми... муаллимлик ҳам яхши-да...

– Қўйинг-э, ака, сиздан шунақа жавоб кутмовдим, – Ҳилола ўрнидан туриб, довдирагансимон ташқари чиққан ва сал ўтмай қандайдир илинжда ортига қайтган. Буни сезган акаси энди масалага чуқурроқ ёндашган:

– Эзилишингни, хор бўлишингни истамийман, синглим...

– Қаламқашлик – хорликми?

– Ўртача ёки ўртадан пастроқ бўлсанг, хорлик деявер. Фавқулодда истеъодлар эса ҳар доим ҳам туғилавермайди. Ундайлар тўсикларни ёриб, ўзларига йўл очиб бораверадилар. Агар сендаям шунақа белгилар бўртиб турганида иккиланмай ўзим етаклардим.

– Ахир сендаям бор, деб айтдингиз-ку, ака, – куйиниб, ўзини ҳимоя қилишга уринди Ҳилола. – Тинимсиз меҳнат қилса, айтганизга эришиб бўлмайдами?

– Бўлади, аммо фавқулоддаликка эмас-да.

– Абдулла Қаҳҳордай зўр ёзувчи меҳнат орқали шу даражага эришган экан.

– Сен салга шамоллайдиган, нозиккина кизалоқсан. Тушундингми?

– Тушундим... – Ҳилола маъносиз бош эгди. – Даъво қилганим йўқ, ака.

– Балли. Аммо машқни тўхтатма. Ўқишнинг. Лекин касб қилиб олмаганинг маъқул. Ким билади, балки, қутилмаган ҳоллар юз берар...

– Э, боринг-э, – энди у чинакамага жаҳли қикиб, ўзини ташқари урган. Акаси эса муҳим бўсағада турган кизалоқ билан ланж гаплашгани учун кейинчалик ўзини айблаган.

Ўшандан кейин ҳам орадан кўп йиллар ўтди. Ҳилола қарийб чорак аср яшаб кўйди. Аммо ҳаётдан аниқ ўрнини тополмади, ҳаёт унга тузукроқ турмуш ўртоғи ҳам ҳадя этолмади. Деярли ҳамма фарзандларида бўлгани каби Шамсия хола яна ташаббусни ўз кўлига олди:

– Қизим, сандан калхозчи чикмайди, калхозда кун кўролмайсан. Каттам билан бирга юбораман. Ўқийсанми, ишлайсанми, бирор йўли топилар. Аканг сандан ҳич нимани аямайди.

– Акам аямагани билан ўзларини ташвишлари ошиб-тошиб ётибди, она.

– Сани ташвишинг ҳам оғирлик қимади. Ўзиям айтувди, ўзи хижолатли.

Қизик, ака-сингилнинг бир вақтлардаги суҳбати Ҳилоланинг қалбига муҳрланиб қолган экан, “Менга мос келадиган касб-тикувчилик” деди-да, тўқимачилик комбинати ҳузуридаги тикувчилик-бичувчилик қиска курсига ҳужжат топширди, сўнг комбинатнинг ўзида ҳам ишлаш фикрига тушди. Ҳам ўқиш, ҳам ишлаш нозиккина киз учун осон кечмади, албатта. Аммо у нолиган эмас. Акасию янгаси унинг бирор марта оғринганини, ҳатто “уф” тортиганини кўрганлари йўқ. Шунга кўра, эр-хотин хурсанд бўлишиб, Ҳилоланинг ўз йўлини топганини эътироф этишган. Бироқ, айни маҳалда, қиз тобора озиб, ранг-рўйи синикиб, ҳолсизланиб борган. Қизикки, бундан Ҳилола ўзи қувонган.

“Семизлик молга ярашади, одамга эмас, шу учун “семизликни қўй кўтаради”, деб бежиз айтмаганлар”, дер эди у яқинларининг танбехига жавобан.

Бироқ, кейинчалик аён бўлдики, у танлаган касбига меҳр қўёлмаган. Уни жиддийроқ қузатган акаси бир куни дастурхон атрофида ўтирганларида:

– Тикувчилик-бичувчиликка чиндан қизиқасанми ўзи? – деб сўраб қолди.

– Нимага ундай дейсиз, ака?

– Ишингга астойдил қиришганингни ҳеч кўрмадим. Балки, тўгаракни ўзида иш бажариб келаетгандирсан, а?

– Топширларни ўша ерда бажараётганим рост, – деди у паришонроқ ҳолатда. – Лекин мендан яхши тикувчи чикмайдиганга ўхшайди.

– Балки, комбинат иши чарчатиб қўяётгандир. Иккаласи оғирлик қилар. Факат битта кема бошини тутиш зарурдир.

– Билмасам... – Ҳилола оғир тин олди. Сўнг ногоҳ жонланди. – Биласизми, ака, айтиш нокулайу...

– Тортинмай айтавер.

– Тиқиш-бичишним харажатлари кўп бўларкан... Ҳар хил матолар, асбоб-ускуналар... Яхшироқ тикув машинаси...

– Ҳа, янганники бузук, ишламайди. Устаям тузатолмаган. Лекин бу баҳона эмас-да: жуда кизикқанингда йўлини топардинг, ҳар лаҳзанга кизганардинг. Маблаг масаласида биргалашардик.

– Сизни катта рўзгоризга пашшахўрда бўлиб, яна пул сўрайманми, ака?

– Шу гапинг менга ёкмади. Кенжа синглимизни ҳамма акалар биргалашиб бўлсаям қийнаб қўймаймиз. Ўзинг топганинг ўзингдан ортмаслигини сезаман. Шу учун ҳеч тортинма, Ҳилол, хўпми?

Ақасининг гапида жон бор эди. Ҳилолада ҳеч қачон ортиқча пул бўлмасди. Аввало, бежирим, нафис кийинишни, пардоз-андозни хуш кўрарди. Ўзи емаса емасдики, жиянларини хурсанд қилишни ёқтирарди: музқаймоқми, шоколадми, пирожнийми, ғаройиб китобми кўтариб келарди. Ақаси кўп марталар танбеҳ берди, аммо ўз билганидан қолмади. Бир кунни эса ҳар қайсиларига биттадан музқаймоқ келтирганида Нуриддин ғазабини босолмади:

– Бунака нарса кўтариб юрма, деб айтганларим эсингдан чиқдимми?

– Э, ака, ойлик олувдим. Жиянларим бир қувонсин дедим.

Нуриддин музқаймоққа иштаҳаси очилиб, оғзи сув ошаётган эса-да, буни сездирмай қатъиятлик кўрсатди:

– Қани, ҳозир ҳаммасини ахлат челакага ташла-чи!

– Дада, шундай нарсани-я, – кизи эркаланиб, дадасига суйқанди. – Мен ташламайман.

– Бекор айтибсан. Биттасиям қолмасин. Қани олинглар-чи!

– Вой, ака, ундай қилмайлиик... Энди келтирмийман...

Нуриддин юмшоқфёъл бўлса-да, бирор нимага қарор қилганидан сўнг уни қайтариб бўлмас эди. Буни оиладагилар яхши билишарди. Лекин музқаймоқ масаласида, унга анча пул сарфлангани ҳамда кўпроқ туриб қолса, эриб кетиши аниқлигини ўйлаб, оила бошлиғининг ён беришига умидворлик ила тайсаллаб туришарди. Ҳатто Озода ҳам ўртага тушишга ботинолмади. Воқеа қандай тугагини кутиб, индамай кузатарди. Ҳеч кимдан садо чиқмасди. Хонтахта устида эса музқаймоқ гўё ўзига имларди. Охири Нуриддин шашт ўрнидан турди-да, ҳали таксимлаб улгурилмаган, таксимланганлари ҳам отанинг вазоҳатидан кейин ўрнига қайтарилган, унинг ўзи ҳазиллашиб, “Пломбир-муғомбир” деб атайдиган музқаймоқни қоғозга аввал қандай ўралган бўлса, ўшандайлигича ўради-да, шиддатли юриб, ошхонадаги челака-ахлатлар уюми устига отди. Яна ҳеч нима бўлмагандай ўрнига қайтиб келди ва диванда чўзилганча ойнаи жаҳонга кўз тикди.

“Тўғри қилмадим, – деган ўй кечди хаёлидан. – Ҳилолани ранжитдим. Болаларим ҳам тамшаниб қолди. Яна бир оғоҳлантириб қўйсам бўларди. Йўқ, ҳар қалай, энди билиб иш қилар. Бу иш ҳеч бирининг эсидан чиқмас...”

Дарҳақиқат, бу воқеани кейинчалик ҳам эсларидан чиқаришмади, тез-тез эслаб, гапириб юришди. Лекин ҳеч ким хафа эмасди. Гап шундаки, кенжа кизи ошхонага пусиб ўтади-да, челакадаги ўроғлик музқаймоқни олади ва сас чиқармай қоғозни янгилаб, совутгичнинг музхонасига қўяди. Кечкурун отаси кўча сайрига отланганда ҳаммалари музқаймоқдан роҳатландилар. Бу ҳаракатни кейинчалик эшитган Нуриддин мийиғида қулиб қўяди, холос, чунки, ўз қилмишидан ичда пушаймон юрарди.

Бироқ Ҳилола ўша қилгилигидан барибир воз кечмайди. Жиянлари ҳам унга каттик боғланиб, ҳеч нимани аммаларидан аямайдилар. Қачонки, меҳрибон қариндошлари шаҳарни тарк этиб, қишлоққа жўнаганида йиғлаб қоладилар.

Бу айрилик кўпга чўзилмайди. Онасининг даъвати ила Ҳилола яна шаҳарга қайтади. Ўзининг фикрича, ундан тикувчи-бичувчи эмас, хилма-хил модалар устида ишловчи, миллий либослар танловчи моделчи чиқishi мумкин экан. Шу ўйда у техникумга ўқишга қиради: аввалгидай ҳам ўқийди, ҳам ишлайди. Онасининг вафоти эса уни доводиратиб қўйди, қайларга етаклаши номаълум сўқмоққа бошлади, гўё янги дардга йўлиқтирди.

– Қишлоқда қолгиси келса, қолсин, – деди Заҳриддин кўшларнинг ҳафсаласини пир қилиб. – Аввало, нимага қолмоқчилигини билиш керак.

– Йўлда менга айтувди: “Отамни ўзим парвариш қиламан”, дедди, – укасининг фикрига гўё жавоб берди Нуриддин. – Тўғри, отамга парвариш зарур. Аммо Ҳилола бу ерда буткул қолиб кетолмайди-ку. Шу учун гапига кўшилмаганман.

– Тўғри қилгансиз, ака, – эшикдан кириб келган Роҳила нима ҳақида гап бораётганини илғаб, дарҳол бўш турган кўрпача чеккасига чўкди. Унинг ортидан Ҳусния ҳам, Парвардаю бошқалар ҳам бирин-сирин ичкари кириб, сафни тўлдирдилар. Бирок Ҳилоладан дарак йўқ, у Солиҳа аммаси билан онажони хусусида тўрдаги уйда суҳбатлашиб ўтирарди.

– У барибир бу ерга сигмайди, – деди йиғламсираб Роҳила.

– Нимага сигмайди? – Заҳриддин атайлаб, бошқаларни ҳам кўзга шунча учун гўё гиж-гижлади. – Ўзини уйига, ўзини ҳовлисига сигмайдими?

– Нимага сигмаслигини ўзиз яхши биласиз-ку, ака, – Ҳабиба ҳам Заҳриддин акасини авжлантириш учун гулханга ўтин қалади. – Шу масала бир ёқли бўлиши керакми, йўқми?

Ҳамма нима хусусда гап кетаётганини англаб турарди. Фақат оталаридан аниқ фикр, танглик, қатъий сўз кутардиларки, бу айни дамда жуда зарур эди. Аслини олганда, Одил бобонинг жавоби тайёр – иложи борича Ҳилола бу ҳовлида Карамгул билан бирор кун ҳам бирга бўлмасин. Улар ит-мушук бўлишларига чолнинг мутлақо тоқати йўқ. Шу учун кенжа кизини тезроқ Тошкентга кетишини жуда истаydi. Ўша фикрдан қайтган эмас. Шундай экан, нега яна гапни чувалаштиради булар? Яна бирор ўйин ўйлаб чиқаришмадимикан?

– Биз учун энг муҳими-отамнинг осойишталиги, – деди Баҳриддин дангал, – Карамгул билан Ҳилолани муносабати эмас. Вақтга, вазиятга қараб, муносабат ўзгараверади. Биламан, отам Ҳилола ўқишдан кечишини хоҳламайдилар. Ўқишни битириши керак, деб ҳисоблайдилар.

– Юрагим бўл-э, – деб юборди ногоҳ Одил бобо. – Ўқишга кириш, Тошкандай ерда ишлаш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди.

– Йўқ, отажон, Ҳилола ўқишни битирсин, деган маънода бу гапни айтмаяпсиз, – дарҳол эътироз билдирди Ҳабиба. – Карамгул ҳовлида яйраб юрсин, Ҳилола кўзимдан нари бўлсин, деган ниятни ўйлаёпсиз. Гапим тўғрими?

– Ҳа тўғри. Яна нима демокчисан? – Одил бобо ёнбошлаб ўтирган ерида қаддини тиклади. Сўнг қандай жаҳлланган бўлса, ўшандай шаштидан тушди. – Қўй, кизим, бу гапларни мавриди эмас. Борсин, ўқишини битирсин, бахти очилса, эрга берайлик.

– Во, мана, гап қаерда! – Шавқиддин беихтиёр ўрнидан туриб кетди. – Ҳаммадан ҳам муҳими-шу! Онамни қирқлари ўтишиминан бирортасига бериб юборайлик, ташвишдан ҳам, гап сўздан ҳам қутилайлик.

– Қанақа гап-сўздан? – хавотирланиб сўради Нуриддин. – Бирор хунук гап таркалганми?

– Ҳеч қанақа гап-сўз йўқ! – эътироз билдирди Ҳусния. – Шавқи акам ўзлари шунақа ваҳимчилар.

– Ўҳўҳ, силгилжонимей, – Шавқиддин Ҳусниянинг ёнига бориб, бурнининг учини қисди. Синглиси бошини четга тортди. – Шу ёшга чиқиб, уйда ўтириши, янгасиминан келишмаслиги, бир-бирини юмдалаши гап-сўздан камми?

– Ахир, ака, Ҳилола ҳозир бу ерда яшамаёпти-ку, – яна Ҳабиба гапга аралашди. – Қандай юмдалашсин? Бу – бир, иккинчидан, келадиган совчиларни шу ҳовлида йўлдан урувчилар бўлса, қандай бахти очилсин!

– Ким ўша йўлдан урувчи, менга айт, ўзим жазосини бераман! – Шавқиддин шовқинлаб, атрофига аланглади.

Нуриддин ҳам кўнглида ғулғула кўзга олиб, ҳаммага бир-бир қараб чиқди. Кўпчилик нигоҳи Карамгул устида кезса-да, нечундир, бунақа иш унинг қўлидан келмасов, деган ўйда Парвардадан шубҳаланди. Аммо бу гумонда ҳам асос йўқлигини ҳис этиб, яна Ҳабибага умидвор боқди. Айни шу аснода қисиниб-қимтиниб ўтирган Карамгул шубҳалардан гўё ўзини соқит этди:

– Совчиларни ҳеч ким йўлдан урмайди, Ҳилола опамни ўзлари ҳеч кимни хоҳламайптилар.

Ёш жиҳатдан қайсинглисидан анчагина кичиклиги боис Қарамгул уни “опа” деб чақирар, муносабатлари бузилган чоғларда умуман гаплашишмасди. Унинг ҳозирги сўзи кайнатасига жуда маъқул тушди:

– Мана, келин тўппа-тўғри гапни айтди. Билмадим, сингилларнинг кимга тегаркан. Ман-минан ишлаган катта бир ҳисобчини ўғлигаям кўнмаган бўса, нима қилай бу кизни!

Ака-ука ва сингиллар бир-бирларига маъноли қараб олишди: “Мана, эси пастрокми, дейилган келиннинг “очко” олганини қаранглар”. Бироқ кўнгилларидан кечганини юзага чиқаришга журъат этолмадилар – Одил бободан ҳайикдилар.

– Ҳилоланинг ўзи қани? – Нуриддин энг кейин келган Хусниядан сўради.

– Чарчаганми, мазаси кочганми, мудраб ўтирувди.

– Аммамни ёнларида ухлаб ётибдилар, – деб кўйди Қарамгул. Ушбу машваратда қайсинглиси иштирок этмаётганидан унинг хурсандлиги билиниб турарди. Гап оҳангидан гўёки уларни апок-чапок дейиш мумкиндай эди. Чиндан-да, онанинг вафоти улар ўртасидаги адоватни учириб юборгандай кўринарди.

– Майли, ухлайверсин, эртага поездга чиқамиз, – деди хотиржам Нуриддин. – Ҳаммамиздан кўпроқ шунга қийин бўлди-да.

– Шу учун у сиз билан кетиши керак, ака, – деди Баҳриддин. – Бу ерда ўзиниям ейди, бошқаларниям захоб қилади.

– Ўқишга унчалик хуши йўқ-ку, – яна кутку солди Заҳриддин. – Умрини беҳуда ўтказиб, нима қилади шахарда. Майли, хохламас, бормасин, икки ҳовлида кириб-чикиб, юраверади. Ўзим бокчаданми, мактабданми, иш топиб берарман.

– Бас, сан тумшугингни тикиб, ишни бузма, – дея отаси ўғлини жеркиди.

– Бова, сиз сиғдирмасайиз, Ҳилола бизаникида яшайди, – Парварда эрини ҳимоя қилиб, тарафдорлари сафини кўпайтирди. – Тикувчиликкаям қўли келиб қолган.

– Ўв, аввал сан ўзингни эпла, бир этак бачангни саришта қил, кейин башкага энчи бўл.

– Эпламай нима қилопман, бова? – Парварда аччиғланди. – Бировларга огирлиги тушибдим бачаларимни?

– Наччи кун сиғдирасан, Ҳилолани? Кўй, мани тилимни қичитма, сан индамайгина ўтир, хўпми? Нима қилишни ўзим биламан.

“Парварданинг ҳаракатида бирор гап бормикан? – ўйлади Нуриддин. – Ҳилолани Қарамгулга гиж-гижлаб, жанжал чиқармасмикан? Эр-хотин наҳотки шунга режалаштирган?.. Иккаласиям Қарамгулни кўрарга кўзлари йўқ дейишади. Яна ким билади? Балки, чиндан-да, одамгарчиликларни тутиб...”

ҚАЛБДА СЎНМАГАН ЧЎҒ

Ҳилола билан Қарамгул орасидаги келишмовчилик кўп марталар баҳсу мунозарага сабаб бўлган. Баъзан фикр олишувлар жанжалга, бақирик-чақириккача айланган ҳоллар ҳам юз берган. Ҳатто Қарамгул бир неча марта аразлаб, онасиникига кетиб қолишгача, кўйди-чикди даражасигача борган. Гоҳида иккала тараф учун мураса йўллари ҳам топилган, албатта. Аммо бу аҳвол узокка чўзилмаган.

Гап шундаки, Қарамгул билан Ҳилола иккаласи икки олам-бири манфий, бири мусбат кутбни ташкил этади: кутблар дуч келганда ўт чақнайди. Бу ҳолат никоҳдан кейинги биринчи ҳафталардаёқ кўзга ташланди. Бошқалар бунга эътибор беришмадими ёхуд пайқашса ҳам келинчакни ҳали ёш ҳисоблаб, индашмадими, ҳар қалай, бирор гап-сўз кўтарилмади. Ҳилола эса...

Ҳилола кенжа янғасининг акси ўлароқ, кичик жуссали, озгин, буғдойранг, сал чўзинчок юзи кўпинча ялтираб турадиган, коп-қора кўзли, пўпалок қора бўлик сочи ўзига ярашиб тушган, чакконгина, истарали киз. Табиати ўта нозик: бировнинг тупурган тупугини кўрса, уч-тўрт кунгача кўнгли айниб, юраги беҳузур юради. Атроф-теваракка ҳам, ўзига ҳам гард юктиришни истамайди, ҳамма ёқ саранжом-саришта бўлса, ҳамма бир-бирига ширин муомала қилса, баҳри-дили очилади...

У кўнгли очик, хушфёъл, саҳий, айни пайтда, боқибегамроқ Фазли акажонига худди ўзига ўхшаш таъби нозик келин келишини жуда орзу қилар эди. Чунки, оламни сув босса тўпигига чиқмайдиган, саранжом-саришталикни фарқлаб ўтирмайдиган кишининг аёли сал бошқачароқ бўлса, бирининг ўрнини иккинчиси тўлдирарди, деб ҳисобларди. Шу боис тилга олинадиган номзодларни муҳокама чоғида у йўқка чиқарар эди.

Ҳилоланинг кўнглидагидай номзод ҳам юзага чикқанди. Қандай яхши киз эди-я у. Фазли акаси уни ёктириб, ҳатто севиб қолувди. Қиз ҳам кувнок Фазлидинсиз ўзини тасаввур қилолмасди. Тўғри, у Карамгулдай баланд бўйли, тиник оқиш-сарғиш юзли эмас, сал қорачароқ эса-да, истараси исиклигидан дарҳол диққатни ўзига тортарди. Ҳилола билан дўст-дугона бўлиб қолувди. Эси...

Шу катта акаси-да, ҳаммасини йўққа чиқарди. Нимаймиш:

– Айтган қизнинг тошканлик экан: шаҳарда туғилиб, шаҳарда ўсган, сени кишлоғингга бориб, яшамайди.

– Ака, у кишлогимизга боришга тайёр, ўзим сўраганман, – дея Ҳилола катта акасига гап уқтирган. – Фазли акам нима деса, ҳаммасига рози.

– Ҳозир рози бўлиши мумкин, кишлок ҳам хаёлида жаннат бўлиб кўринади,–деган катта ака. –Аммо кишлокни кўрганидан кейин, хусусан, қишда ҳўл ўтнини ўчоқда ўт олдиролмай қийналганида, кўзлари аччиқ тутунга тўлганида, кўрасан унинг аҳволини.

– Қишлоқ ҳам шундай қолиб кетмас, газ келади дейишопти, – Фазлидин ҳам беихтиёр ўз дилидагини ошқор этган. – Кейин шаҳардан қолишмаймиз, ака.

– Ҳа, эшитдим, ҳаракат бор экан. Аммо, сен укам... – Нуридин чайналган, укасига ён босгиси келган, бир-бирига интилган ёшлар ўртасида тўғанок бўлишни истамаган. Бирок отасию онасини ўйлаб, ўз мулоҳазасини айтган. – Ҳаммамиз ҳар ёкка тарқаб кетдик. Бу ҳовли эгаси ўзинг бўлиб қолишинг зарур.

Аслида отаси ҳам, акалари ҳам Фазлидинни ўқитиш тарафдорин эмас эдилар. Хусусан, Одил бобонинг хоҳишига кўра у шофёрликни ўргангани, бирор юк машинасини ҳайдаши, рўзгорга нафи тегиши, ҳамиша ота-она хизматида юриши лозим эди. Агар олий маълумот олса, шаҳарни кумсаб қолиши ёхуд тузукрок иш кўрсатса, юқори ишларга олиб кетиб қолишлари ҳеч гап эмаслиги тажрибадан маълум. Бирок Шамсия бувининг маслаҳати яна вазиятни ўзгартирдию Фазлидин икки оёғини бир этикка тикиб олди. Охири отасию акаларини ҳам кўндирди: ўқишни битиргач, албатта кишлокда ишлайди. Аввал у имтиёзни мўлжаллаб, Тошкент тўқнамачилик комбинатида иш бошлаб, халк хўжалиги илмгоҳига ўқишга кирди. Ҳалиги кизни ўша ишхонада учратиб, тез-тез мулоқотда бўлишган – бир-бирини ёктиришган. Ҳилола ҳам шаҳарга борганидан сўнг акаси у киз билан синглисини таништирган, кейинроқ ўзи кишлокка қайтган, савдо идорасига ишга кирган. Аммо ўзи севган қиз билан алокани узмаган – гоҳ симда, гоҳ мактубларда тиллашиб турганлар, турмуш қуришга аҳд қилишган. Лекин Ҳилоладан бўлак ҳеч ким уларнинг қовушувларига розилик бермаган. Фазлидиннинг ўзида ҳам қатъият йўқ. Буни акалари яққол сезишади. Катта акаси эса ўз фикрини мустаҳкамлаш учун бир неча мисоллар келтиради-да:

– Мен севги-муҳаббатни тан оламан, Фазли, – дейди. – Ораларингда ҳақиқий севги бўлса, ҳар қандай вазиятда ҳам “пуф сассик” деб сени ташлаб кетмайди, шароитларга кўникади. Агар қийинчиликка, соғинчларга чидамаса, ўз шаҳрига интилса, мотамсаро бўлиб юради, кайфиятининг бузади.

– Мен аҳд қилганман, ака,–дейди Фазлидин. – Қишлоқдан, ота-онам ёнидан ҳеч ёкка кетмайман.

– Ана шундан келишмовчилик чиқади. Онажонимиз эса, дарров келинларию сени олиб, ўша ёк йўли танобини тортадилар, – дея қулган катта ўғил. – Не умидлар билан қилинган ишлар барбод бўлиши ҳеч гап эмас. Шу учун кишлок кизларидан бирортасини танлаганинг маъқул. Бу сенга буйруқ эмас, укажон, маслаҳат. Яхшилаб ўйлаб кўр.

Ҳар қалай, шу маслаҳат таъсириданми, ўша кизга туйғулари чуқур илдиз отмаганми, Фазлидин фикрини ўзгартирган. Кўп номзодлар ичида икки кишлок нарида яшайдиган Карамгул устида тўхташади. Ота-онаси, акалари обрў-эътиборли, дилкаш, кўли очик одамлар. Ёмон ном чиқармаганлар. Ёлғиз кизлари ҳам шунга яраша бўлиши аниқдир-ов. Бирок мактабнинг саккизинчи синфини битириб, ўқишни давом эттирмагани, колхозда ишлаётгани баъзиларни ўйга толдирди. Буни Ҳусния суриштирган: киз паст баҳода ўқиган, билимга қизикмаган экан. Ҳилолага эса баҳона топилади: “Ёмон ўқиганлар кўпинча бефарқ бўладилар”. Роҳила эса: “Гапингга кўшилмайман, – дейди. – Мана мен ҳам мактабда яхши ўқиганим йўқ, медалиним юртиниям амаллаб битирдим. Шунга қарамай, ишимдан ҳеч ким норози эмас. Ҳурматим, худога шукур, жойида. Рўзгорим ҳам ўтиб турибди...”

Роҳиланинг далили тарози палласини босиб кетди. Ростдан-да, ўз иш ўрнида ҳам, рўзгор тутишда ҳам, саранжом-саришталикда ҳам опаларининг ўрни жуда юқори. Демак, гап ўқишда эмас, уқишда экан-да.

Кизик, Фазлиддиннинг ўзи бу мунозараларда бепарво. Худди бу бахслар, муҳокамалар унга дахлсиздай. Ҳатто, кизнинг ўзи – Карамгул билан ҳам учрашиб, гурунглашишга кизикиб қарамаган, “Ўзлариз биласизлар, сизларга маъкул бўлса, бас-да”, деб қўйган. Турмуш ҳам худди шу тахлит кечиб боряпти: иссиқ бўлиб, танага ҳарорат юбормайди, совук бўлиб, салкинлик бермайди. Иссиқлаганда танга роҳат бериб, тафтни босадиган эмас – илимиликка ўхшайди. Илимиликлик эса кўнгилни беҳузур қилади.

Ҳилоланинг кузатуви вазиятни янада чигаллаштириши, Фазлиддин билиб колгудай бўлса, орага совукчилик тушиши мумкин. Аммо масалага бефарқ қараш ҳам тўғри эмас. Карамгулнинг ўзидан суриштирилса-чи? Нокулайда, ахир...

– Онажон, келиниз менга ёкмаяпти, – деди ниҳоят Ҳилола ўзини тутолмай. – Тузукрок суриштирмадик ҳам.

– Суриштирдик, кизим. Санга ёкмагани тушунарли, айтганинг бўмади.

– Йўғ, ҳалиги... Эси жойида эмас.

– Унака дема, аканг эшитса, кўнгли қолади. Эрига маъкул бўса бас-да, – дедию онаси ҳам ўйланиб қолди. – Гап-сўзлари, ҳурмат-иззати бинойидай-ку?

– Эйтибор бермадизми: ошхонада идишлар қалашиб ётади, вақтида ювилмайди... – Ҳилола талмовсираб, тўхтади, яна нималардир демоқчи бўлиб, оғиз жуфтладию қандайдир гумон уни яна тўхтатди.

– Ҳи... Яна нима?

– Кизик, бугун ҳам кўрдим: ҳожатхонадан чиқдию кўлини ювмасдан тўғри уйига кириб кетди.

– Йўғ-э, – онаси ажабланган, ишонмаган. – Кўлни ювганини кўрмай қогансан.

– Рост, онажон! – ичидан аланга чиққудай, юракдан гапирган Ҳилола. – Иккинчи марта кўришим. Айтинг, онажон, бундай қилмасин... – Ҳилола ижирғаниб, титради. – Ўша кўли билан овқат тайёрлайди-я? Ўша овқатдан сиз, отам ейсизлар.

– Ваҳима кима, кизим, – деган онаси ўзини босиб олиб. – Эсидан чиққандир. Овқат қилаётганда кўлини ювади. Ювмай ўлибдими?

– Қаерда ўсган? Молхонадамикан?

– Бировни фарзандига айб такаверма. Ҳали ёш: индигина ўн саккизга кирган. Ҳали ҳаммасини ўрганиб олади.

– Бўладигани бешикда аён бўлади, дейсиз доим. Уйида кўрганини қилса... Ўзи мусурмон эканми булар...

Шу лаҳзада Ҳилолага гап уқтириб бўлмаслигини билган онаси индамай қўяқолган. Бирок кенжа келини ҳам ўзи кузатган. Ҳар қалай, икки-уч мартада чўнкайиб ўтирганча офтобада кўлини ювиб, сочикка артганига, бир марта эса, чиндан ҳам уйга бепарво кириб кетганига қайнанаси гувоҳ бўлган: “Ўзи сезмай, ўйлаб ўтирмай шундай қилди-ёв...”

Салдан кейин қайнана-келин ёлғиз қолишганда:

– Мусурмон одам ноҳозиз жойдан чиққанда, нотоза бирор нимага қўл урганда албатта кўлини ювади, келин, – деди Шамсия буви. Карамгул кизаринқираганча:

– Мен ҳам юваман, ойинжон, – деди пастгина товушда. Афтидан, кўлини ювмай уйга киргани мутлақо эсида йўқ ёки тан олгиси келмаган.

– Эсиздан чиқариб қўйманг, деб айтдим-да, айланай. Бу ҳовлидагилар ҳаммасини кўнгли нозикки, кўриб қосалар, сизни хафа қилдилар. Ҳамма нарса саранжом-саришта, тоза бўгани тузук-да. Бу ўзизга яхши...

– Ҳўп, ойинжон...

Шундан кейин вазият ўзгариши, сув ўзанига қайтиши лозим эди. Бирок нописандликми, бепарволикми ёхуд хотира заифлигим, панд бериб, аввалги ҳолатлар бир неча кундан сўнг яна такрорланди. Оқибатда, сув ўзандан тошиб чиқди: янга ва қайнсингил ўртасида биринчи тўқнашув юз берди. Тўқнашув эса асаб йўлларига янги чизиклар чизди. Унгача ҳам Карамгул тайёрлаган овқату нондан танаввул қилишни тўхтатган Ҳилола келинчакни аяб ўтирмади:

– Сизни носаро туғмаганми бордию? – дея унинг кўзларига тик қаради. Шубҳасиз, бу сўз маъносини Карамгул мутлақо тушунмади. Кўзларини пирпиратиб, ўзидан бир неча ёш катта қайнсинглисига тикилди. Нигоҳи уйилган, ғазаб ифодаланган кўзларга дуч келиб, аллақандай сўқниш бўлса керак, деб ўйладиди:

– Онам тукқанла, – деди ишонч билан. – Нимаиди?

Ҳилоланинг кулгиси кистади. Лекин ўзини босиб:

– Онайиз ўрис эмасми мабодо? – деб яна ўша ваҷоҳатда сўради.

– Онам ўрислигини кўрсатиб қўяйми? – Карамгул ҳам ногоҳ жаҳлланиб, Ҳилолага ташланиш ниятида бир неча кадам олдинга босди. – Нимага ҳақорат қиласан мени?

– Ҳақорат қилганим йўқ, сени тушунмай, ростини сўраяпман, Каром пошда, – энди Ҳилола кинояга ўтди. – Фаҳм-фаросатдан озроқ борми ўзи? Ҳожатхонадан чиққандан кейини кўл-юзни ювмайдиларми? Шу кўл билан... – у четга қаради.

– Қачон қўлимни ювмадим? – Карамгул ногоҳ пасайди. Қайнанасининг танбеҳи эсга тушди шекилли. Аммо эътироф этишни истамди.

– Ҳозиргина-я? – Ҳилола яна ғазабланди. – Эслан озроқ борми ўзи? Ё девонамсан?

– Ўзинг девонасан? Девоналигинг учун уйда ўтирибсан.

Ҳилола таънадан хафа бўлмади. Аксинча, унга тенг бўлиб, жанжаллашгани учун ичдан ўзини койиди. Дарҳақиқат, иккаласи ўртасида ер ила осмонча фарк сезилади. Ҳилола ҳали мактабга бормасданок савод чиқарган, юзлаб шеърлар ёдлаган, билим даргоҳи кутубхонасидаги китобларнигина эмас, қишлоқ шўроси кироатхонаси бойлигини ҳам деярли назардан ўтказган, баҳслашувларда ҳатто баъзи ўқитувчиларни ҳам мулзам қилган бир қиз бўлса, Карамгул саккизинчи синфни аранг тугатган, мустақил фикр юритишга анча ожиз, бироқ ўзини ҳимоя қилишда ҳар қандай сўзларнию кўл ҳаракатларини ишга солишга тайёр жувон. Пичингу қочириклар унга на ҳожат: бор гапни силлиқроқ тарзда, очик айтавериш маъқулдир. Онасининг фикрича, “қуйма ақл эмас, туртма ақл”. Отаси эса:

– Бўлаверади, – деган. – Нима иш буюрсанг, бажаради: овқат қилади, нон ёпади, молларга қарайди. Рўзғорбоп-да.

– Рўзғорга покизалик керак, озодалик керак, ота, – деди Ҳилола. – Майли, келиниз молларга қарайверсин, овқатни ўзим қиламан.

Чиндан ҳам Ҳилола ошхонада иш юритса, у ердан хушбўй таралади, таомлар гўё тилга кириб, ўзига чорлайди. Буни отаси кўп маргалар эътироф этган. Карамгул келганидан сўнг эса вазият ўзгарди: кизини макташлар тўхтади-қолди.

Ҳилоланинг таклифи, отага фавқуллода маъқул тушди. Ўйлаб қаралса, еб-ичишда ҳаловат бўлади, мол-ҳолдан ҳам кўнги тўқ. Ўзи азалдан ҳам Одил бобо озодаликни суйган, фарзандларидан ҳам шуни талаб қилган.

– Саранжом-сариштали ховлига ризк-насиба кўпроқ қиради, фаришталар кўнади, ҳар нарса сочилиб ётган, кўримсиз хонадонга жин-ажиналар, ёмон ниятли арвоҳлар макон куради, – дейди оила бошлиғи.

Отасининг шу сўзлари гўдақликдан Ҳилоланинг қулоғига муҳрланиб қолган. Ахлат уюмию ивирсиқлар орасидан қандайдир ёвуз кучлар чиқиб, унга ёпишадигандай, ҳар хил дардларга чалинтирадигандай туюлган.

Бироқ ҳалол-покизаликни шунчалар ардоқлайдиган отажониси кейинги дамларда, хусусан, кенжа келин хонадон сафига қўшилганидан сўнг анча ўзгарди-қолди. Буни ҳар ким ўз қаричи билан ўлчашга уринди.

Нуриддин: “Наҳотки одам қариган сари бефарқлашиб боради, наҳотки эринчоқлик кучайиб, ҳафсала йўқолади?”

Шавқиддин: “Энди отам жонларини койитгилари келмайди. Ҳар нарсага бош оғритиб, нимаям қиладилар, тўғриси”.

Заҳриддин: “Отам аввалгидан ҳам позиклашган, инжиклашган. Лекин Карамгулга келганда ҳаммасидан кўз юмадилар, ўринсиз бўлсаям тарафини оладилар”.

Сабаб:

Яна Заҳриддин: (У ҳар кунни отасини онаси, бу хонадон билан мулоқотда бўлиш имкониятига, кузатиш шароитига эга. Чиндан ҳам ҳар кун бу ховлига бош суқиб ўтади, хол-аҳвол сўрашади): “Карамгул кетиб қолишидан кўрқадилар. Яна сарф-ҳаражат қилиб, бировнинг эшигига бориш осон эмас, деб ўйлайдилар...”

Парварда: “Карамгул биза қилолмайдишган ишларни ирганмай бажараверади, айтганларини қилаверади. Шу учун ҳимоя қиладилар. Камчиликларини кўргилари келмайди” (Ва шунинг учун ҳам у Карамгулни хуш кўрмайди).

Роҳила: “Отам, отажоним, сизга нима бўлди? Бизадан ҳам келинизни афзал кўрасиз. Нега? Бизага ҳалиям инжиклик қиласиз, унга йўқ. Ҳайронман.”

Сайфиддин: “Қўли қалта одам ночорлашади. Ночор одам нимасига инжиклашади? Отамга осон эмас. Лекин Карамгулга талаб қўйсалар бўларди. Бу – имкандан ташқари эмас”.

Ҳабиба: “Отам ўзлариникига қаттиққўл, бегоналарга бағрилари кенг. Келинлардан биронтасиниям кўнглини оғритмаганлар. Ажабки, куёвларига парволари палак”.

Хусниддин: “Отам-гуманист. Келинимни бирортаси ўқситмасин, деб ўзлари калкон. Оғирликларни ўзларига оғдирадилар.”

Бахриддин: “Отамда орийат, ҳамият кучли. Ҳовлимиздан ёмон гап чиқишини хоҳламайдилар. Ўз фарзандларига гаплари ўтишини яхши биладилар. Карамгул эса кенжа келин. У билан биргаликда яшашлариниям аҳамияти бор. Бунинг устига келинлари ҳимояга муҳтожлигини жуда ҳис этадилар. Муҳими, отамнинг инжиқликларини у кўтаради, аразлаб юрмайди. Бу – унинг устунлиги”.

Фазлиддин: “Онам касалманд, отам инжиқ, Карамгул – бефарк. Бефаросатликни тузатиб бўлмаскан. Ундан воз кечишга отам кўнмайди. Отамни хафа қилишга, дилларини оғритишга ҳаққим йўқ. Ҳа демай, Карамгул туғса, обрўйи яна ошади. Унга мендан кўра отам кўпроқ танбех берадилар”

Хусния: “Отам Карамгулнинг тарафини олмагашларида вазият ўзгариши мумкинмиди...”

Ҳилола: “Биламан, отам кўнгилларида Карамгул билан келишолмайдилар. Бизага ён боссалар у ҳайдалишини яхши тушунадилар. Шу учун унинг ёнини оладилар. Умуман, отам ҳақ... Лекин жабрини ўзларини Фазли акам тортадилар. Ахир бунга қандай йўл қўйиб бўлади?”

Шу тарика бутун масъулиятни Ҳилола ўз зиммасига олганга ўхшарди. Аммо отаси билан тузилган шартномага ҳам кўп ўтмай дарз кетди. Бунга яна Ҳилоланинг бетоқатлиги, чидамсизлиги, бу ишни адолатсизлик, деб тушунгани сабаб бўлди.

Ҳа, чиндан ҳам у тайёрлаган таом ҳам кўринишдан, ҳам маза жиҳатдан мактаб-мактаб ейилади. Бундан киз ўзича яйраб, илҳомланади. Лекин Карамгулнинг парвойи палаклиги, ақалли хижолат ҳам чекмаганлиги унга алам қилади: “Ҳо, малайингни топиб олдинг, чоғи, – дейди ўзига ўзи бир кун. – Токайгача овқатингни пишириб бераман...”

Эртасига Карамгулга ўз фикрини дангал айтди у:

– Бизни ошпазлигимиз тамом, ҳар ким ўз аравасини ўзи тортсин. Мен отамга, онамга, ўзимга овқат қиламан, холос.

Бирок Ҳилоланинг таомига мойиллигини Фазлиддин ҳам сездиради ва синглисидан дакки эшитади:

– Ойимчайизни бўрдокига боқасизми, ака? Боринг, уни хафа қилманг.

Фазлиддин жавобга оғиз жуфтлаганда Одил бобо кизини жеркнейди.

– Сани миннатли ошинг ҳам қурсин, ўзинг ҳам, – дея қўлини артади. – Карамгулни авкотини ман ейман. Манга ёқади. Эртдан ошхонага қадамингни босма.

– Буни гапи тўғри, Нурдин, – орага тушади онаси. – Дашном эшитса, ўзини тузатади. Бўмаса, тайёрга айёр бўлиб юраверади-да.

– Ҳа, сан ҳам кизингни юзини юв, эркатат. Ҳаммаларинг ўшанга ёпишаверинглар-чи, охири нима бўлади!

Фазлиддин ўз фикрини ҳам айтмай қўлини артади ўрнидан туради: “Оҳ, тошканлик киз, сени уволингга колдим-а”, деган ўй юрагини ўртайди.

Орадан бир оз вақт ўтиб, ошхонага йиғиштир-сиғиштирлар ўз ихтиёри билан яна Ҳилоланинг елкасига тушади. Унинг оғироёқ Карамгулга раҳми келади. Шубҳасиз, Шамсия буви ҳам кизига ёрдам бериб туради.

Бирок кутилмаганда фалокат юз бериб, хонадон аъзолари жиддий синовларга рўпара келадилар...

ҲАЙДАШБОП САБАБ

“Тез ёрдам”да хотини билан бирга кетган Фазлиддин кун чиккандагина дарвозадан ичкари ҳатлади. Туни билан мижжа қокмаган онаси дарҳол:

– Ёруғликми, бачам? – деб сўради.

– Ҳа, сахарга яқин кўзи ёриди, – паст, ҳафсаласиз, чарчокли овоз чикди ундан.

– Нимага машқинг паст, бачам? Ҳалвоми дейман-да?

– Ҳалво... – Фазлиддиннинг энсаси қотди.

– Э, қувонмийсанми, бачам, биринчиси киз бўгани яхши-да.

Она-боланинг овозини эшитиб, молларга қараётган Одил бобо шу томон тез юрди. Эри яқинлашар-яқинлашмас аёли чехраси очилганча:

– Севинчи чўзинг, Нурдин, янги навара муборак бўсин, – дедию яна ўғлига юзланди: – Ҳай, ўзи яхшими? Қийналмаптимми?

– Кўрганим йўк. Кўрсам, сўрардим.
 Отаси мийиғида кулиб қўйди ва:
 – Севинчи-певинчи бердингми? – деб сўради. – Қиз бача яхши... -ўғлининг кўнглини кўтариш учун чол зўрма-зўраки мактаётгани билиниб турарди.
 – Ҳамшира сўради, севинчи бердим.
 – Ҳайрият. Қизми, ўғилми, фарзанд туғилгани яхши. Тирноғига зорлар канча, бачам, – энди ота каддини кўтариб гапирди.
 – Ўзини иситмаси боракан...
 – Ҳа, одамдан одам туғиладию иситмаси бўмайдами, бачам. Бунни санга ким айтди? – сўради онаси.
 – Севинчи олган аёл айтди. Бир оз мазаси йўғакан. Гоҳида хушидан кетиб қоларкан.
 Чол-кампир бараварига:
 – А? – дея анкайиб қолишди. Афтидан, бунақа жавоб кутишмаган, негадир чакалок енгил туғилишига умидвор бўлишган.
 – Кўп қон кетгандир-да... – онаси гўдранди. – Ҳозир ўзим иликдаккина атала қилиб бераман, дармон дори бўлсин... – онаси шоша-пиша ошхона сари йўналди. Рўпарасидан чиққан Ҳилолага топширик берди. – Катакка қара, аталани янги тухумда қилайлик.
 – Ҳо, юришизга қараганда наварайиз ўғил, шекилли.
 – Ўғилми, қизми, барибир эмасми? Аканг фарзандли бўлди.
 – Ўттизинчи навера туғилибди-да, муборак бўлсин, – онасининг гап оҳангидан чакалок киз эканини билиб олди у. – Ҳамма ёк қизга тўлиб кетди, севинчи бермийман.
 Шу маҳал меҳмонхона тарафдан Фазлиддиннинг қувнок овози эшитилди:
 – Ў-хў, ота, жуда сийлаб юбордиз-ку! – У қўлидаги йиғирма беш сўмликни баланд кўтарди. – Ҳеч кимга бунча эримангансиз. Ҳали зиёфат ҳам қилиб берсайдиз... Ё шундан харажат қилаверайми, ота?
 – Чакалок келгандан кейин зиёфат қилиб берасан.
 – Яна шунча беринг, қўй олай, – ҳазиллишди Фазлиддин. – Бешнк тўйинга сўясиз, ота.
 Ота қайфияти кўтарилганидан ўғилнинг гўё чарчови тарқалди. Шундай эса-да, у ҳамиша келин-куёвга хизмат қилиб келган ўз уйига йўналаркан, Ҳилолага кўзи тушди. Синглиси негадир истеҳзоли ишшайгандай туюлди. Сезгир киз унинг падари бузрукворини қувонтириш учун атайлаб ўзини хурсандликка солганини ҳис этиб турарди. Агар айтса, отасидан балога қолишини ҳам яхши биларди...

* * *

Бироқ “эриш” насиб қилмаган экан. Ўша, биринчи кунни ҳисобга олмаганда (кечкурун ота-бола ҳамда Сайфиддин иштирокида битта шишани бўшатишган эди), кейинги зиёфатга тайёргарликлар ўз-ўзидан тўхтаб қолди. Туғруқхонадан она-болани соғ-омон олиб чиққан бўлишди. Аммо, нечундир, Карамгул паришондай, кўзлари маъносиз боқадигандай кўринар, чехраси ниҳоятда сўлгин, лаблари қовжираганнамо, деярли гапирмас, саволларга узун-юлук жавоб қайтарар эди. Боласи эса бетиним чирқиллар, хали бирор марта ҳам онасини эммаганди. Қайнона ҳаракати билан тўпланган сути бир неча марта соғиб ташланди, нисбатан тозарганидан сўнг чакалоққа эмизикда сут эмизилди. Аммо бу усул иккаласи учун ҳам хавфли эди. Дарҳақиқат, Карамгул ўзини соғишга бефарқ қарадими, кўкракдаги сут тўпланиб, қучли оғрик пайдо қилди. Иситмаси ниҳоятда кўтарилиб, алахлаб, ҳар хил сўзларни айта бошлади. У худди эси оғган аёлларни эслатарди. Бундай вазиятда сутини болага бериш мумкин эмас...

Зудлик билан туман марказидан шифокорлар чақирилди. Ташхислар ҳар хил. Бириси яна туғруқхонада ётқизиб, муолажани давом эттириш, ҳароратини тушириб, ёш онани куч-қувватга киритиш зарур деса, бошқаси асаб чатоклашган, руҳий касаллар шифохонасига жўнатиш, жиддий даволаш лозим дея ваҳима кўтарарди.

Кейинги гапларда жон борга ўхшарди. Беморнинг кўзига алламбалолар кўринар, дод солиб кичқирар, кимларнидир сўқар, ўзини ҳар ёкка ташларди. Ёнига ҳеч кимни йўлатмас эди. Ҳатто онасини ҳам танимай қолди.

– Ҳилола... Ҳилола... кет... ана, у чакалоқни ўлдирупти... ушланглр.

– Бачани манга бер, бачани бер...

– Қочинг, бова, қочинг, мошина босади, қочинг...

Алахсирашлар ҳаммани ларзага солган, ховли ваҳима уясига айланган, муолажалар наф бермас эди.

Бу ҳолатлардан Ҳилола кўпроқ эзилар, янгасига озор бергани учун ўзини бетиним қарғар, кўзларидан мил-мил ёш окнзар, лекин йиғлаганини ҳеч кимга кўрсатмасди. Карамгулнинг яқинига боришдан ҳам ҳайқарди.

Ниҳоят шифокорлар бир қарорга келишди. Вилоят марказидаги руҳий касалликлар шифохонасидан юборилган махсус “тез ёрдам” машинаси масалани ҳал этди. Қайнатаю қайнонанинг орага тушиб:

– Жинни эмас, ўзимиз тузатиб оламиз, – деган сўзларига ҳеч ким қулок солмади. Фазлиддин эса ўзини бағамом йўқотиб кўйган, кимга ишонишини билолмас, ҳаётига янги чигалликлар босиб келаётганидан кўнгли ўқсиб, ўзини тушқунлик ботқоғига ботиб бораётгандай ҳис этарди.

“Аввал ҳам унча кўнглим йўғиди. Ҳеч қачон кўнглим “жиз” этмаган. Энди нима бўларкин? – Ўйларди у хотинини машъум шифохонада қолдириб, унинг ортиқча кийимларини олганча автобусда қайтаркан. – Наҳотки девона бўлган? Тузалармикан? Энди у билан қандай яшайман?. . Эҳ, катта ака, ҳаммасига сиз сабабчисиз: мени йўлдан урмаганизда шунга йўлқимасдим... Ким билибди? Ҳамма мактаган...”

Ҳовлига кирса, уни яна янги муаммо исқанжага олди. Опаши ҳаммани ҳайрон қолдириб, ўз номини берган чакалоқнинг тақдири қил устида. Хусусан, Шамсия буви жуда безовта: кичкина Шамсия тирк қолармикан? Нима билан боқилади у? Яқин атрофда янги тукқан эмизикли аёл топилармикан? Бордию топилган тақдирда ҳам Шамсияни эмизишга кўнармикан? Ҳозирги кўпчилик оналар кам қонлигу кам сутликдан қийналаётган пайт бўлса?..

* * *

– Энди нима қиласан? – Тўрда ёнбошлаб ётган Заҳриддин қаддини ростлаб Фазлиддинга жиддий тикилди. – Яна шуминан яшайверасанми?

– Билмадим, – Фазлиддин ер чизди, эшикдан кириб келган отаси тарафга ҳавотирли назар ташлади. – Соғайиб келсин-чи, бир гап бўлар.

– Ўзи ландавор, ланжсан-да, кўриниб турган савдо, баҳона топилди.

– Нима баҳонаси бор? – Отаси дераза томондаги ўз ўрнига ўтаркан, Заҳриддинга олайиб қаради.

Заҳриддин эса тап тортмасдан, тантанавор оҳангда фикрини айтди:

– Аввал ҳам соғ эмасиди, мана, девоналиги билинб қолди. Ахир укамиз энди қандай қилиб у билан бир ёстикқа бош қўяди. Темирни қизигида босиб, ажралиш керак. Асос тайёр.

– Ўйлаб гапиропсанми? Бунақа дард манадан деган соғлом аёлларгаём ёпишган. Дардини берган худо давосиниям беради. Мани айтди дейсан, ҳали отдай бўлиб кетади. Ёмон ният қима. Бачаси бор-а.

– Ўзи киму бачаси ким бўларди. Ҳали сонга қирадим, йўқми?

– Нафасингни иссиқ қил! – Ота қўлини паҳса қилиб, бақираёзди.

– Анча жонланиб қолибди, – Фазлиддин отасини қувонтиришга уринди. – Одам бўладиганга ўхшайди. Мукар янгамни опасиям гоҳида келиб, эмизиб кетаётган экан. Синглисига раҳми келган-да.

– Барака топсин, Худо ажрини берсин, – Одил бобо қафтини очиб, дуо қилди. – Дунёда яхши одамлар кўп.

– Ҳар куни бир ярим чақирим наридан икки марта келиб, эмизиб кетаркан бечора.

– Ҳай-ҳай, тилло аёл экан-да, келинимизни опасиям.

– Мукар янгам ҳам тилло! – Эшикдан чой кўтариб қирган Ҳилола қувончини яширолмайд хаяжонли тарзда фикрини ифодалади. – Бағри кенг, саҳий.

– Кўзи тўқ одамлар-да. Кўзи тўқликда гап кўп, – дедию Одил бобо яна ўғлидан сўради. – Карамгулни аҳволи қалай?

– Ўша-ўша... Ўзгариб йўқ... – Фазлиддин хўрсинди. – Мениям танимади.

– Амакингни олиб бориб, ўқитиш керак. Уриб-уриб ўқиса, унга ёпишган инс-жинслар қочади. Ўшарлар уни шу кўйга солган. Аҳ, қанийди ҳозир бийинг бўлсайди...

– Э, ота, қаердаги бўлмагур, йўқ гапларни айтманг, – Заҳриддин эътироз билдирди. – Инс-жинс дегани ўйлаб топилган гап. Қимларгадир бир баҳона.

– Қанақа баҳона? – Ҳеч нимага тушунолмаган Ҳилола Заҳри ақасидан сўради. – У келинзига баҳона зарур бўлиб қолибдими?

– Девона, телбаларни оклаш учун, соғайишига умид қилиб, ўйлаб чиқарилган уйдирма. Фолбилларга, дуохонларга яшаш манбаи.

– Худога ширк келтирма, ўв! – Отаси қўлини пахса қилди. – Жин-ажина, фаришталар хусусида Қуръони Каримда кўп айтилган. Уни инкор этган кимса гуноҳга ботади.

– Хай, сиз кўрганмисиз ўша махлуқотларни?

– Ҳаммага кўринавермайди. Ҳар хил дуолар, Қуръон суралари уларни қайтаради. Жин чалганларни нафаси ўткир муллалар ихлос билан, берилиб ўқиганларида ҳар қандай ёмон инс-жинслар танадан қочиб чиқади ёки кичрайиб бораверади.

– Ота, сиз ўшанака муллаларни кўрганмисиз? – қизиқиб сўради Ҳилола.

– О-хо, кўрганда қандай! Дуо ўқиб, сувни тескари оқизган, дуо ўқиб, ўғрини тавба қилдириб, ўз оёғи билан ёнига келтирган муллаларни кўрганман, – Одил бобо бош чайкаб, афсусланди. – Шўро ҳукумати уларга қирон келтирди. Унақалари қолмади энди. Борлариям ўзини билдирмайди.

– Ота, бийим ҳам ўшанақайдиларми? – ногаҳон сўради Фазлиддин. – Бир марта, касал бўлганимда мени ўқиб, талаганлар.

– Талаганлар? – ажабланди Ҳилола. – Бийимни сал-пал эслайман.

Одил бобо кулимсиради:

– Ҳа, онамдаям кўп амаллар бориди. Сал мазам қочса, ўқиб, куф-суф қилиб, худди жин-ажинани талагандай қилиб қочиради.

– Фойдаси бўлармиди, ота? – оғзи очилинқираб сўради Ҳилола.

– Ҳа, қушдай енгил бўлардим, дард кўрмагандай бўлардим.

– Ўшанда мен ҳам соғаяювдим, – деб қўйди Фазлиддин. – Ҳозир келиннизга бийимга ўхшайдиган мулла керак, чоғи.

– Отаа, – Ҳилола отасининг елкасига бошини қўйиб, суйқанди, – билсайиз айтинг, Фазли акам ўшанака муллани топиб келсинлар.

– Ии, бу қанақаси бўлди? – Заҳриддиннинг кўзлари қатта очилиб кетди. – Сен у хотингинани ёмон кўрардинг-ку? Дарров сотилдингми?

– Кечирасиз, ака, – Ҳилола ўзини ўнглаб, Заҳриддинга тик қаради. – Мен уни бошқа муносабат билан ёмон кўрувдим. Ҳеч қачон ёмонлик раво кўрмиёман.

– Баракалла, кизим, – отаси қувониб, кизининг бошини силади. Ҳилоланинг кўзлари чакнади. – Ҳеч кимга ёмонлик тиламаслик керак. Карамгул ўзи ёмон эмас. Беозор...

– Энди макташни қўйинг, ота, – Ҳилола сергакланиб, отасидан ўзини тортди. – Бу энди бошқа масала. Одам сифатида, ҳалол-покиза бўлиб соғайса, бошга кўтарамиз.

Бу гап маъносини ҳаммалари тушунишди. Ота ҳам, шубҳасиз, шуни истайди. Бирок очик эътироф этишдан тортинади: кенжа келин буларга қалака манбаига айланмаслигини, ҳурмати жойида сакланишини жуда-жуда хоҳлайди. Хусусан, Фазлиддиннинг ёнида бунақа гап-сўзларга ўрин бермаслик зарур. Жуда зарурки, унинг хотинидан кўнгли айнимасин. Шуни ҳисобга олиб:

– Касал одам ҳақида ҳар қанақа гапларни гапирмайдилар, – деди Одил бобо. – Бир танادا одам неччи турланади, дарров чикитга чиқармаслик керак.

– Мияси бутун одам ўзгармайди, ота, – деб қўйди шашти сал пастрок Заҳриддин. – Соғ одамни жин ҳам чалмайди сиз айтгандай.

– Мана, сани ўзингни жин чалмаган деб ким айтади! – Отаси яна жаҳлланиб, ҳужум тигини Заҳриддинга қаратди. – Миянгни ёмон жинлар макон қилган.

Заҳриддин қулиб юборди. Фазлиддин билан Ҳилола ҳам қаҳқаҳа отишди. Одил бобонинг ўзи ҳам жилмайиб қўйди. Сўнг:

– Ҳозирдан фол очманглар, яхши ният қилинглар, – дея фарзандларига насиҳат қилди. – Худо шифо бераман деса, ҳеч гап эмас. Нима бўлгандаям, келин ўзимизники, ёмон отлиғ бўмасин. Суриштириб, зўррок мулла топарман.

– Ҳозир ҳам ўшанака муллалар топилармикан, ота? – Энди Фазлиддин ишонқирамай сўради. – Ҳақиқийси-да?

– Имони кучли одамлар кўп. Ундайларни на манфаат, на ўлим қайтаради.

– Унақа муллалар бўлишига ишонмайман, – деди дангал Заҳриддин.

– Амакинга-чи?

– Ишонаману... Кўркиб-пусиб, эҳтиёткорлик билан муллалик қиладилар. Менимча, манфаатниям ўйласалар керак...

– Аммо амакинг беморларга дам соладиган мулла эмас-да.

– Ота, кўп чоллар сизни билими кучли дейдилар. Нимага муллаликни бўйнизга олмай-сиз! – ногоҳ сўради Фазлиддин. – Беш-ўн сўм келиб ҳам турарди.

– Муллаликни масъулиятдан кўркаман, бачам. Буни кўп сўраганлар.

– Шуни биламиз-да, кўнмагансиз. Жавобгарлиги нимада? Овозиз ҳам мос тушади... – Фазлиддин яна отасини даъват этди. – Ёки машк йўклиги учун эсимдан чиқиб кетганми?

– Йўқ, эсимдан чикмаган. Аммо эртага у ёкка борганда саволларга жавоб беришдан кўркаман.

– Кўркмаслик учун нима килиш керак, ота, билмайсизми?

– Биламан: ҳамиша покиза юриш керак, ёлгон гапирмаслик керак, бировни ҳақини эмаслик керак, доим ибодатда бўлиш керак...

– Амаким-чи, бошка муллалар-чи? – сўради Ҳилола. – Худодан кўркмайдиларми?

Отаси аниқ жавобдан қочди:

– Ҳар ким ўзи учун жавоб беради, бачам.

– Отамни улфатлари кўп, кўнгиллари бўш, – кинояли кулимсиради Заҳриддин. – Битта-яримтаси жиндай-жиндай деб, тиралиб келса, йўқ деёлмайдилар.

– Ҳа, баракалла, – Одил бобо ҳам кулиб юборди. – Бунисиям рост. Муллаликни зиммага олган киши фариштадай тоза бўлса, дуосиям ўтади. Бу осон эмас...

– Амаким шу айтганларизга мос тушади-ку, ота, – деди яна оғиб Заҳриддин. – У кишидан ортик художўй, ҳалол инсон топилмас. Лекин Саид бобом у кишидан ҳам ажойиброғидилар.

– Саид амаким сўфийди. Бирорта кумурсканиям ўлдирмаган. Локин муллачиликни уям бўйнига омаган. Масъулиятдан кўрқарди, раҳмати.

– Ҳозир динга бир оз эрк берилган. Туман марказидаги масжид ишлаб турибди. Амаким жума намозларига бороптилар.

– Умрини зиёда қисин, рўйқўмдан ялчидик. Кўркмас одам экан.

– Кўркмаслигиям росту аммо тепада турганлар ҳам жиловни сал бўшатганлар. Тепа каттик олганида булар ҳам шаронгга мослашарди.

Заҳриддиннинг бу гапи отасини ўйга толдирди: “Бўрон олдидаги осойишталик эмас-микан бу. Ҳамиша шунақа бўлиб келаёпти. Аввал халкка озрок эрк беришади. Ким нима қилса, қилаверади. Баъзилар босар-тусарини билмайди. Айни шу дамда шамол кўзғалади, кейин бўронга айланади. Не-не зотларни чирпирак қилиб, учиради, хазон қилади. Бу сафар катгарок танаффус рўй берди-ёв. Ёки каттамик Масков кўнглини топгани ростмикан?.. Ким билади, иш килиб, охири бахайр бўсин...”

– Ҳаммаси яхши, – деди ниҳоят чол. – Лекин сувниям бирдан, ютоқиб ичмаган маъкул. Секин – секин, пуфлаб-пуфлаб ичсанг, жойига тушади, ҳар хил унсурлардан холи бўлади. Эҳтиёткорлик зарар кимайди.

– Ҳа, ана, билдик, ота, – кулди Фазлиддин. – Муллалик қилишизга эҳтиёткорлик ҳалал бераркан.

– Уям таъсир этган бўлса, бордир. Йўқ, асосий сабаб бу эмас. Ҳали айтганим – худодан кўркаман. Мулланинг битта ноўрин қилиғи кўпларни оздиради, ихлосни қайтаради. Шу учун “Муллани айтганини қилу қилганини кима” деб бежиз айтмаганлар. Имони бутунлари эса ҳаммани эргаштиради.

– Ўшандайлариям учраб турардим, ота? – кизиқиб сўради Ҳилола.

– Ўҳ-ҳў, – отаси бошини сарак-сарак қилди, – яқин вақтларгача унақалар ҳар кадамда учарди. Катта қирғинлар ҳаммани юракзада қилди.

– Қайси қирғинни айтопсиз, ота? – сўради Заҳриддин.

– Аслида-ку, бунақа қирғинлар жуда кўп. Ўттизинчи йиллардагиси эса ҳеч ёддан чикмайди. Сал кам қирк минг кишини Зарафшон кўприги яқинида отиб ташлаганлар.

– Муллаларними?

– Муллаларниям, ақлмнан ншлайдиган ҳамма зиёлиларниям. Ҳилоланинг рангги оқариб кетди.

– Бир неча кун дарё кип-қизил бўлиб, қонга бўялиб оққан...

– Бас, айтманг, отажон! – Ҳилола қичқириб юборди. Дийдаси анча каттик Заҳриддин ҳам сесканиб тушди. Умуман, катта жанглар, қирғинлар бўлганини у тарихчиларга хос эшитган, айримларини бошқача маънода ўқиган эди. Аммо унда фрунзечилар қахрамон, халқ халоскори сифатида, маҳаллий одамлар босмачи ҳамда адашган кишилар кўринишида талкин қилинган эдики, отасидан эшитганлари уни инкор этарди. Тўғри, у ер-бу ерларда босмачилар ҳақида қутилмаган, антика гаплар айтиляпти. Улар асосан миллат ҳамда дин шаънини ҳимоя қилганлар, Ватан учун, азиз тупроқ учун жон берганлар. Эҳтимол, Зарафшон бўйидаги қирғинга учраганлар айнан ўшалардир.

– Ота, буни қаердан эшитгансиз? – ишонкирамай сўради Заҳриддин.

– Ўшалар ичида ўзимизнинг қишлоқдан ҳам айрим одамлар бўган. Иккита муллавачча ўликлар тагига кириб, тирик қоган, кейин қочган. Жуда кўркканакан, бир йилга қолмай ўлди.

– Ўша муллаваччалар билан гаплашувдизми?

– Гаплашувдим. Биттаси соков бўлиб қолувди. Иккинчисиминан гаплашиб бўмади. Эсини йўқотиб кўйганакан. Ўша пайтда ўзим ҳам қочиб юрувдим.

– Нимага? Сизниям кидирувдиларми?

– Сал ўзига тўқ, саводи бор киши бўса, баҳона топиб қамардилар, айб топиб ё индамайгина йўқотардилар.

– Ҳм... гап нимада? – Заҳриддин беихтиёр хаяжонланди. Унинг кўзларида ғазаб учкунларди. – Одамлар кўрқок, эҳтиёткор бўлишига сабаб бор экан-да!

– Э, бачам, бу юрт, бу юрт одамлари нима балоларни кўрмади... – хўрсинди отаси. – Ўша от-от, кирғишлардан кейин, ўтгиз учинчи йилда қаҳатчилик, кейин очарчилик бошланди.

– Қаҳатчилик қанақа бўлади, ота? – сўради Ҳилола. – Ҳеч нима топилмайдиган замон деб эшитувдим. Тўғрими?

– Ҳа. Қимматчиликка чидаса бўлади, пул бўса, керакли нарсаларни топиш мумкин. Қаҳатчиликни худо кўрсатмасин. Бу ҳақда халқ билиб айтган: “Туя минг танга – мана минг танга, туя бир танга, қани ўша бир танга”. Ўша йили бутун-бутун қишлоқлар хувиллаб қолди, одамлар очликдан қирилиб кетди. Ўликларни кўмадиган кишилар топилмади. Ўзим ҳам баъзи ўлган қариндошларимизни эшакка ортиб, мозорга оборман, ёлғиз ўзим кўмганман.

– Даҳшат... – инграган мисол деди Ҳилола. – Нимага бунақа бўлган, ота? Ҳукумат одамларга ёрдам бермаганми?

Заҳриддин ўйланиб туриб, талабалик йилларида кимлардандир эшитган гапларни эс-ладию мушоҳада юритиб, ўз фикрини айтди:

– Атайлаб шундай қилинган.

– Йўғ-э, – эътироз билдирди Фазлиддин. – Ҳукумат атайлаб ўз халқини оч қолдирадими? Қириб юборадими?

– Ўзинг хулоса чиқар: иш кўзини биладиган миришқор дехкон борки, деярли ҳаммаси кулоқ қилинган. Ерлар дехқончиликни тузукроқ билмайдиган, айтган ишнингина бажарадиган қашшоқ ҳамда ялқов кишиларга қолган. Оқибатда дехқончилик барбод бўлган. Қурғоқчиликлар бу ишларни янада тезлаштирган. Шундай эмасми, ота?

– Худди шундай. Лоқин буни ҳар ерда айтаверма, балога қоласан.

– Мен қаерда нима дейишни яхши биламан.

– Манманлигинг ҳаммаша санга зарар етказган. Худоям манманликни ямон кўради. Ахир деворниям қулоғи бор.

– Хай, ота, келиннинг иши нима бўлади? – Ҳилола ногоҳ суҳбатни бўлиб, ота-болани қалғитди-да, ер остидан Заҳриддинга қараб олди. Ақаси жонлангандай бўлдию синглисидан жўяли, қутилмаган фикр чиқишини қутди. – Жиннихонада шундай ётавериши яхши эмас-ку!

– Нима қилиш керак дейсан? – Заҳриддин синглисининг ичидан илмоқли фикр суғуриб олиш ниятида яна ундан сўради. – Жинни бўлгандан кейин ётади-да. Шу жиннилиги ундан ажралиш учун асос-ку!

– Мен уни аввал даволаш керак, одамсуроб даражага келтириш керак, дейман. Палончиникидан жинни бўлиб келган деб ном чиқариши яхши эмас-да, ака.

– Уни Фазли ёки биза жинни қилганимиз йўқ, – эътироз билдирди Заҳриддин. – Асли ўзида бори юзага чиқди. Керак бўлса, акалари даволатиб олаверсин.

– Қўй, – отаси эътироз билдирди. – Номардлар гапини гапирма.

– Акалариям қараб ўтиргани йўқ, – жимгина тинглаётган Фазлиддин хабар берди. – Табиб олиб боришибди, қанчадан-қанча дорилар сотиб олишибди. Лекин фойдаси бўлмапти-да.

– Бўлмайди ҳам! – ўзича ҳукм чиқарди Заҳриддин. – Барибир бизни хонадонимизга энди ярашмайди у.

Бу гап ҳаммани ўйлатиб қўйди. Ҳатто келинини жиддий ҳимоя қилаётган Одил бобо ҳам бир дамлик сукутга чўмди. Гарчи, ёмон кўрса-да, Ҳилоланинг эса янғасига раҳми келди: қанийди унинг дардига даво топсаю батамом соғайтириб, ҳалол-покизаликка, озодаликка ўргатса. Фазлиддиннинг эса аллақачон хотинидан қўнгли қолиб бўлган, иложи борича унинг афтига қарамаса.

– Ҳовлиқманглар, – деди ниҳоят отаси. – Худо буюргани бўлади. Ман ўзим бу ишга киришаман.

– Қўлиздан бирор нима келадими, ўзи? – ярим гердайиб, ярим кулимсираб сўради Заҳриддин. – Ё дўхтирларга кистирадиган бирор нимаийиз борми?

– Ҳа, мулло топаман, ўкитаман...

Бошқалар эътироз билдиришмади, фақат бир-бирларига маъноли қараганча мийиғда кулиб кўйишди...

МЎҶИЗА

Бўрон тинди. Шубҳасиз, ортидан айрим талофотлар, асоратлар, нохушликлар қолдирди. Фақат қайта кўзгалмаслиги, янада ёмон қиликлар қилмаслиги хусусида бирор қафолат йўқ. Шунга кўра, эҳтиёт чоралари кўрилмоғи-муолажа ишлари давом эттирилиши зарур. Эндиги муаммо чақалокнинг тақдири бобида борарди. Танланиши мумкин бўлган икки вазият кўндаланг: бири – Шамсия кишлоққа олиб кетилади, онаси эмизаверади, атрофидарилар унга кўз-қулоқ бўлишади; иккинчиси – у аввалгидай янгаси ва унинг опаси ситидан эмаверади. Маълум вақтгача шаҳарда туради. Унда... кичик Шамсия ёнида ким қолади: Шамсия бувисими? У ҳолда Карамгулни парвариш қилиш, соғлиғини тиклаш... Ҳилола бунақа масъулиятни бўйнига олармикан?

Шунда Фазлиддин учинчи йўлни таклиф этди:

– Карамгулни онасиникига обориб кўяман. Онаси шундай деди.

– Йўғ-а, бачам, урф-одатга сираям тўғри кемайди, – деди Шамсия буви нимадандир хавотирланиб. – Отанг ҳам кўнмайди бунга.

– Шароит мажбур қилганидан кейин урф-одатга қараб ўтирамизми, она? Ўз онаси ёнида тезроқ соғайиши мумкин.

– Аксинча, – қатъий, аммо майин оҳангда эътироз билдирди Мукаррам, – кўнгли жуда нозик, қалтис дам ҳозир. Онасининг уйида ҳар хил хаёлларга боради, асабийлашади. Касали яна ҳуруж қилиши ҳеч гап эмас. Эр уйида бўлгани маъқул, Фазлижон.

Келин айтган фикрлар қайнанага жуда маъқул тушди. Боз устига, Фазлиддиннинг негадир тайсаллаётганини, хотинидан узоқлашишга уринаётганини ички бир туйғу билан пайқади онаизор.

– Рост айтасиз, келинжон, – деди Шамсия буви ишонч билан. – Кўнгли хотиржам бўмаса, еган-ичганиям жойига тушмайди, касалиям авж олади. Шу учун тўғри уйга олиб кетаверамиз, бачам.

– Бу-чи? – Фазлиддин янгасининг ёнидаги бешиқда осойишта ухлаб ётган, гоҳида тушида эмган каби тамшаниб кўяётган қизчасига ишора қилди. – Бунга ким қарайди? Ёки шу ерда қолаверадими?

– Онаси қаерда бўса, бачасиям ёнида бўлади. Буниям олиб кетамиз-да, – деди Шамсия буви иккиланиброк, келинидан янгирок бирор фикр эшитиш илинжида. – Энди бир амаллаб қатта қилиб олармиз.

– Ундай деманг, ойижон, – негадир қизаринқиради Мукаррам, – бу ҳали жудаям имирғақу. Бироз жонлансин, бизани қизимиз бўлиб турсин.

– Онам кетсалар, икки чақалок билан сиз қийналиб қоласиз, янгажон, – Фазлиддин яна мулоҳазасини айтди. – Онам бормасалар бўлмайди. Онамни ҳовлида ўринлари бошқача-да. Ҳилола билан овсинийиз оралари унча яхши эмас.

Шунда онаси қатъий фикрини айтди:

– Эртага келишингда Ҳилоланиям олиб кел. Бу ерда қолади. Ман Карамгул билан кишлоққа бирга қайтаман. Шунда сиз ҳам, қабоб ҳам қуймайди.

Эртасига эса антиқа хол юз берди: ҳеч ким ишонмайдиган мўъжиза...

Унгача Фазлиддин ўртоғининг машинасида Баҳриддин яшайдиган ижара уй дарвозаси ёнида тўхтади. У Ҳилола билан бирга ичкари кириб, онаси, янгасию чақалокларни кўриб, ҳол сўради. Баҳриддин аллақачон ишга жўнаган, янгаси ошхонага ўтганча қандайдир ишлар билан банд, онаси жажжи Шамсияни бешиқдан ечиб, чойшабга ўраш билан овора эди. Фазлиддин кизчасига нигоҳ ташлаб, негадир лол қолди. Чақалок унга худди бир нима деяётган каби мўлт-мўлт, тикилиб турарди.

– Ҳа, отангин танияпсанми, қизим, – дея илжайди Фазлиддин. Чақалок негадир бошини тесқари бурди. – Ҳа, нимадан хафа бўлдинг? – кейин онасига юзланиб сўради: – Тайёр-

мисиз? Касалхонага кириб, тайинлаб келдим. Аксиям ўша ерда. Биза боргунча шайланиб турадилар.

– Ҳозир, бирпасда тайёрланаман. Чой-пой ичиб оласанларми?

– Йўк, ошнамни вақти зиқрок. Хўп, дарвозахонада сизни кутаман, – Фазлиддин шундай дея ташқариға йўналди. Шамсия буви чакалокни йўргаклаб бўлиб, икки юзидан чўлпиллатиб ўпдию уни Ҳилолага тутқизар экан:

– Ақилли киз бўлиб, тинчгина ўтир, тезрок катта бўл, бачам, – деди. Айни шу лаҳзада ақлга сиғиши кийин ҳолат юз берди. Шамсия бувисига куч билан талпиниб, беихтиёр:

– Би-йи! – деб юборди. Ҳилола турган ерида кўллари ҳаракатга келмай котди-колди. Онаси оғзини очганча ағрайди. Ажабо, бу ҳолат, бу овоз ғойибдан келдими ё чакалокнинг оғзидан чиқдими? Балки хаёлда бўлгандир?

– Онажон! – Ҳилола онасининг хайрат тўла кўзларига тикилди. – Эшитдизми?

– Ло Илоҳа Иллаллоху Муҳаммадан Расулulloҳ... Ҳа, ҳа, эшитдим, – шивирлади онаси. Сўнг наварасини яна бағрига босди. – Нима дейсан, бачам, ман кетмайми? Санминан қолайми?

Энди Шамсия овоз чиқармади, балки кўзлари жавдираб, бир юмилиб, очилди.

– Саниям олиб кетайми?

Шамсия тесқари қаради.

– Бас, сани ҳеч кимга бермайман, ўзим ёнингга қоламан, бачам, – буви неварасини қайта бағрига босди. Сўнг Ҳилолага тайинлади: – Буни ҳеч кимга айтма, қизим. Хўпми?

– Нимага, онажон, ахир бу ажойиб мўъжиза-ку! Сенсатсия! Ҳатто, “Фан ва турмуш”га ёзиб юборса бўлади.

– Йўк-йўк, сираям, ўзимизникиларгаям айта кўрма. Оғиздан оғизга ўтиб, ҳамма ёкка тарқалиб кетади.

– Ахир тарқалгани яхши эмасми? Олимлар ўрганади, сабабини аниқлайди.

– Ҳеч қанақа овозаю дарвоза керак эмас. Кўз тегади. Бунақа ҳодисаларни сир сақлайдилар.

– Э, кўйинг-э, – Ҳилола қўл силтади. – Бир ярим ойлик чакалок гапираркану индамай ўтирармишман. Довруғи оламга кетса, нимаси ёмон?

– Машраб онасини қорнида гапирган. Отангдан эшитмовдингми?

– Эшитувдим, ишонмавдим. У бир ривоят, афсона.

– Ҳай, бу-чи? – Бувиси ўзига мўлтираб қараб турган неварасининг юзидан ўпди. – Бордию буям авлиё бўса...

Ҳилоланинг бадани жимирлаб кетди, лаби сўзга қовушмади.

– Ўзинг эшитдинг-ку. Агар Худо гапиртираман деса, тошниям, дарахтиям гапиртиради.

Шу пайт эшикдан Муқаррамнинг қораси кўриндию онаси Ҳилолани шошилтирди:

– Борақол энди. Ҳаммаси ман айтгандай бўсин, – онаизор бармоқларини лаблар устига босди. – Отангга эҳтиёт бўл.

– Ҳа, нима гап, ойижон? – Муқаррам қайнанаси кўзларидаги аллақандай пинҳоний шуълани кўриб, хайратангиз сўради. – Ҳилолани қайтароқсизми? Ёки қолишни хоҳламадиларми?

– Жон деб қолардим-а, онам ўзлари айнидилар, навараларини менга ишонмадилар.

– Хаа... майли, ўзлари билдилар.

– Кўзимга мўлт-мўлт қараб, кетманг дегандай бўлди. Ташлаб кетишга кўзим қиймади.

Муқаррам самний қулиб, сабабини ўзича изоҳлади:

– Сизга ўрганиб қолди-да. Бувисини таниганини қаранг. Менгаям нимадир демокчидай бир ширин қарайдик...

Шамсия буви чакалокни кўрпача устига ётқизди-да:

– Ман Фазлигаям айтиб кўяй, – дея Ҳилоланинг ордидан дарвоза сари юрди.

Фазлиддин онасини кийинмаган, қалишда кўриб, хайрон қолганча синглисига саволмуз қаради. Унгача онаси йўл-йўлақай топшириқлар берди:

– Қизингни ёнида ўзим қомасам бўмайди. Яна озроқ элақага кесин. Қайнанангниям ҳовлига олиб бор. Қизига овқатни ўзи тайёрлаб беради. Парварда рўзғорга аралашмагани маъқул, бачам.

– Ҳилола-чи? – Фазлиддин синглига кўз қисди. Ҳилола лабини бурди.

– Буни ўзи билади. Отасига қарасаям етар. Отангга тушунтириб кўярсан, – дея кампир қизига сирли нигоҳ ташлади, яна бармоғини лабига босди...

“ЗИЁФАТ”

Кун ботарга якин Нуриддин ёлланма машинадан тушиб, дарвоза томон йўналаркан, нечундир довдираб, депсиниб, йиқилишига сал колди. Оёғи бирор нимага кокилдими ёки узок йўл босиш, автобус ўриндиғида ўн соатча кимирламай, ҳаракатсиз ўтириши таъсириданми, буни ўзи ҳам билолмади. Хайрият, ҳеч ким кўрмади. Дарвоза эса ланг очик, ичкари жимжитдай. Бунака вақтда кўпинча онагинаси ҳовли ортидаги узумзор оралаб, ўт-ўлан йиғар, ўскин ток новдаларини хомтоқ қилар, отаси ҳовлидаги экинлар ёхуд моллар билан машғул бўлар эди. Уни кўрган захоти онаси кучок очиб келар, ўглини бағрига босиб:

– Юраккинам сув ичсин, чанқаб, какраб кетувдим, – деганча бир дам жим котар, сўнг юзлари, пешонасидан чўлпиллатиб ўпарди. Нуриддин ҳам соғинч ила онасини кучиб, терли юзига юзини суркаб, хумордан чикарди. Сўнг отаси сари борарди.

Энди эса... соғинч туйғусини ҳеч нима билан босолмайди. Икки кулочини икки тарафга ёйганча талпинувчи зот бу оламни мангуликка тарк этганига икки ҳафтадан кўпроқ вақт ўтяти. Шуни ўйлаб, ичкарига қадам кўяркан, дод солиб йиғлагиси, онасини йўқлагиси келди, кўзларидан шашкатор ёшлар қуйилди. Супага ўтгандагина қаравотда отаси билан амакиси чой ичиб ўтирганини кўрдию ўзини босишга аранг улгурди:

– Ассалому алайкум, – деган палағда овози йиғи аралашгандай эшитилди. Аммо йиглаб юбормаслик учун ишдамай авал отасини кучоклаб, юзларидан ўпди, сўнг амакисин сари шошилди. Унинг ҳолатини иккилови ҳам тушуниб туришарди.

– Нимада келдинг, бачам? – Отаси чалғитишга уриниб сўради. – Учокдами?

– Автобусда, – пичирлаганнамо деди Нуриддин. Бошқа сўз айтолмади.

– Уйдан эртанин чикувдингми? – сўради амакиси. – Чарчагандирсан?

– Ҳа, азонда, – Нуриддин чарчаганини яширди. – Яхши ўтирибсизларми? Фазли қани?

– Ҳали ишдан қайтмади. Бухорога бормокчийди...

Шу пайт қизчасини кўтариб Қарамгул келди ва қайноғаси билан сўрашди.

– Яхши бориб келдизми, акамулло?

Нуриддин бош силкитди.

– Янгам келмадиларми?

– Янгайиз ишда. Онамин киркларига Ҳилола билан келади.

Ҳилоланинг номини эшитиб, Қарамгулнинг қоши чимирилганини, кўзлари четга бурилганини Нуриддин илғаб колди. Бирок сездирмади. Бунинг устига келини ҳам сир бой бермаган каби:

– Яхши юрибдиларми? – деб сўради.

– Ҳаммаларизга салом айтиб юборишди. Ота, Ҳилола сизни ўпиб кўйишимни алоҳида тайинлади, – Нуриддин ўрнидан туриб, сингисининг илтимосини бажо келтирди. Сўнг Қарамгулнинг кўлидан жияни Шамсияни олганча даст кўтариб, бир неча иргитдию, юзларидан қаторлаштириб ўпгач, онасига қайтарди. – Мениям олиб кетинг, деб қулоқ-миямни еди. Кўнмадим.

– Яхши қилибсан, бачам, – отаси ўглини маъқуллади. – Ўзини зўрга жўнатувдик. Ўша ёқларда юриб, ишминаи, ўқишминан овунгани яхши-да.

Нуриддин қайта ўтирганидан кейин амакиси бир неча сураларни қаторлаштириб, дуойи фотиҳа ўқиди, янғасию бошқа ўтганлар номини тилга олиб, Оллоҳ таолодан уларнинг гуноҳларидан кечиб, жаннатдан жой беришини тилади. Сўнг жиянига юзланганча:

– Билишимча, у ёқдаям маърака қилишини мўлжаллаган экансан, – деб сўради. – У ёқда жуда бошқача бўлади, деб эшитганман.

– Ҳа, ҳар ким имкониятига қараб, ҳар хил қилади. Йиғирмаю йилга бир неча мол сўйиб, юз-икки юз кило гуруч дамлайдиганлар, дастурхонга қазн-қарта, анвойи мевалар кўядиганлар ҳам бор. Бир амаллаб, ўттиз-қирк кило гуруч дамлайдиганлар ҳам бор.

Маҳмуд амаки ёнбошлаб ётган жойидан қаддини ростлаб, кўзларини катта очганча жиянига ҳайратланиб боқди. Қапалаги учиб кетгандай кўринарди. Нуриддин эса ўз сарфиётини айтишга уялиб, истиҳола қилар, “онангни иззати шу экан-да”, деган пинҳоний таънадан ўзини қандай қутқазини билолмай турарди. Айни топда амакиси ҳам харажат қанча бўлганига қизиксиниб, унинг ўз оғзидан бир нималар эшитишни истарди. Жияндан ҳеч гап чиқавермагач, охири сўради:

– Олимлар ҳам улардан қолишмаса керак, а, жиян?

– Олимларниям ҳар хили бор: бойларнио камбағаллари. Масалан, биз йиғирма уч кило гуруч дамлаш, биринчисига нўхат шўрва тортиш билан кифояландик. Шуям икки юз эллик кишига етди.

– Ҳай-хай... – амакиси лабини кимтиб, бош тебратди.

– Мсва-чева дегандай... – Нуриддин дастурхон кўнам полойик бўлмаганини билдириш учун кўшиб кўйди. – Иш қилиб, ёмон бўлмади. Масжиддан мулло олиб келдик.

– Нодонлик, турган-битгани нодонлик!

Отаси нндамай кулимсираб кўйди.

– Нимаси нодонлик, амаки? – елка ксида Нуриддин. Айнан кеча пешин чоғи маҳалланинг маъракаҳонасида ўтказган бу тадбиридан хаёлан камчилик излади. Назарида, ҳаммаси кўнгилдагидай, тартибли, иззат-икромли кечди. Маҳалла раиси буни мамнуният билан таъкидлади. Кўни-кўшнилари, таниш-билиш, ёр-биродарлари ҳамкасблар чехраларида нимадандир ишжиганлик ёки бирор ноқулайлик сезилмади. Энг яқинлари эса тўн кийганча тик турган Нуриддинни кучоклаганча ҳамдардлик билдирдилар, айримлари хизматда бўдилар. Унда...

– Ўша борган мулло ҳеч нима демасди?

– Йўқ, демади. Нима дейиши керағиди? – Нуриддин отасига қараб олди. Қиблагоҳ эса бетараф сингари, суҳбатга жимгина қулоқ тутиб, чой хўпларди.

– Муллога пул ҳам бергандирсизлар.

– Ҳа, албатта. Масжид кассасигаям тўладик. Муллога тугун ичига пул кўйдик...

– Жиян, кўнглингга қаттиқ олмаю онангни ўлимига зиёфат берибсан-да.

– Э, бу нима деганиз? – Нуриддин беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Овози ҳам титради.

– Қанақа зиёфат?

– Зиёфат бўмай нима бу, жиян? – амакиси ҳам бўш келмади. – Фақат арок кўйилмабди, вино кўйилмабди, холос. Шу кетишда буям расм бўлади чоғи, ўшанда ўрисланикидай бўлади-колади. Шу тарика мусулмончилик тугайди...

Нуриддин бирдан ҳовридан тушди. Амакисининг гапларида жон борга ўхшади. Тўғри, айрим таниш ўрислар, кўшнилари вафот этганда устолларга арак кўйилганини, видолашувга кирган кимсалар ундан тортинмай ичишганини кўрган. Бундан ўзи ҳазар қилган – ичмаган эди. Беш-олти йилча аввал эса антиқа ҳол юз берган. Узок тоғ кишлоғида яшайдиган ошнаснинг отаси вафот этди. Шаҳардан бир гуруҳ яқин одамлари таъзияга етиб боришди, жанозада иштирок этишди. Чолни кўмиб қайтишганидан сўнг сандали устида ажиб дастурхонга дуч келишди. Бир вақт чойнақларни тўлғазиб арак киритишса бўладими?! Нимамиш: “Ҳа, энди бу отамизнинг тўйидай гап: узок умр кўрдилар, худога шуқр, жойлари жаннатдан бўлсин... Энди, меҳмонлар, китдай-китдай оласизлар!...” “Э, қандай бўларкин?... Азада ичиш...” Меҳмонлардан бирови дарҳол кўлига қадахни олгану: “Шу отамизни ёшига биз ҳам етайлик!” – дея ҳамроҳларини ичишга даъват этган. Бошқа бири эса: “Шу бобомизни ёшига етганимиздаям Худо мана шу нарсдан бенасиб қилмасин. Соғлик бўлсин ўшанда ҳам”, деганча бир кўтаришда қадахни бўшатган. Нуриддин ҳам алёрдан таъсирланиб, азалдан жини суймайдиган “тентак сув”ни нндамай смирман.

Ўша пайтда кўнгли хижил тортган эса-да, бу ҳақда чуқур мушоҳада қилмаган, ёт нарсониларнинг урф-одатлари одамлар орасига қандай кириб бораётгани хусусида бош қотириб кўрмаган эди. Аммо ундай ҳолатлар қаёқдаю марҳум хурматига дастурхон ёзиш, ош бериш, дуойи фотиҳалар ўқитиш қаёқда? Бунинг ёмон томони бормикан?

Шу ўй таъсирида у амакисига жўяли жавоб қайтаришни лозим топди:

– Амаки, аввало, буни мен ўйлаб топганим йўқ, ўзимни кўрсатишнинг мўлжалламадим. Ахир ҳамма шундай қилади. Маъракаларга кўп борганмиз, ошларни еб, фотиҳаларга кўшилганмиз. Тўғри, зиёфатга ўхшайди. Лекин савоби тегарми деб, ўлганларнинг хурмати учун...

– Ўлганларнинг хурматиши дуолар, фотиҳалар бажаради, – гап қўшди отаси. – Зиёфату бунақа дабдабалар аслида – макруҳ. “Қуръон”да йўқ. Лоқин сани қилган ишнинг ҳам хато эмас, ўринли, бачам.

Нуриддин енгил тортди. Айни маҳалда ўтказган маърақаси чиндан ҳам онажони вафоти учун зиёфатдай туюлиб, чуқур хўрсинди, кўзларига ёш қалқиди. Кўнглидан: “Онажон, кечиринг гумроҳ болагизни. Ўзимни кўрсатиш учун эмас, хотираңизга атаб сизга яхши бўларми, деб шундай қилдим”, деган фикр кечди. Гарчи, отасининг гапи анча тасалли берган эса-да, яна изох сўради:

– Қилган ишим “Қуръон” бўйича макруҳ саналса, нимага энди ўринли ҳисоблаясиз, ота?

– Ўринлиси шундаки, – дея Одил бобо қаддини тиклаб, тушунтиришга киришди, – биринчидан, макруҳлигини, билмагансан. Иккинчидан, сан яшаб турган жойда бу қоидага кирган эканми, ўша жамоаминан биргасан, ўшани бажо кетиришинг зарур бўлади. Қолаверса, бу

мусулмончиликка зид эмас, учинчи жиҳати ҳам бора, мулла Маҳмуд, – деганча у укасига юзланди, –ниятнинг қандай аталишига ҳам боғлиқ.

– Тушунмадим. Қанақа ният? – анграйиброк сўради Нуриддин.

– Марҳумнинг бирор маъракаси баҳона Худо йўлига худойими, курбонликми деб ният қилиш мумкин. Оллоҳ йўлига бўлса, хато эмас, савоб. Муллолар буни тушунтиришлари зарур. Шундайми, мулло?

Маҳмуд амаки истар-истамай бош силкиб, маъқуллади. Сўнг:

– Шундай-ку, аммо Худо йўлига деб бошланган бу иш қондага айланиб қолса-ёмон. Кўп жойларда шундай бўлган: ўзини кўрсатиш учун худойилар ҳам зиёфатга айланган. Шунақа зиёфат бермаганларни ҳар хил маломатларга қолдирганлар.

– Ана шунда, ихтиёрий-мажбурий маросимда макруҳ амал гуноҳга айланиб кетиши ҳеч гап эмас, – Одил бобо укасининг гапини тўлдирди ва яна ўглини хижолатдан қутказди. – Саники бу ҳисобга кирмайди. Гуноҳкор эмассан.

– Асосий мақсад, – дея Нуриддин дилини очди, –таъзияга бу ёкка келолмаганлар учун шунчаки маърака деса ҳам бўлади.

– Яна гап зиёфатга бориб такалоптими? Эҳсон де...

– Ҳа-я, эҳсон.

– Катталар ҳам қатнашдимми эҳсонингда?

– Албатта. У ёкда мавке ажратишлар сезилмайди. Ўлим ҳамманинг бошида бор савдо.

– Шундай-ку, локин баъзи бошлиқлар яқиндан бери тортиниб қолдилар.

Нуриддин таъзия кунини, фирқа ташкилотининг котиби қулоғига айтган гапларни, у кабристонга бормай йўлда қолиб кетганини, сўнг баъзи амалдорлар кўпчилик кўзига ташланмаслик учун кеч чоғида таъзияхонага келганларини эслади. Улар иш жуда кўплигини, экиш мавсумини рўқач қилсалар-да, вазият қалтислиги яққол сезиларди. Бу борада уларни айблашга ўзини ҳақли деб ҳисобламайди. Ҳар кимнинг эътиқоди ўзига ҳавола. Кейин... ҳамманинг ҳам оиласи, бола-чақаси, ризқ-насибаси бор, дегандай...

– Хўроз ҳамма ерда бир хил қичкиропти, – деб қўйди Нуриддин маъюс овозда. – Лекин ҳали одамгарчиликлар йўқолган эмас.

– Шундай бўлсаям хушёр бўл, бачам, – деди отаси чўчинкираб. –Онангга маърака қиламан деб, балого қолиб юрма. Дўст бор, душман бор.

Отасининг насиҳатини амакиси тўлдирди:

– Пирқа аъзосини жазоси қаттиқроқ бўлади. Худони дилингда саклаб, тилингда у-бу дейишга мажбурсан.

– Йўқ, амаки, мен ҳеч қачон иккиюзламачи бўлганим йўқ, Худо хоҳласа, бундан кейин ҳам икки хил гапирмасман. Зўр бўлса, билетини олиб кўяр.

– Йў-йўқ, ундай дея кўрма, жиян, билетни олиб қўйишни оқибати ёмон бўлади. Обрўдан ҳам, ишдан ҳам айрилишнинг ҳеч гап эмас.

– Аввало, менда катта амалнинг ўзи йўқ. Илмий ишим амал эмас, ундан кейин, онам учун маърака қилганимни сабаб қилиб, фирқадан ўчирсалар, ғирт аҳмоқлик бўлади. Унақа аҳмоқлардан кўркмиёман. Бу гапимдан чўчиманглар, фақат сизларга айтаяпман, албатта.

– Қўй, бачам, бизларга айтма, ўзингни асра. Имонинг бутун бўса, кифоя!

Шу пайт дарвоза очилиб, Фазлиддин кириб келди. Маҳмуд амаки шом намози ўқиш учун ўрнидан кўзгалди, отаси кенжа ўглининг афтига бир карадио у ҳам намозга ошиқди.

Фазлиддин акаси билан қучоқлашиб кўришганда Нуриддин нечундир унинг машини сустигини, хафсаласи йўқлигини пайқади:

– Тинчликми?

– Ҳа, тинчлик, – Фазлиддин ногоҳ хушёр тортди. – Шаҳарга борувдим. Кўпроқ юришга тўғри келди. Чарчадим, шекилли.

– Мол олдингларми?

– Мол?. . Э, йўқ... Бизни ҳозирча ишдан бўшатиб қўйишган. Вақтинчага...

ЯНА ХАВФ-ХАТАР

– А? Нимага? Билишимча, ҳалоллигинг учун сени бошлигинг яхши кўрарди-ку, – Нуриддин базанинг алп қомагли, бодом ковок, йирик кўзлари чўзиқ, бугдой рангли силлиқ юзига ярашиб тушган бошлиғи Қосимбековни кўз олдига келтирди. У Фазлиддинни ғоят эҳтиром ила мактаган, бир сўмни ҳам нари-бери қилмаслигини, шу кетишида келажаги порлоқ бўлишини гўё башорат қилган эди. Шундай гапларни айтган одам наинки тўсатдан ўзгарса?

– Бошлигимиз камокда ўтирибди. Базани бошқа кишига берганлар.
– Ии... –Нуриддин ўрнидан туриб кетди. – Бирор нима билан қўлга тушдимиз?
– Йўқ. Аввалги райкўмга пора берганмиш. Жуда катга сўмни айтаяпдилар.
– Хаа... –Нуриддин сўнган каби ўрнига ўтириб қолди. – Чиндан ҳам шундай қилган эканми?

– Билмадим, ака, бунақа гапларни бошлик бизага айтармиди...
– Ахир шунча бердим деб ўз оғзи билан айтганми?
– Ҳамма гап шунда-да: райкўм бова гўёки рўйхат берганмиш. Рўйхатда бизни хўжайин ҳам бормиш. Билишимизча, у ман ҳеч кимга пора берганим йўқ, деб туриб олганмиш, юзлаштиришини сўраганмиш. Шундан кейин терговчилар уриб, бир ковурағасини синдиришибди.

Нуриддин инграб юбораёзди. Айни шу топда шом намозини ўқиб тугатган отасию амакисининг қадам товушлари эшитилди.

– Шу ҳақда гапирмайлик, ака,—деди шошиб укаси. – Отам билмасинлар...

Каравотга қайта ўтиришганидан сўнг Карамгул яна дастурхон ёзди. Фазлиддин ёрдамлашди – ошхонадан косаларда шўрва ташишди. Ҳалиги гап таъсиридами ёхуд йўл чарчовиданми, Нуриддиннинг иштаҳаси бўғилди.

Отаси эса овқатга ҳам қарамасдан кенжа ўғлининг оғзига тикилди. Одатда ҳар окшом ундан ҳисобот талаб қилар, иложи борича ҳар бир иши хусусида бир-бир эшитишни, ўзича таҳлил этишни ҳуш кўрарди. Фазлиддиндан бирор гап чиқавермагач, ота сабрсизланиб сўради:

– Нима янгиликлар бор, бачам?

– Янгилик йўқ, ҳаммаси жойида. Шаҳарга борувдим, Шавқи акамникига кирувдим, салом айтиб юбордилар.

– Соғ бўсин. Бачалари, келин – ҳаммелари тузукми? – Одил бобо жавоб ҳам кутиб ўтирмай бошқа масалага ўтди. – Бошлигиндан ҳеч гап йўқми? Ҳар хил мишмишлар юрганмиш.

– Юрган бўлса, юргандир, унга мени дахлим йўқ.

– Биламан, бачам, ўз ишингга пухтасан, локин базада омбор мудири бўласану гап тегмаслигига одам ишонмайди-да, бачам.

– Парво қилманг, ота, мendan кўнглиз тўқ бўлсин, – деди Фазлиддин ўзини ёлғондакам қувнок кўрсатиб, қулиб. – Катталар ишига аралашганим йўқ.

Бу гапдан чол сал тинчиди, сўнг овқатланишга киришаётиб, тўнғичига қараб:

– Ҳа, катта, нимага қараб ўтирибсан? – деди ва ҳали татиб кўрмасданок овқатни мақташга тушди. – Карамгул зўр шўрва қилади-да, кани ол, бачам.

– Хўп, оламан, бироз совусин...

– Э-ҳа, бунақа одатинг йўғиди-ку, қайноғинга қизиқардинг-ку?

Нуриддин индамади. Ўзини мажбур қилиб, бир неча қошиқ шўрва ичди, картошқасидан бир бўлак еди.

– Ҳа, бачам, нимага тўхтаб қолдинг, ол, мазали шўрва бўлибди-да.

– Йўлда оч қомадингми, жиян, – дея амакиси ҳам уни қистади, сўнг акасининг гапини маъқуллади. – Чарчаган кишига шўрва яхши кетади. Иссиғида ич.

– Ичаёпман.

Нуриддин косадаги суякни гўштни олиб, кемиришга киришди. Сўнг отасини хафа қилмаслик учун идишни бўшатиб қўйди.

Амакиси ўрнидан кўзгалган эди, кузатиб қўйиш учун Нуриддин ҳам турди. Фазлиддин ариқ ёқасидаги ок эшакни рўпара қилганда амакиси ундан:

– Фазлибой, бошлигинг сапи жел тортмайдими ишқилиб? – дея шивирлаганнамо сўради.

– Шундан сал хавотирланиб турибман. Бу масковлик нокаслар кўп одамларни хонавайрон қиладиган кўринади.

– Мени илинтирадиган бирон нимаям йўқ, амаки, яна ким билади дейсиз... –Фазлиддиннинг дадил бошлаган овози сусайиб кетди. – Бошга тушганини кўз кўрар...

– Худонинг ўзи асрасин... яна қама-қама бошланиб кетди. Райизимизиям кечаси олиб кетибдилар... – Маҳмуд амаки тўқимнинг устидан туширилган узангисимон йўғон ипга оёғини тикиб, кўтарилишга интилган эди, кучи етмади, ноўрин ҳаракат қилдими, мункиб кетди. Бироқ эшакнинг бўйиндан тутиб, йиқилишдан сакланди.

– Амаки, қарибсизми? – ҳазиллашди Фазлиддин. – Авваллари бир сакрашда миниб олардиз. Ўзи нима гап?

– Ҳа, энди, жиян, ёш ҳам сакраб кетопди, ҳеч тутқизмай. Отангдан уч ёшгина кичикман-а.

– Бор-йўғи стмиш тўртга кирибсиз-да, амак, – дея Фазлиддин амакисига ёрдам бермокчи бўлди, аммо чол рад этиб, энди бир сакрашда эшак устига ўзини олиб, халани босди. Жонивор йўргалаб кетди. Нуриддин оркадан бир дам кузатиб қолди.

– Эшак олиб, яхши қилибдилар, – деди Нуриддин ҳамон амакисн ортидан кўз узолмай.

– Қариликда пиёда юришнинг ўзи бўладими?

– Ёш бўлиб, бунака юришларга мен чидолмайман, ака, амакимга қойилман.

– Ҳаа... – деди ўйланиброқ Нуриддин. – Қанийди ҳаммамиз шу кишидай бўлсайдиқ. Ўзлари заифдайю...

– Йўк, ака, амакимнинг юракларига сира сўнмайдиган батарея ўрнатилган: ўша батарея кучлантириб, нурлантириб туради.

– Яхши гап... Хўўп, энди гапир-чи, Фазли, сенда чиндан ҳам бирор хавф –хатар йўкми?

– Бор... Бизниям сўрокка чақирган. Уч кундан буён катнапман.

– А?-Нуриддиннинг бутун вужуди музлагандай бўлди. – Нима айб қўйишган?

– Ҳали менга навбат келмади. Бошлигимиз билан бирга ишлаган каттарок балиқларни терговчи рўйхат қилиб олган. Ҳаммани чақиропти. Битта омборчининг бошини уч кун айлантирди.

– Айлантиришида жон борми ахир?

– Ким билади, балки жон бордир... Катта омборнинг мудури... Алоқаси яхшийдн... – Фазлиддин сукут саклади, сўнг ўйчан гапирди. – Бирок терговчи қўйган айбда бирор далил йўк.

– Ҳм... далиллаш осон эмас, чоғи?

– Билмадим, менгаям шунака айб кўярмикан?

– Хай, шунга тайёрмисан?

Фазлиддин бир лаҳза жим қолди. Бу ҳол акаси юрагида санчик пайдо қилди. Ҳалигина чарчов таъсирида Нуриддинни уйку босиб келаётган эди, энди гўё ҳуши бошидан учди. Буни сезган каби Фазлиддин:

– Бўлмасам-чи, – деди кўлини силтаб, дадил овозда. – Тафтишда камомад ҳам, ортикча молу бирор сўм ҳам чикмаган.

– Баракалла! Бу ишинг тузук.

– Отам ҳар куни суриштириб турардилар-да.

– Отам кирк йиллик ҳисобчи-я... – деди гурурланиб Нуриддин.

Чиндан ҳам у отасининг анча эҳтиёткор, айни пайтда доно эканлигини, ҳеч маҳал беш панжасини оғзига тикмаслигини, ҳар бир масалага инсоф юзасидан ёндашувини, шу боис жиддий зўриқишларга, остин-устунларга дуч келмаганини ўзича таҳлил қилиб юради. Ота ўз фарзандларини ҳам доимо шунга даъват этиши бежиз эмаслигини мана яна бир бора ҳис этиб турибди.

– Отам ҳар куни кечкурун, овқатдан кейин “ҳисоб-китобнинг жойидами”, деб сўрайдилар. “Жойида” десам, “Кирим билан чикимни аниқ ҳисоблаганмисан?”, деб яна сўрайдилар. Бунгаям жавоб олганларидан кейин: “Хўш, бирор кишига насияга мол бермадингми?” деб, қайта-қайта сўрокка тутадилар.

– Отам айрим танишларга насияга нарса бериб, хўб доғда қолганлар-да. Буни ўзларидан эшитганман, – деди Нуриддин. – Хусусан, давлат мулкига, молига сираям бу усул қўлланмагани маъқул.

– Ҳа, рост, ака, баъзан энг яқин одамиинг ҳам юзни ерга қаратиб кўяркан-да. Битта омборчимиз шунинг қасрига беш йилга қамалиб кетди.

– Ана, шу маънода энг асосий тафтишчинг ҳам, устозинг ҳам – отам. Лекин терговга катнаётганингни айтмаганиннг тузукрок.

– Йўк-йўк, сираям. Отамни хурсанд қиладиган гапларинггина айтаман.

– Ҳа, сенга осон эмас, уақиннам, – дея хўрсинди Нуриддин Фазлиддинни бўйнидан қучиб, пешонасидан ўпди. – Сенга раҳмат!..

– Нимага, ака? – У ҳам акасини қучди. – Нима қилибманки, раҳмат айтасиз?

Нуриддин равобга ошиқмади – кўнглидан кечганларни дарров ошкор этгиси келмади: “Сен отамни рози қилиш учун, йўк, аслида дилини оғритмаслик учун ўзингни қурбон қиллолдинг. Отамнинг инжиқликларига сабр-тоқат билан, кувноқлик билан чидадинг. Шундай қилиш ўзимнинг кўлимдан келармиди? Билмадим-да...” Нуриддин бир ярим йилча аввал бўлиб ўтган ҳодисотларни, хонадон кўкида гулдирарган момоқалдироғу қучли бўронларни эслади ва оҳиста хўрсиниб қўйди...



Мажнунтол беланчаги



Олимжон Холдор

Фақат сенсан

Бу оламда гўзал танҳо фақат сенсан, фақат сенсан,
Мени қилган тамом шайдо фақат сенсан, фақат сенсан.

Севишни нелигин билмас эдим-ку мен, муҳаббатни —
Юракда айлаган пайдо фақат сенсан, фақат сенсан.

Ўзингдан бошқанинг номин қалам ёзмоққа ор қилгай,
Менинг-чун бир ўзинг дунё, фақат сенсан, фақат сенсан.

Десам кўзларда ёш қалқиб, қўйиб кўксимга ўнг қўлни,
Деди: «Умримгаки маъно фақат сенсан, фақат сенсан.»

Агар инсоф билан айтсам, жўну содда Олимжонни,
Ғазалхон айлаган илло, фақат сенсан, фақат сенсан.

Севиб қолганга ўхшар

Мажнунтол беланчагин учишларига борман,
Сочпуклар фаслига ҳамиша интизорман.

Адирларда лолалар чойшабин ёзганида,
Унинг қўшигин тинглаб еллар каби бедорман.

Лолалардан лолага гул тутиб, хушнуд этиб,
Яшнатиб бу оламини кулдиролган баҳорман.

Еллар савол берарлар, қани жавоб тополсам,
Агар жавобни айтсам, мен баҳорга хушторман.

Бир умрга юракни қўшиқ қилиб, шеър қилиб,
Юракларга йўл излаб юрувчи бахтиёрман.

Не бўлди Олимжонга, севиб қолганга ўхшар
Деманг, бул Ватан ишқи, муҳаббати ошқорман.

Кўнгил бериб

Кўнгил бериб сенга, хато қилибман,
Не тонги, ўзимни адо қилибман.

Йўлингда кўзларим, қачон келур, деб,
Билмай яна жоним фидо қилибман.

Номингни атаб, уйғотиб оламини,
Тун тинчини бузиб, нидо қилибман.

Маржонларинг каби сирим сочилиб,
Ишқнинг бозорида савдо қилибман.

Ким қадрига етгай телба кўнгилнинг,
Ўз қонимдан ўзим хино қилибман.

Қўй-қўй мени, кўз ёшим сени тутсин,
Қалбимга ёзиб исминг ҳаво қилибман.

Ё раб, Олимжонни кимса тушунмас,
Ўз ақлимдан ўзим жудо қилибман.

Кулиб

Ўт солиб кетди юракка ул гўзал раъно кулиб,
Ортига боқди кетарда менга минг маъно кулиб.

Неча кунки, йўлларида интизордир кўзларим,
Ўки ул бечора кўнглим қилдими шайдо кулиб.

Қилса шайдо рози эрдим, рози эрдим мен абад,
Содда кўнгилга муҳаббат солди у зебо кулиб.

Ахтарурман боғ-чаманни ҳеч тополмай изларин,
Гоҳида йиғлаб олурман, гоҳида танҳо кулиб.

Ишқ билан ўйнашмагил ҳаргиз севар бўлсанг агар,
Деб эди ким ёки ёлғон айтдими доно кулиб?

Эй гўзаллар, илтимос шул севгини эъозлангиз,
Дер Олимжон, қилмангиз зор шўхлигу бежо кулиб.

Соғиниш

Соғиниб куйлай қўшиқ, айб этмангиз дилдоралар,
Севганим қолди йироқда кўзлари қоп-қоралар.

Кўзлари қоп-қоралар ҳолимни асло англамас,
Кимга айтай ҳасратимни, найлайин, йўқ чоралар.

Чоралар, йўқ чоралар, тақдирда бўлгач, на илож,
Васлига етмоқ учун бўлдим бу кун оворалар.

Айрилиқнинг сўнги шодлик, дейди донолар, вале,
Не ажабки, бизни қутлаб келсалар сайёралар.

Бир ўзи билгай Олимжон кўксида мангу олов
Ўт ёқиб ўтгайми, билмас, бир умр гулсоралар.

Андижон



Гапирайлик соғинч тилида



Баҳром
Рўзимухаммад

* * *

Сиз олча гулига ўхшаган сўзни
аввал нозвой ифориға чайиб
оппоқ сукунатга артасиз-да
сўнг шафақ қиёмига етказиб чизилган
сувратдан оҳистагина кўчириб оласиз

Сизнинг нафис бармоқларингиз теккач
жаранглаб дув тўкилар сўзлар маржондек
биттасини жажжи фаришта ўғирлаб қочар
шуъласида оқшом тушган палла
кашта тикиб ўтирмоқ учун

Овлоқда ҳеч ким билмайдиган номсиз дарахтлардан
мева сўзларни бирма-бир териб оларкансиз
аввал сават тутишга эринар малак
сўнг эса одамлар мазкур манзарани кўрмоқчи бўлса
гир теваракни қоплаб олар ям-яшил ўрпонг

* * *

Фақат шамол шовуллар бунда
қудуққа қулабди шамол боласи
тилла барглар сап-сариқ оҳанг
қарғалар қағиллар қиш яқин

Ёмғирнинг ёгиси келмабди
кундузни қорайтди тунд осмон
нега сен куласан кўзда ёш билан
ўзингни атрофдан узиб оласан

Булутлар тилими момоқалди роқ
сени мен унутдим аллақачонлар
чунки тушунмайсан шундай барибир
осмонни шамолни тушунганчалик

Қор каби эрийди менинг сувратим
ҳолимни сўрама рангимга қараб
Оллоҳ яратмаган мен севган рангни
айтажак сўзларим луғатларда йўқ.

* * *

Овозингни яширади Тун
япроқлар шивири сафида овозинг
одам тўймас мақомда ширин

Тонг олис
юлдузларнинг нарёгида Тонг
қанийди ҳеч қачон отмаса
Бу кеча
эҳтиросинг менинг мулкимдир
менга аталгансан бу кеча

Фариштага айланайлик кел
кел дунёни унутайлик
бизни унутсин дунё

Гапирайлик соғинч тилида
гап уқтирайлик юракка
бутун нарса фақат бу Тун

* * *

Агар шеър ёзишга
қурбинг етмаса
кўрган тушларингни
қоғозга тушир

Салгина бўёқ берсанг бас
шеър тайёр бўлади бир зумда

Қўлингдан келмаса агар бу
тушларингни эслаб билмасанг
демак сен қарибсан ҳақиқатан ҳам

* * *

Шамол шамол бўлиб эсишни
терақ япроғини қимирлатишдан бошлади
терақнинг учи қимирлаяптими
демак шамол бор деди одамлар
шамол сувга тушиб тўлқин ясади
Авжи аълосида
туяни ҳам учирди
эчкини осмонда кўрдик
сенинг қоп-қора сочларингни
ҳилпиратган пайт
шамолни танидим мен
ҳали шамол сувратини чизганимча йўқ
бўёқ ясамоқчиман ялпиз ҳидидан





Жўра Фозил



МУЪЖИЗА

Ҳикоя



Мансур Чоткол тоғи этагидаги дам олиш уйига чошгоҳ маҳали етиб келди. Тирамоҳ куёши улкан чўккилар қорида ялт-ялт қилар, тоғ ён бағрида ястаниб ётган Кўксув кишлоғининг қартайган боғларига куз нафаси урган, сарик, қизғиш, конталаш япроқлар дарахт учларида жимирлаб турарди.

Мансур кўлидаги нимдош қора жомадонини ерга қўйиб, аланга оралаган боғлар чиройини бир муддат томоша қилди, негадир энтикди, нафаси сиқилиб, чап кўксиди симиллаган оғрик сезди. "Эҳ, нақадар гўзал, маҳзун ва ғамнок!.." Ҳа, чор-атроф ҳар қанча гўзал бўлмасин, барибир мезон манзара-расида аллақандай андуҳ кўланкалари зоҳир эди. Бу эҳтимол, Мансурга ўхшаб ҳаётдан бир умр мўъжиза кутиб яшаганлар пушаймони ифодаларидир, эҳтимол, фақат тирамоҳгагина хос бўлган ёруғ ва ойдни армонлардир...

Мавсум охирлаёзгани учун дам олиш уйида тўрт-беш ёш-яланг ва бир-ярим қариядан бўлак одам йўк, шу боис сўлим гўша жуда ғариб, афтодаҳол кўринарди.

Мансур расмиятчиликлардан тезда қутулиб, иккинчи қаватдаги деразаси тоғ томонга очиладиган алоҳида шинам хонага жойлашди. Лаш-лушларини саранжомлагач, олди очик айвонга чиқди. Тоғнинг тоза ҳавосидан худди кимиздек тўйиб-тўйиб симирди. Кўнглида қандайдир кўтаринкилик ва масрурлик туйди. Пастда сурон солиб оқайтган Кўксувнинг намчил нафаси гушиллаб юзига урилди. Кўксув тоғ кўксидаги шаффоф булоқлардан бошланар, шу боис суви жуда совуқ бўлиб, соҳил эпкени киши бада-нини жунжиктирар эди.

У Чотколнинг қумуш қорлар ялттираб турган улкан чўккиларига қандайдир ташналик билан тиклар, хатга қараб чарчаган кўзлари тирик ва бегубор, айни пайтда, улуғвор бир гўзаллик қасб этган манзарадан қувват оларди. "Мана энди, бемалол мўъжиза кутиб ётаверсак бўлади", деди у ўзига-ўзи ва худди шу аснода қулоқлари остида садо берган товушдан чўчиб тушди.

– Ассалому алайкум! Яхши жойлашиб олдингизми?

Кўшни айвонда ўттиз беш ёшлардаги тўлагина, кўркам жувон ним табассум билан боқиб турарди.

Мансурнинг синашта кўзлари бир неча сония мобайнида иллаган ларсалар шу бўлди: ғоят кўҳлик чехра, диркилла-ма кўкраклар, кийимлар ярашган қомат. Аёл ўзига тўк ва кадрилини яхши билса керак, сузилган нигоҳлари шундан далолат беради. Мансур аёлни зимдан кузатишда давом этиб, жавоб қилди:

– Ташаккур! Ўзингиз қалайсиз?

– Келганимга икки кун бўлди, сувнинг гувиллашидан кечалари ухлаёлмай чикяпман.
– Мен эсам маза қияпман. Асабларни тинчлантиради.
– Ҳали тунда кўрамиз, кани сойнинг гумбуридан мижду кокармикансиз?..
– Менга айнан шунақаси ёқди. Қримда денгиз гувиллаши бундан ўн чандон ортиқроқ эди, лекин мен яхши ухлардим. Тўғри, кўниккунча озроқ фурсат керак бўлади.

Мансур тошдан-тошга сакраб, кўпик сачратаётган тўлқинлардан нигоҳ узмас, айни пайтда, кўз кири билан жувонни кузатишда давом этарди. Чехраси очик ва тиник, ёноклари бўёқданми, табиийми, бироз кизаринкираган, тилла тишлари ялтираб кўзни камаштирар, лаблари гилос рангида эди.

Жувон ҳам сиртдан қараганда Кўқсувдан кўз узмаётган бўлса-да, суҳбатдошини обдон ўрганаётганди. Ахир, аёллар эркакларга нисбатан синчковроқ бўлишади. Жувоннинг Мансур ҳақида билгани, тахмин қилганлари шу бўлди: зиёли, ёши эллиқнинг нари-берисида, сочлари эрта оқарган, лекин қорамағиз чехрасига зеб беради, пулдор бўлмаса-да, кашшок ҳам эмас. Кичикроқ амалдор бўлиши ҳам мумкин.

Тушликкача озгина вақт қолганди. Мунира дам олиш уйидаги айрим тартиб-қоидаларни гапириб берди. Айтишнча, бу ерда ҳеч қанақа муолажа қилинмайди, вақт овқатланиш, богда сайр қилиш билан ўтади. Онда-сонда Чотқол кўрикхонаси, тоғдаги шаршара ва атроф қишлоқларга саёҳатга олиб боришади, холос.

– Бунақада зерикиб қоламан, деб кўрқяпман, – нолиган бўлди Мунира.
– Ташвишланманг, бундай жойда зерикиш асло мумкин эмас. Агар шундай жойда зериксак, демак, айб ўзимизда – уни юпатди Мансур.
– Дарвоқе, шанба кунлари агрофдаги туман ва шаҳарлардан турли идораларнинг ишчи-хизматчилари ҳордиқ чиқаргани келишаркан. Ана ўшанда бу ер анча жонланса ажабмас.
– Мунираҳон, менга қолса, бу ерга ҳеч қимни яқинлаштирмасдим. Ахир, тоғлар сукунатига қулоқ тутиш қандай яхши!
– Тўғрику-я, лекин беш юз кишига мўлжалланган жой ҳувиллаб турса, жуда ғалати туюларкан!..

Мансур бу тағдор қалималар ҳақида ўйлай бошлаган ҳам эдни, атрофи ям-яшил арча ва қарағай дарахтлари билан ўралган ошхона томондан “Тушликка-а-а!” деган хитоб эшитилди. Мансур суҳбатдошига савол назари билан қаради. Мунира тезда қийиниб тушди ва қаршисида яна ҳам гул-гул очилган аёл пайдо бўлди. У сарик атлас кўйлак кийиб, сочини баянд турмаклаган, атрофга анвойи франсуз атири ҳидини таратиб одимлар эди.

– Ўх-хў, – деди Мансур ҳайратини яширолмамай, – бир зумда жаннат ҳуру гилмонларига ўхшаб қолибсиз-ку!

– Хаёлий ҳурларни бошингизга урасизми, олисдаги қуйруқдан, яқиндаги ўпка афзал дейишади. Тошкан санамларидақимиз, акажон. Юринг, тушликка кечикмайлик. Овқати жуда мазали.

Мансур жувоннинг ёқимли товуши, атлас кўйлак ичида безовта тўлғанаётган қолатига махлиё бўлиб борар, бу кўҳлик жувон ўзини нега бунчалик яқин тутаетганини тушуниб етолмасди. У аёлларга тегажожлик қиладиган ёшдан ўтгани боис ўзини мумкин қадар снпороқ тутарди. Шу топда бирдан хаёлига шох Сулаймон тилидан айтилган сўзлар келди: “Аёл – бу тузок... Кўринмас тузок...” Назира ҳам дастлаб ҳузурига келганида жуда мунис, кўй оғзидан чўп олмагандай ювош ва ғариб кўринганди. Орадан озгина вақт ўтгач, кўйнига чипор илон кирганини фаҳмлади. Узун кўйлаги этаклари қирқилган бу шайтонга Худо бас келмаса, бандаси бас келолмасди. У устидан шунчалар мағзава тўқдики, эсласа ҳозир ҳам сесканиб кетади.

– Мансур ака, – деди Мунира ошхонага қираверишда, – йўқ деманг-да, шерик бўлиб, бир муштипар аёлни ёлғизлик балосидан халос этинг. Столда яқка ўзим икки кун овқатландим.

– Бажонидил! – деди Мансур хаёлини зўр-базўр жамлаб.

Овқатлар ҳақиқатан ҳам мазали экан. Улар бир-бирларига ҳазил-мутоиба отиб, бемалол тўйиб олишди. Сўнгра Кўқсув ёқалаб бир оз сайр қилгач, истироҳат учун ўз хоналарига кўтарилдилар.

Олис йўл чарчоғи, боз устига тоғнинг тоза ҳавоси хийла бўшаштирган эканми, Мансур кечгача қимир этмай ухлади. Тиникиб уйғонганида арчазорларда қушлар сайроғи авжига чиққан, эрталаб қимсасиз бўлган дам олиш уйи хийла гавжумлашиб қолганди.

Мансур қўл-бетини ювиб, айвонга чиқди. Қолатига чиппа ёпишган спорт қийимидаги Мунира хивичдан тўқилган оромқурсида тебраниб ётарди.

– Зиёли эканингизни тахмин қилмаганимда, сизни ёнғинга қарши кураш командасида ишлайсиз деб ўйлашим мумкин эди, – деди у қолларини шўх учириб.

– Ҳа, энди чарчаганмиз-да, – ўзини оклаган бўлди Мансур.

– Сиз гафлат уйкусида экансиз, хувиллаган гўшамиз одамга тўлиб кетди, – сўз котди Мунира тантанавор оҳангда. Мансур ғала-ғовурдан етти тош олисга қочгани тайёр бўлса, бу аёл шовкин-сурон ва чак-чакка жуда ўч кўринарди.

Мансур у айтган хабарни ҳушламайгина қаршилади-ю, жим қолди. Кечки овқатдан сўнг Мунира янги келган аёлларга кўшилиб, ракс майдончасига жўнади. Сиз ҳам юринг деб ҳар қанча кистамасин, Мансур унамади. У Кўксув бўйидаги ўриндикда ўтириб, юлдузлар жимирини узок томоша қилди. Эрталабки сокинлигини йўқотган дам олиш уйи камал ҳолатидаги шаҳарни эслатарди. Икки кунлик ҳордиққа келганлар базми жамшидни аллақачон бошлаб юборишганди. Ланг очик деразалардан эшитилаётган пойинтар-сойинтар кўшиқлар, маст-аласт кичқириклар тушнинг зим-зиё пардаси ёнган тоғ дарасида акс-садо берарди. Кетма-кет айтилаётган ҳаёсиз латифалардан сўнг ҳосил бўлган қаҳ-қаҳалардан дераза ойналари зириллаб кетар, бу кулгуларда ҳузур-халоватдан кўра, кўпроқ маҳкумлиқ, иложсизлик ва сохталик зоҳир эди. Улар очкўзлик билан, ютоқиб овқатланишар, арак ичишар, бир-бирларини кучоқлаб ўпишар, билар-билмас раксга тушишарди.

Мансурнинг масрур кайфиятидан асар ҳам қолмаган, ўзини жиннихонага тушиб қолгандек ҳис қиларди. У шовкин-сурондан узоклашиш учун боғнинг энг олис бурчагидаги ўриндикка бориб ўтирди. Лекин бақирик-чакириклар бу ерда янада баралла эшитиларди.

Ноилож соҳил ёкалаб секин-аста одимлар экан, узок-узокларда жимирлаётган чироқлар томон кетиб қолгиси келар, ҳаёлида Мунира билан бўлган суҳбат тафсилоти чарх урарди. Мунира ўзи шу чоккача билган нозанинларга ҳам ўхшар, ҳам ўхшамасди; ҳар бир сўзи, ҳар бир ҳаракатида аллақандай тилсим яширин эди. Мансур ҳаётий тажрибаеидан яхши билардики, сир тугаган жойда гўзалларга бўлган кизиқиш ҳам тугайди. Ўт-олов танда пинҳон гавҳар эркак эътиборини қучли оҳанрабодек тортиб туради. Жозиба ва назокат аёлдаги ўша бойлик билан тирикдир. Ўттиз-қирк йил ёнма-ён яшаганимда ҳам хотинлар кўнглини охиригача англаб етиш жуда мушкул. Ҳа, етти юзта қанизаги бўлган шох Сулаймон бекорга аёлни “тузук” деб атамаган. Бояқиш эркаклар оний лаззат деб шу тузукка илинганларини сезмай қоладилар. Мансур эса эндигина танишиб улгурган маҳбубаси қалбини ишғол қилмоқчи эди. Ҳатто орзиқиб қутганим мўъжиза ана шу аёл туфайли рўй бермасмикан, дея умид қиларди...

Соат ўн бирга занг чалди. Энди ухласам ҳам бўлар деган ҳаёлда Мансур иккинчи каватга кўтарилиб, ўз хонаси томон йўналар экан, тахминан ўттиз ёшдаги сийналари ярим яланғоч, кўхлик жувон тўфонда қолган гулдек чайқала-чайқала йўлини тўсди. Ортидаги ним очик эшиқдан ғала-ғовур эшитилиб турарди.

Мансур четлаб ўтмоқчи эди, жувон йўл бермади.

– Амакижон, мени битта ўпинг!... – У муштоқ лабларини чўччайтириб талпинди. Жувон икки кунлик дам олишга келганлардан бўлиб, ҳозир нима қилаётганини чамаси ўзи ҳам билмасди.

– Б-б-бунча, таранг қилмай, битта ў-ўпинг, энди! Жуда ёқимтой экансиз, кайфим келди-да!.. – Мансур ижирганиб, хонаси томон қадам ташлади.

Жувон кимдандир ёрдам сўрагандай хитоб қилди:

– Мен нима қилай ахир, ёлғиз ўзимман! Улар ҳаммаси ўйнашлари билан келишган. Меники эса... Касал... Касал бўлиб қолибди!.. Касал ўйнашни бошимга ураманми?!

– Эҳ, ҳайф сенга! – энди ростакамига аччиқланди Мансур.

– Нима ҳайф? Нега ҳайф? Нима, мен шунчалар хунукманми?!

– Йўқ, хунук эмас, ойдайсан. Ана шу ҳусн ҳайф сенга деяпман! Қилигинг хунук сенинг! Ахир, отанг тенги одамман-ку!

– Нима кипти отам тенги бўлсангиз? Меннинг отам аллақачон ўлиб кетган...

– Яхшиям ўлган экан, йўкса бу аҳволингни кўриб, ҳар кунни бир ўлган бўларди, шўрлик!..

Жувон ҳумор кўзларини сузиб, Мансурга узок тикилди, хушёр тортгандай бўлди, сўнг деярли пичирлаб сўради:

– Амакижон, айтинг-чи, жуда чиройлиманми?

– Ҳа, жуда чиройлисан, лекин қилигинг хунук экан.

– Майли, раҳмат. Энди менга ҳаммаси барибир, бир пул!

Жувон бошини қуйи солиб, нари кетди. Шу аснода ўша ним очик эшикдан икки зиёли-намо йнгит чикиб келиб, жувонни ичкарига бошлади. Бири Мансурга юзланди:

– Домла, даврамизга кўшилинг. Ҳамма шаронт мухайё.

– Йўқ, йўқ, ташаккур! Ўзларнинг бемалол...

– Ахир, ён кўшни эканмиз, йўқ деманг!– тикилинч килди йнгит.

– Таклифингиз учун раҳмат. Сира иложим йўқ! – Мансур хонаси эшигига калит солиб буради. Йнгит “ихтиёрингиз” дегандай елка кисиб, гулдурос қах-қаҳа янграётган хонага кириб кетди. Мансур ҳам ўз хонасига кириб чирокни ёқди. У ҳали бирор ҳаракат қилиб улгурмаган ҳам эдики, айвон томондан Муниранинг ўктам товуши эшитилди:

– Қаерларда юрибсиз, Мансур ака? Ахир, зерикканимдан жинни бўлаёздингиз-ку!

– Нега зерикасиз? Ҳали янги келганлар билан ракс майдончасига кетган эдингиз.

– Э, барини ергина ютсин! Бакир-чакирларидан киёмат-койим бўлаяпти-ку! Буларингиз одам кўрганми ўзи? Мен билан борганлари ҳам жилпанглаб ракс бошлашган эди, тоғлик йнгитлар тегажоглик қилишди. Шериклари муштлашишга тушишди, зўрга қочиб кутулдим. Бу ерга келсам, базм авжида. Ҳали у хонага судрашади, ҳали бу хонага. Эшикни устимдан кулфлаб ўтиришга мажбур бўлдим...

Мансур айвонга чиқди. Мунира оромкурсида тебранганча, жовдираб турарди.

– Ҳақиқатан ҳам булар олис, кимсасиз оролда узок вақт яшаб, сўнгра одамлар орасига тушиб қолганга ўхшашади. Шунчалар ташналик билан кўнгилхушлик қилишяптики, уларга қараб даҳшатга тушасан киши. Худди бу ёруғ дунёда охириги кун яшаётгандек ҳаммаси. Ахир, эртага яна тонг отади, кун ботади. Ҳаёт давом этади-ку!

– Майли, кўйинг буларни. Мен энди бу кеча ҳам ухлаёлмаслигим тайин. Яхши гаплардан гапиринг. Кўпни кўрган одамга ўхшайсиз.

– Мен ҳам бу тўполонда ухлаёлмасам керак.

Ним қоронгида улар бир-бирлари юзини яхши кўролмасдилар. Лекин ҳар иккаласи ҳам мулоқотга ташна эди. Кўп ўтмай суҳбат уларни кўринмас ишлар билан боғлаб қўйди. Қишлоқ томондан хўрозлар қичкира бошлагандагина тун ярим бўлганини пайқадилар. Суҳбат эса қизигандан қизиб борарди. Энди улар қўшни хоналарда авжига чиқаётган маст-аласт қичкириқларга эътибор бермасликка қарор қилишганди.

– Биласизми, – деди Мансур дераза ортида тобора қуюклашаётган тун қаърига тикилиб. – Мана, ҳозир мезон. Ҳамма ёқ баркутдек бир мулоимлик огушида. Бу табиий. Мезон ойида шундай бўлиши керак-да. Лекин баъзан киши чилласида қор бўрон ўрнига баҳорнинг илик шабадаси эсиб қолади... Ана шу шамолга кўкрак тутганимда, ҳақиқий баҳор ҳали жуда узок эканини ўйлаб, юрагим ёрилиб кетай дейди...

Мунира гапиришга оғиз жуфтлаганида хона эшиги устма-уст тақиллади. Мансур эшикни очди. Остонада ҳалиги кўҳлик жувон мўлтираб турарди; қадди-басти ва чехрасида олдинги мастлигидан асар ҳам йўқ, сурмали кўзлари жовдираб, гуноҳқорона боқарди.

– Домла, кечирим сўрамоқчи эдим... – кўзларини яшириб зорланди жувон. – Миинг бора узр!..

Мансур дийдаси юмшаб хўрсинди. “Эҳ шўрлик, бинойидек одамга ўхшайсан, бунақа давраларда нима бор сенга!?” Жувоннинг қирминзи ёноклари арак зарбиданми, йнғлагани учунми, бироз шишинкираган, бу гапнинг чехрасига тағин ҳам ғуссали тус берган эди

– Майли, зарари йўқ. Сиз ҳам мени кечиринг, кўпол гапириб қўйдим, шекилли.

– Йўқ, йўқ, сиз кечирим сўраманг, ҳаммасига мен айбдорман. Умримда бунчалик шармандали ҳолатга тушмагандим.

– Айтдим-ку, зарари йўқ деб. Ҳали ёшу ғўрсиз. Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

Мансур жувонни яна юпатди, сўнг хайр-маъзурни пасия қилиб, ортга қайтмоқчи бўлди. Лекин жувон йўл қўймади.

– Агар мени кечирганингиз рост бўлса, бизнинг даврамизга қўшилинг! – деди энди илтижо эмас, амирона оҳангда.

– Нима кераги бор? Ярим тунда ҳамманинг тинчинни бузиб ўтираемизми? Ундан кейин, мен... Ёлғиз эмасман...

– Ҳечкиси йўқ. Шеригингиз билан таклиф этаман.

– Шеригим аёл киши-да... Кўнармикан?

– Қайтанга яхши. Мен у кишини ўзим кўндираман!

Жувон хонадан ўтиб, айвонга чиқди ва Мунирага рўбарў бўлди:

– Меннинг исмим Шоҳида. Малол келмаса, бизнинг хонага меҳмонга ўтсангизлар.

Мансур ортдан туриб, йўк денг маъносида ишора килди.

– Жуда кеч бўлиб колди, – тараддуланди Мунира.

– Тонггача ҳали, эҳ-ҳе, қанча вақт бор. Юринглар, бир хурсандчилик қилайлик. Ахир тарки дунёчиликка эмас, дам олишга келганмизку.

– Мен у даврада ҳеч кимни танимасам, қанақасига... – иккиланди Мунира.

– Мана, мени, домлани танийсиз, бўлди-да!

Хуллас, Шоҳида жуда сўзамол экан, уларни ҳол-жонига қўймай, амаллаб кўндирди-да, хонасига бошлаб борди.

Чоғроққина хонада дастурхон атрофида беш-олти киши вақтичоғлик қилиб ўтирар, кўнгилни беҳузур қилувчи арақ ва тамаки хиди анқир эди. Шоҳида ишораси билан деразалар ланг очилиб, дастурхон қайта безатилди. Столда турли хил ичимликлар, кази-қарта, яхна гўшт, гасаклар пайдо бўлди. Афтидан, Шоҳида бу давранинг маликаси эди. Ҳар бир ишораси сўзсиз бажариларди. Қадахлар арокка тўлдирилгач, яна ташаббусни қўлга олиб, сўз бошлади:

– Дўстлар! Манна бу киши... Мансур ака билан сал илгари ажабтовур баҳонада танишиб улгурган эдим. Ҳозиргина Мунираҳон опам билан ҳам кадрдон бўлдиқ.

Шоҳида меҳмонлари ҳақида ҳали ўзи ҳам деярли ҳеч нима билмас-да, чиройли гаплар билан уларни роса мактади. Мансур дастурхон атрофида ўтирган кишиларни зиндан кузатар экан, уларнинг ўзини тутишига қараб, шунча шовкин-сурон шу хонадан чиққанига сира ишонгиси келмасди. Ҳаммалари ўзини босиб олган, зиёлинома кишилар, аёлларини ҳам унчалик ҳаёсиз деб бўлмайди.

Яна бир неча шиша арақ бўшатилгач, хонада аввалгидай ғала-ғовур, ҳаёсиз сўзлар авжига чика бошлади. Мансур ва Мунира мезбонлар кистови билан бир неча қадахдан ичишди ва улар ҳам бу шовкинга эътибор қилмай қўйишди. Арақ Мансур кўнгилни окшомдан буён безовта қилган гард-ғуборларни таркатиб юборган эди, боши анча қизиқиб қолгани боис ҳали кечки овқатдан сўнг шовкин-суронлардан кўнгли сиқилгани, Шоҳиданинг бачкана қилигидан ижирганганини эслаб, мийғида кулиб кўярди. У яна устма-уст бир неча қадах кўтаргач, анча ширакайф бўлиб колди. Энди ана шу маст-аласт давра базми жамшид бўлиб туюлар, дастурхон атрофидаги барча аёллар кўзига жуда чиройли кўринар эди. Хаёлида ушбу фикрлар чарх урарди:

“Нега энди мен ҳаётнинг ҳамма икир-чикирларини юрагимга яқин олиб асабийлашишим керак? Ахир, дунёдаги ҳамма муаммоларни мен ҳал қилолмайман-ку! Хўш, қайсидир даврада ҳаёсиз латифалар айтилса-ю, кимлардир маст бўлиб, тўполон қилса, менга нима? Ундан кўра, гўзал жононлар даврасида кўнгилхушлиқ қилганим афзал эмасми? Бусиз қону зардобга тўлган юракни даволаб бўлмайди чоғи. Манави арақхўрлик қилаётганлар аслида менга ўхшаганларни бир пулга олишмайди, улар ўзларини ҳаётнинг ҳақиқий хўжайинлари ҳисоблашади. Ўзи шундай бўлса ҳам керак. Бунақа дастурхонни тузаш учун менинг бир йиллик маошим ҳам етмайди. Шоҳиданинг чиройли бармоқларидаги қўша-қўша узуклар, оппок мрамардек бўйнидаги олтин занжир киймати бир неча миллион сўм бўлса керак. Хўш, шундай бўлгач, улар менинг одамгарчилик ҳақидаги сафсатамга қулоқ солишарми-кан? Қулоқ солишмайди...”

Мансур бошқа ичмасликка қарор қилди-да, азалий одатига кўра жимгина ўтириб, давра аҳлини кузата бошлади. Мунира ва Шоҳида худди бир умрлик кадрдонлардек апок-чапоқ суҳбатлашишар, онда-сонда қадахларидан ичимлик хўплаб қўйишарди. Мансур ўз хаёллари билан банд экан, кимдир магнитофон овозини баландлатди. Машхур хонанда Шерали Жўраевнинг гўзал кўшиги бир зумда ғала-ғовурни босиб, хонани тўлдирди-да, очик деразалардан олис-олисларга парвоз эта бошлади.

Атиргулим, ағрингги соч,
Майли, тикап, хоринг бўлай...

Ҳамма ейиш-ичишдан тўхтаб, кўшиққа махлиё бўлди.

– Оҳ, оҳ, – деди Шоҳида, – Мансурга ўғринча нигоҳ ташлаб, – қани энди шу кўшиқ менга аталганда эди... Атиргулим дейди... Атиргул!

Эркак-аёл жуфт-жуфт бўлиб рақсга туша кетдилар. Шоҳида ва Мунира худди маслаҳатлашгандек, иккалови икки томондан келиб, Мансурни ўртага тортмоқчи бўлдилар. Мансур ҳарчанд қаршилик кўрсатмасин, уни рақсга тушишга мажбур қилдилар. У аёллар кўнгли учун бир-икки айланиб, яна жойига ўтирди. Қўшиқ тобора авжига чиқар, рақсга тушувчилар чарчаш нималигини билишмас, айниқса, Шоҳида ва Мунира ҳаммадан чиройли

хиром этишарди. Уларга қараб гўзал оккушлар кўлда сузиб юришибди, деб ўйлаш мумкин эди.

– Эй, косагул! – деди бир маҳал Шоҳида ўктам товушда. – Қадахларни тўлдирсангизчи, ахир, томоқлар қуриб колди-ку!

Ҳамма кийкириб, чапак чалди.

– Меҳмонимиз Мансур ака қадах сўз айтсинлар! – амр этди Шоҳида, эътирозга ўрин колдирмайдиган тарзда.

Мансур лиммо-лим қадахни истар-истамас кўлига олди. Бу гала-говурда унга биров кулок солиши амри маҳол эди. Шундай бўлса ҳам одамгарчилик ва инсоний муҳаббат учун қадах кўтаришни сўради.

Яна қий-чув, карсакбозлик бўлди. Ҳамма ичди. Мансур ўз қадахини сал нарироққа суриб кўйган эди, Шоҳида кузатиб турган экан, дарҳол мажбурлади:

– Мансур ака, – деди кейин у чиройли кўзларини сузиб, – менга инсоний муҳаббат нима эканини тушунтириб бероласизми?

– Йўқ. Сира иложи йўқ!..

– Ахир ўзингиз шундай дедингиз-ку!

– Қадах сўзи айтгнш бошқа, уни тушунтириб бериш бошқа. Бунинг учун мен анчагина маъруза қилишим керак.

– Маъруза қилаверинг, кулогим сизда. Бу тунимизнинг охири йўқ!..

– Шоҳидахон, мени қийнаманг, эртага тушунтириб бераман...

– Майли, – кўна колди Шоҳида, – эрта яккама-якка суҳбатда тушунтириб берасиз инсоний муҳаббат нима эканини! – У чиройли кўзларини шунақанги нозик адо пирпиратдики, Мансурнинг юраги хаприкиб кетди.

Давра таркаганда хўрозлар учинчи қур қичқира бошлаганди. Мансур ва Мунира бир-бирларига хайрли тун тилаб, ухлагани ётдилар. Сирасини айтганда эса, бу беором туннинг тунлиги колмаган, тонг кўқариб келмоқда эди.

Мансур нонуштагача донг котиб ухлади. Агар Мунира эшигини тақиллатмаганида, у халивери уйғонмасди.

Чошгоҳ маҳали Шоҳида Мансурни Кўксув бўйидан топди.

– Кеча ярим тундаги ваъдангизни унутмадингизми?

Жувон товуши жуда эҳтиросли жаранглади, кўзлари шўх чакнаб турарди. Кеча нафратига учраган аёл шу эканига ишонолмади. Қаршисида гамза ила кош учираётган кўҳлик хилқатни энди негадир ёктира бошлаганди. Шундай бўлса-да, ичидагини сиртига чикармади. Чунки аёл зоти ёқишини билса, нозини ошираверади.

– Қанақа ваъда экан?

– Ҳо-о-о, шунақа-да!..

Шоҳида ёш боладек зорланди, аразлаганнамо лаб буришлари жуда ёқимли эди. Бу ҳолати Мансурнинг бир неча муддатдан бери гўё тизгинлаб кўйилган ҳис-туйғуларини жунбушга келтиргандай бўлди.

– Мастликда одам нималар демайди, Шоҳидахон! Мен ўзим ҳам муҳаббат нима эканини билмайман.

– Мени алдаб бўлсиз, сиз маст эмасдингиз! Ваъдангиздан тонманг! – тикилинч қилди Шоҳида. Унинг ёноқлари кизаринкираган, бўлик сийналари безовта тўлганар, кўзларидаги даъват ёлқинини яширолмади.

– Сизда инсоф борми ўзи? Шерикларим Чоткол кўрикхонасини томоша қилгани кетишди. Мен бечора атайлаб, сизнинг суҳбатингизни тинглаш учун улардан ажралиб қолибман. Энди бўлса, мени етим кўзидек бўзлатяпсиз...

– Бўзламанг, Шоҳидахон! Бир эмас, ўн суҳбат сиздан айлансин! – деди Мансур ўзида қандайдир рағбат ва журъат сезиб.

Шоҳиданинг гўзал чехраси янада ёришиб кетди:

– Мана бу бошқа гап! Қараб турсам, секин-аста ҳақиқий эркакка айланяпсиз.

– Ҳа, энди, бизнинг ёшимизда ҳақиқий эркакка айланиш учун бироз фурсат керак-да, – ҳазиллашди Мансур.

– Наҳот кеча окшомдан буён ўтган фурсат озлик қилган бўлса, – ”узиб” олди Шоҳида.

– Йўқ-йўқ, ҳаммаси етарли, ҳаммаси жойида!

– Ундай бўлса, эшитинг, – деди Шоҳида овозини пасайтириб, шивирлашга ўтаркан, – тоғда, қуриб қолган булок ёнида овчиларнинг гугурт кутисидеккина хужраси бор. Кўксув

ёқалаб юрсак, ярим соатда етиб оламиз. Мен бир сумка ~~нон~~ ~~ошпазлик~~ кимиз ҳозирлаб кўйибман. Ундан кейин, сиз учун сюрприз ҳам бор!..

Энди Мансурда чекиниш ёки рад этиш учун асос ҳам, мадор ҳам, энг муҳими, истак ҳам йўқ эди. Сирасини айтганда, шундай кўхлик жувоннинг бу тарздаги таклифини унча-мунча эркак.рад этолмаса керак...

* * *

Улар овчилар кўналғасига етиб боришганида куёш тикка келган, пастда ястаниб ётган кишлоқ кўкимтир ҳарир парда ортидагидек товланиб кўзга ташланарди. Ҳар иккаласининг ҳам пешонасида реза-реза тер томчилари ялтирар, айниқса, сумка кўтариб келган Мансур оғир-оғир нафас олар эди. Кўналға тоғ тошлари, карағай ёғочидан ишланган, ним коронғу бўлиб, унда тутун хиди анқир, чорқирра ёғоч столда коғозга ўралган туз, бир қути гугурт бор эди. Рандаланмаган ёғочдан ясалган сўрига нимдош кўрпачалар тўшалганди. Хуллас, бу ерга бот-бот одам қадами тегиб туриши шундоққина маълум эди. Сайёҳлар баландга кўтарилиш чарчоғидан андак фориг бўлишгач, ҳужра эшиги ёнида туриб, пастда ястаниб ётган гўзал манзарага бир муддат маҳлиё бўлиб тикилдилар. Куёш нурларида яркираб, иланг-биланг оқаётган Кўксув, улкан харсанглар, қорли чўккилар, мовий арчазорлар кўзни қувонтирар, мезон шабадаси баданини жунжиктирарди. Мансур қуриган арча шох-шаббаларидан териб келиб, ҳужрада гулхан ёқди-да, қора кумғонда чай қайнатди. Ажиб бир хид хонани тўлдирди. Шоҳида қулинг ўргилсин қилиб дастурхон тузади: ширмой кулчалар, қази-карта, яхна гўшт, янги узилган помидор-бодринг, минерал сув ва бир шиша беш юлдузли коньяк иштаҳа китиқлар эди.

Шоҳида қутилмаганда жимликни бузиб:

– Одатда ичимликни эркак киши қуйғувчи эди. Лекин рухсатингиз ила, мен косагуллик қилсам...

– Агар менинг рухсатимга боғлиқ бўлса, шу шиша умуман очилмагани маъқул. Ўзи кечаги базмдан сўнг бошим ёрилай дейди, – номигагина қаршилиқ қилди Мансур.

– Йўқ, йўқ, – катъий норози бўлди Шоҳида, – ахир, тоғ шабадасини қаранг, чимчиляпти, сал исиниб олмасак бўлмайди!

У қимматбаҳо коньяк тикинини очиб, чоғроқ қадахларни тўлатгач, Мансурга юзланди:

– Ўзи кечаги воқеалардан сўнг мени овсар, енгилтак жувон деб ўйлаётган бўлсангиз керак. Лекин бу фикрингиз ғалат. Менинг ҳеч қанака эрим ҳам, ўйнашим ҳам йўқ. Тўғри, бир вақтлар эрим бўлган. Ҳозир эса йўқ. Мен атиги бахт нималигини билмаган, лекин шуни билишга интилаётган аёлман, холос. Кириш сўзим иштаҳангизни бўғмас, деган умиддаман. Энди бу ёнги фақат яхши гаплардан гаплашсак ва сиз кечаги ваъдангизга вафо қилсангиз кифоя!.. – Жувон товушидаги андух ўрнини яна шўх оҳанг эгаллай бошлади. – Қани, сипқорайлик, сиз айтмоқчи, инсоний муҳаббат учун!..

Тоғнинг тоза ҳавоси, олий навли коньяк, сархил газаклар иштаҳани қарнай қилиб юборди. Шиша яримлаганда Шоҳиданинг оппоқ юзлари қизариб, жуда ёқимтой бўлиб қолди. Мансур ундан кўз узолмас, қандай мавзуда сўзлашни ҳам билмасди.

– Хў-ў-ш, – деди бир маҳал Шоҳида, кўзларини хумор-хумор сузиб, – инсоний муҳаббат нима эканини энди айтарсиз, акажоним?!

Унинг нигоҳлари шу топда энг сипо, совуққон эркакни ҳам шу қилиб юборгудек эди. Мансур нима деб жавоб қилишни билмас, кеча айтган қадах сўзидан минг пушаймон эди. "Инсоний муҳаббат учун!" эмиш. Кошки ўзи билса муҳаббат нима эканини. Ўзи билгани – аёллар инжиклиги, хархашаси ва... Ва уларнинг ҳар қадамдаги хиёнатлари...

– Шоҳидахон, узр, кеча андак олифталик қилиб кўйибман. Мен ўзим ҳам билмайман, инсоний муҳаббат нима эканини. Энди бу, ҳали айтганимдай, маст одамнинг валақлашида...

– Мастлик – ростлик дейишади. Кейин, сиз унча-мунчада маст бўладиган эркаклардан эмассиз, назаримда, – эътироз қилди Шоҳида.

Мансур бир зум хаёлга толди. Муҳаббат ҳақида чиройли гаплар айтиб, бу аёлни ишонтирмаса, бўлмайди чоғи. Лекин нима десни? У яна бир муддат хаёлининг турли кўчаларида сайр этгач, ниҳоят тилга кирди:

– Муҳаббат ҳақида кўп гапирмайдилар. Гапдан фойда йўқ. Муҳаббат туғилади. Қонот қаърида яшин қандай пайдо бўлса, муҳаббат ҳам инсон дилида худди шундай содир бўлади.

– Сиз кўпни кўрган эркак эканингизни бир қарашдаёқ сезган эдим. Энди билсам, файласуф ҳам экансиз... – деди Шоҳида. У ўз сўзида давом этмокчи эди, имкон бўлмади. Қўналга эшиги ғийкиллаб очилиб, остонада Мунира пайдо бўлди.

– Инсоний муҳаббат шайдолари ва файласуфларга шон-шарафлар! Ўх-хў, шоҳона дастурхон устидан чиқибман-ку!

– Келинг, Мунира опа, – Шоҳида ўрнидан туриб жувонни тўрга ўтказди, – қайнонангиз яхши кўрар эканлар...

– Э-э, яхши кўрмай ўлсин, кампир мени кўрса жини кўзийди, – бурнини жийирди Мунира. – Ҳамма саёҳатга кетибди. Бир ўзим роса зерикдим. Ошпаз қизлар куриб қолган булок бўйида тирамоҳда очиладиган сарик гуллар бор, дамламаси бош оғриғига даво дейишганди. Шуларни тераман деб келаверибман. Телага кўтарилгунча роса чарчадим. Лекин булок бўйидан ҳеч вако тополмадим. Кейин, кулок солсам, хужрада одамлар борга ўхшади, хуллас, суҳбатларингизга ҳалал берган бўлсам, узр!..

– Вой, нега ҳалал берар экансиз, биз коньякни майдалаб, суҳбатни жононни бошлаган эдик. Сиз келдингиз, энди гурунг яна қизийди. Мансур акам кечаги ваъдаларига вафо қилиб, инсоний муҳаббат нима эканини менга тушунтираётган эдилар, – деди Шоҳида, коньяк қуйилган қадахларни Мунирага узатар экан.

– Ҳо-о-о, Мансур акамиз шунақа вафодор йигит эканларми-а? – гинали янгралди Муниранинг овози. – У киши шунақа бўлганларида, мени ёлғиз қолдириб келмас эдилар.

Шоҳида бидирлай кетди:

– Энди унақа деманг-да, опа, – деди Шоҳида оғриниб, – сизнинг гул теришга келтирилган экани билганимизда сира бундай қилмасдик. Шундай эмасми?

– Шундай, Шоҳидахон. Билганимизда сира бу номаъқул ишни қилмасдик! – Мансур ҳар икки аёлни зимдан кузата бошлади. Мунира, афтидан, хилват қўналгадаги суҳбатни жонон белига тепганидан жуда мамнун кўринар, у изма-из келгани ҳам эҳтимолдан холи эмасди. Шоҳида, акиқ лабларида табассум ўйнаб, тинмай бидирлаётган бўлса-да, нигоҳларида аввалги масрурликдан асар ҳам қолмаганди.

* * *

Кечки овқатдан сўнг биров кинога, яна биров рақс майдончасига отланди. Мансур бир оз томир ёзиш учун билиардхона томонга бораётган эди, Шоҳида уни қувиб етиб, ўғринча шипшиди:

– Токка чиқаётганимизда қутилмаган совға бор деганим эсингиздами? Мен бу совгани сизга топшириб улгурмадим ҳали!..

Жувон қадамни тезлатиб, Мансурдан узоклашди.

Сирли шивирлаш Мансурни яна безовта қилди. У билиард ўйнаш фикридан воз кечиб, тунги боғда айланиб юрди. Шу тарика уйку вақти ҳам бўлиб қолди. Хонасига қайтган Мансур деразаларини ланг очиб, айвонга чиқди. Мунира ўша, ўзи яхши кўрган оромкурсида тебраниб ўтирарди. Мансур ҳеч нима демай, тун қўйнига тикилди. Бунни бошқача тушунган жувон ўзини оклашга тушди.

– Бугунги одобсизлигим учун маъзур тутгайсиз. Ширин суҳбатингизни бузаман, деб сира ўйламаган эдим. Афсус, шундай бўлиб қолди. Зерикканимдан беихтиёр ўша ёкка борганимни билмай қолибман.

– Қўйсангиз-чи, Мунираҳон, кечирим сўрайдиган ери йўқ. Биз шундай суҳбатлашиб, тушлик қилаётган эдик...

Суҳбат сира ковушмасди. Мансур Мунирага ҳайрли тун тилаб, хонасига кирди, чирокни ўчириб, ухлагани ётди. Алламаҳалгача ўринда ағанаб, ниҳоят, кўзи илинди...

Бир маҳал нимадандир чўчиб кўзларини очди. Хона деразадан тушиб турган тўлин ой нурларидан ёруғ, шундок тепасида кимдир тик турарди.

– Мансур ака, кўркманг, бу мен, Шоҳидаман. Эшик қулflanмаган экан, кириб келаверибман...

Мансур ўрнида туриб ўтирди, Шоҳида ҳам ёнига омонат чўкди.

– Қилигингиз бор бўлсин-е, Шоҳидахон! Ахир, бунақада одам юрак ўйноғи бўлиб қолиши ҳеч гап эмас-ку! – деди Мансур пинжига суқулиб ўтирган аёл нафасидан боши гир-гир айланиб.

– Кечиринг мени. Ҳеч ўзимни тутолмадим, сизни кўргим келаверди! – Жувон оғир хўрсинди-ю, пикиллаб йиғлаб юборди. Унинг нафис тун кўйлак остидаги елкалари силкинар, сочлари паришон, ёш ювган юзлари чиройли эди.

Мансур ихтиёридан айрилиб, Шоҳидани елкасидан секин кучди. Аёл итоаткорона ўгирилиб, унинг кўксига бош кўйди; вужуди дир-дир титрар, кўз ёшларини ҳамон тўхтатолмасди. Ҳар иккаласини ҳам олов сели камраб олгандай бўлди. Бир неча лаҳза шундай кечди. Сўнгра Шоҳида Мансур кучогидан сирғалиб чикиб, рўпарасида тик турди.

– Акажон, айтнинг, мен нима қилай, ахир?! Бахт нималигини, муҳаббат нималигини билмайман, лекин билишни истайман. Айтнинг, нима қилай?..

Мансур жавоб қайтармади, нима дейишни билмасди. Қаршисидаги малак шу қадар сеҳрлаб қўйгандики, бояқишнинг тили калимага келмасди. Сираси, ортиқча гап-сўзга ҳожат ҳам йўқ, соҳибжамол аёл ярим кечада биргина тун кўйлакда эркак ҳузурига келди ва шу билан ҳамма гап айтилди...

Ғира-шира хона тобора ойдинлашмоқда, ҳар иккисидан ҳам садо чикмасди. Ниҳоят, Шоҳида бир қарорга келди шкилли, эғнидаги бирдан-бир либос – тунги кўйлакни ҳам ечиб ташлади!

Тўлтин ой шундоқ дераза тепасида осилиб турар, сутдек тоза нурлари Шоҳиданинг ғоят чиройли ва мукамал қадду қомагини ёритар, аёл шу туришда маъбудага ўхшаб кетарди.

Оппоқ мрамардек бадан, бўлик сийналар ва паришон сочлар Мансур аклини тамоман олиб қўйди. У юраги бўғзига тикилгудек бўлиб, Шоҳидага яқинлашди, уни қаттиқ кучоклаб, ним очик, мушток лабларига лаб босди...

Мансур уйғонганида кун ёйилиб кетган, хонада ёлғиз ўзи эди. У апил-тапил ювиниб, кийимларини қияр экан, стол устидаги бир энлик қоғозга кўзи тушди.

“Алвидо, Мансур ака! Биз энди кўришмасак керак. Умрим охиригача инсоний, хокисор муҳаббатга лойик бўлишга ҳаракат қиламан!...”

“Мен бир умр кутган мўъжиза шу бўлса, не ажаб?”, деган ўй кечди Мансурнинг кўнглидан...

Қалбдан чиққан сўз қалбга йўл солади.

Низомий

*Оз сўз ҳам ўтрукдур – захри
Муҳлиқдур агарчи миқдори ўксукдур.*

А. Навоий

*Яхши фикр тиниқ услубни талаб қилади. Услуб – бу
либос; фикр либос тағидаги баданга ўхшайди.*

Ф.М. Достоевский

Фикр равшанлиги ифода равшанлигини таъминлайди.

Г. Флобер



НАЗМ



Азим Суюн

Ватан кенгликларида

Нурота

Кулбамдан кўриниб
турар бир Арча
оддий Арча эмас
асрдан ошган.
Тикка ўсган шоҳлар
кундуз қуёшга
кечалари эса
ойга туташган.
Ҳар ким ҳам боролмас
Арчаотага
Шундоқ ёнида бор
илон ўрдаси.
Гоҳида тунлари
чалиниб қолар
қулоққа уларнинг
чинқириқ, саси.
Ўрда тевараги
қип-қизил лола
ярадор кийикнинг
гўёки қони
ҳар ён сочилгандир
кўзни оладир,
кўнгилни оладир,
шарафи-шони.
Бешбармоқотанинг
бир қоясига,
тўғриси, қоянинг
ярим белига
тирмашиб чиқаман,
ўрнашиб олиб
қарайман тоғларнинг
ўнгу сўлига.

Дара, камарларнинг
ёнбағри бўйлаб
сариқ дўланаю
қизил дўлана
кўпириб гуллаган
гулдасталарин
қуёшга туфҳадек
тутади гўё!
Шарқираган сой...
қиргоқ ёқалаб
терақлар, итбурун
кетган чирмашиб,
ёввойи олмаю
ёввойи чилги
бир тан-жон сингари
турар бирлашиб.
Учқатнинг ёнида
турибди ирғай
бири оплоқ тану
бири қўнғир тан.
Сариқтол ёнига
бир туп оқ қайин
қачону қаердан
кеп қолди экан?
Аччиқ бодом, яъни
қора бодомлар
тағлари макондир
кўлвор илонга.
Сен агар тегмасанг
тегмайди улар,
тегсанг агар жабр
сенингдек жонга.

Оқбулоққа тушиб
келар алқорлар
чанқашган ҳали туш
бўлмайин туриб.
Қўлимда милтиқ йўқ...
билади улар
шу учун келишар
шошмай, беҳадик.
Менинг бургутларим...
мен уларга дўст,
танишман уларга
болалигимдан.

Тепамга келишиб
саломлашдилар
гўёки йўқми деб
бирор каму кўст!
Ҳеч каму кўстим йўқ...
уларга айтдим,
Паррандозотада
улар макони.
Қўриқлаб юрдилар
қаерга бормай
гўёки мен билан
биргадек жони.

Фарғона

Шоҳимардон.
Ўнг қанот Ёрдон.
Тоғ тўрида – тоғнинг тўшида
қўриқхона – афсункор мезбон
бизни кутиб олар тушидай.
Бу ерларда ҳали қалин қор,
ҳаво тоза... тагин тозарган,
юзларимиз таранг, қизарган,
лекин кўнгил қордек беғубор.
Тоғ ён бағри, арчазор қалин,
бугун барин либоси оппоқ,
бир ёнда жуфт, қай бир ёнда тоқ,
кўзинг тинар қараган сайин.
Айиқбошли чўққи, қоялар
қандайдир бир хабар кутгандай,
гўё унга қулоқ тутгандай
тим-тирс боқар сирли соядай.
Жойлашамиз бир-бир хонага,
иссиққина, ёқимли, шинам,
о, бу жойлар ёқдики бирам
сафардошим Зилолахонга.
Қачон ёға бошлади бу қор,
лайлакқор бу, лўппи-лўппи у,
майин-майин, оппоқ ёғду бу,
тўрт ён ҳарир пардали диёр.
Сой бўйида тераклар тип-тик,
бизга салом берган сингари,
қўлларини чўзган кўк сари,
лекин боши таъзимда – эгик.

Қўноқхона олди... сал четда
махсус айвон... ўчоқхоналар,
хос қозонда шўрва билқиллар,
чўғлар тафти уради бетга.
Бу тоғлар биз кўрган доимги
тоғлар эмас, ўхшамас асло,
ҳар бир дарахт бир малаксиймо,
тенги йўқдир мусаффолигин.
Айричадир ҳолу ҳаловат,
шуурларга урилар оҳанг,
оҳангларки илоҳий, моҳранг,
тан-жонларга девона қувват.
Кўп ўтмайин бизнинг лайлакқор
маржон-маржон қорга айланди,
борлиқ жимир-жимир ойланди –
бир дунёки тилсим, диловар.
Маржонқор ҳам тинди. Тушди тун,
тун тушганин Ой берди хабар —
ўн турт кунлик бир қучоқ қамар,
жаранглайди шуълалар беун.
Тап тортмайин ҳайқирдим, тошдим,
оҳлар уриб ўқидим шеърлар,
ишқу ҳайрат ҳақида улар,
сизиб чиқар кўзларим ёши...
Шоҳимардон.
Ўнг қанот Ёрдон.
Тоғ тўрида – тоғнинг тўшида
сўнг... қорбўрон ўйнадик обдон
ой қўйнида – оининг тушидай.

Айдаркўл

Чўл, саҳрода бўлмайди йўл,
топасан уни ўзинг,
машинамиз излайди йўл,
уфқларга тикиб кўзин.

Идраб ётар ўт-ўланлар
нигоҳларинг етгунча,
тўрт томонинг янтоқзору
шувозордир кетгунча.

Оқ калтагу қаро калтак
барча ранглар қоришиқ,
хас-хашаклар нақ палағда
тухумларнинг сариғи.

Нор туянинг қаншаридан
ип ўтказиб бир чўпон,
қайгадир кетар етаклаб,
ити кетар ёнма-ён.

Қийналсанг, қийналмайсан,
кўрасан роҳатини
шаҳарлик шофёр Отабек
берар мошин додини...

Якка-дуккам саксовуллар
учрайди унда-бунда...
Шарқий қирғоққа ниҳоят
етдик соат ўн бирда.

Чегарасиз сингари кўл
ётар Қоратоғ бўйлаб
уюшгандек жунжикар эт,
бемадор каби офтоб.

Айдаркўлнинг осмонини
ҳар ёнда тилиб-тилиб
миққийлар чағалайлар
учишар билмай тиним.

Балиқчилар қароргоҳи,
Адашбой бунда дўстим,
ўттиз йилдирки шунда яшар,
ўттиз йил кияр пўстин.

Кутиб олар қучоқ очиб,
қорайиб кетган туси,
унинг кийим-кечагидан
келар балиқнинг иси.

Сўнг... ўтирдик қайиққа шод
мен, Рамиддин, Бегимкул,
ов бароридан келсин-о,
юзларга тортилар кўл.

Ов фасли, асли гашт фасли,
Рамиддин эшар эшкак,
овчи Бегимкул ўқидан
қутилаб кетмас чуррак.

Ёввойи ўрдак бунда мўл
ва хусусан, қашқалдоқ,
кўғазор, қамишзорлардан
чиқишлари – шошқалоқ...

Сув – қоратоб, унинг юзи
тўлқинланар, жимирлар,
қандайдир сирру илоҳа
ўзига чорлар, имлар.

Оролчалар кўпдир кўлда,
унда ўт-қиёқ тигиз,

бир серқамиш оролчага
аста тушиб бордик биз.

Чўчиб учди жуфт қирғовул:
бир макиён, бир хўроз,
отиб бўлмас макиёнин,
овчимиз шошди бироз...

Айланибди ёввойига
бунда хонаки уюр,
қулоқларин дикрайтириб
пишқиришар, тепинур.

Сирдарёдан улкан ирмоқ
Томди томонлар ёққа
ёйилиб борар кундан-кун
кунба-кун чуқур оқар.

Бир пайтлар бунда сайғоқлар
қуюқ сарғиш булутдай
кўчиб-ўтлаб юрар эди,
тиззабўй эди ўтлар...

О, овлоқларда иштиёқ
қон-жонингни қиздирад,
шаҳар шовқинидан безган
танга қувват индирад.

Борлиқ-олам гўзал, тотли,
гулоб исли ҳаволар,
шуурингни эгаллайди
бир самовий наволар.

Барра-барра тўлқинлар, ох,
қирғоққа урилгандай,
қаландардек билмай қолдим
соатлар ўтди қандай?

Ногоҳ кўқда қийқириқлар, —
турналарнинг товуши,
кечикибди икки гала —
учиб кетмоқда шошиб.

Отлиқ отин бойлагунча
хўтикли келар етиб,
кунботардан қора булут
келар кўринмай кети.

Қир бағирлаб ўрлар тутун,
ортга қайтмоқлик даркор,
қирғоқда дўст балиқчилар,
балиқ шўрва ҳам тайёр!

Дўрмон боғи

Катта чошгоҳ. Намхуш насим.
Кўп ўтмайин тўс-тўзгоқ.
Ёнғоқларнинг япроқлари
қорамтир тус қовжироқ.

Тўзон турфа хил баргларга
кўшиб-чатиб уларни
ўз йўлига солиб учар
бошда қора кунлари.

Деразалар очиқ эди,
кимдир эшиги очиқ,
ип дорда осилган эди
келиним ювган сочиқ.

Ён қўшним ҳовлисида
нимадир қарсиллади,
тўк симлари бир-бирига
бир тегиб чарсиллади.

Адиб, шоир – кўпчилиكنинг
уйлари ҳали янги,
Тоҳир Қаҳҳорнинг томида
тўзону шифр “жанг”и.

Кучли шамол қандайин тез
бошланган бўлса, ажаб,
худди шундай тугайди у,
барига турдим қараб.

Тушлик яқин. Сув сепгандай
тагин жим-жит ҳаммаёқ,
кўниб-учиб қагиллайди
қорақарга – вақти чоғ.

Теракларнинг адллиги
кузда кўринар яққол,
кўкиш-оқиш таналарда
кўнғир доғлар, кўнғир хол.

Ўриқларнинг қуруқ шохи
деҳқон кўлин эслатар,
жилдираган ариқларда
хира осмон акс этар.

Тутлар ости куюқ япроқ,
кўшни қозоқ кўйлари,
лабларига бир-бир олиб
“курт-курт” қилиб чайнайди.

Қарағаю арчаларга
таъсир этмас тўзон, куз,
ҳаволарни ёриб турар
ҳамон ўша яшил тус.

Ҳовлимдаги тўрт туп хурмо
кўтаролмай ҳосилин,
тол тирговучларни ҳатто
эгиб олган лорсиллаб.

Ишком ости – узун йўлак,
бориб-келиб юрибман,
мана, битта ток остига
келиб тўхтаб турибман.

Ногоҳ кўзим тушган эди
сўнги бир бош узумга,
ўчоқдаги қўрдай бўлиб
кўринди у кўзимга.

Аста ўзиб, Ойгулхонни
ўз ёнимга чорладим,
узумнинг ҳар донасининг
шираси ёрди лабни.

Қолиб узоқ-узоқларда
кўрмаган каби, шошиб, —
о, бармоқлар бир-бирига
қолди чиппа ёпишиб.

Соат ўн бешта кам тўрт. Кўк
созининг танғирлари,
ҳадемайин уриб берди
унинг шаррос ёмғирлари.

Кириб кетдим ўз хонамга,
эҳтимол, буёғи қор,
деразамнинг олдида-чи
тарс ёрилган жуфт анор...

Сангардак шаршараси

Ҳисор тоғларининг
бир биқинида
Қат-қат қояларнинг бағрини ёриб,
Баҳайбат шаршара
отилиб чиқар,
Сўнг шер ёлларидек оқар ёйилиб.
Сув пардаси орти —
яшил салтанат —

Ковак-гор сирлари чорлар ўзига.
Йўсинлар қоплаган
деворларнинг
Тушуна олсайдинг асрий сўзига.
Бунда қўноқ бўлган
бир пайтлар Бобур,
Толим толаларга термулган мафтун.
Илоҳий дурлардан ҳовучлаб ичиб
Билмадим, қандайдин ажралган ул кун.
Шаршарада ўйнар қуёш нурлари,
Шаршара эмас бу, ўзбек шойиси.
Йўқ, бу оқ ҳилпироқ
куйруқларидир
Ҳисор яйловларин қулун-тойисин.
Олган каби абад
ҳимоясига
Бош узра жуфт бургут учар айланиб.
Билмайди, Сангардак
шаршарасига
Девона шу жоним қолган бойланиб.
Мўъжиза кўраман
ҳар заррасида,
Шарҳини тополмай тилларим лолдир.
Жон олдирсанг, Эгам,
йўлли дунёда,
Шу тенгсиз чиройнинг олдида олдир.
Унинг бир зарраси,
рамақижон дам –
Қурушқоқ лабимда бир зум олсин тин.
Сўнг, майли, бу Азим
ўтсин дунёдан,
Унинг сувларида танам ювилсин.



*Сўз билан ифодаланган ҳар қандай фикр таъсир қўлами
туғамайдиган кучдир.*

*Сўз – буюк нарса. Шунинг учун ҳам буюкки, сўз билан одам-
ларни бирлаштириш, сўз орқали уларни бир-бирлари билан
юзкўрмас қилиб юбориш мумкин, сўз билан меҳр қозониш, сўз
билан нафрат ва адоватга йўлиқиш мумкин. Одамларни бир-
биридан ажратадиган сўзни айтишдан сақлан.*

Л.Н. Толстой



Титранади баҳорий новда



Вафо Файзуллох

* * *

Баҳор орзиқиш-ла кўз очди яна,
Шувит юзим мен ҳам Каъбага бурдим.
Баҳорда баҳоройни унутмоқ анъана,
Золим эдим ҳам бўлдим мазлум.

Ўғлим чақиради: – Дада китоб бер!
Гулга термулишга вақтим йўқ.
Ташқарида ҳикмат ҳаёт сир,
Тотли машаққатдан тахтим йўқ.

Сурбет елпиғичлар бунчалар чаққон,
Хаёлим не истаса этади ваъда.
Кўзида қалби турган ҳаёдир армон,
Баҳорда уйғонмоқдан юрагим зада

Намойишга чиққан жисмлар атри,
Ҳар бири бир гўзални бўғади пинҳон.
Исо Масиҳ янглиғ шоирнинг сатри
Руҳимни тирилтирар: «Баҳорга ишон!»

Гул давралар ичра сен йўқ, вафо йўқ,
Гулгун хотирангни гуллаб эслайман.
Ҳали талъатингга кирмагандир суқ.
Куним, менинг куним, сени излайман.

Бошсизлигинг чину ёрсизлигинг дин,
Зимистонни ташла, кўкламга бошла.
Ахир, жуда яқин, жуда ҳам мумкин
Баҳорда яшамоқлик куздаги ёш-ла...

* * *

Умринг жўнми?
Кўнглинг хунми?
Йўлларимда йўлчи менга:
Ўртанган кўз,

Эзилган сўз,
Бевафо дўст,
Бевафо дўст
Қўлларини силкир менга.

Пистоқи боғ сарғарибди:
Боғсиз дара,
Гулсиз яра,
Булбуллар ҳам кетиб бўлди,
Булбул жўра.
Сендан йўрға,
Мендан йўрға
Қарғалар ҳам етиб келди,
Қарға жўра.
Бу олам – бўз,
Бу олам – сўз.
Тушунилар бахт сўзсиз.
Эссиз, эссиз...
Наҳот юзсиз,
Бевафо дўст
Йўлларимда йўлчи менга,
Ўлмоқ бўлиб,
Тирилмоқ бўлиб
Қўлларини силкир менга.

Сен на рақиб, қасд қилмайсан,
Сен на ҳабиб, дўст бўлмайсан.
Тонг йиғлайман, шом йиғлайсан,
Кўнглимдан ҳам ҳеч чиқмайсан.
Қатли сирсиз,
Қалби орсиз
Йўлларимга йўлчи менга,
Қўлларини силкир менга.

Бемор, бедор борар эдик,
Фаришталар учраштирди орзуларни.
Афиф доғ бор кўчаларнинг чангишида,
Ўзим етмас чўққиларда гангишим-ла,
Хато қилдим,
Адо бўлдим.
Олам сўзсиз,
Олам кўзсиз.
Алам бўзсиз,
Бевафо дўст,
Бевафо дўст
Йўлларимда йўлчи менга,
Қўлларингни силки менга!

* * *

Жоним безовта,
Ер қаърига тушгандай нолон,
Кўкларгача чиқади учиб,
Титранади баҳорий новда,
Ўтиб борар ёнидан карвон,
Нафас олмай яшайди чўчиб.

Эски дарди тирнайди гоҳо,
Янги ғусса қонига ташна.
Маҳрамига бўлган бевофо
Номаҳрамлар билан ул ошна
Жоним безовта.

* * *

Ёмғир тирилтирди кечадай юрагимни,
Кимларга борлигингни қолдириб кетдинг осмон?
Ой тортди, ер қирди доғланган суягимни
Омонман, бормисан, деганим бари ёлғон?!
Булутлар эркаламас бемадор курагимни...

Саҳарлар ошно эргай ошиқнинг ҳавасига,
Йўл ўнқир, қўл қисқа, руҳ тушкин, севгим борар.
Нафасим қўшилганда дарёнинг нафасига,
Ҳеч кимга айтмай туриб ҳабибим дилим ёрар.
Ҳей, кўклам! Кузга ташлаб кетдинг бадар...

Тоабад бозорларни айланган тоза ҳаво
Адашган орзуимни пуллашга топмас имкон.
Бу бузуқ кўчаларда эзилиб кетган сабо
Бўғзида жони турган ишонар менга ҳамон.
Тоабад кўнгилларни ўргилар номсиз наво...

Айб сўнгсиз. арш курсиси нолон титрар,
Бахтимни бахтсизлигим судраб ўтди.
Даҳри дун ўгай дилга қўлин силтар,
Кўнглимни вайрон кўрган кўнглим титди.
Тамуқдаги фаришта! Уфқ йўли қайга элтар?

Ё Раббий! Олис кўрдим сени мендан,
Сени мендан олис қўйган қарға-қузғун.
Излаюрлар чўғни кулдан, тунни кундан,
Сўзни гунгдан. Сўз тиландим, бир сўз сендан.
Ё Раббано! Олис қўйдинг кимни кимдан?..

Қай кишвар бу? Титраб-қақшаб тойғонлимман.
Унглар мақри, сўллар қаҳри эмас чорам.
Тўғри роҳнинг лаҳшатида уйғондимман,
Кўз очади кўҳна олам,
Сўз очади янги нолам...

Ёмғир тирилтирди кечадай юрагимни...

* * *

Булоқларга тушган сояни қўчдим,
Сўнгра асл дардим устивор бўлди.
Ҳар кун ўзим билан ўзим урушдим,
Нодонлар эрта, кеч устимдан кулди.

Дилим хасталигин англадим, наҳот,
Чиллага кирганимда турналар учди.
Менинг халоскорим бўлмадинг ҳаёт,
Охири, ишқим ёруғ ўлимга тушди.

Олислардан келди мусибатнома,
Қақнус сайроғини тинглаган гулруҳ.
Асло дийдорингга тўймадим она,
Ҳолбуки, дуонг билан кўкартирдим туғ.



Икром Искандар

Кузнинг бир парча кунни

* * *

Асов отда ўтиб борар
кузнинг бир парча кунни,
ҳилпираган этаклари
бирров тегар юзимга,
қуруқшаган шохга мезон
илинади юкуниб,
хазонлар жон қадар иссиқ
кўринади кўзимга.

Бу тўрт кунлик дунёсида
сенсиз бир он яшашдан
тополмасдан ҳеч бир маъни
кўнглим ер ич-этини,
бешафқат вақт беозордай
кўринса-да ташидан,
очиқ тақвимнинг бетини
варақлайди бетиним.

Интиқ юрак хатто бир сўз
айтишга ҳайиқади,
айрилиқнинг денгизида
суза олмасанг ёмон,
шамол сувни тўлқинлатар
ва ҳайдайди қайгадир,
мавжлантириб дилни соғинч
бошлаб кетар сен томон.

* * *

Игнадай ялтиллаб дарахт шохлари,
шамолда ип каби чувалашар нур,
кўл юзида гўё улкан кўзойнак,
муз остида сувдек тиниқдир шуур.

Тиниб-тинчимайди табиат момо
сандалга оқ кўрпа ташлаган кўйи,
бўй етган шўҳ-шаддод қизига атаб
сеп тикиб чиқади бутун қиш бўйи.

Тўқсон кун кўз очиб-юмгунча ўтар,
ташвиш аригандек эриб битар қор,
бир тонг зеб бағишлаб сепга, қирларга
югуриб чиқади эрка қиз баҳор.

* * *

Лаҳзалар асрдай қолдиргай асар —
васлингни юз йиллаб кутганим ҳаққи,
кўрганда ҳам сенга бир сўз айтолмай
ҳатто кўз ташлолмай ўтганим ҳаққи
мен сенга мактублар ёза бошладим,
ниҳоят, кўнглимда соғиниб тўзган
фикр сўз ҳажмида шаклга кирар,
соғинч сўз шаклида кўринар кўзга.
Истило этилди истиҳола ҳам,
журъат остонада устин киймоқда,
ҳисларнинг жировин бўш қўйиб, мана,
мен ўзни тийяпман ўзни тиймоқдан.

* * *

Бир сесканиб туйқусдан
турар тун уйқусидан.
(Зада юрак – якка барг
зориқиш туйқусидан.)

Шамол эсар далада,
том устида елади —
кўнглимдаги қайғудан
хуштак ясаб чалади.

Мунча чийиллар сози,
боғда қилар навозиш,
тарона айтмоқ бўлар
ҳазин келар овози.

Тирқишдан кўлин чўзар —
рақсга чорлайди шамни,
кўнглимни олмоқ бўлиб
тақиллатар дарчамни...

Ул севгилим тушимга
кирмади етти ухлаб,
ай, шамол – қадрдоним,
келдингми мени йўқлаб?

* * *

Неча ой онгимни ёритди шуур,
тутдай тўкулгудай титраб зулматим,
бир киприк қоққунча ёниб битди нур,
тушимми, ўнгимми, билмадим?
Чақмоқ каби шитоб экан-ку, мана,
«ярқ» этган тасаввур – бахт деган туйғу.
Кўчада тентираб кезмоқда яна
менинг сувратимга ўхшаган қайғу.

* * *

Май ойи. Кенг майдон. Ва икки жом май.
Майин шаббодада тебранган майса
узоқ сузиб кетар жойидан жилмай,
юзиди шабнамлар кулар жилмайса.

Майин шаббодада тебранган майса.
Тебранар майсадай беғубор майл:
«Сен менинг ёнимдан мангу кетмайсан,
мангу шул майсага ёйилган сайл!»

Узоқ сузиб кетар жойидан жилмай
кўзларинг – маёқдай порлаб, жилмайса,
тегрангга тароват таратар билмай,
табиат сендан ранг олур, билмайсан.

Юзида шабнамлар кулар жилмайса,
майда қадам ташлаб этгандай ройиш,
намойиш айлагай майдонда майса
бу фоний дунёнинг оний чиройин.

Майли, йўлимизда пайт пойлар пайсал,
аммо хотирада қолгайдир ўчмай
майин шаббодада тебранган майса...
Май ойи. Кенг майдон. Ва икки жом май.

* * *

Сени эслаганда, бир келмайсанми,
кўкламги тўлиққан булутлар мисол
ювиб юракдаги соғинч ва зангни
оламни тўлдириб ёғмасми висол?

Кўклам чечаклари таратарми бўй,
бир ёруғ кунларга бўлгайми изн?
Сен-да, бу тўлиқиш, ғам-аламни қўй,
не учун, ахир, бу маҳзуна исм?

Қақраган тупроққа нам ранг берар сув,
чанқаган дудоққа бўсадир даво.
Келсанг гирдо-гирдга ёғармиди нур,
зора юмшармиди қаҳратон ҳаво

Ҳижрон чўзилганда узун қиш мисол,
ногоҳ, мен томонга бурдингми изни —
оламни тўлдириб ёғарми висол,
баҳор ёмғирлари. бу келган сизми?





ХАЛҚНИНГ ЎЛМАС РУҲИ

БАДИҲА¹



Отаули

БИРИНЧИ ҚИСМ

“Алпомиш” қахрамонлик, аниқроғи, мардлик дostonи, марди майдонлик, жавонмардлик, тантилик-жўмардлик, шери мардлик шаънига битилган оламшумул қасидадир. Мардлик эса, худди номардлик каби, муайян асосларга – руҳий, ижтимоий, тарихий, ирсий-наслий илдизларга эга бўлади. Қахрамонлик муайян хатти-ҳаракатга, мардлик эса, шу хатти-ҳаракатни амалга ошираётган инсон табиатига хос сифат ҳисобланади. Одатда ҳамма қахрамонлар табиатан мард бўлавермайди. Жаҳон адабиётида ҳам, ҳаётда ҳам шунанганги номард қахрамонлар борки, уларга, аслида, қахрамонлик хайф! Алпомиш оддийгина қахрамон эмас, марди майдон қахрамон бўлиб, унинг зоҳирий ҳаракатларидаги қахрамонлик билан ботиний табиатидаги мардликнинг бир-бирига илоҳий уйғунлиги осмондан таппа-тайёҳ ҳолда беҳос ёғилган неъмат эмас, Ҳақимбекнинг Аҳмад Яссавий тилга олган “уч юз олтмиш томир, тўрт юз кирк тўрт сўнғак”лари ҳаракатидан табиий равишда ҳосил бўлган куч-қудратдир. Булар орасидаги ўк илдиз, албатта, ирсият, насл-насаб, пушти-палақдир.

Ўлмас дostonимиз худди шундан – марди майдон Ҳақимбекнинг асли-насли кимлигини аниқлашдан бошланади: унинг отаси Бойбўри, бобоси Алпинбий, бобокалони Дობонбий!

Алпомишнинг бобоси Алпинбийга келсак, бу сўзнинг маъноси осонгина англашилиб турибди. Мазкур атоқли отдаги “ин” хослик маъносини англаувчи қадим туркий кўшимча бўлиб, дейлик, “кирк қиз” мазкур дostonда ҳам, табиийки, “Қирк қиз” ва бошқа дostonларда ҳам баъзан “қирқин қизлар” тарзида қўлланади. “Бирин-кетин”, “очин-тўқин” каби жуфт сўзларда бу ҳолни яна-да равшанроқ кўришимиз мумкин. Бинобарин, Алпинбий Алп Эр Тўнга (Афросиёб)дир, Алп Манасдир, Алп Арслондир, бошқа бирон алпдир, хуллас, алплик хусусиятига эга марди майдон, алплар дунёсининг хос кишисидир.

Ана энди Алпинбийнинг икки ўғли – Бойбўри билан Бойсарига келамиз. Бизнинг Туркистонимизда “бой” сўзи фақат бойлик эгасигагина эмас, аввало бир парча ер ва бир жуфти ҳалол умр йўлдошига эга эркакка нисбатан қўлланади. Шу боисдан аёл ўз эрини “хўжайиним”, “отаси”, “адаси” тарзида эмас, айнан “бойим” деб атайди. Бу оламдаги энг буюк икки хазина – ер билан аёлга эга эркак бой бўлмасинми! Қизлари кўп отага “бой экансиз” дейишларининг бирламчи сабаби ҳам мана шундадир. Бу ўринда қизни узатган чоғда олинадиган қалин моли эмас, асли қизнинг ўзи бойлик манбаи экани назарда тутилади. Бойбўри билан Бойсарига бойбича (эътибор қилинг, бойбича, яъни, бойликни бичиб-тўқиб, авайлаб-асраб рўзгорга сарфловчи уй бекаси!) бор, бойлик ҳам, ер-мулк ҳам етарли, лекин

¹ Журнал варианты.

уларда алплик хусусияти, алпликнинг энг бирламчи фазилати бўлмиш мардлик, тантилик-жўмардлик, саховат каби руҳий фазилатлар йўк! Алп, мард, сахий бўлмаган эркакда бобога муносиб неварга, бобокалонга муносиб эвара, ақалли отаўғил қаёғдан бўлсин! Ҳамма нарса феълга яраша-да, ахир. Бўримижоз бой Бойбўри билан унинг сояи давлатида сарғайиб умри ўтаётган бой Бойсарининг инсоний қисматлари ҳам, албатта, уларнинг феълларига ярашади.

Достондаги дастлабки жумлада тилга олинган шажарадаги отларнинг маъно-маъзини шундай қакиб, энди иккинчи жумлага – воқеанинг бошланишига ўтамыз: “Ана энди ўн олти уруғ Қўнғирот элида бир чуфурон тўй бўлди”. Айни шу суннат тўйида ака-укаларга қўнғилдагидек ҳурмат кўрсатилмади. Нега? Чунки айнан суннат тўйи уларнинг фарзанд-сизлигини, суннат қилинадиган ўғиллари йўқлигини кўпчиликка ўз-ўзидан эслатди. Оғзи катталарга бутун бойлигигина эмас, ўзи ҳам ем бўлиб кетмасликнинг ягона чораси, албатта, пушти камарингдан бунёд бўлган зурёдга, киройи меросхўрга ота бўлишдир. Ота бўлиш осонми?! Бойбўрининг “Бойсари ука, қариганда бизнинг молимиз бесоҳибга чиқди, энди бизлар бир фарзанд тарадди қилмаймизми?” деган қўндаланг саволига жавобан нима деса бўлади? Бойсари акаси саволига жавобан, мана, ўйлаб қаранг, нима дейди: “Тортиб олиб бўлмаса, ўғирлаб олиб бўлмаса, сотиб олиб бўлмаса, худо бизга бермаса, қаёқдан қиламиз тарадди?!” Худонинг шери Шохимардон пир – Мардлар шохи Ҳазрати Али орага тушиб, тагин денг, биркам қирк кун бир оёқда туриб уларга қобил фарзанд тиласа, бу бошқа гап! Лекин шунда ҳам тилак ижобат бўлмайди. Ана шунда Бойбўри билан Бойсари Шохимардон пирга: “Бизлар биркам қирк кундан бери келиб сизни тунаб ётсак, худонинг яратган шери сиз бўлсангиз, бизлар учун орага тушиб, бирор фарзанд тилаб олиб бермасангиз, бизга пирлигингиз ёлғон, худога шерлигингиз ёлғон. Бор, ундай бўлса, биз ҳам дунёнинг баҳридан ўтдик!” деб таппа тушиб равазда турбатнинг остида ётиб ўтказган қирқинчи кундан кейингина уларга оталик шарафи насиб бўлади. Достонда бойлар билан бойбичаларнинг топишиши, тўғрироғи, ишрат эмас, зурёд кўриш ниятида қайта топишиши, яъни, қўшилиши шундай мухтасар ва гўзал бадий шаклда айтилади: “Кўринг дарвишди, ёйди қулочди, бойлар билан бойбичалар топишди”. Юзаки қараганда гапдаги “кўринг дарвишди, ёйди қулочди” бирикмалари асосий муддаога алоқаси йўқ ортиқча сўзларга ўхшайди. Аслида ундай эмас. Улар бойлар билан бойбичаларнинг қай алфозда, қанчалик астойдил, беғараз ниятларда қайта топишганларини тағдор имо-ишора орқали гўзал бадий шаклда англатишга қаратилгандир. Ота бўлиш, айниқса, Дарвиш Ота бўлиш ўзига яраша дарвишликни талаб қилади-да! Шундай чиллахонадагидек дарвишона топишишлардан кейин, орадан тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз дақиқа ўтиб, фарзандлар туғилгач, бу гал энди туғилиш хабари эмас, туғилишнинг ўзи шарафига тагин қирк кеча-кундуз тўй БЕРИЛАДИ. Қирқинчи кун (эътибор беринг, тагин қирқинчи кун, яъни, чилланинг сўнгги куни!) Шохимардон пир қаландар қиёфасида келиб, ваъдага биноан чакалоқларга ўзи от қўйиб БЕРАДИ. Бойбўрининг эгизакларига “Ҳакимбек” ва “Қалдирғочойим”, Бойсарининг кизига “Ой Барчин” деб от қўяди. Бугина эмас. Аввалига Ҳакимбекнинг ўнг қифтига беш қўлини уради. Кейин Ҳакимбекка Ой Барчинни аташтириб, бешқирти қилиб, “Бу иккови эр-хотин бўлсин, Ҳакимбек билан ҳеч бир киши баробар бўлолмасин, омин оллоҳи акбар” деб дуойи фотиҳа қилади.

Нега айнан “Ҳакимбек”, “Қалдирғочойим”, “Ой Барчин” деб от қўйилди? Ҳакимбекнинг ўнг қифтида беш панжанинг изини қолдириш нимани англатади? Нега “Ҳакимбекка ҳеч ким баробар бўлолмасин” деган тилак тиланди?.. Бундай имо-ишоралар, рамзлар, тимсолларни ҳар ким ўзича тушунишга ҳақли, албатта. Мен ҳам ўзимча тушунаман: Ҳакимбек – ақл-дониш, Қалдирғоч – эзгулик, Ой Барчин – борлик (очун, жаҳон, олам, дунё, хусусан, мусулмон дунёси!) тимсолларидир. Буни мазкур атоқли отларнинг туб луғавий маънолариёқ аён кўрсатиб турибди. Маълумки, “ҳаким” сўзи ақлли, доно, донишманд, мутафаккир, табиб, хуллас, “ҳикмат соҳиби” маъносини англатади. Шу боис жаҳондаги энг буюқ мутафаккирлар Лукмони ҳаким, Сукроти ҳаким, Ҳаким Абу Али Ибн Сино дея улуғландилар. Бундай киройи Ҳаким эса, ўзининг ўнг қифтида пирнинг беш панжаси изини кўтариб, беш қиъда Ҳаким сифатида доврўг қозонади. Ҳакимбек – жаҳоншумул ақл-дониш тимсолининг Қалдирғоч – жаҳоний эзгулик тимсоли билан эгизаклиги ҳам тамомила қонунийдир. Зотан, киройи ақл бино бўлгандан буён эзгулик билан эгизакдир. Нуҳ тўфонига боғлиқ машҳур ривоятлардан бири орқали яхши биламизки, қалдирғоч башариятга яхшилик қилган эзгулик тимсоли, эзгулик элчиси, эзгулик даракчиси. Шунинг учун ҳам ўзбек халқига бирон бошқа қуш қалдирғоччалик руҳан яқин эмас. Айвонига қалдирғоч ин қўйган ўзбек ўзини

бахтли санайди. “Ой Барчин” отига келсак, бу “тўлин ойдек барқ уриб турган борлик” демакдир. Қадим туркий тилимизда “парчин” сўзи “парчаламоқ” феълнинг ўзагидан ясалган сўздр. Худди шундай, “барчин” сўзи “барча”, “барқ”, “барқарорлик” сингари сўзлар билан ўзақдош бўлиб, унинг маъноси парчанинг зидди – бутунлик, бутун борлик, бор-йўқ чинлик демакдир. Қадим туркий тилимиздаги “барчин” сўзининг яна бир маъноси “ипак” бўлиб, бу маъно ҳам сўздаги туб луғавий маъноларни яна-да бойитиб келади. Асрлар бўйи “Ипак йўли” деб аталган борлик, борчин, очун, отов қадимдан ҳар бир ўзбекининг назарида бутун оламга татиган бўлса не ажаб! “Ой Барчин” отида кизнинг тўлин ойдек рухсори-ю ипакдек мулоиймлиги ҳам назарда тутилган, албатта.

Энди куйидаги парчага диққат қилинг: “Шунда болалар кундан кун ўтиб, ойдан ой ўтиб, бирдан иккига кириб, иккидан учга кириб, буларнинг тили чикиб, элга эниб, тили чиккандан қай, элга энгандан қай, тутиб учовини ҳам мактабга қўйди. Булар мактабда ўқиб юриб етти ёшга кирди. Бурро саводи чикиб, хат ўқиб-ёзадиган мулла бўлди”.

Етти ёшида етилган бош қахрамонлар – Ҳақимбек билан Ойбарчин энди ҳар бири ўзига хос мустақил ҳаётга қадам қўяди. Бойбўри “Энди ўғлим саводи чикиб мулла бўлди, ўғлимга энди шоҳлик, сипоҳилик илмини ўргатайин” деб мулладан чиқариб олди. Бойсарни ҳам Бойбўрига таассуб қилиб, Ойбарчин кизини мактабдан чиқариб, “чорвадорлик илмини ўргатайин” деди”.

Зехн қўйиб қарасангиз, аини шу лаҳзалардан бошлаб нафақат Ҳақимбек билан Ойбарчиннинг умр йўлида, балки Бойбўри билан Бойсарининг дунёкарашида ва, умуман, Бойсин-Қўнғирот мамлакатада ҳам иккига бўлиниш, қок иккига ажрлиш бошланди. Бойбўри бий сифатида яхши биладик, “шоҳлик, сипоҳилик илми” бу оламдаги энг олий, энг мураккаб, чинакам ҳикматгалаб илмдир. Шунинг учун ҳам Бойбўри ўғлини шоҳ, ақалли сипоҳи сифатида кўришни орзу қилади, шунга уни чоғлайди, йўналтиради. Лекин Бойсариди, ўғил, демакки, том маънодаги меросхўр йўк! Шунда ҳам, эътибор беринг, акаси Бойбўрига таассуб қилиб, яъни ўзинча унга таклид ва рақобат қилиб, чираниб, кизига “чорвадорлик илмини” ўргатишга киришади. “Агар сен ўғлингни шоҳ қилсанг, мен кизимни чорвадор – элибой қиламан, қани, кўрамиз, рақобатда қим қимдан зўр чиқар экан!” дегандек бўлади.

Нима бўлганда ҳам, зўрдан зўр чиқишнинг энг бирламчи талаби, энг кераги, албатта, жисмоний соғломлик, жисмоний куч-қудратдир.”Соғ танда соғлом ақл” дейди халқимиз. Ҳақимбек етти ёшдаёқ шундай куч-қудрат касб этдики, Алпинбий бобосидан қолган ўн тўрт ботмон биринчидан бўлган парли ёйни отганида ўки “Асқар тоғнинг қатта чўкқиларини юлиб ўтди, овозаси оламга кетди”. Бу гапларни юзаки тушуниб, шунчаки муболаға сифатида қабул қилмаслик керак. Биринчидан, алплнк Ҳақимбекнинг қониди бор – у Алпинбийга набира, ўқ-ёй ҳам бобосидан қолган. Иккинчидан, у Шохимардон пир худодан тилаб олган алп – худо берган фавқулодда шахс. Ниҳоят, учинчидан, модомики Ҳақимбек ақл-донини тимсоли, ақл эса, ёшда эмас, бошда экан, илму урфондаги не бир “Асқар тоғнинг чўкқилари”ни учиргулик ақл-донини етти яшар болақайда бўлса не ажаб! Гоҳо етти яшар болақайнинг ақл-заковати етмиш яшар чолнинг ақл-заковатидан ўткирроқ бўлиши мумкин-да, ахир. Аини шу фавқулодда заковат бола Аҳмадни Арслонбобга танитиб, бола Алишернинг ота-оналари кўнглида ҳадик-ҳавотир уйғотмаганми? Бундай зўрликнинг овозаси оламга кетиши ҳам, уни дўст билан душман ўзинча қабул қилиши ҳам гоят табиийдир. “Буни эшитган душманлар: “Бу бола зўр бўпти, назар топибди, буларга ҳеч қим баробар бўлолмайди, етти яшар бола шундай ишни қилами?” деб хафа бўлиб ётди. Дўстларнинг вақти хуш бўлиб юрди”. Келтирилган парчадаги “хафа бўлиб ётди”, “вақти хуш бўлиб юрди” қабилдаги оддийгина ахборот, ҳаттоки “ётди” ва “юрди” деган қаршилантириш душман билан дўстнинг қайфияти, ахвол-руҳияси, муносабатини аён кўрсатиб турибди. Душманнинг душманлиги шундаки, у зўрни кўрганда, ҳатто овозасини эшитганда хафа бўлади. Душманликнинг биринчи аломати бахиллик билан ичи торликда, ахир. Дўстнинг дўстлиги шундаки, у зўрни кўрганда, ҳатто овозасини эшитганда, аксинча, хурсанд бўлади. Дўстликнинг биринчи аломати тантилиқ билан бағрикенгликда, ахир. Лекин халойик... Ҳақимбекдай зўрга душман ҳам эмас, дўст ҳам эмас, ўз номи билан “халойик”. Халойик, яъни, халқлар, ўзингиз яхши биласизки, турфа-туман феъл-атвордаги одамларнинг жамулжамидир. Улар орасида табиатан дўст ҳам бор, душман ҳам, томошатаалаб ҳам, лоқайд ҳам, номард ҳам, мард ҳам... Лекин бу халойикнинг яқдил фикри, хукм-хулосаси Ҳақимбекнинг нечоғли зўрлигини яна бир қарра таъкидлаб туради: “Дунёдан бир кам тўксон алп ўтди, алпларнинг бошлиғи Рустами Достон эди, охири бу Алпомиш алп бўлсин. Тўксон алпнинг бири бўлиб санага ўтди”.

Бу оламда яшаб ўтган жамики алпларнинг тўксонинчиси – кенжаси бўлиб санага ўтган Алпомишдек зўрни ўзига замондош тўксон алп енгга олармиди! Замондошларидан ўзиб чиқмаган алп чинакам алпми?! Лекин тириклар орасида тенгсиз-беназир алп бўлишининг, шоири замон ёзганидек, “бас етар дегудек ғанимлари”, ўзига етгулики заҳмат-машаққатлари бор. Одатда бундай марди майдонни ўзидек марди майдонлар эмас, номардлар, маккорлар, ҳасадгўй-бахиллар, уларнинг ғаламисларча тескари талқинлари, майда кимсаларнинг майда гаплари билан кундалик тирикчиллигининг майда-чуйда ташвишлари енгади. Уларни енгиб ўтиш ўз замондошларидан ўзиб чиққан не бир зўрларга ҳам муяссар бўлмай бу оламни армон билан тарк этмаган дейсиз! Сукроти ҳақимнинг катл этилиши, Машрабнинг осилиши, Чўлпоннинг отилиши... бундай буюк замондошни тушунини истамай маҳв этиш ҳоллари башарият тарихида озмунча рўй берганми! Шоири замон “Надир ҳолинг, санга боккан балолардан аён бўлмай” деб ёзганидек, одам боласи ўз замондошларидан қанчалик зўр чиқса, унга боккан балолар ҳам табиий равишда шунчалик зўрайиб, кучайиб, ошиб-тошиб боради, уларнинг қаршилигини енгиб ўтиш ҳам тобора мушкуллашиб бораверади. “Алпомиш” дostonининг бутун мазмун-моҳияти бу ўзига хос қонуниятни яққол намоиш этиб турибди.

Шундай қилиб, дostonининг ўзига хос дебоча қисмини ўқиб-уқиб олгач, унинг асосий қисми, хусусан, асарда кўйилган дастлабки тугунни ўзимизча ечишга киришамиз.

“Қулардан бир қуни Ҳақимбек китоб ўқиб ўтириб, бахилдан, сахийдан гап чиқиб қолди”. Шунда Бойбўри ўғлидан сўрайди: “Қиши нимадан бахил бўлади, нимадан сахий бўлади?” Илми ҳикмат билан илми давлатдан сабоқ олаётган Ҳақимбек отасига сахийлик билан бахилликнинг уч турини санаб кўрсатади: биринчиси – меҳмоннинг кўнглини ҳушлаб жўнатиш сахийлик, жой бўла туриб меҳмонни “жой йўқ” деб қайтарниш бахиллик, иккинчиси – мазоротнинг қосидан ўтаётиб марҳумларнинг ҳақиға дуо қилиш сахийлик, дуо қилмаслик бахиллик. Ниҳоят, учинчисини Ҳақимбек шундай таърифлайди: “Қишининг моли закотга етса, закот берса, бул ҳам сахий экан. Агар закот бермаса, бул ҳам бахил экан”.

Аслини олганда, ҳаётда инсон табиатан сахий ёки бахиллигини аён кўрсатувчи аломатлар беҳисоб, албатта. Нега Ҳақимбек, умуман, ўзбек халқи шулардан фақатгина уч турини алоҳида ажратиб кўрсатяпти? Чунки ҳар бир инсон, халқ ва давлат тақдиридаги энг муҳим, ҳал қилувчи жиҳатлар мана шулар, шу уч ҳаётий муаммога муносабат йўсинидир. Лекин Бойбўрини, дейлик, меҳмондўстлик ва ё аждолларга эхтиром масалалари эмас, учинчи масалагина қизиқтиради. Дикқатни айни шу масалага қаратиб ўзинча ўйлайди: “Мен ўн олти уруғ Қўнғирот элининг ҳам бойи бўлсам, ҳам шойи бўлсам, мен кимга закот бераман? Менинг давлатимда ёлғиз иним Бойсари бахилликка чиқиб кетмасин”. Шундай ўйлаб, ўн тўрт маҳрамини шундай буйруқ билан жўнатади: “Бойсари ўз розичилиги билан бир чичқоқ улоқни закот деб менга берсин, закот ўрнига ўтар-да, Бойсари бахил бўлиб, бахилликка чиқиб кетмасин”. Ўз навбатида маҳрамлар бу буйруқни укаси Бойсарига шундай шамойилда етказдилар: “Биз акангдан келган закотчи бўламиз, бугун бизлар сенинг молингни закот қиламиз. “Закот қилинлар, берса закотни олиб келинлар”, деб юборган”. Қайф-сафо авжида ўтирган Бойсари эса, бу томдан тараша тушгандек гапларни эшитиб, “Эй, бизнинг молимиз шу вақтгача закот бўлмаган, энди акамиз ўғилли қиши бўлиб, дарров бизнинг молимизни закот қиладиган бўлибди-да!” дея аччиғланиб маҳрамлардан еттовининг қорнига қозик қоқиб ўлдирди, еттовининг қулоқ-бурнини кесиб, ўзларига егизиб, отига чаппа мингизиб, отнинг устига тортиб бойлаб, акасининг ҳузурига ҳайдаб юборди: “Мана буни закот деб айтади”. Шунда ҳам аччиқ-алами таркамай, ўн минг уйли Қўнғирот элини бошлаб, Бойсин-Қўнғирот халқини қоқ иккига бўлиб, қалмоқлар юртига бош олиб кетди.

Нега шундай бўлди? Нега “қитобдан чиқиб қолган” сахийлик ва бахиллик ҳақидаги жумла, хусусан, “закот” деган биргина сўзнинг оқибати бу қадар қўнғилсиз бўлиб чиқди-да, эл-юрт бошига қоқ иккига бўлинишдек бало ёғилди? Бунга ким айбдор, нима сабаб? Шу биргина “закот” деган сўзми? Нима ўзи “закот” деганлари?

Маълумки, закот-солиқ ҳар қандай давлат иқтисодий сиёсатининг асос – пойдевори ҳисобланади. Ҳар бир тирик жон, модомики у муайян мамлакат ҳудудида яшаб, ер-сув, мол-мулк, ижтимоий тизим ва имтиёзлардан фойдаланган ҳолда бойлик орттирар экан, шу бойлиқнинг муайян қисмини мамлакат ободлиги ва давлатнинг қудрати йўлида бахшида қилиб, закот, яъни, солиқ сифатида бериши керак бўлади. Берганда ҳам ўзи ўз ихтиёри билан дилдан чиқариб, сидқидилдан рози бўлиб бериши керак! Ана шундагина у чинакам халқпарвар, ватанпарвар, адолатпарвар, ҳақсуяр, жонқуяр, ҳуллас, бир сўз билан айтганда, сахий бўлади. Топган-тутганининг учуруғиниям бировга ушламай ўзи еб ётиш, нақ туяни

ютиб думини кўрсатмаслик, албатта, ўтакетган бахилликдир. Бу шоҳга ҳам, фукарога ҳам, акага ҳам, укага ҳам, каттага ҳам, кичикка ҳам – барчага баробардир.

Ана энди тасаввур қилинг: агар Бўйбўри “хам бойи, хам шойи бўлсам, мен кимга закот бераман!”, яъни, бошқачароқ айтганда, “ўзим хон, кўланкам майдон” қабилидаги такаб-бурликка берилмай, хайрли ишни аввало ўзидан бошлаганида, “Бу мамалкат, умуман, ёруғ оламга мен ҳам, укам ҳам вақтинчалик меҳмонмиз-ку!” дея ўйлаб, туғишган укасига ўз юраги ва мамлакатидан тегишли жой бериб, масалага бағрикенглик билан қараганида эди!.. Масалан, “Ука, китобда ёзилган қондаси шунақа экан, кел, закот беришдек хайрли ишни инқовимиз бирга бошлайлик-да, сахийликда элга ибрат кўрсатайлик!” дея таклиф қилганида, от устида турган бу ака “осмондан ерга тушиб”, отаси Алпинбий ва бобоси Добонбийларнинг ҳақларига дуо қилиб, уларнинг ҳақки-хурмати ўз укасига ҳиммат-марҳамат, меҳр-саховат назари билан қараганида эди!.. Аҳвол бутунлай бошқача бўлармиди? Бўларди, албатта! Кўриниб турибдики, “бахил бошидан чирийди” деганларидек, аввало Бойбўрининг ўзида сахийлик-саховатнинг санаб кўрсатилган ҳар уч аломатидан асар ҳам йўқ! Юқорида айтилганидек, бий – эга, хўжа маъносидаги сўз бўлганидек, бой бойликни бойлаб олган, ҳар бир сарик чакани ҳам туғлаб тугадиган эгадир! “Ема, ичма, бўл бахил, бой бўлмасанг мен кафил” деган истехзоли қазол бежиз яратилмаган, албатта. Бой бийга ва алпга айланиши учун у аввало хасислик, қизғанчилик, зикналик, юраги торлик, хуллас, бир сўз билан айтганда, бахиллик деган балодан қутулмоғи керак. Ҳамма нараса фельга яраша бўлади, жумладан, “бахилнинг боғи кўкармайди”. Нима учун? Чунки бахилнинг бутун фикри-зикри ўз боғини обод қилиш эмас, кўшнисининг обод боғини барбод қилишга қаратилган бўлади.

Бойбўри табиатан бахил бўлгани билан, ҳар қалай, унинг “Ёлғиз иним бахилликка чиқиб кетмасин” деган нияти, умуман олганда, яхши ният эди-ку! Бу ният нега амалга ошмади? Негаки Бойбўри ўз укасига элчи (Абдулла Орипов ташбеҳи билан айтганда, “учинчи одам”) сифатида жўнатган ўн тўрт маҳрам ҳам Бойбўрининг ўзидан қолишмайдиган даражада бахил, аниқроғи, юраги тор бўлиб чиқди. Акс ҳолда улар ўз хўжасининг яхши ниятини укасига ётиғи билан тушунтириброк айтишмасмиди? Ақалли Бойбўрининг гапларини ўзгартирмай, оқизмай-томизмай, қарийб аслига зид маъно бермай, айнан такрор қилишмасмиди? Кўриниб турибдики, маҳрамлар ҳам ака-уканинг ўзаро тил топишишларини эмас, аксинча, жикқамушт ва юз кўришмас бўлиб уришишларини дил-дилдан истайдиган даражадаги ашаддий бахиллар! Улар-ку, ўз фёълларига яраша тегишли жазо олдилар! Лекин Бойсарини, бахилми, сахий? Бу одам, мен сизга айтсам, оддийгина бахил эмас, аламзада бахил! Туғишган акасининг ҳам шоҳ, ҳам Ҳакимбекдек алпга оталигини ҳазм қилолмай, кўролмай, базўр чндаб, кизи Ойбарчинни чорвадорлик илмига йўналтириш йўли билан акасига рақобатлашиш умидида тиришиб-ғирмашиб юрганида, гарчи акаси аслида “ўғилли киши бўлгани”ни писанда қилмаса-да, буни писанда деб тушунади-да, асли тор юраги баттар торайиб, қарабсизки, аламзада бахиллиги қаҳр-ғазаб ва очик-ошкор қасос иштиёқига айланиб турибди-да! Энди нима қилиш керак? Ўн минг уйли кўнғирот элга “Ўз акамга ўзим закот бериб юргунча Қалмоқ бориб жузья бериб юраман, Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош!” дея кўпчиликдан жўяли бир фикр сўрайди. Лекин “халойиқлардан ҳеч бир садо чиқмади”! Нега? Чунки кўпни кўрган халойиқлар, худди инки ўртадаги ўн тўрт маҳрамдек, ё уканинг, ё аканинг қаҳр-ғазабига учраб ажалларидан беш кун буруп ўлиб кетишдан ўзларини бетараф тутиш, ақалли масалага ақл кўзи билан қараб жимгина муаммонинг тағига етишни маъқул кўрадилар. Ана ўшанда “Яртибой оксокол” дегани (эйтибор беринг, Бутун эмас, Ярим-ярти!) қуюшқонга кистирилиб қолади. Достонда Яртибой оксоколнинг асли-насли кимлиғи қандай одамлиғи шундай ёркин деталларда жонли қизиқ кўрсатилади: “Мажлисли кун бўлса тўрдан жой тегмай, пиёладан чой тегмай, бўсаганинг олдида ковушга жой бермай, ковуш билан аралашиб, ит йиқилиш бўлиб пойга бетда ётар эди”. Яртибой оксокол қиёфасидаги бошқа қизгиларни кўя туриб, бор-йўғи унинг “пойга бетда ётиши”ни тасаввур қилинг! Ёдингизда бўлса, Бойбўри билан Бойсарининг фарзандсизлигини уларнинг юзларига тамгадек босган андишасиз ва озги катта “чапанитоб бойбачча”-ку, айтар гапни “пойга бетда туриб” айтганди. Яртибой оксоколда эса, туришга ҳам ҳол йўқ! Гапини ётиб айтади, маломат тошини ётиб отади! Бу одамдан қандай бамаъни фикр чиқарди дейсиз! Бахиллик ўтидан куч олган кек ва адоват алангасини ўчириш ўрнига, аксинча, бу оловни янада алангалатиш, жаҳл устидаги Бойсарига баттар пишанг бериш бўлади-да! Бойбўрини “ноинсоф”, “закот деган гапи ўсал”, “ёмон”, “золим”, “қонхўр” сингари сўзлар билан сифатлаб, ака-укани бир-бирига душман қилиб кўрсатиш бирдан-бир “қаромати” бўлади бу Яртибой оксоколнинг! Шунинг учун ҳам Бутунбой эмас, Яртибой оксокол-да у!

Хуллас, бир карашда арзимасдек туюлувчи майда-чуйда бахонаи сабабларга, аслида, энг жиддий сабаб – бахилликка кўра ўн минг уйли кўнғирот эли отамаконни ташлаб кетар бўлди-да, кўч-кўронларини йнгиштира бошлади. Шу ўринда савол туғилади: нахотки ўн минг уйли каттакон бир элдан биронта акли бутун маслаҳатгўй чикмади-да, Бойсарини хатарли йўлдан қайтармади?! Ҳа, афсуски, шундай бўлди! Сабаб?.. Асосий сабаб шундаки, “Булар ҳаммаси бой, кўйли, туяли, молининг, молининг саногий йўк эди, буларнинг ичидан моли йўк деган камбағалининг қирк минг туяси бор, кўйининг сони ададсиз, ўзлари ҳам билмас эди...”

Тўғри, фақатгина Барчиной отасини хатарли йўлдан қайтаришга ундаб энасига зорланди. Лекин Барчиной ҳам энасининг овутишлари, алдаб-аврашларидан кейин “тақдир”га тан берди.

“Ўзингники чайнасаям ютиб юбормайди” дейди халқимиз. “Ўт кўйса ўт кўйсин ўз юртинг фақат” деб ёзади шоири замон. Бутун Кўнғирот эли, айниқса, Бойсарининг қалмоқлар юртидаги дастлабки кўргиликларидек бу ҳикматли гаплар нақадар тўғрилигини ҳар боб билан исботлаб тургандек. Дехқончилик нималигини билмайдиган бу чорвадор элибойлар қалмоқларнинг эндигина амалга кирган экинзорларини серўт яйлов деб ўйлаб, бехисоб чорвасига уларни пайхонлатиб, бу қилмишлари учун яхшигина таъзирларини ейдилар. Ҳалиям гап нимадалигини билган қалмоқшоҳ Тойчихон уларнинг гуноҳларидан кечиб, ўзларига омонлик, мол-мулкларига дарҳонлик беради: “Яйловига Чилбирнинг чўлини, сувловига Ойналининг кўлини бердим. Етти йилгача моли безакот, бетергов юраберсин” дейди. Нега? Тойчихон шу қадар сахий-саховатли эдими?! Йўқ, албатта. Лекин у Бойбўри билан Бойсари кадрига етмаган бир оддийгина ҳақиқатни – “Элга эл қўшилса давлат, Элдан эл ажраса кулфат”лигини жуда яхши билар эди! Шунча мол-давлатли элибойлар ўз оёқлари билан юриб юртига келганларида бу келганбой меҳмонларга жой йўқ деб бўладими? Мол-давлат юртга жойланса, элнинг ўзини вақти-соати билан пораканда ва зер-забар қилиш мумкин-ку! Шунча бойликка дабдурустдан эга бўлишнинг олдида пайхонланган экинларнинг ўрнини қоплаш нима деган гап! Чиким қиримнинг мингдан бирича ҳам эмас, демакки, бу иш қони фойда-ку! Тойчихоннинг “сахийлиги” аслида мана шундай ўз фойдасини ва узокни кўзлаб қилинган ҳисоб-китобларнинг натижасигина, халос.

“Ҳар жойни қилма орзу, ҳар жойда бор тош-тарозу” дейдилар. Қалмоқ юртида ҳам, Қалмоқшоҳда ҳам тош-тарозу бор, албатта. Қимсан шохни кўрқитадиганлар ҳам бор! Ҳа, Қалмоқшоҳ ҳам кўрқади. Аввало Сурхайл мастон – макр тимсолидан кўрқади. Қолаверса, Кўкалдош бошлик етти алп – қора қуч тимсолларидан кўрқади. Макр билан қора қуч бирлашиб, не бир улуг салтанатларни қунпаяқун қилмаган дейсиз! Қани Алп Эр Тўнга – Афросиёб салтанати, қани Соҳибқирон Амир Темур салтанати?.. Айтиш мумкинки, уларни аввало макр билан қора қуч бирлашган ҳолда баҳамжиҳат парчалаб-емирди...

Хуллас, келганбой элибойларга берилган етти йиллик дарҳонлик, аслини олганда, сахийлик-саховатдан эмас, макрнинг бошланиши ва қора қучларнинг ишга тушишидир. Сурхайл мастон билан унинг етти ўғли – Кўкалдош, Кўкаман, Кўқашка, Бойқашка, Тойқашка, Қўшқулоқ, Қоражон энг шимариб хизматда бўлади.

Етти оға-ини ўзларидек яна саксон уч алпни атрофига йигиб, жами тўқсон алп тўқайистонда “пашша кўриб” ётади ва бу боқиманда бекорхўжаларни келганбой элибойлар кизиктирмайдими? Айниқса, Шоҳнамрон пирнинг илтижоси билан худодан тилаб олинган ўзига хос эгамбердилардан Бири, аёллар орасидан чиққан марди майдон алп, “ҳар ягрини ўн беш қарич келадиган” Барчинойнинг довуғи уларни оҳанграбога тортилган қора маъдан парчаларидек ўзига тортмайдими? Бу ҳол Сурхайл мастон макр салтанатини янги бир шиддат билан тебратишга ундаши табиийдир. У қалмоқшоҳдан дарҳонлик олган келганбой элибойларга совчиликка боришга изн сўрайди. Тойчихон мастонга “йўқ, борма!” деёлмайди, албатта. Қарабсизки, Сурхайл мастон “Энди ихтиёрим ўзимда бўлди” деб, “бели букрайиб, қулоғи тикрайиб” келган бой элга дастлабки юришни ўзи бошлаб беради. Бу шумликни, умуман, онасининг ҳамшиша бир балони бошлаб юрадиган шумқадамлигини ўғиллар орасида фақатгина Қоражон яхши билади. Шу боис “Бу иймонсизларга бойларнинг манзилида нима бор, булардан яхши гап чиқами, бир кўнгли коралик орттирар” дея ўйлаб, онаси бошлик совчиларни йўлдан қайтармоқчи бўлади. Лекин бир ўғилни алдаб-авраёлмаган мастон мастонми?! Достондаги Сурхайл мастон билан тўққиз кампир – жами ўн шумқадамнинг “совчилик хангомаси” тасвирига, очиғи, гап йўқ! “Чумчук сўйсаям қассоб сўйсин” деганларидек, асардаги бу парча шарҳини макрни тасвишлашга устаси фаранг ёзувчиларимиз боппасалар эҳтимол... Оқибат-натижа шуки, ўғли Қоражонни ваъдасига бинноан Барчинойга унаштириш қаёқда, Бойсарининг хотини – бойбича билан “ўрлашиб” – ёвдек ёқалашиб,

соч юлишиб, тўқкиз кампир бир томонда, Барчиной бир томонда уларни базўр ажратганларидан кейин “зеҳни койиб” оргига қайтган Сурхайл кампир ўгли Қоражонни яна бир карра оппа-осон алдаб-лакиллатади: “Сени унаштириб келдим, энди ўзинг бор, ўзбекнинг одати шунака экан” дея бемалол алдаб, уни Барчинойнинг олдига “қаллик ўйин”га жўнатиб юборади. Шoir ёзганидек, “Сени алдаб кетишмасдан улгургин алдаб” деган шиор остида яшовчилар орасида бечора Қоражон нима қилсин? Онаси ўзини бошлаб алдаганини билгач, “мушт кетди” қилиб, Кашал ғорига боради-да, Кўкалдош бошлик бошқа алпларни алдайди: “Биз ўзбекнинг кизи билан қаллик ўйнаб келаётимиз”. Акалари ўзларини Барчинойга Қоражонга нисбатан муносиброк қаллик деб билишлари табиий, албатта. Қарабсизки, акаси Кўкалдошдан олғирроклигини кўрсатишга қулайроқ пайт пойлаб юрган Кўкамани бошқалардан аввалроқ отни камчилаб қолади. Дастлаб Барчинойнинг кўнглини билиш учун кимиз сўрайди. Қиздан кимиз ўрнига сув олгач, тўнини тескари кийиб, аниқроғи, асл башарасини кўрсатиб, кизга дағдаға қилади. Барчинойни сиёсатни ундан бир баҳа оширганида эса, “ҳеч кимдан бундай катта гап эшитмаган” Кўкамани алплар олдига қайтиб, “ўзини отдан ташлаб, отасига хураша қилган боладай оёғини типирчилатиб йиғлай берди”. Аҳволни билган тўксон алп нима қилади? Кўкамани овутмайди, албатта. Барчинойни ўзаро талашиб, бир-биридан қизғаниб жикқамушт бўлади-да, ахйри шундай бир антика фикрга келиб тўхтайдиларки, “Бундай далада чаток қилиб юрганимиз бўлмас, юринглар, тўксонимиз ҳам борайлик, ўзбекнинг кизини ё биримиз олайлик, ё баримиз олайлик!”

Шундай қилиб, Сурхайл мастон бошлаб берган макр балоси Тойчихон, Қоражон, Кўкамани ва Кўкалдошлардан ўтиб бутун тўксон алпа ёйилади-да, Барчинойнинг бошига офат бўлиб ёғила бошлади. Аввал-бошда келгиндиликдек тавки лаънатни бўйнига ўз ихтиёри билан илган Бойсари билан бу офатни бошлаб келаётган Кўкалдошнинг бир-бирига хитоби ва шу аснодаги аҳвол-руҳиясига диққат қилинг: “Тўксон алпнинг зўри Кўкалдош: – Келганбой! – деб чақирди. Бойсари уйда ўтириб эди. “Оббо, “келганбой” данок қулоғимиз тинмади, – деди. – Лаббай, – деб уйдан чиқди”. Ўйлаб қарасангиз, “Келганбой!” деган хитобда шу қадар тақиромуз, ҳукмфармо, нописандларча оҳанг зухурки, у қулоғингизга “Ҳой, келгинди!” тарзида эшитилгандек бўлади. Бойсарининг ўзича “Оббо, “келганбой” данок қулоғимиз тинмади” дея нолиниши, “Лаббай” деб уйдан чиқишига-ку, изоҳнинг ҳожати йўқдек. Топталиш, таққирланиш, эзилиш, тавбасига таяниш, ўтакетган бир бандани ожизга айланиш шунчалик бўлади-да! Бир чичқок улоқни кўзи киймай, акасига аччиқ-тизиқ қилиб, ўз юртдан воз кечиб келган Бойсарининг кибр-ҳаволари қаёғда-ю, бу Бойсарининг ночор-нотавонлиги қаёғда! Шу хитоблардан кейинги итоб билан изтироб, яъни, қисқагина савол-жавобнинг айтгулиги йўқ! Ҳар қалай, бир кунга бўлса-да муҳлат олиниб, муваккат мураса-мадора йўли топилди. Лекин мураса шу қадар муваккатки, эътибор беринг, тўксон алп азбаройи бир кеча-кундузда бир-бирларини бўғиб ўлдириб қўймасликлари учун ортларига ўнта-ўнта, бешта-бешта, учта-учта, ҳаттоки иккита-иккита эмас, битта-битта бўлиб қайтдилар! Мен сизга айтсам, қора куч эгаларига ҳос уришқокликнинг ва уришқокларнинг тинчлик сақлаш усулининг гўзал бадиий ифодаси шунчалик бўлади! Улар ўзаро шу қадар сиғишмайдилар, бир-бирларини сиғдирмайдилар ва сиғдиришнинг истамайдиларки, азбаройи бир кеча-кундузни уруш-жанжалсиз тезроқ ўтказиши умидида “ҳар қайсиси бир дарада айикдек чинқириб юрадилар!”

Тўксон алпдан бир кунгагина муҳлат олган Бойсари, табиийки, тагин ўн минг уйли кўнғирот элига маслаҳат солади. Тагин “турган ҳалойиклардан ҳеч сазо чиқмади”. Маслаҳат тагин ўша Яртибой оқсоқолдан чиқади. Яртибой оқсоқолдан бамаъни маслаҳат чиқадими? “Отнинг ўлими – итнинг байрами” деганларидек, Барчиной учун ўлим билан баробар ҳолат унга байрам бўлиб туюлади. Барчинойни алпларга берсак, “муна элда тоза эркин бўламиз”, яъни, қалмоқларга куда-кудагай тутиниб, яйраб қоламиз деб ўйлайди ва шу ўйини маслаҳат тарикасида айтади! Лекин кўр ҳам ҳассасини бир марта йўқотади. Яртибой оқсоқолнинг бир худбинона маслаҳати сабаб ватангадолик ва мусофирлик йўлини тутган Бойсари бу гал унинг маслаҳатига кўнмайди. Бошқа қариндошларидан жўялироқ бир гап кутади. Жўяли гап ҳалиям бўлса Барчинойнинг ўзидан чиқади. Мазмуни шундайки, майли, қариндошлар ўз кизларини бериб қалмоқлар билан куда-кудагай сифатида яйрайверсинлар, лекин... “Бу алпларга ўзим жавоб берайин!”

Барчиной-ку, киз боши билан балога қарши балоғардонликни мардона ўз зиммасига олди. Лекин ўн минг уйли кўнғирот эли.. ҳар бири ўз тинчини ўйлаб ундан юз ўгирди! Қизни “танитай” қўйди. Қиздан ҳазар қилди! “Бу ҳам ўзбошимча жувармак, алпларга баланд-паст гапирар, бунинг қасофатига ҳаммамизни оёқости қилиб босиб кетар. Жавоб бергич

бўлса, бизнинг ичимиздан чиқиб, холис ерда туриб жавоб берсин”. Гапни каранг! Бу гап замиридаги имо-ишораларга диққат қилинг! Барчинойдек худодан тилаб олинган назаркарда зурёдни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, химоя қилиш, керак бўлса шу йўлда мардона ўлишининг ўрнига уни ораларидан четлаштириб, кимсасиз оролда ёлғиз қолган Робинзон Крузо ва ё шамол тегирмонининг парраги билан ёлғиз ўзи курашншга маҳкум Дон Кихотдан беш баттарок аҳволга солган эл... Элни шу эл?! Худбин, кўрқок, олчок, бахил кимсалар йигиндисин, оломон, бир гала текин томошатаалаб! Айни шундай томошатаалаблар ўз вақтида Аҳмад Яссавийни тириклайин ер остига қувлаб туширган, Шох Машрабни дорга остириб томоша қилган, Чўлпон билан Қодирийни оттириб, “Ахйири бу балолардан ҳам қутулдинг-а!” дея ўзларича қувонган!.. Худонинг қудрати ва саховати шу қадар чексизки, гоҳо у ўзининг суйган бандасига наинки бир ҳовуч томошатаалаблар галасига, балки энг зўравонларга ҳам бас кела оладиган жисмоний куч ва рухий қувват ато эта олади. Ёлғиз ўзи шум қисматга рўбарў, кўрқоклар галасига текин томоша, тўксон алпга юзма-юз қолган Барчиной, каранг, ўзига ҳамла қилган аламзада Кўкамани алпнинг таъзирини қандай беради: “Ё Шохимардон пирим, – деб кўтариб, чалқармон қилиб ерга қўйди. Чап тиззасини кўкрагига қўйиб турди. Оғиз-бурнидан дарак-дарак қон кетаверди”. Ўзига талабгор бўлиб чиққан тўксон алпдан каттасидан кейингисини мана шундай тавбасига таянтирди. Алпларнинг каттаси Кўкалдош эса, “Бу ўзбекнинг қизининг дами баланд экан. Кўкамани! Тушиб судраб чиқ бу ёкка!” деган буйруғи сабаб шу аҳволга тушган ўз инисини, тўғрироғи, энг катта рақибини паккос унутиб, Барчиннинг ўзидан олти ойга мухлат сўраб айтган илик бир сўзидан вақти хуш бўлиб, ўзинча “Бизда кўнгли бор экан” дея ўйлаб, “Бор, олти ойга мухлат” деб юборди. Кўкалдошнинг гапига қай алп қарши чиқа оларди!

Шу ўринда савол туғнади: нега Кўкалдош бошқа укаларига, дейлик, Қоражонга эмас, айнан Кўкаманига буйруқ берди. Бунинг учта сабаби бор. Биринчидан, Барчиндан қимиз сўраб сув олган Кўкаманининг қизда алами бор, демак, ака укага аламдан чиқиш учун имкон беряпти. Иккинчидан, тўксон алп, айниқса, ўз укалари орасида Кўкалдошнинг энг катта рақибни Кўкамани, башарти киз унга бўй бермаса, демак, ўзига қолади, бошқа жиддийрок рақиб улар орасида йўқ! Учунчидан – энг муҳими, бу билан халқ Барчинойнинг Кўкалдош бўлмасида, ҳар қалай, Кўкаманига бас кела оладиган алплигини уқтирмоқда! Барчинга олти ойлик мухлат бериб ортларига қайтар эканлар, алпларнинг мазах-калақаларига жавобан Кўкамани айтган гаплар бу ҳақиқатни яна бир қарра уқтириб турибди: “Сизлар тарз аҳмоқсизлар, мен сизларнинг қайсингиздан камман, тўксон ботмон темирдан совут қийсам, тўксон ширбознинг этини таътил қилсам, тўксон алпнинг бири бўлсам... лекин бунинг норининг бори ҳам рост, бунинг мойси шундай, нори ким қандай?! Бундай тегина берсанглар, бир қунлари шунинг нори келар, бошимизга бало бўлар, бизга чичкон ини минг танга бўлиб қолар. Менга солсанглар, шунинг олти ойи ҳам курсин, ҳамнашаги бўйдоқчилигимиз-да, шу ўзбакнинг қизини чўртта қўйсақ дейман”. Бу сидқидил изҳору иқрорлар ҳам камида уч вазифани бирийўла адо этади: биринчидан, Кўкаманининг нақадар тавбасига таянгани, юрак олдириб қўйганини кўрсатади. Иккинчидан, Барчинойнинг нақадар зўрлигини яна бир қарра таъкидлайди. Ниҳоят, учинчидан, бизнинг бутун диққат-эътиборимизни Барчинойнинг ана ўша нори, бош қахрамонимиз Ҳақимбекка қаратади.

Шундай қилиб, Сурхайл мастоннинг макридан бошланган ўзига хос “мушт кетди” бир айланиб, йўл-йўлақай қимнинг қанақалигини аниқ-тиниқ кўрсатиб, яна бош қахрамон Алпомишга келиб қайта боғланади.

Барчинойнинг арзаси (“Олти ойчилик йўлга келдим, қалмоқнинг элига келдим, зўр ёвнинг қўлида қолдим, олти ойга мухлат олдим, мендан умиди бўлса, Алпомиш келсин, бўлмаса, жавобимни берсин”, дея ўз ҳолини арз қилиб ёзган хати) Ҳақимбекнинг қўлига бориб теккунча рўй берган саргузаштлар яна бир, навбатдаги “мушт кетди” бўлиб, бу ҳам талайгина қахрамонларнинг инсоний қиёфаларини ёрқин бўёқларда чизиб кўрсатишдан ташқари, пировард мақсад ва бош қахрамон табиатини атрофлича очишга мохирона йўналтирилади. Уч ой от чоптириб Барчиннинг бу аризасини қалмоқ юртидан Бойсин-Қўнғирот юртига олиб келган ўн бойбачча чопарнинг аризани Алпомишга эмас, Бойбўрига бергани, тагин денг, қимсан шоҳга от устида салом берганини қаранг! Нега шундай қилишди? Чунки хатни Ҳақимбекнинг қўлига беришдан уларга зиғирчаём фойда чикмаслиги мумкин-да! Отаси Бойбўрига берса, шу икки ўртада ота-бола муносабатларини ўз манфаатларига хизмат қилдириб, каттагина фойда ундириб қолиш имконияти бор! От устида туриб салом бериш эса, табиийки, ўз нархларини ошириб қолишдан бошқа нарса эмас. Шундай қилмасалар, Бойбўри “Булар қандай одам экан, беадаблик билан

салом берди менга” дея огриниб ва кизиксиниб қарамаслиги мумкин-да! Улар, албатта, мурод-максадларига етдилар: нақд йиғирма кун Бойбўрининг шоҳона иззат-икромини кўриб, зиёфатини сб, инъомларини олиб, ортларига қайтдилар. Шунча роҳат-фароғат, хузур-ҳаловатнинг эвазига улардан биргина хизмат талаб этилди, халос: “Хат ҳақида ҳеч кимга лом-миғ деб оғиз очилмасин!” Қилгуликни қилиб, Барчининг астойдил охи-зорини эгасига топширишнинг ўрнига уни “кўтара савдо” қилганлари сўнггида Бойбўрининг бу талабига ҳам бажонидил рози бўлганларини кўяверинг, ортларига қайтаётиб ўйлаганларига нима дейсиз: “Хохи бор, хохи борма, биздан бир хизмат-да, бизнинг борган-бормаганинг билан нима ишимиз бор, кетса сенинг келининг кетади, қалмоқ олса сенинг инингнинг кизини олади, биздан кетадигани бир йўл юрган хизматимиз-да!” Қарангки, Барчиной ўз илтижо-таваллосини ишониб топширган ўн бойбачча чопар кизинг тақдирига шу қадар лоқайд-бепарвоки, энг савоб ишлари ўтакетган гуноҳ ишга айланганини кўра-била туриб пинакларини бузмайдилар. “Шу ишимиз одамгарчиликданми?” дея ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Бойбўрининг лоқайд-бепарволиги, ўз фойдаси, ўз тинчини кўзлаб, жигарбандларига мутлако қайишмаслиги чопарларнинг лоқайдлигидан минг қарра ошиб тушади. Шоҳимардон пир ўғли Ҳақимбекка аташтириб бешиккертти қилинган ўз келини, қолаверса, укасининг қизи хатга битган оҳ-зор, илтижо-таваллони ҳеч кимга билдирмасдан сандиққа яширади-қўяди, тамом-вассалом. Бу хатти-ҳаракати билан гўёки Барчинойга “Менга деса нега шу ёқларда ўлиб кетмайсан! Бу кунингдан бағтар бўл!” дейди. Пиридан безганлик, Шоҳимардон пирини ўртага қўйиб худодаи тилаб олган ёлғиз ўғлининг тақдирини жиддийроқ ўйламаслик шунчалик бўлади-да! Икки ўртада бир шумликнинг содир бўлаётганини ҳалиям бўлса онгсиз жошвор – Алпомишга энчи қилиб берилган тарлон биянинг қулуни билади ва “параққос бойлаб ўйнай беради”. Лекин Бойбўри уни ҳам отбоқар Қултойнинг йилқиларига қўшиб қайтади. Шу билан ҳам Барчиной, ҳам қулунинг ташвишидан “кутулади”.

Лекин бу оламда хамиша ҳам ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолиб кетавермайди. Ҳар қандай сир эртадир-кечдир очилмай қолмайди. Алпомишнинг синглиси Қалдирғоч қирқин қанизлари билан сандикни очаётиб отаси яширган хатни кўриб қолади. Ақаси билан че-часига бирдан-бир хайрихоҳ инсон, эзгулик тимсоли Қалдирғоч, табиийки, уни зудлик билан эгасига етказди. Ана энди Алпомишнинг хатга муносабатини қаранг! “Олтойчилик йўлда бўлса, қалмоқнинг элида бўлса, зўр ёвнинг қўлида бўлса, бир хотин оламиз деб сандираб ўлаимизми, – деб хатни тиззасининг остига босиб ўтирди”. Нега у хатни олган захоти қалмоқ мамлакатига от қўйиб, Барчинойни ёв чанғалидан қутқаришга шошилмади? Бунинг бирламчи сабаби Алпомиш шошқалок бўлмаган, етти ўлчаб бир кесадиған, ҳар бир қилаётган ишини ҳар томонлама ўйлайдиган ўта оғирқарвон халқнинг қаҳрамони эканидир. Қолаверса, етти ёшидаёқ тиниклашиб, ўзлигини аён кўрсатган фавқуллодда ўткир ақл-заковат отаси Бойбўри етти йил ўргатган “шоҳлик, сипоҳилик илми” сабаб ўн тўрт ёшда анчагина хира тортиб, ўз бошининг тинчини кўзлайдиган худбиннона ақл, мудроқ тафаккурга айланган. Энди бу қул босган чўғ алангага айлантирилмоғи керак! Мудроқ тафаккур уйғотилиб, эзгуликка йўғрилмоғи керак! Алпомишнинг синглиси Қалдирғочойимнинг эзгулик тимсоли сифатида хат ташувчилик – даракчиликдан ҳам муҳимроқ вазифаси мана шудир. “Биринчи қалдирғоч”дир, “иккинчиси”ми-“учинчиси”дир, ҳар бир қалдирғочнинг олижаноб миссияси эзгуликка қорлашдир. Қалдирғочнинг Ҳақимбекка қарата аввалига “нар-мода (ҳезалак) ишини бунда қилмагин”, кейин “Нар-модалар сендан камроқ бўларми, Марднинг ёри той-таловда қоларми?” қабилидаги сўзлари нафақат мудроқ тафаккурининг ўзини, балки унинг энг муҳим таркибий қисмлари бўлмиш орият, шаън-шавкат, мардона шижоат, жасорат-матонат қаби юқсак инсоний туйғуларни уйғотишга қаратилган қучли наъра-хайқириқлардир. Одатда ўзбекни уйғотишдан ҳам бу оғирқарвон халқни қўзғотиш қийин. Ақасининг “Яёв борамизми эса?” дея тайсаллаб-иккиланмишларига Қалдирғочнинг яна бир сўзи узил-кесил барҳам беради: “Тўқсон тўқай йилкинг бор, яёв бориб, мингани оёқулов топмай ётибсанми? Эгар-абзал олсанг, йилқиға Қултойнинг қошиға борсанг, қўнглинға ёққанини хоҳлаб миниб кета берсанг...” Хуллас, Қалдирғоч аввалига ақасини ҳезалақликда айблаб, кейин мард бўлишға ундаб – икки қарра силқитиб уйқудан уйғотғач, шундай аниқ-тиник йўналишни ҳам бериб, “хайр эса” дея оғир қўзғолган ақасига эгар-абзалди, совут-қалқони, ёв-яроғиғача қўтартириб юборди. Бир жоначир сингил, бир қалдирғоч – эзгулик тимсоли шунчалик бўлади-да!

Хуллас, Қалдирғочойимнинг шарофати билан уйғониб, қўзғолиб, кўтариниб ва бундай беҳаловатликдан ажабтовур огриниб бораётган Ҳақимбекка отаси Бойбўри бехос дуч келади-

да, “Кўрар кўзим, болам, сенга йўл бўлсин?..” деб сўрайди. Саволга жавобан Ҳакимбек хушламайроқ, йўл-йўлакай, узук-юлук, чалакам-чатги бир гап айтади: “Эй закот олмай ўлинг сиз бир!..” Ўйлаб қарасангиз, ўғилнинг отага айтилган шу бир гапида ақлнинг уйғониши ҳам, уйғонишдан оғриниш ҳам, бош сабабни тушуниб етиш ҳам, шиддат-шижоат, таъна-маломат, кўйинг-чи, олам-олам маънолар мужассамдир. Айни шу лаҳзалардан бошлаб Бойбўри зимдан, Қултойкул шохнинг топширигига кўра очиқ-ошкор сиёсат юргизиб, Ҳакимбекни “Тўхта!” деб тўхтатишга ўзларича уринадилар. Лекин уйғониб, кўзғолиб, шиддатли ҳаракатга келган учкур, сарҳад билмас тафаккурни унча-мунча сиёсат тўхтата олармиди! Ҳакимбек энди ўзини тўхтатолмайди. Бир томонда Қултойкулнинг уриб-сўкиб дағдага қилишлари, иккинчи томонда Қалдирғочнинг нафсониятни оғритувчи ва ориятни уйғотувчи даъватлари суяк-суягидан ўтгач, ниҳоят, қони қайнаб, Қултойни чунонам чирпирак қилиб осмонга отадики, у ҳаволаб бориб кўзга мутлако кўринмай кетади. Ҳалигина Бойбўрининг буйруғи билан ўзининг ёши улўғлигига ишониб, Ҳакимбекни уриб-сўкиб нақ осмондан келаётган одам, энди оёғи осмондан келганча ерга қайтиб тушар экан, унга ёлворади:

**Ерга тушиб Қултой бобонг ўлмасин,
Йилқиларинг боз боқувсиз қолмасин,
Ҳар не деб амр этсанг, ани қилайин,
Жуда илдамдан ушлаб берайин.**

Ҳакимбек Қултой бобосини ушлашга ушлаб қолади, лекин уни ерга ётқизиб, тиззасини кўкрагига босади-да, буюради: “Бобо, қани ушлаб беринг!” Бобо зорланади: “Турмасам, қандай ушлаб бераман?” Ана ўшанда қони қайнаган Ҳакимбек ўзича шундай исён кўтаради: “Эса мени нимага мунча урасанг?!”

Она қулочини катта очса ҳам ўз фарзандини каттиқ урмайди, деган гап бор. Худди шундай, Алпомишнинг тутинган отаси Қултойнинг уриши ҳам аслида уриш эмас, ниҳояти пўписа, сиёсатгина. Ҳакимбекнинг отасидан зўрроқ чиқиб, энди йўлдан қайтмаслигига қатъий амни бўлгач, яъни, дил тўрида асраган муроди ҳосил бўлгач, Добонбий бобосидан (эътибор беринг; худди ўк-ёй каби, бобосидан) қолган кўрикни Ҳакимбекнинг кўлига бажонидил тутқазди. Ҳакимбек кўрикни уч марта солганида ҳам у чибор отга тушади. Отга кўнгли тўлмайроқ турганида тагин Қалдирғочойим мададга, аниқроғи, сўнгги даъватга етиб келади:

**Назарқарда билган бу тулпорингни,
Минсанг, тагрим берар мақсадларингни.
Қайда борсанг Шохимардон ёр бўлсин,
Ўшқимом, чилтон жилвдор бўлсин...**

“От минганники” дейди халқимиз. Бу бир қарашда соддагина гап замирида олам-олам маънолар бор. Шулардан бири, масалан, от эплаб мина олганиники деган маънодир. Ҳа, уқувсиз учкур тулпорни ҳам қирчангига айлантиради. Уқуви бор моҳир чавандоз, аксинча, бир қарашда кўримсизгина отни учкур тулпорга, тулпорлар тулпори Бойчиборга айлантиради.

Расули Акрам Муҳаммад алайҳиссалом Ҳакимбекка айтган “бир сўз” ўзини ёрга номуносиб деб билган ошиқнинг шубҳа-ғумондан хира тортган кўнглини ойдек равшан, қуёшдек чароғон қилади:

**Ғам сема, умматим, – деди пайғамбар, –
Остида дулдули, белда зулфиқор
Жилвида Бобо Қамбар жилвдор
Ғамингда отланди Шохимардон пирлар,
Ғайратингдан бўлаб кетар қалмоқлар,
Ҳеч қим бўлмас сенинг билан баробар,
Сенга тақдир қилди Барчин зулфакдор.**

Бу, энди Қалдирғочнинг даъват-далдаси ва ё Барчиннинг тушида кўрилган васли эмас, кўнгилини тўлдириб тўқ қилган қомил ишонч ва собит эътикод демакдир. Парвардигори оламнинг қудратини Сарвари оламнинг саховати яна шундаки, айни шу кеча Барчинной ҳам бир туш кўради. Тушида қибла бетда бир ой, ой гирдида тўрт юлдуз, қирқ аждаҳор кўтарган бир бургут ва бир қайсар йўлбарсни кўради. Суксурой қаниз тушни шундай таъбирлайди: қибла бетдаги ой расул пайғамбар, тўрт юлдуз – чорёр, қирқ аждаҳо – чилтанлар, бургут – Бойчибор... Парвардигори оламнинг қудрати ва Сарвари оламнинг саховати яна шундаки, ўша кеча қалмоқ юртидаги тўксон алпнинг бири Қоражон ҳам туш кўриб, намоз вақти ўрнидан қалима айтиб туради. Яъни Ҳақ бир, расул барҳақлигини билиб, Алпомиш,

Бойбўри, Бойсари, Кунтуғмиш ва Қалдирғочойимни гойибона таниб, Ҳақимбекка Ҳақ Дўст бўлиб уйғонади. Ҳар уч туш дostonнинг шўро тузуми даврида назарлардан четда қолган, аниқроғи, атайин четда қолдирилган илоҳий илдиэларини атрофлича очиб кўрсатади. Англишиладики, Алпомиш алилар алпи, Добонбий ва Алпинбийга муносиб зурёд, тарихда ўтган жами тўксон алпинг кенжаси – Кенжа ботир сифатида жаҳоний ақл-донииш тимсолигина эмас, жаҳондаги кенжа дин яловини кўлида маҳкам тутган мусулмони комиллик тимсоли ҳамдир. Том маънодаги мусулмони комилга расул пайғамбар, Шохимардон пир ва чилтанлар мададкор бўлиши, ҳатто Қоражондек ҳақни таний бошлаган динсиз ракиб ҳам Ҳақ Дўстга айланиши муқаррар.

Буёқ мутафаккирлик ва мусулмони комиллик йўлидан Ҳазрати Инсон унвонига муносиб бир шараф билан ўта олган одам учун оддийгина бир тепага кўтарилиш мушқул иш эмас, гарчи у “Муродтепа” деб аталса ҳам! Холбуки дostonда Ҳақимбек чиққан тепанинг айнан “Муродтепа” деб аталишида жуда катта рамзий маъно бордир.

Шох асардаги Муродтепанинг таърифи ва Ҳақимбекнинг бу тепага чиқиши билан боғлиқ тафсилотларга алоҳида диққат қилинг! “...ҳаддили баланд тепа эди, устидан қанотли куш учиб ўтолмас эди, оёқости қилиб кетолмас эди”. Тушунапсизми, бу башарият тафаккури яратган шундай ҳаёлий тепалик, муродлар ҳосил бўладиган юксакликки, уни ҳатто учар қушлар ҳам топтаб-оёқости қилолмайдилар, агар бургут, ҳаққуш ва ё самандар, ҳаттоки қанюс билан семург бўлсалар ҳам! Хуллас, Муродтепага энг олий мурод-максадлар сохиби бўлиши фидойи зотлар, комил инсонларгина чиқишга қодир! Алпомиш “ирим чекиб” шу тепага чиқмоқчи, агар чиқолмаса, ортига қайтмоқчи бўлади. Ана ўшанда рўй берган муъжиза дostonда шундай мухтасар тасвирланади: “Отни тепага тўғри қилди, туёғидан чилтанлар ҳам и берди, қирк минг отнинг дубури пайдо бўлди. Алпомиш кўнглида ёрини олмаса ҳам олганча бўлиб қолди. Тепанинг устига чиқиб қараса, ўн минг уйли Кўнғиротнинг эли кўриниб турибди”.

Ҳақимбек элли кўришга кўради, лекин эл Ҳақимбекни кўролмайди. Ҳатто бу тепага яқин келолмайди ҳам! Кўнғилда бахиллик, зикналик, ичи торлик, ҳасислик каби иллатларга барҳам берилмай туриб яқин келиб бўлмайди-да! Кўнғирот элидагина эмас, бутун Қалмоқ мамлақатида бу тепалик қошига биргина Қоражон, яъни, Ҳақ Дўстгина кела олади, уни кўра олади. Ўзи чиқолмайди, лекин тепа бошида “Юсуф талъатли, Рустам сифатли, бир чавқар отли”ни кўради ва кимлигини билади. Мусулмони комил бўлмаса-да, ҳар қалай, қалима келтириб мусулмон бўлган-да. Шу боис Ҳақимбекнинг “Дўст бўлган бўлсанг тепанинг устига чиққин, кўришайлик” деган таклифига жавобан ўз холини мардона тан олиб дейдики, “Бу тепанинг устига чиқадиган қамолга етишганим йўқ, сен тепадан тушгин, мен кўришайин”.

Дўстни, дўстнинг зўрлигини кўра оладиган ва мардона тан ола биладиган дўст чинакам дўстдир. Ва, ақсинча, уни кўролмайдиган, зўрлигини тан олишни паққос истамайдиган дўст дўст ниқобидаги шум ракибдир. Қоражон Ҳақимбекнинг ўзидан комилроқлигини мардона тан олибгина қолмай, “катта бошини кичик қилиб” ўзи тепадан тушиб келаётган Ҳақимбекнинг ҳаққи-хурмати маҳрамларга амр қилади: “Дўстим билан кўришгин”. Ҳақимбек билан қўл учида, яъни, нописандлик билан кўришган маҳрамларнинг “панжаси бир-бирига ёпишиб, қапишиб, янчилиб кетди”. Балки кўролмайдиган шум ракиб Ҳақимбекнинг бу зўрлигини зулм-зуғумга йўярди, лекин Қоражон бегараз дўст сифатида бунинг асл сабабини “маҳрам халқи нозик келади” деб тушунади ва бошқаларга ҳам шундай холис-бегараз тушунтиради. Маҳрамлар-ку, нозиклиги эмас, аслида нописандлиги учун тегишли жазоларини олдилар, лекин Қоражон-чи? Кўришиш навбати ўзига келганида “икковлон ҳулқи муҳаббат билан кўришар эканлар, Ҳақимбек “Қалайсан, дўстим, омонсанми?” – деб сиқинқираб юборди, Қоражоннинг етти қабирғаси синди, иши тинди, таппа тушиб ётиб олди”. Бундай пайтда номард дўст чидаёлмаслиги аниқ, албатта. “Бу қанақаси?! Дўстмисан ёки душманмисан?” дея ўзича исён кўтарса ҳам эҳтимол. Лекин Қоражон дўсти содиқ сифатида чидабгина қолмайди, “сир бой бермаган киши бўлиб”, бола кунидан тутадиган тутқанок касали борлигини баҳона қилади ва Алпомишнинг бегараз дўстлигига ишонч ҳосил қилиш учун сўрайди: “Ростини айтгин, шу кўришганимги ё уришганимги?” Алпомишнинг “Нима қилдинглар, уришаман, кўришганим эди” деган иқроридан кейин мардона тан бериб дейдики, “Кўришганинг шу бўлса, уришганинг қандай экан?.. Дўстим, сенинг зўрлигингга қойилман...” Етти қовурғаси синиб ётган одам бундай гапларни айтиши учун қанчалик ирода, қанча қуч керак ва қанчалик бағрикенг, мард-жўмард дўсти содиқ бўлмоғи керак!

Лекин зўр дўстнинг зўрлигини мардона тап олиш – багрикенгликин унинг ўзига ошириб макташ – лаганбардорликдан қандай фарқлаш керак? Одатда дўстни мактаб туриб зимдан унинг пайини қирқиш, юз-кўзига олқиш-олота ёғдириб, қулай фурсат келганида орқасига пичок санчиш дўст қиёфасидаги номард рақибнинг синалган кураш усулидир. Шу боис аксарият марди майдонлар кўкрагидан эмас, курагидан яраланганлар. Ҳақимбек чинакам ҳақимбек сифатида бу қонуниятни ҳам яхши билади, албатта. Шу боис у мактовларга хушёрлик ва шубҳа билан қараши табиийдир. Агар мусулмон бўлган Ҳақ Дўст Худонин ўртага қўйиб, “калима жорий қилиб”, гапларининг бегаразлигига ишонтирса, бу бошқа гап!

Ҳақимбек Қоражоннинг калима жорий этишига ишониб, унинг уйига меҳмон бўлиб борди, Барчинойнинг олдига ишончли вақили қилиб жўнатди, ҳатто содиқ дўсти Бойчиборни унга ишониб топширди. Дўст бу ишончларни оқлай оладими? Эътибор беринг, Қоражон дастлаб минганида, ҳатто камчи урганида ҳам от тайсаллаб юрмади. Ҳақимбекнинг яна бир қистови билан яна бир марта калима жорий этганидан кейингина “йўлга кириб кетди”. Нега шундай бўлди? Негаки аввалига Қоражоннинг кўнглида “Шунинг отини бўлса олдим, динидан қайтиб, калмоқларнинг ичига қайтсам” деган қишқир ният уйғониб, феъли бузилган эди. Отнинг сезгирлигини кўрганидан кейин “Минган оти шундай назари, албатта дини барҳақ” деб, сидқидил калима айтиб, инсофга келиб, кўнглини гард-ғуборлардан тозалаб-поклади. Қоражоннинг кўнглидан кечган бу ботиний жараёнларни Ҳақимбек эмас, Бойчибор нозик илғади.

Тўғри, одам боласи отдек сезгир эмасдир, лекин унда синов орқали дўстни душмандан фарқлаш имконияти бор. Барчинойнинг Қоражонни синаб айтган “бир сўз”ни (жумладан, “Қурсин Алпомиш, кўнглим йўқ эди, Яхшимасдир, курсин, кўзи кўк эди, Тўксон алп ичиди кўзга босганим, Ростин айтсам, Қоражондек бек эди” сатрлари) бир қарра феъли айнаиб, Бойчиборнинг сезгирлиги сабаб аслига қайтган Қоражонни дўсти содиқлик аршидан йиқитмасми экан? Хом сут эмган банда шахсий манфаати ва иззат-нафси деб не-не юксакликлардан юзтубан йиқилиб, паст кетмаган дейсиз! Йўқ, Қоражон бу гал ўз манфаати, иззат-нафсидан юқорироқ тура олди. Чин мусулмон ва дўсти содиқ сифатида инсоф-диёнат йўлини тутиб, ҳатто Барчинини ҳам инсофга келтиришга ўзича уринди. Қизининг “бир сўз”ига жавобан Қоражон айтган гапларнинг маъзини чақиб қаранг: “Сен мени кўйгин, бундай қилма, инсофга келгин, меҳнат тортиб Алпомиш кепти, қандай бўлса, қурук кетмасми, шунга теккин. Агар сенинг кўнглинг сидқи калмоқда бўлса, калмоқларнинг менадан бошқа биркам тўксон алпи бор, шуларнинг бирига теккин, сен мени кўйгин, бўлмаса боқиб юрган сабилингни бошинга қалпоқ қилиб кийгин”. Бу гапларни айтиш учун одам боласи қанчалик Ҳақ Дўст, ҳақсуяр, инсоф-диёнатли бўлмоғи керак! Айниқса, сўнги гап дўсти содиқнинг “бевафо” ёрга аччиқ-алам, дакки-дашноми, уни ҳақ йўлига қайтарниш иштиёқи, холис нияти, ҳуллас, тоза кўнглини аён кўрсатиб турибди.

Дўсти содиқ-ку, синовдан шундай юксак шараф билан ўтди: Барчиной ўз “қилмиши”дан ҳижолат бўлиб, гуноҳини қуюқ зиёфат билан ювмоққа тутинди. Хўш, ёри вафодор-чи? Нега Ҳақимбекни зор-интизор қутиб ўтирган илҳақ қиз у билан етаклашиб кетаверининг ўрнига барча ашларнинг олдига ўзининг тўртта синов шартини қўйди? Бунинг ҳам бир печса сабаблари бор. Шулардан бир жуфти Барчинойнинг Қоражонга айтган гапларида аниқ-тиниқ ифодаланган: “Алпомиш келди деб мен Алпомишнинг этагидан ушлаб кета берайинми? Бул алплар ҳам умид билан олти ойга муҳлат берган”. Ҳа, Алпомишга эрганиб кетавериш ҳам, бошқа алплар олдига тили қисик бўлиб қолиш ҳам Барчинойнинг қизлик шаънига тўғри келмайди. Ҳақимбек мардона рақобатда зўрдан зўр чиқиб, Барчинойга ҳар жиҳатдан муносиблигини амалда исботлаши керак. Қизининг барча алплар олдига қўйган тўртта шарт тағзамини гоят тира шартлардир: Оти илдам бойбаччага тегаман... ёйандоз полвонга, қирағай мерганга... нор билакли полвонга тегаман”. Бу тўрт шартдаги чавандозлик, ёйандозлик, мерганлик ва полволикни юзаки тушунмаслик керак. Масалан, “отини ўздирганга тегаман” деган шарт фақатгина оти учқур чавандозликни аниқлатмайди. Шартдаги “от” улов маъносидан ташқари ном, доврўғ, шон-шухрат маъноларини ҳам ўзида муҳассамлаштирган.

Қолаверса, Ҳақимжон минган отнинг нималарга қодирлигини билган билади, билмаган билмайди. Масалан, биркам тўксон алпнинг каттаси Кўкалош “Шуям от бўпти-ю!” дея менсимай қарайди. Лекин кўпни кўриб кўп тарихий синовлардан ўтиб кўса бўлган синчи яхши билади. Шу қадар яхши биладики, дostonдаги ўзбекнинг таърифида айтилган энг гўзал сатрлар ҳам мана шу Кўса синчига тегишлидир:

... Қимматбаҳо экан ўзбекининг оти...
Асқ тулпор экан ўзбекининг оти...
Авайлаб ўзоди ўзбекининг оти...
Бўшалса ўзоди ўзбекининг оти...
Ингранса ўзоди ўзбекининг оти

Ўзбекининг оти таърифидоги бу сатрлар, дейлик, шайхзода Отойининг ўзбек таърифидоги “Бу улуста кўпни кўрдук, вале эй ўзбеким, Дилраболикта ўзингек шўхи раъно кўрмадук” шохбайтидан қолишмайди десақ, муболага қилмаган бўламиз. Мазкур сатрларда, ҳатто улардаги “авайлаб”, “бўшалса”, “ингранса” сўзларининг ҳар бирида олам-олам маънолар бордир. Масалан, “авайлаб” сўзи ва унинг олди-ортидаги сўзлардан яралган шохбайтни яхлит олиб қарасангиз (“Йўл-йўлакай йўлга гулми тўқтирсанг, Авайлаб ўзоди ўзбекининг оти”) кўрасизки, ўзбекининг оти ҳам худди ўзини ўзига ўхшайди: “сақ бўлсанг саклайман” деганларидек, ўзбек худо ўз паноҳида асраган ва ўзини ўзи асраган шундай бир халқки, у тиканзор оралаб ҳам ўзини авайлаган ҳолда ўтиб ўзгалардан ўзиб чиқадди!

Хўш, нега пойгада Ҳақимбекнинг ўзи қатнашмади? “Алпомишнинг танидан Қоражон пойгага бормоқчи бўлди. Саксон тилла савдо қилиб Бойчиборни олди”? Ўйлаб қарасангиз, бу ҳам ўзбекининг оти ўзғир, ўзи зўрлигини аён кўрсатувчи муҳим восита ҳисобланади. Суксур қанизнинг ҳавотирланиб айтган “Ҳеч замонда қалмоқ дўстлик қилама?! Сен бекор берибсан Чибор отингни, Бекор қипсан Бойчибордан айрилиб” қабилдаги бир сўзига жавобан, мана, Ҳақимбек нима дейди:

Ишмини солганман қодир худога,
Аввал обло, дуом наби бўлса ёр
Ўн икки имом, чилган бўлса жиловдор
Ишөөлло пойгадан келар Бойчибор,
Бу сўзларни айта кўрма, қирқинлар
Қоражонбек шумлик олса кўнглига
Қоражонбек бир худога урдирар.

Бу сўзларда Ҳақимбекнинг қомил инсон ва чин мусулмон сифатидаги қатъий ишонч-эътиқоди ўз ифодасини топган, дейиш мумкин. Яъни, у шундай оққўнгил-беғараз жонки, дўст тутиниб душманининг ишнини қилувчи мунофиқни худо уради дея қатъий ишонади. Чин дўстга шубҳа-ғумон билан қарашни эса, ўз шаънига номуносиб деб билади. Ҳақимбекнинг Суксур қанизга жавобида бу руҳий ҳолат ҳам гўзал ифодаланган: “Сен номард билмагин бу замор бизни, Аёллик қип билмай сўзладинг сўзини”.

Бобохон тоғида Кўкалош бошлиқ алпларнинг Қоражонни ҳам, Бойчиборни ҳам боғлаб, отини туёғига гулми қоқиб ташилагани, Қоражоннинг “авлиёларни шафе келтириб” қилган муножоти-ю, Алпомишнинг пири Ражабхўжа эшоннинг мадади билан бандиликдан озод бўлиб, пойгада ўзиб чиқниши, Барчинойнинг ғолиб Бойчибор туёғидаги гулмихни тишлари билан суғуриб олиши... буларнинг барчаси аввало худонинг қудрати, қолаверса, пири мададкор, дўсти содиқ ва ёри вафодорнинг нечоғли беғараз жонлигини аён кўрсатувчи муҳим аломатлардир. Шундай аломатлар, минг машаққатлари минг бир синовлардан кейин, ниҳоят, мурод ҳосил бўлди: Қоражон “Алпомишнинг танидаги” қирган пойгада ўзбекининг оти ўзиб чиқди. Алпомиш дўсти содиқ кўмаги билан биринчи шартда галаба қозонди. Энди қолган уч шартни бажаришга Алпомишнинг ўзи енг ишариб тушиши керак. Бу уч шартдан иккитаси (ёяндозлик ва мерганлик) худди ўқ-ёйдек ўзаро узвий боғлиқдир. Одатда ёйи мустахкамнинг ўқи учқур бўлади ва ё аксинча. Қолаверса, одамнинг ҳам, халқнинг ҳам оти ўзига боғлиқ, лекин боғлаб берилмаган – бу от билан ўзгалар ўзлашиб, ўзбеклашиб иш кўришлари мумкин. Бирок Алпинбидан қолган мустахкам ёй билан ўтқир ўқни наинки душман, ҳаттоки Қоражондек дўсти содиққа ҳам раво кўриб бўлмайди. Ботирнинг синмас қурол-аслаҳаси ношонга беҳато ура оладиган ўтқир кўзи ўзи биландир – ўзи иш кўриши ва бошқаларга кўрсатиши керак! Мазкур шартлардаги ўқ-ёй ва минг қадамдаги танга пул – нишон – буларни ҳам, худди от қаби, бир томонлама ва юзаки тушунмаслик керак. Улар ҳам пурмаъно ва пурҳикмат маъжозлардир. Ўзгир от, синмас ёй ва учқур ўқ, гарчи бирон-бир халқ ва ё одамнинг жисмоний қучи ва руҳий қудратидан яққол далолат берсалар-да, улар қуч-қудратнинг ўзи эмас. Тўртинчи шартда навбат далолатлардан ана ўша қуч-қудратнинг ўзини намойиш этишга келади. Бу намойишда дастлаб Кўкалош бошлиқ биркам тўқсон алп – бир тараф, Алпомиш билан Қоражон – бир тараф бўлиб ўтиради. Аввалига Қоражон билан Кўшқулоқ курашга тушади. Нега энди айнан Қоражон билан Кўшқулоқ? Чунки қалмоқдан чиқиб, Ҳақни таниб, Ҳақимбекка Ҳақ Дўст тутинган Қоражон алп аввало ўзингдан чиққан бало – кўш қулоғи динг қачимчи-айғоқчилар тоифасининг қаршилигини енгиб ўта олсагина

чинакам алп ва содик дўстлигини исботлаши мумкин-да! Ана шундан кейингина Қоражон бошка акалари ва, умуман, Кўкалдошдан бошка саксон етти алпни ҳам енга олади.

Хуллас, саксон саккиз алпни дўсти содик Қоражон енгиб, Ҳақимбек бевосита куч си-нашишга ягона алп – Кўкалдош қолди. Ҳақимбек ўз акли ва дўсти содиқнинг шарофати билан икки кам тўқсон алпни осонгина енга олди. Энди зўрдан зўр чиқиши учун энг зўр алпни ўзи енгизи керак бўлади.

Алпомиш билан Кўкалдошнинг яккама-якка кураш майдонидаги ҳолатлари тасвири дostonнинг юксак бадниятини аён кўрсатувчи беркамол ўринлардандир. Айниқса, икки алп бир-бирларини енголмай айқашар экалар, Барчинийнинг Алпомишга карата айтган “бир сўз”идаги шу сатрлар, айтиш мумкинки, дostonнинг шоҳ сатрларидир:

**Қизлар сизни нар-мода деб айтади,
Қизларнинг айтгани менга ботади,
Мардлар олишмайди, силтаб отади,
Майдон бўлса иш кўрсатиб кетади.**

Ёдингизда бўлса, хатарли сафарга чиқишда дастлаб тайсаллаган Ҳақимбекка Қалдирғочойим “Сен бунда нар-мода ишин қилмагин” дея дакки-дашном бериб, ундаги мардлик шаън-шавкати ва эркаклик ҳамиятини уйғотишга уринган эди. Кўриниб турибдики, ёри вафодор Барчиний Алпомишга жонкуяр сингил Қалдирғочдан ҳам руҳан яқинроқ, сидқидил ҳайрихоҳроқ, жони жонига туташроқдир. Айни шу туташликни хис қилиш Ҳақимбекка янги бир куч-қудрат бағишлайди-да, у “чирпиб Кўкалдошни кўкка отади”. Шундай отадик, осмон-фалакда чир-пирак бўлиб учган Кўкалдош боши билан ерга келиб тушади ва “калласининг... чиқиб кетади”. Келтирилган сатрдаги уч нуктада (шу уч нукта ўрнидаги сўзда), яна бир халқона ибора билан айтдиغان бўлсак, “миясининг қатиги” чиқиб кетишида Алпомишнинг шиддатини Кўкалдошнинг ҳолати, қолаверса, халқнинг уларга муносабати “мана мен” деб турибди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

Қарийб барча дostonларимиз қахрамоннинг ўз ёрига эришиши ва ошнқ-маъшукларнинг мурод-мақсадларига етиши билан хотима топади. Фақатгина “Алпомиш” дostonи бундан мустасно. Нега шундай? Чунки бу ҳолда “Алпомиш” “ўзбек халқ қахрамонлик дostonи”, атоқли олим Тўра Мирзаев таърифлаганидек, “дostonлар гултожи”, энг улуғ инсоний фази-лат – мардликни тараннум этувчи шоҳ асар бўлолмас эди. Бу юк рус адабиётининг асосчилари-ридан бири Гоголь яратган ўлмас қахрамон Тарас Бульба шундай марди майдонки, ўзининг мундштугини ҳам ёв кўлида қолдиришини истамайди. Бутун бошли одам, одам бўлганда ҳам, ўз амакиси ва қайноғаси Бойсари ёв кўлида мададга зор, химояга муҳтож экан, “Ўз мурод-мақсадимга етдим-ку!” деб тинч-хотиржам юравериш... мардликдан бўладими?! Номардлар ўз мағлубиятларини мардона тан олиб, тақдирга тан беришнинг ўрнига номардликларини баттар авж олдириб, Ийсоннинг аламини Мусодан олишга тушсалар, бундай пасткашликка мард қандай чидаб тура олади?!

Дostonнинг иккинчи қисми, айтиш мумкинки, биринчи қисм тугаган жойдан эмас, бошланган жойдан бошланади: Бойсари Бойсин-Кўнғирот элининг қоқ иккига бўлинишида бош айбдор бўлганидек, Алпомишнинг ғалабаси ва Қалмоқшоҳнинг мағлубиятида, умуман, биринчи қисмда тасвирланган барча воқеаларда бош айбдор бўлиб чиқади. Лашқари Алпомишдан мағлуб бўлган Қалмоқшоҳнинг қуйидаги гапи бир қарашда тўғрига ўхшайди: “Бойсари бўлмаса бул ишлар бўлмас эди, бунча одам ўлмас эди”. Қолбуки ҳамма айб мағлуб алпларнинг ҳам, Қалмоқшоҳнинг ҳам номардлиги – мардликка тан бермасликларидандир. Хусусан, Қалмоқшоҳ шундай номардки, “Лашқарим Алпомишдан енгилган бўлса, бунда Бойсарининг не гуноҳи бор?” деб ўйлаб ўтирмайди. Мағлубият аламини қимдандир олиб, қимнидир айбсиз айбдор қилиб ўзининг пастарин хуморини ёзса бас. Бу ишда ўз юртида сиғинди бўлиб қолганбой Бойсари жуда-жуда қўл келади.

Қалмоқшоҳнинг Бойсарини айбсиз айбдор қилганим майли, лекин унинг бор-йўк мол-мулкни тортиб олиши ва ўзини ўз молини боқувчи молбоқар қилиб қўйиши – буниси, худди бир пайтлар Шўро тузуми айбсиз айбдор “бой-қулок”ларнинг мол-мулкни тортиб олиб, ўзларини ё бадарга, ё қатл, ё яланғоқ чўпон қилганидек, ўтакетган ноҳақларча зўравонликдир. Қалмоқшоҳнинг бу зўравонлигига Бойсарининг ўзи-ку чидайди, лекин Сурхайл мастон чидаёлмайди. “Бировнинг мол-мулкни тортиб олиш сендек шоҳга муно-сибми?” деб гўё уни инсофга чақиради. Аслида, табиийки, “бул ҳам ўз нафсига тортади:

“Сен мол олсанг ўлганининг хуни тўлами?” дея, Тойчихон Бойсаридан тортиб олган мол-мулкнинг бир қисмига эга чиқади, яъни, ўғрини қароқчи уради. Ўлган олти ўглининг хуни сифатида орттиргани эвазига Муродтепа ёнида бир қаср бунёд эттиришга киришади ва ўзича шу билан мурод-мақсадига етгандек бўлади.

Ўйлаб қарасангиз, бу ўринда бир номардлик бошқа номардликка, бир бахиллик бошқа бахилликка, бир худбинлик бошқа худбинликка табиий равишда уланиб-боғланиб кетганини кўрасиз. Тойчихон Бойсарининг мол-мулкни тортиб олади, Сурхайл мастон Тойчихонни инсофга қақира туриб ўзи ўгилларининг хунини пулга қақади. Ўз навбатида Тойчихон ҳам Сурхайл мастонга раҳм-шафқат ва хайр-эхсон сифатида Муродтепа ёнида қаср қурдиради, бунда ҳам фақатгина ўз манфаатини кўзда тутди: эрта бир кун Бойсарининг ғарибона аҳволдан хабар топган Алпомиш келса, бу қасри олий янги бир макр тузоғини куриш учун керак бўлади. Бойсари ўзининг аҳволини баён қилиб қизи Барчинойга ёзган хатини қарвондаги савдогарлар-ку, омонатга хиёнат қилмай эгасига етказадилар. Ундан Алпомиш, Алпомишдан Бойбўри бу хабарни эшитида ва ҳаммаси тағин ўша номардлик, худбинлик, шахсиятпарастликнинг ўзинга хос тимсоли бўлмиш Бойбўрига келиб боғланади. Бойбўрининг ўгли Ҳақимбек олдига кўндаланг қўйган бир саволида унинг бутун борлиги, бор-йўқ феъл-атвори аён кўришиб турибди: “Бойсарининг ўзинга керакли қизини олиб келдинг, Бойсарини бошингга урасанми?” Ўз жигарбанди, туғишган укасининг кулфатига буткул лоқайдлик, ҳатто унга “Нега ўша ёқларда ўлиб кетмайди!” деб қараш инсонийликданми? Бундай феъл билан юрт обод, эл бахтиёр, олам гулистон бўладими ҳеч бир замонда?! Шу феъл билан юрт тепасида турган одамнинг ўзиям худонинг қаҳрига учрамайдими?!

Жигарбандлик ҳисси Бойбўрида адои тамом бўлган, лекин Барчининг ўз отасига муҳаббати кучли. Шундай кучлики, агар отасига Ҳақимбек ёрдам қўлини чўзмаса, ўзи бориб уни тутқунликдан озод этишга жазм қилади. Табиийки, бу азму шижоатдан, хусусан, “Султон суягини хўрламас” деган гапидан Алпомишнинг орияти кўзғолади ва Қалдирғочойимнинг куёви Бектемир бойбачча билан бирга, отасидан яширинча йўлга отланмоқчи бўлади. Қалдирғочойимнинг эри айнан Бектемир деб аталиши ҳам бежиз эмас, албатта. Аввало Бектемир ҳам қул эмас, бек, гарчи Алпомишдек қанжигали уругидан бўлмаса-да, тортувли кўнғиротнинг беги. Қолаверса, Бектемирдир, Темурбекдир, Қалдирғочдек эзгуликнинг иродаси мустаҳкам ҳимоячис.

Ҳақимбек билан Бектемир Бойбўрининг қаршилиғига қарамай ҳалоскорлик йўлига отландилар. Ана энди Муродтепа қошида Алпомишнинг йўлига кўз тикиб ўтирган Сурхайл мастоннинг номардлиги, у усталик билан тўқиган макр тўрининг пишиқ-пухталигини кўриш! Бойсаридан ноҳақ тортиб олинган мол-мулк эвазига қурилган шоҳона қасрда “чакирилмаган меҳмон”ларни қўл қовуштириб қутиб олади. Қалмоқшоҳдан кўрган “жабр-ситамлари”дан шикоят қилиб меҳмонларнинг кўнглига йўл топади. Қиркин қизлар билан уларни қуюқ зиёфат қила туриб зимдан Қалмоқшоҳга хабар жўнатади. Ботирлар Қалмоқшоҳ лашқарини қувиб юборгач, бу ғалаба шарафига зиёфатни яна-да қуюқлаштиради. Ниҳоят, уларга уйку дори бериб ухлатиб, ҳаммаларини ёқиб юборади. Шу йўл билан бошқалардан-ку, қутулади, лекин баайни шоҳ асар кўлёмасидек ўтда ёнамас, сувда чўкмас, ҳикматга бой илохий куч-қудрат соҳиби Ҳақимбекни нима қилса бўлади? Макқора кампир ўйлай-ўйлай бунга ҳам тегишли тадбир топади: Қалмоқшоҳ лашқарига чуқур зиндон қаздириб, Бойчибордан бошқа ҳеч бир жонзот кўтаролмайдиган Алпомишни ўз отининг думига судратиб, Алпомиш зиндон устига келганида отнинг думини кесиб юборади, тамом-вассалом. Қарабсизки, қирк бир ҳамроҳи қуйиб қул бўлган Алпомиш ҳам зиндонбанд, шундай енгилмас марди майдонни макр кучи билан битта ўзи енга олган Сурхайл мастон – ғолиб! Шундай ғолибки, энди Тойчихоннинг олдида тили яна-да узуирок, айтгани айтган, дегани деган!

Лекин Алпомишни зиндонга маҳкум этиш билан макр салтанатининг муроди ҳосил бўлмайди, албатта. Бу ўлмас қаҳрамонни қай йўл билан қандай ўлдириб ундан буткул қутулиш мумкин?! Амалда ўлдиролмаганидан кейин, ақалли тилда ўлдириб, ўлдига чиқариш керак! Бу салтанат сиёсатдонлари Муродтепа қошида Алпомишнинг ўлгани хусусидаги ёлғон-яшиқ хабарни Бойсин-Қўнғирот мамалақатига тўхтовсиз жўнатиб туради. Сурункали равишда тарқатилган ёлғон-яшиқлар не бир ақли бошларни гаранг, тишиқ онг-шуурларни қарахт, равшан дилларни хира қила бориб, окнин қора, қорани оқ дея ўзларича ҳар боб билан “исботлаб ташламаган” дейсиз! Латифа қилишларича, Наполеон Бонопарт “Агар қўлимда “Правда” газетаси бўлганида эди, бутун жаҳон аҳли ҳозирга қадар Ватерлоода мағлубиятга учраганимни билолмасди!” деган эмиш! Маълумки, латифа халқ оғзаки ижодининг жанри сифатида дostonга нисбатан лофга яқинроқ туради. Лекин dostonда ҳам ёлғон-яшиқлар

ахйири ўз ишнини қилади: ўлмас Алпомишнинг кунлардан бир куни қайтишига бўлган энг сўнги умидларни ҳам ўлдириб, юртда Алпомишнинг азаси очилади-да, унга йил оши берилади. Худди буюк Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романидаги ўлмас миллий қахрамон, баайни Ҳизр алайҳиссаломдек абадий йўлчини ҳам ўлдириб ўзининг пастарин муродига етган мустабид тузумга ўхшаб, ёлгон-яшнқ, сохтакорлик авж олдирилган жойда ўлмаслар ҳам ўлдирилади, акалли ўлдига чиқарилади. Ҳеч бўлмаганда “Адабиёт ўладими?” кабилидаги қуюшқонга сизмас саволлар қутилмаганда ўртага беҳос кўндаланг кўйилади. Ёлгонлар гирдобиде қолган не бир ақлли қаллалардаги ҳикматлар хазинаси ўрнида кип-қизил бўшлик ҳосил бўлади-да, ҳикмат соҳиблари ўлмасалар ҳам ўзларини чалажон ҳис қилиб, тирик мурдами-ўлик жонлар ҳолига келади-қолади. Натижада “Бу қандай бетамизлик?! Адабиёт ҳам, миллат ҳам, халқ ҳам, унинг руҳи ҳам баайни Алпомишдек ўлмас ҳилқатлар экан, уни ўлдига чиқаришга уриниш кимга нима учун керак?!” кабилидаги қарши саволни кўндаланг кўйишга ҳеч кимнинг ҳоли келмайди...

Ўлмаслар ўлдирилган ва ё “ўлди” дея сохта овоза тарқатилган жойда халқнинг ҳолига вой бўлади. Марди майдон ҳикмат соҳиби, ҳақ ва адолат посбони ўзига ҳос узлатдек зиндонда ўлдига чиқиб ётар экан, Қашалда ҳам, Бойсин-Қўнғиротда ҳам номардлик, макр, алдам-қулдамлар баттар авж олиб, муттаҳамлар билган номаъқулчиликларини бемалол қилаверади. Масалан, Бойсин-Қўнғиротда, худди Шўро тузуми давридагидек, баайни “отнинг ўлими – итнинг байрами”, “бошлар – оёқости, оёқлар – бош” бўлади: беклар қулга айлантирилиб, қулар, аксинча, бек атанадилар. Жумладан, “Бойбўрининг Бодом чўридан бўлган Ултонтоз деган ўғли” Алпомишнинг ўрнига тахтага ўтириб юрт бошқаради. Маълумки, ўзбек тилидаги “ултон” сўзи “султон”нинг зидди бўлиб, у “пой-патак”, “оёғости” маъносидаги сўздр. “Тоз” эса, “қал” сўзининг синоними бўлиб, халқ дostonларида ҳам, буюк Абдулҳамид Чўлпоннинг “Ёркиной” драмасида ҳам бу сўзлар шумлиқни англатади. Одатда бу отлар “шум” сифатни билан бирга “шум тоз”, “шум қал” тарзида қўлланади. Буюк Фафур Ғулмоннинг “Шум бола” киссаси Лениндек тоз бошлаб Горбачевдек тоз яқунлаган антика тузумдаги турфа шумлиқларга қарши ўзига ҳос исён эди. Хуллас, “Ултонтоз” отидаёқ унинг пушти-палаги, насл-насаби, феъл-атвори аён кўриниб турибди. Юрт тепасига Ултонтоз чикқач, ишни нимадан бошлайди? Албатта, энг бирламчи номардликдан – марди майдон Алпомишга Ҳақ Дўст Қоражонни сургун қилишдан бошлайди-да! Қоражоннинг қора халқ – авом тимсоли эканини назарда тутсангиз англашиладикки, халқнинг шўрига шўрва тўкишдан бошланади шумлик! Қоражонни Олатокка бадарга қилиш учун Ултонтоз рўқач қилган баҳона сабабини қараи! “Бундай бесўнакай, катта одам элде юрса, одамларни оёғости қилиб босиб кетади”. Қуни кеча оёғости бўлган шум қал – “қичкина одам”нинг аввало Қоражондек алпқоматни кўрган кўзи, отгани ўки йўқ бўлиши табиий-да! Бинобарин, уни четрокка суриб ташлаб ўзини беҳавотирроқ ҳис қилиши керак! Шу йўл билан “дўстлик” деган “ортикча ташвиш, даҳмаза”дан қутулгач, Ултонтознинг навбатдаги иши эзгулик тимсоли бўлган Қалдирғочойини Бобир кўлига жўнатиб туябоқарга айлантириш бўлади. Яна ким қолди? Аввалинг ёрдан айро тушиб, энди дўстлик билан эзгуликдан ҳам бебаҳра этилган Барчингина қолди, ҳалос.

Ултонтоз “Энди Барчин ҳам фақирнинг таши-да, икки бошдан бизга тегади” дея ўз кеннойиси – ақасининг хотинига кўз олайтиришга ўтади.

Лекин бу имтиҳон дунёсида ўзининг суюкли бандаларини беҳисоб машаққатларга юзма-юз қиладиган Аллоҳ Таоло энг мушқул вазиятларда уларга пажот йўлни ҳам яратиб кўяди! Бойсин-Қўнғирот юртида Барчиной қайни Ултонтозга хотин бўлмайди, чунки отага муносиб Ёдгордек ўғилга она бўлади. Қалмоқ юртидаги зиндонда ётган Алпомиш эса, бош устида бир ярадор ғозни кўриб, рози дил айтиб шундай нолаи афғон қиладикки, ғоз чидаёлмай ўзини зиндон қаърига отади. Ғознинг аҳволини кўрган Ҳакимбекнинг ўйлари номардликлардан зада, шикаста кўнғилнинг туб-тубидан чикқан дил розидир: “Ўз элимда, Бобир кўлинда юрган вақтларимда шу ғоз менга йўликса бутун йўлиқар эди. Ҳозир зиндонда ярим одамман-да, бу ғоз менга ярим йўликди”. Ҳар қалай, зиндонда икки шикаста жон бир-бирларининг яраларига малҳам босдилар. Алпомиш ўк тегиб бир оёғи синган, бир қаноти майиб бўлган ғозни даволаб ғоз қанотида юртга хат учиради. Учирар экан, Ҳакимбекнинг ғозга айтган “бир сўз”идаги бир жиҳатга диққат қилинг: у отаси, онаси, севикли ёри, синглиси, ўғли, дўсти билан бир қаторда Ултон ишисига ҳам салом йўллади. Яъни, Ултонтозни ҳам ўз жигарбанди деб беғараз кўз билан қарайди, унинг яхшилигидан умидвор бўлади, холбуки бу ишонган жигари... дўстни бадарга, эзгуликни қувғин қилиб, энди ёрга кўз олайтирмоқда!

Ха, киройи инсон ҳаммадан, ҳаттоки ёмондан ҳам яхшилик умидвор бўлади, зотан биладники, ўзининг бахти яхшиликнинг шарофатидан, кулфати эса, ёмонликнинг касофатидандир. Бахтни ким истамайди дейсиз! Зиндондаги Алпомишнинг ғоз қанотида йўллаган хати ҳам яхшилар кўлига тегса манзилга етади, ёмонлар кўлига тушса йўлда қолиб кетади. Шакаман тоғидаги она ва боланинг ғозга муносабатида бу ҳаётий ҳақиқат ҳаққоний акс этади. Айниқса, онанинг аввалига ўғлига “Кўйгин, болам, арзачига ўлим йўк” кабилидаги илтижолари, кейин ғозга “Арза хати қарз бўп қолгач бўйинингга, Маҳшар куни нима жавоб берасан?” кабилидаги ёлборишлари туфайли, айти шу яхшиликка чорлаб инсофга чақиришнинг шарофати билан ғоз падидаги хабар манзилга омон-эсон етиб боради. Борганда ҳам, худди дostonнинг биринчи қисмидаги Барчинойнинг хати каби, Қалдирғочойим – эзгулик тимсолининг кўлига келиб тушади. Одатда эзгулик ҳисси ақл-донишни муайян мақсадларга йўналтириши мумкин, бироқ уни зиндондан ҳалос этолмайди. Буюк рус адиби “Дуёни гўзаллик куткаради” деганидек, зиндондаги ҳикмат соҳибини тутқунликдан дўстликкига куткариши мумкин! Шу боисдан Қалдирғочойим хабарни Қоражонга етказиб, уни Кашал юртига ҳалоскорликка йўллаши табиийдир.

“Қоражон Кашалда Алпомиш ётган зиндоннинг манзилини қандай билиб олди?” деган саволга жавоб бўлувчи нарча дostonнинг бадий жихатдан энг бақувват ва баркамол ўринларидандир. Тасаввур қилинг, Қоражоннинг кўз олдида икки бола бир болани уриб, зўравонлик билан ошигини тортиб оляпти. Ана ўшанда қалтак еган бола айтади: “Ёлғизлик шунай нарса, ҳам урдинг, ҳам ошигимни тортиб олдинг, неча йилдан бери Қўнғиротнинг хони ҳам зиндонда ётибди, бунинг билан туғишган ё акаси, ё укаси бўлса, шундай одамнинг йўлида боши кетса ҳам бир йўқлаб келар эди”. Холбуки Алпомишнинг укаси бор, лекин у Бодом чўридан тугилган Ултонтозгина! Шу боис акасини йўқлаб келиш у ёқда турсин, кеннойисига уйланиш тараддуида! Кўз олдида содир бўлган кичик бир ноҳақликка барҳам бериш ва ожизни ҳимоя қилиб ҳақни ўз йўлига қарор топтириш, ошиқни зўравонларан тортиб олиб эгасига қайтариш – шу бир қараида арзимасгина яхшилиги билан Қоражоннинг мушуқли осон бўлди-қолди. Яхшилиги яхшилик бўлиб дарровгина ўзига қайтди. Зотан яхшиликка ёмонлик эмас, яхшилик билан жавоб қайтариш иштиёқи ҳали қўнглига бахиллик, худбинлик, ғараз, ҳасад-хусумат каби руҳий иллатлар уя қуриб улгурмаган болаларда ҳаминша кучлидир. Ўтибор беринг, болақай “Апомишнинг зиндони деб гапирган кишининг боши ўлимада, моли талонда” дея Қалмоқшоҳ чикарган фармонни яхши билади, шу сабабдан аввалига Алпомишнинг қаердалигини айтолмай тайсаллайди. Лекин Қоражон “Ундай деган бўлса астагина айта кўй” дея ўтинганида, “Астагина айтсам...” дея билганини айтади-кўяди. Бу ҳол бола қалбининг нақадар беғуборлиги билан бир қаторда ана ўша яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтариш иштиёқи, умуман, бола табиатидаги яхшиликка мойилликни ҳам гўзал ифодалаб турибди.

Афсуски, одам боласи улғайгани сайин унинг оқ қоздек тоза-беғубор қўнглида балойи нафс, манфаат ва ғараз ҳосил қилган гард-ғуборлар тобора қуюқлашаверади. Шу боис яхшиликни яхшилик эмас, ёмонликка йўйиш, ёмонликни яхшилик сифатида тақдим этиш, яхшиликка ёмонлик билан жавоб қайтариш, яхшилигини писанда қилавериб уни ёмонликка айлантириш каби ҳадсиз-ҳисобсиз ноҳўядан-ноҳўя ҳатти-ҳаракатлар одатда болаларга эмас, қатгаларга ҳосдир. Бундай ҳатти-ҳаракатлар энг мустаҳкам дўстликка ҳам раҳна солишга кодир. Ўтибор беринг, Ҳакимбек ҳаким бўлса-да, зиндон тепасидаги дўсти Қоражонни кўра туриб танимади, ҳатто уни Қалмоқшоҳнинг жонсизи (айғоқчиси, жосуси) деб ўйлайди. Нега? Чунки энг ишонгани дўсти содик Бойчиборнинг думига судралиб зиндонга маҳкум этилганидан кейин Ҳакимбек дўстликнинг беқисс ҳалоскорона қудратига ҳам гумонсираб қарайдиган бўлиб қолган. Шу боис дўсти Қоражон зиндон тепасида ҳалоскор сифатида туришини ақлига сиғдиролмайдиган бўлиб қолган. Қоражон ўзини қайта танитганидан кейин ҳам дўстга ишониб эмас, аксинча, гумонсираб қарайди. Ўзича ўйлайди: “Бояқиш бекор келибди, бунинг нима қуввати, нима ғайрати бор экан, мени зиндондан тортиб олиб кетадиган”. Қоражоннинг тортиб олиб кетадиган ғайрати борлигига амин бўлганда эса, энди бошқачароқ фикрлайди: “Зиндондан чиқариб олиб борар, элда маърака-мажлис бўлар, бир тошиб гапириб ўтирган вақтима “зиндонда чириб кетадиган одам эдинг, фалокатдан қутқарган фақир-да” – деб бетимга улгу қилиб юрар”. Бу ўйларда Алпомишнинг мардлиги билан бир қаторда дўстлик ҳақидаги, дўстликнинг нечоғли самимий-беғараз бўлиши лозимлиги ҳақидаги чинакам ҳикматга тенг қарашлари ифодалангандир. Яхшилик ва дўстликнинг ғоят улўғ, муқаддас ва беғараз тушунчалар эканини шундай теран идрок этгани сабаб, зиндон деворларига оёқ тираб туради, токи ипак арқон узилиб кетсин-да,

Қоражоннинг нозик кўнгли дўстан эмас, ўзидан қолсин! Аркон қайта-қайта узилавергач, Алпомиш Қоражонга шундай “бир сўз” дейдики, асосий мазмуни “қўй, мени деб бошингни балога тутиб берма, ўз бошингни асра”. Қоражоннинг “Мард бўлсанг номарднинг ишин қилмагин, келгин, дўстим, менга ҳамроҳ бўл энди” қабилидаги даъватлари ҳам Алпомишни ўз ахдидан қайтаролмайди. Ана ўшанда, қаранг, Қоражон “телпаги билан акллашиб”, ўз телпагидан шундай маслаҳат сўрайди:

...Юрагимда қолди аламли доғим,
Остимда йўқ минмакка тўбичоғим,
Турамизми, кетамизми, телпагим?
Устимга кийганим яшил қўқ эди
Мени излаганим Ҳакимбек эди,
Арқондан бошқа яроқ йўқ эди,
Турамизми, кетамизми, телпагим?

Қоражоннинг ўз телпагидан ақл сўраб туриши бир қарашда ўтакетган ақлсизликка ўхшайди. Хобуки бу ерда қатта ақл, улкан маънавий, муайян рамзий маъно, кеса тагида ним-кеса бордир. Биринчидан, остида тўбичоғи, яъни, Бойчибордек от-улови бўлмаган, қўлида арқонидан бошқа дурустрок яроғи ҳам йўқ одам бундай вазиятда тагин нима қилсин, ким билан ақллашсин? Иккинчидан, “бош омон бўлса дўппи топилади” деган гап ҳамиша тўғри бўлавермайди, гоҳо бошни омон сақламоқ учун дўппими-бўркми-телпақни асраб-авайлаб, керак бўлса, у билан “акллашиб” иш кўриш лозим. Шу маънода телпақ билан гаплашиш аввало бошни омон сақлаш, қолаверса, дўстнинг тириклиги ҳақидаги хушхабарни юртга тезроқ етказиш заруратини таъкидловчи муҳим бадиий воситадир. Ниҳоят, учинчидан, ипақ арқоннинг (бу тимсолни “дўстлик риштаси” деб тушунаверасиз!) кетма-кет узилаверишидаги асосий сабаб Ҳакимбекнинг кўнглидан кечаётган ботиний ўйларни кўнгидагидек тушуниб етмаган тафаккур тўбичоғи ва ақл яроғи ҳаминқадар одам ўз ақли ва виждонидан эмас, қалпоғидан нажот қутади-да!

Нима бўлганда ҳам оқибат шуки, Қоражон Алпомишнинг тириклиги ҳақидаги хабарни юртга, алпнинг синглиси Қалдирғочга етказди ва икковлон (дўстлик билан эзгулик тимсоллари!) бу сирни ҳозирча ҳеч кимга, айниқса, Ултонтозга билдирмай туришни маъқул кўрдилар. Шундай қилиб, “Алпомиш “ўлиб кетган” деган овоза билан зиндонда ётди”. Ўлмас халқнинг ўлмас тафаккури етти йил зимистон зиндонда тутқунликда ётса ётар, лекин ҳеч қачон ўлмаслигини барала-ошқора айтишга мардга хайрихоҳ бўлган қора халқ тимсоли, дўсти содик Қоражон билан эзгулик тимсоли Қалдирғочки ожиз экан, энди бу бекиёс тафаккурни ким қандай озодликка олиб чиқа олади?!

Сирасини айтганда, эзгулик ақл-донини ҳимоя қилолмайди, чунки ўзи ҳамиша ҳимояга муҳтож. Қоражондек ўзлашган-ўзбеклашган қалмоқ эса, пойгада ўзбек отида ўзиб чиқиб, ўзбекнинг доврўғига доврўғ қўшиши мумкин, бироқ у тутқунликдаги ўзбекни ёруғликка олиб чиқишга чинданам ожизлик қилади. Бу халқ учун ўз оти, ўзбек отидан бошқа ҳалоскор йўқ! Ўзини ўзи озод қилолмаган халқни бошқа ҳеч ким “Ма, ол, шу тансиқ неъматни!” дея озод қилолмайди, ахир! Ақс ҳолда етти йилгина эмас, етмиш йиллик мустабид тузумнинг тутқунлигидан ўзбекни бу жаҳон айвонидаги бирон-бир халқ озод қилган бўлмасми эди? Мустабид тузум ҳам, дейлик, ўзбекнинг наслини ерга уриб булғаш эмас, аксинча, юқори кўтаришга астойдил шайланган Ўзбек ойим, қолаверса, “Ўзбекистон”, “Ўзбегим”, “Ўзбекистон – Ватаним маним” шеърлари каби ўзликнинг моҳиятини теран англаштишга уринишлардан кўрққанидан қайта-қайта шақилдоқ чалавермаган бўлар эди...

Алпомишнинг дўсти Қоражон билан хайрлашиб зиндонда қолганидан то Бойчибор оти уни озодликка олиб чиққунгача бўлган бир талай тафсилотлар юзаси қараганда дoston учун ортиқчадек туюлади. Тойчи вилоятида, қалмоқ музофотида Янгибозор деган бир кичикинтой бозор борлиги, Қалмоқшоҳнинг қизи Товқанинг бу бозорга раислик амали борлиги, унинг қиркин қизни бозорга жўнатгани, саксон тиллага бир серка савдо қилиб олгани, шуларга ўхшаш кўпдан-кўп тафсилотларнинг асосий воқеаларга нима алоқаси, дostonга нима кераги бор, дея ўйлаб қолсангиз эҳтимол. Холбуки бу тафсилотлар Алпомишни зиндонга маҳкум этган ёвуз қучлар билан бир қаторда уни ёруғликка олиб чиқишга қодир бўлган эзгу қучлар ҳам борлигини атрофлича тасвирлаб кўрсатиш учун жуда-жуда керакдир. Хусусан, Товқайимнинг қиркин қизлари билан ўзи раислик қиладиган бозордан бир шумтақа серқани саксон тангага савдо қилиб олиб қелиши-ю саройда шу билан овуниб юриши унинг нақадар тантқиқ ва эрмақталаб бекорчилигини кўрсатиш учун керак! (Ёдингизда бўлса, дўсти содик Қоражон гўё Алпомишга бевафолик қилаётган Барчинойга “боқиб юрган сабили” ҳақида

аччик-тизик гаплар қилади. Барчиннинг бу “сабил”н айнан нималиги хусусида Қоражон, демакки, халқ лом-мим демайди. Ким қандай тушунса тушунаверади. Лекин Товкаойимнинг боқиб юрган сабилни айнан серка, яъни, серкадек селкиллаган бир нарсаки, бу ҳам қахрамоннинг табиатиға нозик санъаткорона ишорадир!). Саройда қундан-қунга озиб-тўзиб кетаётган серкани чўпоннинг кўлиға обориб топшириш чўпон Қайкибетнинг Товкаойимни севиб қолиши учун керак! (Бунинг ҳам тағзамини ғоят чуқур! Одатда саройда серкадек селкиллаб юрган Товкаойимдек окбилак-оксуяклар азбаройи бекорчиликдан озиб-тўзиб, рангпарлашиб кетишлари, бу рангпарликни оддий чўпон гўзаллик деб тушуниб севиб қолиши ва боқиб семиртириши ҳам ғоят табиий бир ҳол!) Юввошғина кўйларға нисбатан саркашроқ қадами бежо шумтака серканинг Алпомиш ётган зиндонға йикилиб тушиши шу баҳонаи сабаб билан бош қахрамоннинг ташқи дунё, хусусан, чўпон билан алоқа ўрнатиши учун керак! (Бу ўринда тағзамин, тағмаъно яна-да теранлашганини кўрамиз. Биргина шумтака серканинг зиндонға йикилиб тушиши... аслида отаси Тойчихон Алпомишға деб қаздирган чоғға серкадек селкиллаган киз Товкаойимнинг йиқилганини англаувчи ўзига хос тимсолми-маъжоз бу!). Чўпон Қайкибет билан алоқа ўрнатиш Алпомишнинг кундалик тирикчилиги, зиндонда ётган холида ризқ-рўз топиши, яшаш учун курашиши, хусусан, суякдан чанковуз ясаши учун керак! (Зиндонда суякдан ясалган чанковуз!.. Ҳар қандай мушкул тутқунлик шароитларида ҳам ҳаммиша озодликни тараннум этган эрка ташна ва бунёдкор бир халқнинг, дейлик, ўтов, арава, атлас каби энг буюк кашфиётларидан бири, рубоб, тор, най, сурнай, қонун ва бошқа мўжизавий созлар – чолғу асбобларининг энг қадимийси бу!) Чанковуз эса, ўз навбатида Товкаойимнинг Қайкибетдан Алпомишнинг доврўғини, нақадар улуг созанда ва бунёдкорлигини, жумладан, “Алпомишнинг кўрсанг сенинг остингдан сувинг оқиб кетади” қабилдаги антиқа таърифини эшитиши учун кеарк! (Биргина “остингдан сувинг оқиб кетади” ибораси қандам икки маънода қўлланади: ҳам кўркқанингдан..., ҳам мафтун-маҳлиё бўлганингдан...) Таъриф Товкаойимда Алпомишни кўришға иштиёқ уйғотиш, дийдор учун саройдан то зиндонға қадар лаҳм қаздиришдан тоймайдиған даражадаги ошиқи беқарорлигини кўрсатиш учун керак!.. Бу эса, бир томонда – Сурхайл мастон ва Тойчихоннинг Алпомишға қарши янги макр тўрини тўқиши, иккинчи томонда Товкаойим Алпомиш берган “исирик нишон”ни Бойчибор этказиши учун керак! (Одатда ҳар қандай мустабил тузумда озодликка олиб чикувчи “исирик нишон” – тутантирикни ўша тузумнинг ўзи беихтиёр яратиб қўяди. Масалан, 1916 йилги миллий озодлик ҳаракатариға ўзбек эркақларини ёлпасига мардикорликка олиш, 1991 йилда ўзбек халқининг тарихий мустақилликни қўлга киритишиға эса, “ўзбек иши” деган сохта ёрлик остида бутун бошли халқ шаънини оёғости қилишға қаратилган яна бир ҳаддидан ошиш бош сабаб, озодлик оловига ўзига хос тутантирик бўлган эди!) Ниҳоят, “исирик нишон” Бойчиборнинг Алпомиш исини олиб, уни тутқунликдан ҳалос этиши учун керак!.. Кўриниб турибдики, асарда ортиқча тафсилотнинг ўзи йўқ! Барча воқеалар баайин занжир халқаларидек бир-бирлари билан маҳкам боғланган, бири иккинчисини такозо этади, бири иккинчисидан табиий равишда келиб чиқадикки, бу шоҳ асарни яратган халқнинг беқис санъаткорлиги, бетимсол зақосини аён кўрсатиб турибди.

Тутқунликдан озодликка чиқши арафасидаги ҳал қилувчи лаҳзалар тасвирини қаранг! Мана, Ҳакимбек зиндонда, Бойчибор эса, ниҳоят, зиндон тепасида! Отнинг бош устиға келганини кўрган Ҳакимбек азизларға шафе келтириб шундай “бир сўз” дейдики, унда Шохимардон, Шохн Кавсар, Бобо Қамбардан бошлаб то Ҳожа Юсуф Ҳамадоний, Ҳожа Аҳмад, Башир, Хўжаи Чорчинорға қадар кўпгина азиз-авлиёлар номлари тилға олиб ўтилади. Тасаввур қилинг, алп зиндонда, от тепада, айна лаҳзаларда бу анчагина узун санок нима учун керак? “Комил пирлар, бўлинг энди мададор” дея пирдан мадад сўраш учунгинами? Йўқ, фақатгина бунинг учун эмас! Қутлуг номи тилға олинган Ҳожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари ўз ҳикматларидан бирида шундай ёзадилар:

Ҳақ зикрини мағзи жондин чиқармасанг,
Уч юз олтмиш томирларнинг тебратмасанг,
Тўрт юз қирк тўрт сўнгаларинг қул қилмасанг,
Ёлгончисан, Ҳаққа ошиқ бўлганинг йўқ.

Ҳа, Ҳаққа ошиқ ҳикмат соҳиби Ҳаким бош устида ўзбек отини аён кўра туриб, уч юз олтмиш томирларини тебратиб, тўрт юз қирк тўрт суяқларини ҳаракатға келтирмас экан, бу ёлгончи дунёнинг жамики машаққатларини енгиб ўтиб, Жаноби Ҳаққа чинакам ошиқ – ҳақсуяр, ҳақгўй бўлиши, ўзбек отининг нималарға кодирлигини амалда кўрсатиши, демакки,

зиндондан озодликка чиқиши амримаҳолдир. “Зиндон бўлганига етти йил ўтган”ида, яъни пичок суякдан ўтиб, қон томирлар обдон тебраниб, жон суяклар роса сурилиб, бутун жисми-жонни оби-тобига келганида чилтанлар “бошдан гаму кулфатни олиб”, отнинг қирқилган қирқ кулоч қуйруғи (жумладан, Добонбийнинг эвараси, Алпинбийнинг невараси, Бойбўрининг ўғли Ҳақимбекнинг “бек” деган оти-зоти-ю “алп” деган сифати!) қайта ўсиб чиқади. Ал-помишга кўпдан қутилган нажот, ҳақ ва адолат йўли, ниҳоят, очилади.

Зиндондан озодликка чиққан ва ўзбекнинг учқур отига қайта минган Ҳақимбек учун қалмоқ юртида ҳақни қарор топтириш, чунончи, зolim Тойчихонни узил-кесил маҳв этиб, Қайқибетни унинг ўрнига юрт тахтига ўтказиш ва, ваъдасига биноан, уни Товқаойимга уйлантириш... булар мушкул иш эмас! Энг мушуқли Қайқибетнинг Ҳақни танимаган қалмоқлар мамлакатини адолат билан идора этиши, давлат аравасини униси у ёкка, буниси бу ёкка торткилаётган бетавфиқларни инсофга келтириб, тинчлик-тотувликни таъминлаб, онгли бошқаришидир. Модомики Ҳақимбек ҳақимбек экан, бу мушкул масалага ҳам ақл кўзи билан қараб, Қайқибет билан ўйлашиб-кенгашиб, шундай бир ҳар жиҳатдан мақбул тадбир қўллайди: гўё Қайқибет тахтга ўтирганидан кейин шунақанги зўрайиб кетадки, Алпомишни қайта бошдан зиндонга ташлайди. Қарабсизки, не бир бетавфиқлар зиндонда ётган зўр Ҳақимбек билан “зўрдан зўр чиққан” Қайқибетдан кўрққанларидан тинч-осуда ҳаётга раҳна солмасликка, бузғунчилик қилмасликка мажбур бўладилар. (Ер юзидаги жами йигирма етти давлатни ўзининг улуғ салтанатига бўйсиндириб, уларда тинчлик-осойишталик, фаровонлик, бунёдкорликни таъминлаган Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратлари бундай тадбирларнинг қанча-қанчасини моҳирона қўлламаган дейсиз! Фақатгина Олтин Ўрда хони Тўхтамышдек нонкўрлар уларга оғишмай амал қилишнинг ўрнига бузғунчилик, ўйинбузукилик йўлини тутганлар!) Хуллас, қалмоқ мамлакатида ҳақни қарор тортириб, адолат ўрнатиб, аввал-бошда кўзда тутилган муроди ҳосил бўлгач (қайнотаси ва амакиси Бойсарибий аслига қайтарилиб, ўз мулкига ўзи эга бой бўлгач!), Ҳақимбек ўз юртига қатланди.

Марди майдон қаҳрамон мастон кампирнинг бир маккорона ҳийласи сабаб етти йил зиндонда ётиб бўлса-да, ниҳоят, қалмоқ юртида адолат ўрнатиб қайтди. Лекин шу етти йил мобайнида ўз юртида нималар рўй берди экан?! Неча ой, неча кун тинмай йўл юриб, Олатоққа етиб, Бойсин юртини кўриб, кўнглидаги бундай саволларга дафъатан рўпара келган қарвон аҳлининг аҳвол-руҳиясидан дастлабки жавоб топилгандек бўлади. Алпомишнинг “Безаб қўйган нори-норчанг кимники?” деган кўндаланг саволига қарвон аҳлининг “Қўй, сен сўрама, биз қуймайлик, қўй, бизни тинчимизга қўй” кабилидаги жавобиёқ она юрт-ота маконда не бир харосотлар содир бўлаётгани хусусида олам-олам маълумот бераётгандек бўлади. Шу бир оддийгина саволга ёруғ юз билан очик-ошкор жавоб беришнинг ўрнига кўркиб-хуркиб, энсалари котиб, ўзларича гапни айлантиришяптими, демак, бу ерда бир гап, йўқ, кўп гап бор! Бундай “гап тагидаги гап”лар навбатдаги савол-жавобларда тобора ойдинлашиб боради. Алпомишнинг “Яхшиликча сўрадим, яхшиликча жавоб айт!” мазмунидаги яна “бир сўз”ига қарвон аҳли берган жавобнинг бошланиши, биргина дастлабки бандга диққат қилинг:

Ҳаво ёғса чиқар ернинг мияси,
Қарвонни хоригар йўлнинг қияси,
Бадавлатнинг бошга урар қияси,
Ёри ўлган қизнинг чиқар чияси,
Бузилмасин азаматнинг уяси,
Нори-норча Ултонбекининг туяси.

Юзаки қараганда банддаги сўнги сатрдан бошқалари мутлақо кераксиз, ортиқча гапларга ўхшайди. Аслида ундай эмас. Бу сатрлар ўзбек халқ оғзаки ижодида кўп қўлланилувчи психологик параллелизм санъатининг гўзал намунасидир. Яъни, қарвон минган нори-норча Ултонтознинг туяси бўлди, демак, осмоннинг ковоғидан қор ёғиб ернинг мияси (қатиғи), қарвоннинг қияси, бадавлатнинг қияси, беванинг қияси чиққани-ю азаматнинг уйи бузилгани мана шудир! Булар бир-бирларига боғлиқ, бири иккинчисини тақозо этувчи, бири иккинчисини келтириб чиқарувчи ҳолатлардир.

Бундай “гап тагидаги гап”ни нозик илғайдиган илоҳий ақл-донниш соҳиби Ҳақимбек беихтиёр ҳайратланиб, ақли бовар қилмай сўрайди:

...Шу гапнинг ақлга тўғри келамин,
Ҳеч замонда Ултон қатга бўламин?..

Ҳойнаҳой Ултонтознинг жабр-ситамлари суяк-суякларидан ўтиб кетган карвон аҳли, эътибор беринг, Алпомишнинг бундай саволларига жавобан беихтиёр сўкинадилар:

Укасини... Алпомишингни!

Ва ўз оғизларидан беихтиёр чиқиб кетган бу гапнинг оқибатларидан капалакларни учиб, “Кўп яшасиң, Ултоншоҳим ўлмасин!” дея Ултонтоз шаънига ҳамду сано ўқишга тушиб кетадилар. Халқ ижодидаги психологик параллелизм санъати ва ё мантик фанидаги аналогия тили билан айтганда, кайф устида беихтиёр “халқлар отаси” Сталинни сўкиб қўйиб, хушёр тортгач, апил-тапил унга қасида ёзиб, бир кунда эълон қилдиришга эришган тадбиркорликда ҳам беназир Ғафур Ғулумга ўхшаб, ўз “шаккокликлари”ни апил-тапил “андавалаш”га уринадилар. Улар ўзларининг “бир сўз”ларини Ултонтоз таърифи ва Алпомишга муносабати мухтасар ифодаланган шундай сатрлар билан тугатадилар:

Сен билмайсан хон Ултоннинг ишнини,
Одам демас келса юз лак кишини,
Кесиб тури гуноҳкорнинг бошини
Таппаймиз бизлар Алпомишнини
Алпомиш деганининг қилар ишнини

Бу сатрларда карвон аҳлининг аҳвол-руҳияси шундай юксак бадний маҳорат билан гўзал ифодаланганки, сатрлар бағридаги маънолар мағзини чаққанингиз сайини ўзбек халқининг улкан сўз санъаткори сифатидаги даҳосига қойил қолмай иложингиз йўқ. Зотан, мактов орқали танқид қилиб, қасида замирига марсияни сингдириш Эзопага ўхшаган камдан-кам донишмандларгагина муяссар бўлган юксакликдир. Сатрларда ифодаланган фикрларни жўнрок тилга кўчириб, “Яшасин, азамат, юз лак кишини одам ўрнида кўрмай уларни гуноҳкор сифатида ўлдириб турибди” дейилса, хўш, бу мактовми, танқидми? Кейинги икки сатрда-чи? “Алпомишни таниймиз деб тагин Ултонтоздан бошимиз балога қолмасин, ўша “юз лак киши”нинг бири бўлиб айбисиз айбдор сифатида ўлиб кетмайлик” деган кўркув ифодаланганми унда, ё “Ултонтоз укасики шундай қонхўр багтол экан, Алпомиш акаси не каромат кўрсатар эди!” мазмунидаги таъна-маломатми? Ҳар икки маъно нозик ифодаланган, албатта. Гап тагидаги гапни нозик илғайдиган, айни чоғда, пашшанинг ғиринг деганини ҳам ёктиравермайдиган нозиктаъб Ҳакимбек ўз шаънига таҳкиромуз кулок қоқиш тарзида айтилаётган ноҳақ маломатларга жавобан нима десини?! Етти йил деганда, ниҳоят, озодликка чиқиб, Тойчихоннинг додини бериб, қалмоқ юртида адолат ўрнатиб, энди она юрти-ота маконига не бир умидлар билан келаётганида... маломатга бало борми?!

Ҳакимбек ўз кўзлари билан Ваганда кўрган дастлабки манзара шундайки, кадрдон яйловларига қадами етиб кишилаган Бойчиборнинг овозини эшитган ва таниган жамикки йилқилар, шулар қаторида тулпорнинг қари энаси Тарлон бия ҳам атрофларини қуршаб келадилар. Ана ўшанда Ҳакимбек Бойчибор билан Тарлон биянинг дийдорлашувига қараб туриб ўзича ўйлайди: “Ҳайвонлар шундай меҳрибон... Мендан бурун сен топишдинг, жонивор, Солма юрагимга доғ-у аламини”. Бу ўринда изоҳга ҳожат йўқ. Балки эзмарок ёзувчи шу жойда “Нега одам боласи онгсиз ҳайвондек бир-бирига меҳрибон эмас? Сени-ку, онанг кутиб олди, мени-чи? Қани онам Кунтуғмиш, отам Бойбўри, нега улар менга пешвоз чиқмаяпти?” қабилидаги гапларни саржиндек қалаштириб ташлаши мумкин эди. Лекин халқ энг буюк сўз санъаткори сифатида ҳамиша гапни қисқа қилади ва шу камгина гап замирига кўпгина маъноларни сингдиради. Биздан ўша маъноларни тўғри ва теран идрок этиш талаб этилади, халос. Ўз юртида Алпомишни кутиб олган дастлабки одамнинг қимлигига диққат қилинг! Ким у? Бу одам Бойчиборнинг овозидан таниб зурёдига талпинган Тарлон биянинг орқидан қидириб келган жиловдор қул бўлиб чиқадики, бунда ҳам, майли, оят демайлик, ҳар қалай, тағзамини чуқургина аломат бордир, зотан, бу қул бутун эл-юртнинг қулга айлантирилганига нозик ишора ҳамдир. Алпомиш худди карвон аҳлидан сўрагани каби бу қулдан ҳам “Бу боқиб турган йилқилар кимники?” деб сўрайди. Жиловдор қул саволга жавобан айтадики, “Бу моллар эгасиз... Эгасиз молларни боқиб юрганмиз!” Агар халқимизнинг энг ёмон қарғиши “Эганг ўлиб эгасиз қолгур” эканини назарда тутсангиз, мазкур гапнинг замирида сўзловчининг почор-нотавонлиги, аччиқ-алами, забун аҳвол-руҳияси, афтода туриш-турмуши, қўйингчи, олам-олам маънолар мужассамдир. Қулбачча, гарчи ёш бўлса-да, балки айнан ёшлиги учундир, карвон аҳлига ўхшаб гапни айлантормади, “Нори-норча Ултонбекнинг туяси” қабилидаги аслида ёлғон гапни тилга олмайди, ҳақ гапни ҳаққоний, дангал, рўй-рост айтади-қўяди: “Эгасиз молларни боқиб юрганмиз”. Табиийки, Алпомиш ажабланиб сўрайди: “Ҳеч замонда безга мол бўлами?..” Сўнгра қулбаччани яна-да дангалроқ бўлишга ундайди: “Не сўз келса қайтармагин тилингдан, Менга хабар бергин сиру холингдан”. Ана ўшанда жи-

ловдор кул (маълум бўладики, Қултойкулнинг ўғли!) ўз сиру ҳолини айтиб, “эгасиз”нинг маъносини ўзича шаҳлаб-тушунтиради: асл эгаси Алпомиш Кашалда ўлиб кетган, унинг зурёди Ёдгор хали ёш... Ўгай укаси Ултонтоз бўлса, аслида эга эмас, беклик давросидаги кул!.. Аҳволни яхшироқ билган Алпомиш аввалига жиловдор кулга “Алпомиш ўлган бўлса ажаб бўпти, Ултонтоз бек бўлса, ўзларингдан бўпти. Жуда сизларга жойди, қандай бўлса ўз-ўзинг-да!” дея истехзо қилади. Жумладаги “ўзларингдан бўпти” сўз бирикмасига эътибор қилинг. У икки маънода қўлланмоқда: биринчиси – “ўзингнинг қулинг бек бўлибди”, иккинчиси – “қулни бек қилиб бошга кўтарган ўзларингдан айб”. Жиловдор қулнинг бек ва кул, хусусан, Ҳақимбек ва Қултой муносабатлари ҳақидаги тушунтиришларидан сўнг андак юмшаб, унга “Дуода бўл, мирзанг келиб қолар” дейди-да, йўлида давом этади. Қўлни ёқалаб борар экан, Алпомишнинг кўз олдида намоён бўлган навбатдаги манзара яна-да ёркинроқ аломатларни ўзида мужассамлаштиргандир: оқ чодир, қўк чодир, зангори чодирларнинг ичи-сиртида сон-саноксиз қуллар шундай аймашиб, ёнбошлаб, дўстаман бўлиб ётишибдики, буларнинг на беқлигини, на қуллигини билиб бўлмайди! Ҳар қалай, шуниси аниқки, “улар ҳам бу йўловчини кўриб, узатган оёгини йиғмай, беқни одам ўрнида кўрмай, қандай одам деб парво қилмай турди”. Устига утасак, от устида қимиз сўраган Ҳақимбекка “Қимиз ичсанг тушгина ана чодирга, Керак бўлса тушиб ичгина қимизини” қабилида бетакаллуфлик билан андишасизларча муомала қилдилар. Холбуки булар “Алпомиш молига бари хизматкор”! Ит эгасини, мушук беқасини танимай шундай бетгачопарлик қилса, қуллар ўз ҳаддини билмаса, Ҳақимбек нима қилсин? Бу қулларга ҳам “Танитиб қўяйми Алпомишингни?” дея додини берсинми?.. Достонда Ҳақимбекнинг айни лаҳзалардаги аҳвол-руҳияси, кўнглидаги ўта мураккаб кечинмалари соддагина бир қуйма байтда мухтасар ифодаланади:

**Буларнинг сўзига табассум қилар,
Ўйлаб турса гоҳда кўнгли бузилар.**

Ҳақимбек Бобир қўлига етиб келгандагина, ниҳоят, уни танийдиган ва муносиб кадрлайдиган бир тирик жонга дуч келади. Бу ҳам қачонлардир Алпомишга энчи қилиб берилган Қоранор бўлиб чиқади.

Авалло яна ўша гап: сезгилар одам боласида онгсиз жонзотлардаги қадар кучли эмас, шунинг учун Қоранор таниганини сингил танимади! Қолаверса, орадан етти йил ўтган, бу шафқатсиз йиллар акага ҳам, сингилга ҳам ўз ҳукмини ўтказган. Айниқса, Қалдирғочойимни Ултонтоз шундай аҳволга солганки, у ўз хотирасини йўқотиб, яна ўша буюк Чингиз Лйтма-товнинг “Бўронли бекат” романидаги Дўнанбойдек отасиниям танимай қолган манкуртга айланмаган бўлса-да, ҳар қалай, шунга яқинлашган. Энг асосий сабаб эса, Қалдирғочойимнинг ўзбек аёли экандир. “Шу ёлғиз отли акам бўлиб чиқса-я” деган ўй, умид, орқиқшилар қанчалик кучли бўлмасин, бу ҳиссиётга нисбатан йўловчини кўрганда ўзини панага олиш истаги устунроқ келдики, демек, у ҳақиқий ўзбек аёлидир. Қоранорнинг ўзига меҳрини кўриб кўнли бузилган Ҳақимбек туяни ортига ҳайдаб келар экан, чангалнинг панасида яшириниб турган сингилси устига бориб қолади ва айни ҳолатдан бизга нисбатан бутунлай бошқача, ўзича хулосалар чиқаради:

**Сингилсини бу аҳволда кўради,
Эли-халқим шундай бўлган экан деб
Кўнгли бузилиб шунқор йиғлади,
Дийда тирён бўлиб ўпка тўлади.**

Авалига Ҳақимбек ҳам ўз сингилсини танимайди. Бунга сабаб, биринчидан, Қалдирғочнинг чангал остида яшириниб тургани, иккинчидан, сингилси тимсолида эли-халқини кўриб кўзи ёшга тўлгани! Айни чоғда унга далда бўлиш, дадилликка ундаш ва ҳақиқатнинг тагига етиш умидида “Сени чарчаб-ҳоритган шу туяни ўлдириб, ташвишдан кутқарайми, эгаси довлаб келса пулини йўловчи тўлайди дейсан?” деб сўрайди. Бунга жавобан Қалдирғочойим Ултонтознинг зулми-ю ўзининг аҳволини баён қилиб ҳасратидан чанг чиқади. Ана ўшанда ака ўз сингилсини танийди. Мамлакатдаги аҳволни сўраб-суриштиради. Лекин сингилсига ўзини танитмайди. Ҳатто Қалдирғоч “Минган отинг Бойчиборга ўхшайди, ўзинг ҳам акам Алпомиш эмасмисан?” дея ортидан югурганида ҳам сир бой бермайди. “Ўзимни танитсам мендан ажрамай қолади” деб ўйлайди. Зотан, мамлакатдаги аҳвол, айниқса, сингилсининг аҳвол-руҳияси шундайки, айни чоғда эзгулик (жумладан, мўминлик, ювошлик, кўнгилянлик)ни қўя туриб, қаттиққўллик, қатъият, керак бўлса, бешафқатлик

билан аҳволни ўнглаш зарур! Бунинг учун эса, сир бой бермаслик, усталлик, лозим бўлса, ёлғончилик ва кулларга куллуқ қилиш зарур!

Алпомиш йўлида давом этар экан, кўйчивонларни кўриб, кўйларнинг ҳам эгаси кимлигини билиб, “Бир одамда шунча мол!...” деб кетаётганида кўрадики, “бир марди калон, мўйсафид киши кўйларнинг четида: “Армон билан фарзандимдан айрилдим”, – деб йиглаб турибди”. Келтирилган гапдаги “марди калон”, “мўйсафид” сўзларига диққат қилинг! Шундай одамнинг йиглаб туриши оғир кўргиликлардан далолат бергандек бўлади. Айни шу аломатларга кўра Алпомиш бу одамни бир қарашдаёқ танийди: Култой деган кадрдон кули, аниқроғи, тутинган ота, том маънодаги падари бузруквор мақомидаги азиз инсон! Уни танибгина қолмай, энди унга ўзини ҳам танитади.

Бек билан кул, аниқроғи, тутинган ота билан ўғил мамлакатдаги аҳволни ўзларича таҳлил қилиб, аҳдлашадиларки, Култой Ҳақимбек бўлади, Ҳақимбек эса Култой! Нега? Бунинг бир сабаби Алпомишнинг Култойга айтган бир гапидан нозик англашилади: “Бобо, сиз мен бўлиб боринг, мен сиз бўлиб борайин, ким дўст, ким душман, ўз кўзим билан кўрайин, бировнинг чоригига биров тойиб, ўлиб кетмасин”. Бу гап, айниқса, “бировнинг чоригига биров тойиб, ўлиб кетмасин” деган тилак антиқа ўрин алмашинувнинг сабабларидан бири, лекин асосий сабаб эмас, Асосий сабаб шундаки, модомики куллар беклик даъвосини қилаётган экаллар, беклар кулликни бўйинга олишга мажбурдирлар. Бугина эмас. “Бир думалаб” бекка айланган кулни кулдек ишлайдиган беккина енга олади. “Кул Ҳожа Аҳмад” тахаллусини олган буюк бобокалонимиз ўз ҳикматларидан бирида ёзганларки:

Покас, хасис, беднёнат куллар хоким,
Моуманлик хаддан ошиб бўлди золим,
Эл ичида хор бўлдилар дарвини; олим,
Ҳимоятги халқнинг кофир бўлди, кўринг!

Халқнинг бош устида ҳокимлик, ҳукмдорлик, беклик даъвасидаги кул “пуштипаноҳ” бўлиб турар экан, аҳволни ўнглашнинг энг бирламчи чораси бекнинг кулликни бўйинга олиб, кулдек ишлаб, Ҳақиқатга етиб бориб, Жаноби Ҳақни қарор топтиришдир. Чинакам ақл-донини ва ҳикмат соҳибни – Ҳақимбек бўлишнинг энг тўғри йўли мана шудир. Аҳмад Яссавий ҳазратлари ўз ҳикматларидан бирида яна ёзадилар:

Қотиглашиб, Кул Ҳожа Аҳмад, йўлга киргил,
Кулни кўрсанг кули бўлиб маъно сўргил,
Ё илоҳим рўзи қилса маъно олгил,
Маъно сўраб маъно олган чин кул бўлур.

Муаззам Шарқ адабиётида (ҳам оғзаки, ҳам ёзма адабиётда) бек ва кул, шоҳ ва гадо, султон ва дарвини муносабатларига доир бир теран маъно шундаки, “камтарга камол, манманга завол” деганларидек, одатда табиатан бек “ҳақир кулингиз” дея ўзини ҳақир-ҳокисор кўрсатса, табиатан кул, аксинча, “Биласаними, мен кимман?” қабилида осмондан келиб манманликка берилади. Камол ҳам, завол ҳам мана шундай феълга яраша бўлади. Худонинг қудрати бу! Маълумки, қадимда бир томонда беку шоҳу султонлар “бировнинг чоригига биров тойиб кетмасин” – ноҳақ фармон чиқариб бегуноҳга зулм қилмай деб гоҳо бир муддат куллик жандаси, гадоллик тўрваси ва ё дарвишлик ҳирқасини елкасига илганлар. Иккинчи томонда фақатгина “хумо куши кимнинг бошига кўнар экан?” деб у учирилиб-гина қолмаган, айни чоғда, кулликни ўзига ор деб билмаган, фақирликни иллат эмас, фахр деб билган ҳақир-ҳокисор зотлар беку шоҳу султон мартабаларига кўтарилганлар. Бунинг яққол далили “Кул Ҳожа Аҳмад”нинг “Ҳазрати Султони Орифин”, “Девона Машраб”нинг “Шоҳ Машраб” сифатида ардоқланишидир. Алпомиш аслида бийнинг невараси, бойнинг ўғли, ўзи – бек бўлса-да, модомики ҳаққа етиш ва ҳақни қарор топтириш учун мусофирлик, бандилик, қасоскорлик, йўловчилик сингари босқичлардан ўтган экан, энди бир муддат куллик босқичдан – ҳал қилувчи якуний босқичдан ўтишга аҳд қилади. Шундай қилиб, “елкасига жаида-жудани кўйиб, қабанақини устидан елгагай кийиб, сиртидан белини бўғиб, тумоқ, чорикларини кийиб, худди-мудди жасади букуртоб Култойнинг ўзи” бўлади-кўяди. “Наҳотки ҳеч ким Алпомишни Култойдан ажратолмаса?” деган савол туғилиши табиий, албатта. Бу ўринда, биринчидан, шартлилик мавжуд, иккинчидан, қахрамоннинг “ролга кириш” маҳоратига кўп нарса боғлиқ, учинчидан, бир одамнинг бошқа одам, эркакнинг аёл киёфасига кириш приёми бутун Шарқ адабиётида анчагина кенг тарқалган. Энг муҳими, юқорида баён қилинган жиҳатлар назарда тутилса, бу ўринда муҳим бадний восита – қоса тагида нимқоса, гап тагида гап борлиги аён бўлади.

Алпомиш Култой киёфасига киргани билан алплик хусусиятини йўқотиб қўйгани йўқ, албатта, балки бир хусусияти икки бўлиб, фазилатига фазилат, имкониятига имконият қўшилди. Дейлик, Култой киёфасида кетар экан, уни Култой сифатида қабул қилган Маларойнинг уйида қориндаги мойи, қопдаги курти, бор-йўқ буд-шудини эрмакка еб қўйиши, тўйга бораётган аёллар устига юклаган тоғора-тоғора пиширикни ҳам пок-покиза тушириши алпликни кўрсатувчи хусусиятлар, лекин муболага эмасдир. Бу оламда ҳамма нарсанинг йўли бор. Масалан, бизнинг Туркестонимизда яқин-яқинларгача бир ўтиришда ўртгача бир қўйининг гўштини битта ўзи ея оладиган “очофат”лар бор эди, уларни биз ўз кўзларимиз билан кўрган эдик. Қизиғи шундаки, улар пиширилган гўшни орқасига қўйдириб, бир туюр гўшт, бир тишлам пнёз еб, ейилган бир қўйининг гўштини ҳамз килиш учун ўзларини сувга отар эканлар. Агар ўша гўштни кўз олдига олиб келиб қўйсалар, ея олмас эканлар! Чунки ўзи қанчалик оч бўлмасин, бир қўйининг пишган гўштини кўрган кўзлари тўйиб қолар экан!.. (Ўзи тўйсям кўзи тўймайдиган том маънодаги очофатлар, одам боласини ҳам икки ямлаб бир ютиб юборгудек оғзи катта ялмоғизларнинг йўриғи бошқа, албатта!..) Оддий бир гўштхўрнингки, “қасб сирни” шундай, Ҳақнинг жамолига етиш азмидаги чинакам ҳақим ўз йўлида ақл бовар қилмас рнёзатлар чекиб, баайни тоғ келса кемириб, сув келса симириб, Қоратоғни қайириб, тоғни талқон қилмайдими?! “Китоблар менинг кулларим” деган экан файласуф. Китобларни кулдек ишлаган ва китобхонликда унча-мунча “тоғ”ни кўрдим демай ўта оладиган киройи ҳақим учун бир қорин мой, бир қоп қурут, беш-ўн тоғора пиширик (бадий воситани маъжоз тилидан оддий тилга кўчириб шарҳланса, битта роман, битта шерьий тўплам, беш-ўнта қисса)ни пок-покиза тушириш қийин иш эмас, шундай эмасми?..

Бадий асардаги бундай имо-ишораларни биров тушунади, биров тушунамайди. Шунинг учун биров маъжозда ифодаланган айни ҳақиқат, биров “бир ёлгондан қирк ёлгон” деб ўйлайди. (Холбуки буюк Ғафур Ғулом ўлмас “Шум бола” асарида моҳирона фойдаланган “бир ёлгонда қирк ёлгон” эртагининг ўзиёқ халқнинг ўлмас руҳи ва бекиёс зақоси ёркин акс этган юксак баднийат мўъжизаси хисобланади) Бинобарин, Алпомишнинг ҳатти-ҳаракатларини ҳам ҳар ким ўз қаричи билан ўлчаб, биров ҳақимлик деб теран, яна биров мечкайлик деб юзаки талқин қилади.

Онага бағишланган қадимий халқ қўшиқларидан бирида “Кўкимтир кўкларда кўзингдан танийман” деган бир куйма сатр бор. Тасаввур қилинг, қирк йил қирғин бўлиб, ниҳоят, омон-эсон дийдорлашган фарзанд ўз онасини “кўкимтир кўкларда кўзидан танийди”. Худди шундай, ҳар қандай шароитда ҳам фарзанд ўз онасини таниб, қуш тилини қуш билганидек, чинакам ҳақим ҳақимни кўзидан, сўзидан, ўзидан, ҳаттоки отидан (яъни, исми-шарифидан!) танийди. Худонинг қудрати шундай чексизки, у одам боласининг ниятини йўлдоши қилиб, чинакам ҳикматга, дейлик, аллақандай Болтабой, Тешабой, Ўроқбойлар, ҳаттоки Эшмат билан Тошматлар эмас, чинакам Аҳмадлар, Мухаммадлар, Ҳақимбекларни соҳиб сифатида ардоқлайди. Қодир Аллоҳнинг бу қудрати, бу саҳоватини табиатан саҳийлар билади, бахиллар билмайди. Қанчалик билишига қараб саҳийни бахилдан фарқлаш мумкин. Масалан, Кўкалдош ва бошқа жамики алпларга кўримсизгина туюлган от – Бойчиборни Кўса синчи бошдан оёқ синчиклаб қараб биладики, назаркарда алпнинг назаркарда оти! Етти йиллик айриликдан кейин бу отни Бойсин-Қўнғирот элида дастлаб Алпомишнинг синглиси Қалдирғочойим (эзгулик тимсоли бўлганидан кейин феълига муносиб тарзда) Бойчиборни Кўса синчидек синчиклаб эмас, узокдан орқасидан қараб танийди! Ҳақимбекка эгизак сингил эмас, жони жонига пайваст ёри вафодор, жуфти ҳалол Барчинной эса, Бойчиборни орқасидангина эмас, ҳаттоки қуйруғини кўриб (позик ишора қилинадик, “Ҳақимбек” отининг “бек” деган “қуйруғи”дан!) танийди. Шу боис ўғли Ёдгорга “Чўлтанглаб кўринди Чибор қуйруғи” дейди-да, хулоса чиқарадики, “Бек отанг келибди соғ-у саломат!”

Ўз навбатида бу илк аломат, дастлабки хушхабар Ҳақимбекка муносиб ўғил Ёдгорнинг томирларидаги ота-боболаридан ёдгор бўлиб ўтган беклик, бийлик, алплик қонини табиий равишда гупиртириб юборади. Қони қайнаб, “Агар отамнинг келгани рост бўлса айириб олади, ёлгон бўлса бу куллардан бундай зулм кўриб юрганча ўлганим ҳам ўнгай келади” деб, кулларнинг кўпкарига қўйилган серкаларини қувлаб четга чиқариб кетади. Култой киёфасида келаётган Алпомиш ўз ўғлини айни шу фавқуллода журъатидан танийди ва аниқроқ билиб олиш учун сўрайдики, “Серка хайдаган болам, кимнинг ўғлисан?.. Ғилмонсифат болам, кимнинг ўғлисан?.. Қайсарсифат болам, кимнинг ўғлисан?..” Нафсиламбирини айтганда, куллар хомталаш қилмоқчи бўлаётган серкаларни қувлаб четга чиқариб юбориш “Ма, ўрнига мени хомталаш қил, агар қўлингдан келса!” дейиш билан

баробар беклик журъати, алплик жасорати эди! Худди Товкаойим ўзининг бозоридан ўзи сотиб олиб эрмакка бокиб юрган серка каби, куллар эрмакка хомталаш қилмоқчи бўлган бу серка ҳам шунчаки бир жонивор эмас, ўзига хос тимсол, албатта. Бола бўла туриб бундай журъат ва жасорат кўрсатиш учун Ёдгорда Ҳақимбек санаб кўрсатган сифатлар керак бўлади. Жумладан, “ғилмонсифат” сўзида бола табиатидаги оккўнгиллик, беғаразлик таъкидланса, “қайсарсифат” бирикмасидаги “қайсар” сўзи икки маънода қўлланади: бири – ўжарлик, иккинчиси, худди “Қайсари Рум” – Рим цезаридек шохлик хусусияти, тўғрироғи, шу ҳар икки хусусият бирлашиб, мужассамлашиб кетган Ёдгорда! Яна шунга эътибор қилинганки, Қултой киёфасидаги Алпомиш ўғли Ёдгорни таниб-билиб туриб уни “ўғлим” демайди – деёлмайди, тағдоргина қилиб, “Болам, кимнинг ўғлисан?” деб сўрайди. Ёдгор эса, бу “гап тағидаги гап”ни ҳали тушуниб етавермайди, шу боисдан дангал “Сизнинг ўғлингизман!” деёлмайди. Лекин ҳақим отага муносиб ҳақим ўғил сифатида чинакамига ҳақимона мангликни бир саволни ўртага қўндаланг қўяди:

Қул нчида меҳрибоним сен эдинг,
Сен ҳам мени ушундигини, бобожон? –

дея Қултой киёфасидаги ўз отасидан ажабланиб сўрайди. Аҳмад Яссавий ҳазратларининг “Юз минг валилар ўтти сирни сирга улашиб” ҳикматли сағрида битилганидек, ўзлигини сир тутган отани бутун мамлакатда биринчи бўлиб таниб бошлаган отаўғил Ёдгор сирни сирга шундай улайди-да, сир бой бермай, гўё ўз отасидан эмас, Қултойдан ўзининг таъзирини бериш учун бостириб келаётган икки отлик қулдан ҳимоя қилишни ўтинади. Қултойнинг кўксини қалқон, ўзлигини балогардон қилиб, муқаррар ўлимга мардона тик борганини кўриб, гап нимадалигини билиб-тушуниб, энди саволни яна-да қўндалангрок қўяди:

Бундай иш Қултойнинг қўлидан келмайди,
Қашал кетган менинг отам бўлмагин?..

Достонда ака-сингил ва тутинган ота-бола учрашувларидан кейинги учинчи таъсирчан, тағзамини теран, юксак бадинат билан тасвирланган учрашув мана шу Қултой киёфасидаги асл ота билан отага муносиб ўғилнинг дийдорлашув онлари бўлиб, улар Ёдгорнинг отаўғил сифатидаги алпомишона шиддат-шижоатини отага ҳам, тингловчи ва ўқувчига ҳам аён кўрсатади. Шу қадар аён кўрсатадики, Қултой киёфасидаги Ҳақимбек беихтиёр “Баракалла, ўғлим, энадан бўлсанг шундай бўл!” деб юборади. Худди Қултой билан Ҳақимбекнинг учрашуви каби, бу учрашув ҳам аҳдлашув билан хотималанади. Бола отани ҳали яхши танимаса-да, ҳар қалай, отаўғил, демак, Барчинойга уйланмоқчи бўлаётган Ултонтознинг тўйини бузишга икковлашиб киришсалар бўлади! Шундай қилиб, ўз мамлакатида Ҳақим қарор топтириш учун Ҳақимбекнинг ёнида икки кўмакчи, ҳаммаслак, суянчик – тутинган ота билан отаўғил бор! Лекин улар бирлашиб – лашкар бўлиб эмас, ҳар бири ўзича – мустақил равишда курашишни афзал кўрадилар.

Достондаги яна бир таъсирчан учрашув лаҳзаси – Алпомишнинг энаси Кунтуғмиш билан учрашувидир. Ҳақимбекнинг тўйхонага кириб биринчи кўргани шу бўладики, “энаси ариқнинг бўйида тўйга сўйилган кўйларнинг қорин-кожок, ичак-човок, қалла-туёқларини тозалаб ўтирибди”. Шунда энасини таниса ҳам танимаган киши бўлиб “Кунтуғмиш янга, омонсизми?” деб сўрайди. Достонда бу учрашув чоғидаги онанинг ҳам, ўғилнинг ҳам аҳвол-руҳияси, руҳий кечинмалари хусусида лом-мим дейилмайди. Зотан, бу ўринда изохга ҳожат йўқ. Фақат бир аломат айтиб ўтиладнки, “Қултойнинг довуши Алпомишнинг довушига ўхшайди”. Яъни, она ўз ўғлини овозидан таниганидек бўлади. Ўғли сир бой бермагач, арзи холи-ю ҳасратини “Қултой қайни”га айтади.

Алпомиш Ултонтоз саройининг ичкарасида кўрган манзара, табиийки, яна-да таъсирчанрок. Не кўз билан кўрсинки, “Ултонтоз тахт устида ўтирибди. Отаси Бойбўри султон хизмат қилиб, эғнида қора меш, тўйда сув ташиб турибди. Бир нечалар хушомадга Бойбўрини Ултонтозга ёмон етказиб, сувлик меши билан қойиб-сўқиб, гижиб турибди”. Туғишган сингил, тутинган ота ва ёлғиз ўғилнинг аҳвол-руҳиясига чидаса бўлади, лекин... волидаи муқарраманинг аҳволи ундай, падари бузрукворнинг аҳволи бундай! Кўрнамак ўғилнинг ноинсофлигига қиройи ўғил қандай чидасин?! Катта онаси Кунтуғмиш эгани оксочга, ўз отаси Бойбўри султонни ҳаммолга айлантриб, ўзи тахта талтайиб ўтирган ноқобил уқани нима қилса бўлади?! Афсуски, Алпомишга ҳозирча Қултойқулнинг имкониятлари доирасидагина иш кўришдан ўзга чра йўқ. Қултойнинг қўлидан Ултонтозни инсофга қакириб насиҳат қилиш ва ўз соҳиби Бойбўрининг оғирини енгил қилиш

умидида эгнидаги мешини ўз зиммасига олиш келади, холос. Бир пайтлар Бойбўрнинг охуридан ем еган не бир нокаслар энди азбаройи Ултонтозга яхши кўрипаманми деган илтижда уни куткилаб, “койиб-сўкиб, ғижиб” турган бир пайтда бундай ҳатти-ҳаракат ҳам, аслини олганда, унча-мунча кулнинг қўлидан келавермайдиган мардоналикдир. Бу мардоналик уйғотган акс-садога қаранг! Бойбўри шундай юрак олдириб кўйганки, “Кўй, мешни кўлимдан олсанг, бу куллар менга жабр-зулми баттар кучайтиради” деб ёлворади. Ултонтоз эса, шундай ҳаддидан ошганки, ёши отасидан ҳам улугроқ қарияни “Сенинг жойинг қозон-ўчоқнинг кули атрофида” дея ўтёкарликка “сурғун қилади”. “Сурғунда” яна бир ангина манзара яққол намоён бўлади: баайни Муҳаммад Шариф Гулханийдек ўзининг ҳақ сўзи билан “мана мен” деган шум ултонтозларни эсанкиратиб енгилга қодир не бир марди майдонлар тишларини тишларига кўйиб жимгина гўлаҳлик қилмокдалар! “Ҳар йигитлар ўт ёққич бўлиб турибди”. Эси э йигитлик! Эсиз йигитнинг юраги-ю кўкрагидаги ёли! Мардоналикка хилоф бундай аянчли манзарани кўрган марди майдон Алпомиш нима қилсин?! Қултой қиёфасида бўлганидан кейин, “Шу иш сенга муносибми? Бу кунингдан ўлганинг яхши эмасми?” маъносида уларга тегажоллик қила олади, холос. Яна бир кўлидан келгани шу бўладки, ўзи ҳам бир қозонга ўтёққич-гўлаҳлик қила туриб, бир қозон ошини пишмасидан пок-покиза туширади.

Бу ҳали ноҳақликка қарши мардона кураш эмас, албатта, ниҳоят кулнинг исёнигина. Лекин Алпомишнинг шундоққина кўз олдида ўзи бир пайтлар озод қилган, эндига қелиб бақовулга (эътибор беринг, бақовулга, яъни, иш бошқарувчига!) айланган “Фармонкул” деган кул ёлғиз ўгли Ёдгорни “Энағар, тўйхонада сенга нима бор?” дея қаққир билан уриб оғзи-бурнини қон қилса, бунга ота қандай чидасин?! Қулларча оғзона исён билан чекланиш, очик-ошқор ва мардона курашмаслик мумкинми?! Ахир, аслида, Қултой эмас, Ҳақимбек ва Алпомиш, Ёдгордек Отаулига муносиб Ота-ку у! Кураш усули эса, ҳозирча шундай бўладики, Фармонкул бақовулни қаттиқ қойиб, унинг хурмача қилиғига аччиқма-аччиқ “бир қатта илиқни олиб, Ёдгорга ушлатиб юборди”. Бу, албатта, кулнинг исёни эмас, бекнинг жасоратидир. Фармонбардор кулнинг хоҳиш-иродасига ошқора қарши ҳатти-ҳаракат қилиш учун шунга яраша юрак керак, албатта. Бундай фавқулодда дадилликни ҳам ҳар ким ўзича тушуниб, ўз қарини билан ўлчаб, ўзича муносабат билдиради. Хусусан, “бир неча девонбегилар айтди: – “Қултой” жуда юртни бузди, Ёдгорнинг кўлидан илиқни олиб кўйинглар. Бир нечаси айтди: – Кел-э, “Қултой” ҳам ўзимизнинг қаттамиз-да, қатталик қилиб, бир илиқни олиб берди. Бир илиқни Ёдгордек ей кўйсин”. Бундай зикна-феъли тор, бахилдан-бахил қулликдан “бир думалаб” саховатпеша бекларга айланган қимсалар “кулларнинг қаттасидаги қаттазанглик” деб билган ҳатти-ҳаракатларда Фармонкул бақовулнинг хотини оқила аёл сифатида ажиб бир аломатни аён кўради. “Элга йўлбарс оралади” дейди у, яъни, демокчи бўладикан, Қултойнинг қулларча исёни эмас, Ҳақимбекнинг алпомишона мардлиги бу! Кўпни кўрган эҳтиёткор Фармонкул эса, ўзининг ёшигина хотинини хушёрликка қаққириб дейдики:

Довшининг астарок чиқар, сингиллар,
Ултон шохим билса сени тайин ўлдирар,
Зулм билан Ултонбек кесар бошингни,
Уқасини... Алпомишингни!

Дикқат қилинг, худди Ҳақимбекка дастлаб дуч келган қарвон аҳлига ўхшаб Фармонкул ҳам аслида Алпомишни эмас, унинг Ултонтоз уқасини бўралатиб сўқади ва, айни чоғда, кўрққанидан “Ултоншоҳ”га ҳамду сано ўқишга тушади.

“Қултой”нинг фавқулодда жасоратини ўгли Ёдгордан эшитган Барчинной қулга эмас, чинакам бек ва алпга хос аломатни Фармонкул бақовулнинг хотинига нисбатан яна-да яққолроқ кўради:

Қултой бобонг ўз кунини кўролмас,
Қултой бобонг сенга илиқ беролмас
Қултой бўлиб, болам, отанг келгани
Мунгайганда аҳволнинг кўргани
Қултой бўлиб тўйхонада юргани
Кўриб сенга меҳрибонлик қилгани...

Шундай қилиб, Барчинной ҳали Алпомишнинг ўзини эмас, отининг қуйруғини кўриб, биргина ҳатти-ҳаракати ҳақида эшитиб, ақл-донинг тимсолига муносиб оқила аёл сифатида ўзгаларнинг ақли етмаган тегишли маънавий хулосалар чиқара олади.

Шу ўринда достоннинг тасвир мароми, тахлил йўсини ва ифода тарзи дафъатан ўзгариб, улар “тўйдаги кулларнинг ёйандозлик ўйини”га кўчади. Худди Кашал юртида Барчин алпар олдига кўйган тўрт шартдан бири каби, бу ёйандозлик тимсолининг ҳам тағзамини терандир. Хусусан, Қултой қиёфасидаги Алпомишнинг нишонга уришга беҳуда уринаётган кулларнинг ёйларини бир чеккадан синдириб чиқиши унинг Қултой эмас, Ҳакимбек эканини мантикли фикрлай оладиган ақлли одамнинг кўзига аён кўрсатувчи яна бир аломатдир. “Қултой”нинг бу ишига хайрон қолган кулларнинг:

**Бобо, ишнинг қандай бўлар,
Ёй тортуви қайдан билдинг?
Қанча ёйларни синдиридинг,
Сен қимлардан таълим олдинг?
Ёйандозликни не билдинг?**

кабилидаги саволларига жавобан Ҳакимбек яна сир бой бермай ўзича Қултой бўлиб дейдики, “Мен сизларга бурунги кучимни айтмай, Алпомишнинг Алпинбий бобосидан қолган, ўн тўрт ботмон биричдан бўлган ёйи бор эди. Арпалининг кўлида ётиб, Алпомиш билан икковимиз ёй тортишар эдик... Алпомишнинг ёйининг ўқидан менинг ёйимнинг ўқи ўтар эди”.

Бу ўтакетган лоф нима учун керак? Кулларнинг “Мақтаниш ҳам эви билан-да! Қани ўша ёй? Бу Қултойкулга бир торгтириб кўрайлик!” деган фикрга келишлари учун, албатта. Бу фикр эса, ўз навбатида, Ултонтознинг Қултойдан бир баҳя ошириброк чиранишига асос бўлиб хизмат қилади. Чиранишнинг мазмун шундайки, “Эй Алпомишни кўрган кўхна беклар, ўша ёйни олиб кел, зўрлигимни мен ҳам маълум қилайин”. Лекин ўша ёйни Ҳакимбекдан бошқа ким, қай бир бек, қай бир кул ўрнидан кўзғота оларди дейсиз! Қарабсизки, Барчиной бир томонда Ҳакимбекка кадрдон бекларни Ултонтоз зўғумидан қутқариш, иккинчи томонда Ёдгорнинг отасига муосиб ўғиллигини кўрсатиш учун дейдики, ёйни ўрнидан кўзғотишга Ёдгор борсин! Ўз навбатида Ултонтоз Барчинойнинг бу гапини ўзича тушуниб хулоса чиқарадики, “Энди бизга кўнгила кўйди, энасини шу жувонмарг Ёдгор бузиб юриб эди, бунинг ўзбошимчалиги кўнгила урди. Бул Ёдгорни ўлимга буюрди”... Кўриниб турибдики, ўзаро узвий богланиб, бири иккинчисини такозо этиб, бири иккинчисидан табиий равишда келиб чиқувчи бу “ёйандозлик ўйини” тасвири ҳам нишонга мохирона урилган ёйандозликка ўхшайди. У кимнинг аслида қапакалигини аниқтиник кўрсатиб, қонуний якунга келадик, Алпинбийдан қолган ёйни Ёдгор Арпалидан судраб олиб келади, Қултой қиёфасидаги Ҳакимбек эса, уни даст кўтариб отганида улкан чинорнинг улкан шохини учуриб юборди.

“Ёйандозлик ўйини” дан тагин бир ўйин, бутун достон, хусусан, антика тўй сахнасининг авж нуктаси бўлмиш антика ўйин – сўзандозлик ўйини, сўзамоллик ўйини, сўз ўйинига табиий равишда ўтилади. Достоннинг ўзига хос мантикий якуни бўлмиш ўлан кечасидаги бу ўйин Ултонтознинг энаси Бодом чўрининг таърифидан билан бошланиши бежиз эмас, албатта. Худди Ҳакимбекнинг асл қиёфасини асар бошидаги ота-боболари таърифисиз тасаввур этиб бўлмаганидек, Бодом чўрининг таърифисиз Ултонтознинг асл қиёфасини тасаввур этиб бўлмайди. “Илгари Алпомишнинг бор вақтида қовун кўриб, кўчкор боқиб, ҳар ерда ухлаб қолиб, тилини олаҳакка чўкиб, сақовтоб бўлиб қолган” Бодом бекча таърифидан қовун кўриш, кўчкор боқиб, ҳар ерда ухлаб қолиш сингари рамзлар замирида назарда тутилган тағдор маъюларни қўя туриб, биргина унинг “тилини олаҳакка чўкиган”лигини жиддийроқ ўйлаб қаранг! Халкнинг “тилини қарға чўкиган” ибораси билан “Дудук (оғзи кийшик...) бўлсаям бойнинг боласи гапирсин” мақолини эсланг. Бир думалаб бекка айланган кул ва тоз ўғлига ўхшаб, у ҳам чўрилиқдан бекачликка “бир думалаб” ўтган! Лекин ҳар бир одамнинг ҳар бир хатти-ҳаракати унинг асли-наслини аён кўрсатиб туради. Бу тили чучук ва ақли ноқис аёлнинг “Мен қайиганда кўйган боламнинг тўйи, ўзим бий хизмат қилайин” дея жарчи сифатида киз-жувонларнинг ўлан кечасига чакириб юриши, “кўрмаганинг кўргани”, “қазсан-қартасан, асли-наслингга тортасан” деганларидек, аслида бекча эмас, чўрилигини аён кўрсатиб турибди.

Ўлан кечасига Қалдирғочойим ҳам келишга журъат қилади. “Тўйдан кейин Барчиной Ултонтознинг ўрдасига кириб кетса қайтиб кўролмайдан” деган хавотир шундай журъат уйғотади. Лекин Бодом бекча тўйда Қалдирғочойимнинг икки кўлига икки чирокни ушлаб, бошига бир чирокни кўндириб қўяди. Одам боласига, эзгулик тимсолига, Алпомишнинг синглисига муносабат бу! Масхара-калака, таҳқир-нописаидлик, одам ўрнида кўрмаслик шунчалик бўлади-да! Қалдирғоч шу алфозда турганида тўйхонага Ёдгор қолиб қиради.

Табийки, у Ёдгордан сўрайди: “Не сабабдан кулиб келдинг кошима? Бировлардан бир илик сўз билдингми, Йўкса менинг аҳволима кулдингми?..” Ўз навбатида Ёдгор ҳам аммасининг бундай таҳқирланаётганидан орн келиб, онаси Барчинойга “бир сўз” дейди, яъни, ноҳақликка қарши ўзича исён кўтаради. Айниқса, қуйидаги кўндаланг саволлар отаўғилнинг уч юз олтимиш томирдан кайнаб-тошиб чиққан исёнкорона сўзларидир:

Хазон уриб боғда гуллар сўлдими,
Обло сенинг ақлу хушинг олдимми,
Замон жуда кулиники бўл қолдимми,
Бор ихтиёр кулларинки бўлдими?!

Исёнкорона руҳ боладан онага ҳам ўтади-да, Барчиной Қалдирғочойимнинг бошидаги чирокни олиб осмонга отади. Ташқаридан кириб келган Бодом бекач Барчинойнинг авзойини кўриб муроса йўлини тутишга мажбур бўлади-да, чирокни қайта ёқиб, кизларни ўлан айтишга ундайди.

“Сўзандозлик ўйини” бошланишидан аввал берилган юқоридаги таъриф ва тасвирлар қул ва чўриларнинг қанчалик ҳаддидан ошганлиги ва сабр қосасининг қанчалик тўлиб-тошганини аён кўрсатиб, бизни оламдаги жамики ўйинларнинг энг жиддийси – сўз ўйинига руҳан тайёрлайди. Суюқли ёри, эгиз туғилган синглиси ва ёлғиз ўғли шундай танг аҳволда турганида эшикдан Қултой қиёфасидаги Алпомиш кириб келади-да, ўлан айтишувни Бодом чўри билан икковни бошлаб берадики, бунда ҳам ажаб аломатлар бордир.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, Қултой қиёфасидаги Алпомишнинг аввал Бодом чўри билан, кейин Барчиной билан айтишуви ўзбек халқ оғзаки ижоди, хусусан, ўзбек ўланчилигининг ўзига хос гултожидир. Афсуски, биз Шўро тузуми даврида ўлан ва айтишув қозок халқига хос, ўзбек халқ оғзаки ижодида бундай жанрлар йўқ, деган тасаввурга бориб қолган эдик. Холбуки улар “Алпомиш”дек ўзбек халқ эпосини безаб турибди ва улар, худди “Ўткан қулар” романидаги Отабек билан Қумушнинг Зайнаб иштирокидаги сўз ўйинлари каби, асарга узукка қўйилган кўздек ярашиб, унинг бадиниятини яна бир баҳя ошириб турибди. Худди шу гапни ўзбек романчилигининг яна икки гултожи – “Меҳробдан чаён”даги Анвар билан Раъно мушоираси (баҳри байт айтишуви) билан “Кеча ва кундуз” романи хотимасида Қурвонбиби фитна тилидан келтирилган қўшиққа нисбатан ҳам айтиш мумкин. Айниқса, дostonдаги Бодом чўри билан Қултой қиёфасидаги Алпомишнинг айтишуви шундай бир даҳанаки жангки, ундаги ҳар бир сўзда ҳар икки томоннинг аслинасли кўзгудагидек аён кўриниб туради. Айтишувдаги дастлабки икки тўртликни ўзига хос кириш, оддийгина тилак-қутлов деб тушунайлик-да, диққатни кейинги икки тўртликка қаратайлик.

Бодом бекач:

Сойи-сойи сейкалай қўйди бошлай, ёй-ёй,
Қалам қошли янгалай ўлан бошлай, ёй-ёй,
Қизик-қизик айттинглай, қиз-қелинлай, ёй-ёй,
Қизиб кетса Ултонбек танга ташлай, ёй-ёй.

“Қултой”:

Сари қўсам серқалар қўйни бошлар, ёр-ёр,
Қалам қошли янгалар ўлан бошлар, ёр-ёр.
Қизик-қизик айтманглар, қиз-қелинлар, ёр-ёр,
Алпомишдан қолган молни Ултон қимга ташлар, ёр-ёр.

Дастлабки тўртликда “Ўлан айтгин Ултонбек замонинда, ёр-ёр” дея қул ўғлининг замонини дорилмон замон сифатида таърифлаётган Бодом бекач бу ўринда энди ўтирганларни Ултонбекнинг саховатидан умидвор қилади. Аввалига “Қариганда келинли бўлақопсан” дея пичинг қилса-да, ҳар қалай, “Қуллуқ бўлсин, янгажон, тўйинг, Бодом” дея тўйни гўё олқишлаган “Қултой” энди бировнинг моли ҳисобига қилинадиган саховат аслида саховат эмаслигини дангал айтишга ўтади. Бу аччиққина ҳақ гапи учун, хаттоки Алпомиш номини тилга олгани учун бошқа пайтда Ултонтоз “Қултой”ни ўлимга ҳукм қилиши муқаррар эди, албатта. Лекин бу, дейлик, “Меҳробдан чаён” романидаги “Қизиклар” бобида тасвирланган қизикчиларнинг аския пайровлари каби, шунчаки бир ўйин – сўз ўйини! Оддийгина ҳазил, ха-зил!

Табийки, ҳазилнинг таги тобора зиллашиб бораверади. Бодом бекач ҳазилни давом эттириб, “Бу ўланинг охири қизик бўлай, ёй-ёй” деса, “Қултой қайин”, аксинча, “Бу

ўланинг охири бузук бўлар, ёр-ёр” дейдики, бу бир карашда енгилгина ҳазилда ҳам оғир “қулок қоқиш”, ўйиндан ўт чиқишига позик ишора бордир. Зотан, пойдевори кийшиқ девор омонат бўлганидек, аввал-бошда бузуклик, ўйинбузуқлик, бузгунчилик билан бошланган ишнинг охири вой бўлиши муқаррарки, бунга, масалан, мустабид Шўро тузумининг тарихи яққол далилдир. Бинобарин, боши бузуклик ва суяксиз тилга эрк беришни дастлаб таги паст, назари паст, тили чучук Бодом бекачининг бошлаб бериши ҳам ғоят табиийдир. Унинг навбатдаги “бир сўз”ида ифодаланган нописандлик, таҳқир, калака, шахсиятга тегиш оҳанглари, иштонсизнинг тиззаси йиртиқнинг устидан кулишга уринишини қаранг:

Қайдан келдинг, Қултойкул, қайдан келдинг, ёй-ёй,
Кўк қаргадай қанқилаб қўйдан келдинг, ёй-ёй.

“Қултой” ҳам, табиийки, “қилиғинга қилиғим” қабилида иш тутиб, таҳқирни Бодом бекачдан бир баҳя оширади, халқона ибора билан айтганда, чўрининг оғзидан чиққанини ёқасига ёпиштиради:

Хови, сенинг, янгажон, равшинига, ёр-ёр,
Зебодайин бу майин довушинга, ёр-ёр.
Дуппа-дуруст одамни қарга дейсан, ёр-ёр,
Кўк қаргалар уя қўйсин қувшинига, ёр-ёр.

Сўзандозлик, яъни, ҳозиржавоблик билан ҳар бир сўзни нишонга беҳато уриш шунчалик бўлади-да! “Қувишига кўк қаргалар уя қўйган” Бодом бекач нима қилсин аёл боши билан, нима десин саковтоб тили билан?! Қиличдек ўткир сўзни ўзи тилаб олганидан кейин, чидаёлмай таҳқирни яна-да кучайтиради. Рақибини кўк қаргага менгзашга қаноат қилмай энди кўппакка ўхшатади:

Андияма, Қултойкул, мандияма, ёй-ёй,
Саккуч деган кўппакдай сандияма, ёй-ёй.
Оқ чангалнинг тагига чийиб келдим, ёй-ёй,
Пчиб олсанг чувчининг қондияма, ёй-ёй?

Бу ўринда “Менинг сийдигимни ичадиган кўппаксан” дея оғзи шалоклик билан ошқора ҳақоратлаш Бодомнинг бекач эмас, аслида чўрилигини, аслида ўзининг тили бир қарич кўппак билан баробарлигини аён кўрсатиб турибди. Зотан, “Сасиган оғзидан бижгиган сўз чиқади” дейдилар. Модомики Алпомиш ҳақимбек бўла туриб шу итмижоз чўри билан пачақилашиб бошлаган экан ва бунга мажбур бўлган экан, “ҳазил”га муносиб “ҳазил”билан жавоб қайтаришга ҳам мажбурдир:

Андирингдан, янгажон, мандирингдан, ёр-ёр,
Қулча ёйиб поп еган тандирингдан, ёр-ёр.
Дуппа-дуруст одамни кўппак дейсан, ёр-ёр,
Кўппак итлар торгсин-да чандирингдан, ёр-ёр.
Оқ чангалнинг тагига сийиб келсанг, ёр-ёр,
Оқ чангалнинг путоғи қичувинини қондирама, ёр-ёр.

Бу сатрлар ўлан, айтишув, аския, латифа ва бошқа жамики сўз ўйинига хос хусусият – гап тагида гап, бир гапни айтиб бутунлай бошқа гапни англашиш маҳоратининг гўзал намунасидир. Машҳур “Ялла” ансамбли ижро этадиган ўзбек халқ қўшиғидаги “Том бошида тоғора, Тоғорада зоғора, Зоғорани ёполмай, Чолу кампир овора” сатрларида ҳам, масалан, асосий гап зоғорани тандирга ёпиш-ёпиштириш хусусида эмас, балки зуваласи анчагина бўшаниб қолган чол-кампирнинг “интим” муносабатлари хусусида кетмоқда! Худди шундай, юқоридаги сатрларда тилга олинган “тандир”, “чандир”, “чангал”, “путок” каби сўзлар замирида шундай нозик имо-ишоралар, тағ маънолар борки, улар яланғоч парнография эмас, бадийят либосига ўралиб-чирмалган гўзал сўз ўйини, чинакам сўз санъатидир.

Ҳар бири нишонга камида чангалнинг путоғидек санчилувчи сўзларни эшитган Бодом чўри сўз ўйинида “Қултой қайни”га бас келишдан узил-кесил умидини узиб, Ултонтоз ўғлига ишониб, энди очик-ошкор пўписа-дағдагага ўтади:

...Оғзинга келган сўзни қайтаймайсан, ёй-ёй,
Ўт эгаси бек Улгон улим бойди, ёй-ёй.

Халқона сўз ўйинининг кудратини кўрингки, бу ўринда азбаройи Бодом чўри “юрт” сўзини айтолмагани бонс келтирилган “йут” сўзида асл маъюдан ташқари “эл-юртни ўз комига тортмоқчи бўлиб ютоқиб турган юхо”, “ютмоқ” феълининг ўзаги англатувчи маъно ҳам бордир. Ўлат билан вабодан ҳам баттар ют эгаси ўзини юрт эгаси деб эълон қилса, наинки эълон, кулни бек, чўриши бекач, ажинани фаришта, ялмоғизни саҳоватпеша, ўтакетган номардни марди майдон, уччига чикқан бахилни жаҳонда тенгсиз саҳий дея такдим қилсалар, асл марди майдон бундай ноҳақликка қачонгача чидайди?! Ахир, Ултонтознинг асли-насли кимлигини наинки ҳақими даврон, эс-хуши жойида ҳар бир одам беш қўлдек билади-ку! Барча биладиган, лекин бирон инсон тилга чиқаришга қўрқадиган ҳақ сўзни энди Қултой қиёфасидаги Ҳақимбек Бодом чўрининг юзига тамгадек босади:

**Тез бозорга солганда қирқ тапга олар, ёр-ёр,
Қирқ тапгалик Ултонтоз кулниг бордир, ёр-ёр.**

Бу аччиқ ҳақиқатга наинки беклик даъвосидаги кул, ҳаттоки бекачлик даъвосидаги чўри ҳам чидаёлмаслиги табиийдир. Чидаёлмагани шунчаликки, худди бутун бошли ўзбек халқига напосандлик ва таҳқир назари билан қараб “туземец”, “аборигеи”, “чучела”, “чурка” сінгарни ҳақоротомуз сўзларда сифатлаган калондимоғ чоризм босқинчилари каби, Қултойкулни ковушининг пагагича кўрмайди:

**Сен ўзингни одамман дема, Қултой, ёй-ёй,
Тенгламайман ковусим пагагича, ёй-ёй.**

Бу очик-ошқор таҳқирга Ҳақимбекнинг ҳақимона жавобини қаранг:

**Тенгламасанг тенглама ковушининг пагагича, ёр-ёр,
Хўрозини қамайни қагагича, ёр-ёр.**

Бу ўринда “хўрозни катакка камаш” ибораси қанчалик тағдорлиги ҳар бир таъби нозик ўзбекка яхшигина тушунарли. Қултой қиёфасидаги Ҳақимбекнинг айтишув ниҳоясидаги голибона “бир сўз”и (“Қултойкулга, янгажон, тегиб қўйма, ёр-ёр”) бу иборанинг маъносини оидинлаштиришдан ташқари яна иккита маънони ҳам ифодалайди: биринчиси, “мен билан ҳазиллашсанг мана шундай папд ейсан”, иккинчиси “менинг хотиним бўлиб қолсан”.

Шундай қилиб, сўз устасининг сўз ўйини – сўзандозлик мусобақаси Қултой қиёфасидаги Алпомишнинг ғалабаси ва Бодом чўрининг мағлубияти билан тугади. Мағлубият аламига Бодом билан Ултонга ўхшаганлар чидайдими?! Икки ўртада бир ишқал чиқишиндан хавф-сираган мутасадди девонбегилар (этибор беринг, куллар эмас, кўини кўрган девоннинг беклари!) муроса йўлини кидирадилар, чигалликни тинчлик-тоғувлик билан ечишга уринадилар ва шундай ора йўл топадилар: энди Ултонтознинг руҳсатини олиб, “Қултой”ни Барчин билан айтиштириш керак!

Қултой қиёфасидаги Алпомиш билан Барчиннинг айтишуви, худди “Ўткан кунлар” романидаги Отабек билан Кумушнинг сўз ўйини каби, “достоилар гултожи”да мужассамлашган бадииятнинг гултожидир. Юзаки қараганда кул билан асиранинг айтишуви замирига чинакам ошиқ билан маъшуканинг дил розини, ҳақим билан ҳақиманинг юрак сирларини бир-бирига очиб тиллашувини сінгдириш – бадий маҳоратнинг энг олий чўккиси мана шу! Хусусан, “Қултой”нинг “Тиқиб берган белбоғинг адо бўлди, ёр-ёр, Белбоғликка ярайми чарчинг, келин, ёр-ёр” шохбайти замирида (агар “Барчин”га қофия сифатида қўлланган “чарчинг” аслида “чорчинг” бўлиб, бу “рўмоқ”, “қошбоғ” маъносидидаги сўз эканини назарда тутсангиз) Ҳақимбекнинг Барчинга “Менинг белбоғим-ку, ҳар қалай, мана, бор, хўш, сенинг рўмолинг-чи?” мазмунидаги ўта жиддий сўрови, худди Отеллонинг Дездемонага қарата айтган “Қани рўмолча?!” саволидек кўндаланг саволи этибди. Барчиннинг бу саволга жавобиди (“Ўлан айтиб банди бўғним бўшатма-чи, ёр-ёр, Соғ суягим жой-жойидан шовшатма-чи, ёр-ёр, Довушингни алпимга ўхшатма-чи, ёр-ёр”) эса, “Овозингдан таниб турибман, бегим, сен Ҳақимбексан!” деган фақат икковинга тушунадиган ички бир нидо бор. Худди шунингдек, ўғли Ёдгорни “Қултой”нинг тумоғини бошидан олишга ундаши замирида “Шу Ёдгоримизнинг ҳаққи-хурмати “Қултой”ликни бас қил-да, бу кулларга ўзлигингни, ўз беклигингни кўрсат!” деган даъват яшириндир. Алпомишнинг аввалига “Ўлан айтиб бошим қизиб турибди”, кейин “Бошим қал” кабилидаги баҳоналари сирни ошқор этишга ҳали эрталигини англатишга қаратилган позик имо-ишоралардир. Лекин

Барчин Ҳақимбекка муносиб умр йўлдоши сифатида мантқ кучи билан ҳар икки баҳонани чиппакка чиқаради: аввалига чинакам алп ноҳақликларни кўриб қони қайнаб турганида шамоллашдан кўрқадими, деган маънода таъна қилади, кейин “Шукрилилло, қайноғам кал бўлгани йўк” дея Қултой ҳам, Ҳақимбек ҳам Ултонтоздек кал эмаслигини уқтиради.

Лекин Ҳақимбек Барчинойнинг кўнглидаги бутун сир-асрорни билиб-тушуниб, ҳали унинг ёри вафодорлигига тўқис-туғал ишонч ҳосил қилганича йўк, шунинг учун ҳам ўзлигини кўрсатишга шошилмайди. Шунинг учун диққатни ўз бошидан қўлларида ўтирган ҳолда ухлаб қолган Ёдгорнинг бошига кўчиради. Атрофдагилар назарида Қултой бўлиб шундай дейди:

Ёд этаман, йнглайман мен олломди, ёр-ёр,
Ол болагни деганда ол болагни, ёр-ёр,
Калла катта болагга қўлим толди, ёр-ёр

Бу “бир сўз”даги “калла(си) катта” иборасида ҳам “коса тагидаги нимкоса” бордир. “Бўладиган бола бошидан маълум” деганларидек, Ёдгорнинг калласи катта, лекин у хумкалла эмас. “Ўғлимизнинг калласи катталигини қара, бўладиган болага ўхшайди-я” мазмунидаги фахр-ифтихорни Қултойкул тилидан тагдор қилиб айтилишини кўринг! Барчинойнинг бу тагдор гапга яна-да тагдоррок жавобини кўринг:

Ҳаққа етгай йнғласам айтган полам, ёр-ёр,
Кўкайлари кесилган сағир болам, ёр-ёр,
Отасининг келганин ўғлим билди, ёр-ёр,
Нени олиб олдида ухлаб қолди, ёр-ёр.

Бу ўринда атрофдаги тингловчиларда шубҳа-ғумон уйғотадиган ҳеч бир сўз йўк. Масалан, “отаси” деганда Барчин Ҳақимбекнинг ўзини назарда тутди, атрофдагилар эса, бу сўзда ёши улуғ отахон Қултойни тушунади. Тингловчилардан кимдир бу “гап тагидаги гап”ни тушуниб қолмасми экан? Ахир, Ҳақимбек наинки ўзини ошқора танитиш, икки хил тушунушга ҳам йўл кўймоқчи эмас. Шу боис кимлардир ўзини таниб қолмасин деб Барчинойни икковгинаси биладиган сирни очмасликка ва болага жабр қилмасликка чақиради:

Ўлап айғиб кўнглингни хушлаймисан, ёр-ёр,
Ғаним сирин ҳар ерда фошлаймисан, ёр-ёр,
Ол деганда болагни сен олмайсан, ёр-ёр,
Тўхматига ўглингни ташлаймисан, ёр-ёр

Ота билан она ўғилни ўртага қўйиб шундай роз айтишар, сирлашар, дардлашар эканлар, Барчинойнинг дил қаъридаги оҳ-ноласи, отага таъна-маломати, жумладан, шундай гўзал ифодаланади:

Кеча-кундуз мен тортдим оху войди, ёр-ёр,
Ёд этаман, йнглайман, бир худойди, ёр-ёр,
Сағир деган шундайин зигир мойди(р), ёр-ёр,
Бир соатда бул ҳам безор бўлди, ёр-ёр.

Ушбу сатрлар замирида “Шу сағир-етим болани ёлғиз ўзим улғайтирдим” деган илдоа, “Ақалли энди бу бола етим эмас, мана, мен отасиман-ку десанг-чи!” кабилидаги даъват, кўйинг-чи, бир олам маънолар бордир. Айниқса, “бир соатда сен ҳам ўз ўглинган безор бўлдинг” деган даққи-дашномга қандай чидаб бўлади?! Ўз ўглидан безор бўлган ота киройи отами?! Ҳақимбекнинг кўнглида кечаётган бундай ўйлар тўфони энди айтишув оҳангини табиий равишда ўзгартиради. Оҳанг енгиллашгани сайин сатрлар замиридаги маънолар оғирлашиб, ҳазил зиллашиб боради:

Ой Барчиним, ёр-ёр,
Гул Барчиним, ёр-ёр,
Ақлинг бўлса ўйла-да,
Бил Барчиним, ёр-ёр
Ултонтозга теккунча
Ўл Барчиним, ёр-ёр

Ҳақимбекнинг дил қаъридан беихтиёр отилиб чиққан бу ҳаққоний таъна-маломатга, бевафоликда айблашга жавобан Барчиной нима десин?! Ўзининг ночор-нотавонлиги,

ўлимга ҳам розилигига ич-ичдан икром бўлиб, Ҳакимбекнинг бир гапини қарийб айнан такрордайди:

Ултонтозга текканча
қаро ерга тей дейсан-а, ёр-ёр.

Ана ўшанда Ҳакимбекнинг сўнгги “бир сўз”и – яна-да аччиқрок ҳақиқат, чинакам ҳикматга йўғрилган ҳаққоний сўзи айтиладики, у не бир ақлли бошларни ҳам, бийрон тилларни лол қилиб, кимнинг қандай одамлигини, аввало ўзининг асл киёфасини барчанинг кўзига яққол кўрсата олади:

Биздан қолган кўзлар
Кўй бўлибди, ёр-ёр.
Бунда қолган Барчиной
Бўй бўлибди, ёр-ёр.
Бўй қиз бўлиб жуда ҳам
Тўй бўлибди, ёр-ёр
Биздан қолган қулулар
От бўлибди, ёр-ёр,
Биздан қолган Барчиной
Ёт бўлибди, ёр-ёр.

Жумла жаҳонга татийдиган бу беш жумладаги ҳар бир сўз сўзандозлик ўйинида нишонга беҳато урилган ўқ десак муболага қилмаган бўламиз. Бу қуйма сатрлар қадрини билган билади, билмаган билмайди. Масалан, “жуда ҳам” бир томонда “бўй қиз бўлиб”, иккинчи томонда “тўй бўлибди” билан узвий боғланиб, ҳар иккисига тааллуқли бўлиб, ҳар икки маънода баравар қўлланадики, халқнинг энг буюк сўз устаси, сўз санъаткори сифатидаги беназир маҳоратига қойил қолмай иложингиз йўқ! Шундан кейинги бир жумла “жуда ҳам” деган пичингда таърифланган “тўйдаги аза”да эмас, росмана тўйда айтиладиган машҳур ёр-ёрдаги бир шохбайт (“Тоғда тойчиқ кишнайдди от бўлдим деб, ёр-ёр, Уйда келни йиғлайди ёт бўлдим деб, ёр-ёр”) га жуда ўхшаб кетади, лекин ўз бадниятига кўра ундан ҳам юксакроқдир. “Қулуним от бўлай деганида ёри вафодорим... наҳот ёт бўлса?!” Авж пардада айтилган шу “бир сўз”, ундаги оҳнола, фарёд-фиғон, “шеро худо” Шохимардон пирга муносиб ворис бўғзидаги шерий наърани бундан-да гўзалроқ ифодалаб бўладими сира! Бу қуйма сатрлар Сирдарёнинг сувига ўхшайди: ташқаридан қараганда сокингина, тагида ички оқимлар, сир-асрорлар, тилсимлар...

Уларга жавобан Барчиной нима десин?! Аввалига ўзининг бутун дарди-дунёси, аҳвол-руҳиясини Ҳакимбекдан бир баҳа ошириб, шохбайтга эмас, биргина шох сатрга жо-бажо қилиб айтади:

Ўйлай-ўйлай Барчиной
ўй бўлибди, ёр-ёр.

Баайни Мансур Ҳалложнинг “Аналҳак”ига ўхшаб, баайни қуйиб қул бўлган ёри вафодорнинг дил изхори марди майдонга муносиб жуфти ҳалолнинг мардона эътирофига табиий равишда улашиб кетади:

Сиз билан айтганим
мот бўлибди, ёр-ёр.

Ана энди бўлди – мурад ҳосил бўлди! Барчиндек бекиёс сўз устасиники сўз ўйинида мот қилган экан, муҳими – Барчин ёри вафодор экан, энди ўзлигини барчага аён кўрсатишга ҳеч бир монелик йўқ! Асли қандай бўлса шундайлигича кўриш-билиш, ўрганиш иши ниҳоясига етди! Ҳаддидан ошган қуларнинг феъл-атворлари-ю қилмиш-қидирмишлари беш қўлдек аён! Қалдирғоч сингил, Қултой оталиқ, Бойбўри ота, Кунтуғмиш онанинг аҳвол-руҳияси ҳам яхшигина маълум! Аниқ-тиник кўриниб турибдики, Ёдгор – отаўғил, Барчиной – ёри вафодор, демак, энди қуллик жапдасини ечиб, ўз беклигини – ўзбеклигини, ўзбекнинг Ҳакимбеги эканини жумла жаҳонга ошқора айтса бўлади! Орқасида суянган тоғлари – Расули Акрам билан Шохимардон пир, ёнида ишонгани – Барчинойдек умр йўлдоши, олдида нуридийдаси – Ёдгордек зурёди бор экан, умр йўлдоши ҳам, зурёди ҳам ўзига муносиб экан, энди оталиққа барала айтса бўладики, “Бобо, қуларни қақриб, менинг келганимни бидиринг!” “Итининг сирини эгасига маълум” деганларидек, қуларнинг феъл-атворларини яхшигина биладиган Қултойқул ўзликка қайтишдан қаттиқ ҳавотирга тушади:

“Баччагарлар жуда (ҳаддиларидаи!) ошиб кетган экан! Алпомиш келди дегандан ўртага олиб уриб ўлдириб қўймасе!” Модомики Ҳақимбек чинакам ҳақимбек экан, Қултойнинг бу астойдил хавотирини теран ҳис қилади, албатта! Лекин ўзлигига етиб келган ва ўзлигини қайта топган ўзбек табиатан кўрқоқ жонлардаги аллақандай ҳадик-хавотирдан кўрқадими! Кўркса, марди майдон Ҳақимбек бўладими! Қултойга далда бериб яна дейдики, “Кўрқмай айта беринг, мен ўзим хабардор бўлиб тураман!”

Шу ўрнида буюк мутафаккиримиз Алишер Навоийнинг бир пурҳикмат байти беихтиёр ёдга тушад:

Агар шохсен сен огоҳсен сен,
Агар огоҳсен сен шохсен сен!

Асли-насли Алпинбий билан Добонбийга муносиб бий ва алп, бунинг устига Ҳақимбек ва, ниҳоят, энг муҳими – “ҳабардор”, яъни, ҳар қандай балодан огоҳ, ўзига хушёр, сергак, сақ!.. Бир шохлик шунчалик бўлади-да!

Ана энди Қултой тилидан айтилган Ҳақимбек билан Барчининг айтишувидан ҳам қуймарок ва ўйнокирок шеърини сатрларнинг баайни Сирдарёнинг сувидек сирли-сирли оқишини кўринг! Ақалли дастлабки сатрларнинг маъзини яхшироқ чакинг:

Бугун кадр кечалари!
Богда очилар гунчалари
Кўнгирот элининг баччалари,
Чувилла, Алпомиш келди!

Бу куйма сатрларда ўзлигига қайтаётган ўзбекнинг ўзлиги, элнинг феълн, озодлика чикқан халқнинг кўнглидиги қувончи, шодлиги, эҳтирос-ҳаяжони, шукронаси, нашидаси, эркин-эркин нафаси уфуриб турибди. Унда аввало “богда очилар гунчалари” дея таърифланувчи “Кўнгирот элининг баччалари”га – келгувчи авлодга қаратилган мурожаат, уйғонишга даъват, мустақилликни умумхалқ байрами сифатида нишонлашга чақирик гўзал ифодалангандир. Айниқса, “Бугун кадр кечалари” сатрига алоҳида диққат қилинг! Қуръони Каримдек илоҳий мўъжиза нозил бўлиб бошланган илоҳий кеча – лайлатулкадр, маълумки, тилимизда “кадр кечаси” деб аталади. Ҳақимбек ўзлиги – ўзбеклигини жумла жаҳонга қайта намоиш этиб, ўз мамлакатада ҳақ ва адолатни қарор топтиришга энг шимариб киришган чинакамига тарихий лаҳзалар, шох асарга муносиб сўз ўйинлари ва улардаги шохбайтлардан кейинги шохона хотима, эътибор беринг, “кадр кечалари” дея таърифланмоқда! Ҳақимбек ҳақидаги ҳикматга бой асарга муносиб пурҳикмат хотимадаги гўзал бадний ташбеҳ бу!

Жиддийроқ ўйлаб қарасангиз англашиладикки, “кадр кечалари” сўз бирикмаси “лайлатулкадр”нигина англамайди. У жаннатмакон мамлакатни кадрлаш, эл-юртнинг кадрига етиш, чунончи, элнинг аҳлилниги ва юртнинг ободлиги, марказлашган давлатнинг улугворлиги, халқнинг буюклиги, халқ табиатидаги мардлик, жўмардлик, тантилик, сажийлик, олижаноблик сингари юксак инсоний қадриятларни ҳамisha эъозлаб-ардоқлашга оташин даъват ҳамдир. Шох асарнинг чинакамига шохона хотимаси бундай қадриятларнинг ўзига хос гултожи бўлмиш энг олий мўъжиза – Сўзнинг Лутф, Лафз, Калом сифатидаги кадрини баланд тутишга ҳам даъват этади. Буюк Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” ва буюк Абдулҳамид Чўлпоннинг “Кеча” романлари “кадр кечалари”га келиш йўли юксак баднийят билан ёритилган шу улуг Сўзимиз – “Алпомиш”дан бевосита ўрганиб, ундан таъсирланиб яратилган шох асарлардир. Хулосан калом шуки, ўзбек халқининг алпомишона табиати ва ҳақимбекона донишмандлиги ёркин акс этган энг умрибоқий Сўзимиз – “Алпомиш”ни юксак кадрлаш, бу шох асаримизнинг фавкулудда теран, кенг ва юксак мазмун-моҳияти ва маъно қатламларини тўғри тушуниш ҳар бир коракўз ўзбекнинг энг мукаддас бурчидир.

Айниқса, шох асарга муносиб шохона хотима, чунончи, қуйидаги хитоб, даъват, чақирик, ундовларга диққат қилинг:

Отилмаган хурма тўилар,
Отил-ха, Алпомиш келди...
Етти йил даврон сурган қуллар,
Қоч энди, Алпомиш келди...
Эшитгин, қуллар, бемаъни...
Ўл энди, Алпомиш келди...
Меш кўтарган хон Бойбўри...
Пешвоз чик, Алпомиш келди...

Ой Қалдирғоч эмишдоши,
Пешвоз чик, Алпомиш келди...
Оқ сут берган бул энаси,
Пешвоз чик, Алпомиш келди...
Гумона қолгандир ули,
Пешвоз чик, Алпомиш келди...
Ҳақимбекнинг Барчин ёри,
Пешвоз чик, Алпомиш келди...

Шу ҳолга диққат қилингики, жами тўққиз хитобдан бири (“отил, ха!”) – саловот (салиют) айтувчи хурма тўпларга, иккитаси (“коч энди”, “ўл энди”) – қилмишларига яраша жазо олаётган кулларга, олтитаси (олти қарра такрорланган “пешвоз чик”) эса, етти йиллик тутқунликлардан кейин, ниҳоят, озодликка чиққан кондош-жондош жигар-бағирларга қаратилгандир. Сақмондир, палахмондир, замбаракдир, тўпдир, ёйдир, тилдир, хуллас, ўзбекнинг нимаси кўп – тўппа-тўғри нишонга бориб тегадиган ўқни беҳато отадиган ускунаси кўп! Бу ўринда барчаси “хурма тўп”ларга жамланган. Ўзбекнинг кими кўп – қариндош, кондош-жондош жигар-бағри, хеш-акрабоси кўп. Бу ўринда улардан дostonда кўринган олтитаси алоҳида тилга олинмоқда. Ҳаддидан ошган куллар эса, битта-иккита, саноклигина, халос. Уларнинг қочадигани (“бамаънилари”) қочиб, ўладигани (“бамаънилари”) ўлди. Эл-юртда тагин тўй-тантана, шодлик-хуррамлик, тинч-осуда ҳаёт қарор топди. Лекин тўрт кўз тугал бўлиши учун яна кимлардир етишмайроқ турибди. Кимлар улар? Дўсти содиксиз ва ё қайнота-қайнонасиз ўзбекнинг тўйи тўйми? Олатовдан дўсти содик Қоражонни, Кўккамишдан Бойсари қайнота билан қайнонани ардоқлаб-эъозлаб олиб келганидан кейингина жамоат жам бўлиб, тўй тўйдек ўтади. Эл-улус мурод-мақсади (тинчлик-тотувлик, аҳиллик-яқдиллик, рўшнолик-фаровонлик, бахт-саодат)га эришади.

Шундай қилиб, асарга яна бир қарра ялпи назар ташлайдиган бўлсак, кўрамизки, кондош-жондош ака-ука Бойбўри ва Бойсари ўртасида ҳосил бўлган арзимас бир низо, бу низога келтириб чиқарган, юзаки қараганда, “бир чичқок улоқ”, аслида эса, агар қўйиб берилса, вақти-соати билан селкиллаган серкага айланувчи “улоқ” – бахиллик сабаб эл-юрт бошига ёғилган жамики кулфатлар ақл-дониш, илми ҳикмат, даҳолик, хуллас, ҳақимлик – ҳақимбекликнинг шарофати билан бирин-кетин ва узил-кесил ариди.

Ҳа, ҳар қандай низо-нифоқу жаҳл-жаҳолат алал-оқибат ақлу дониш олдида ҳамиша мағлубдир. Бу оламда илми ҳикмат қанчалик танг аҳволда қолмасин, барибир, жоҳилият устидан ғолибдир, енгилмасдир, умрибоқийдир, ўлмасдир. Буюк Чўлпонимизнинг “Кеча ва кундуз” романида тасвирланган жаҳолат оқшомидаги қора қучлар вақти келиб Мирёқуб эпакадек қочиб ва ё Акбарали мингбошидек ўлиб кетдилар, оккўнгиллик тимсоли Зебинисо Сибирга сургун этилди, Раззоқ сўфи ўлдирди ва ўлди, Қурвонбиби фитна ақлдан озди... Лекин ҳеч бир қуч Зебининг севгилиси Ўлмасни ўлдиролмади. Ўз номи билан Ўлмас-да у! (Ким эди ўша Ўлмас?! Ўспирин Абдулҳамид, яъни, буюк Чўлпонимизнинг ўзи эмасми-ди мабодо?!.) Худди шундай Ҳақимбек – халқнинг кироийи ҳақимларча беназир ақл кўзи, онг-шуури яратган бебаҳо ганжина, донишманд халқимиз ўзининг ўлмас руҳини гўзал акс эттирган энг шоҳ асари “Алпомиш” достони ҳам бадий тафаккуримизнинг ҳеч қачон ўлмас, умрибоқий обидасидир.

Илоё бу ганжина ҳар бир қорақўз ўзбекнинг тилло бошига тож бўлғай!



МУЛОҲАЗА, МУНОЗАРА, МУҲОКАМА



Олим Тошбоев,
филология фанлари номзоди

«ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ» ИСТИҚБОЛИ

Янгиликка ташналик инсон табиатиға хос. Ўзаро салом-алиқдан сўнг: «Нима янгилик бор?», дея ҳоллашамиз. Ёки бўлмаса, олис сафардан қайтган одамдан: «У ёқда нима гаплар?» деб сўраймиз. Демак, шундан ҳам кўриниб турибдики, ахборот – информация олиш, у ёки бу тўғрида нимадир эшитишга бўлган эҳтиёж бутун борлигимизга сингиб кетган. Тўла ишонч билан шуни айтиш мумкинки, XXI асрга келиб информация кишилар маънавий ҳаётининг ажралмас бир бўлагига, турмуш тарзига айланди.

Расмий маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда 663 газета, 195 журнал, 19 бюллетень, 53 телерадиоканал, шу жумладан, 29 та нодавлат телеканал, 79 та кабель студиялари, 50 дан ортиқ нашриёт фаолият олиб бормоқда. Ёзаман, доврўғ соламан деган журналист учун бундан катта имконият бўлмайди. Лекин инсоф билан айтганда, шов-шув бўладиган, қўлма-қўл ўқиладиган мақолалар, кўримли телерадиодастурлар ниҳоятда кам. Назаримизда, нашрлар сонининг ортиши баробарида салмоғи майдалашгандек...

Маълумки, сўз эркинлигига тўла эришиш учун, аввало, тафаккур эркинлигига эришиш лозим. Сабаби эркин фикрга эга бўлмаган, мустақил мушоҳада қобилияти шаклланмаган одам эркин сўз айтишга қодир эмас. Журналистиканинг интеллектуал даражасини тадқиқ этиш имконияти бўлганида, билмадим, натижа қандай кўрсаткич билан яқунланарди. Тўғри, журналист интеллект бўлиши шарт эмас, деювчилар ҳам топилади. Жамият учун, миллий журналистика ривожини учун интеллектуаллар ниҳоятда зарур.

Жамият ҳаётида сўз ва фикр эркинлигини ошқор этувчи ойна – матбуотдир. Матбуот эркин сўз устуворлигига эришса, холис ва ҳаққоний фикрлар айтиладиган минбарга айланса,

ундан қудратли қурол бўлмас. Таассуфки, биз матбуотда сўз ва фикр эркинлигига эриша олмаямиз. Бу жуда кўпчиликни, хусусан, афқор оммани қийнаб келаётган муаммодир. Назаримизда, муаммонинг халқимиз табиати, миллий менталитет билан боғлиқ жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Шундай фикр юритишга асосларимиз бисёр. Ўзбекни тушовлаб турадиган иллатлар – уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчилик, маҳаллийчилик ва ҳоказолар журналист ва муаммо ўртасида «даллол» вазифасини ўтайдики, бу тўсиқлардан ошиб ўтиш учун аксарият қалам аҳлининг юраги дов бермайди. Иккинчидан, жамият ҳаётида қонун устуворлигига эришиш, жамият аъзоларининг – у ким бўлишидан қатъи назар – қонун асосида ҳаётини қуриш кўникмаси шакллантирилмас экан, жамият ва матбуотда сўз ва фикр эркинлиги хусусида баҳс юритиш бефойда бўлиб қолаверади, Матбуотимизда сўз эркинлигига тўла эришилмаётганлигининг учинчи бир сабаби, кўпчилик ҳамкасбларимизнинг маҳаллий мезон ва ўлчовлардан нарига ўта олмаётганлигидир. Ўз-ўзига маҳлиё бўлиш, ҳайбаракаллачилик саъйи-ҳаракатларимизни чиппакка чиқарапти. Матбуотни абгор, журналистни бевурд қиладиган икки иллат бор. Бири ёлғон хабар бўлса, иккинчиси ноўрин ҳаққўйликдир. Меъёр ва фурсатни билмаган қаламкаш ҳар икки ҳолатда ҳам панд ёл қолиши тайин. Шундай экан, ривожланган давлатларнинг матбуот соҳасидаги устувор тамойиллари, ишни ташкил этиш ва юритишдаги тажрибалари билан етарлича хабардор бўлмаслик каби камчиликларимизни рўй-рост айтиб, тузатиш вақти етди.

Муҳтарам Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Мустақил телерадиоканалларни ислоҳ

қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида таъкидланганидек, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш, очик фуқаролик жамиятини барпо этиш, одамлар онгида демократик қадриятларни шакллантиришда мустақил оммавий ахборот воситаларини, энг аввало, алоҳида аҳамиятга эга бўлган телерадиоэшиттириш фаолиятини ривожлантириш амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Таниқли матбуот таҳлилчиси Элвин Тоффлер «Учинчи тўлқин» китобида «Янги цивилизация турмушимизда туғилиб келмоқда ва уни кўришга ноқобил одамлар уни бостириш кўйига тушиб қолишган. Бу янги цивилизация ўзи билан бирга янги оилавий муносабатлар, меҳнат қилиш, севиш ва яшашнинг янги усуллари, янги иқтисодиёт, янги сиёсий ихтилофлар олиб келмоқда. Буларнинг ҳаммасидан ташқари у билан бирга ўзгарган онг ҳам кириб келади», деб ёзади. Оммавий онгни вужудга келтирувчи омиллар сифатида ОАВ турларини бирма-бир санаб, улар қаторига кино санъатини ҳам киритади. Бизнингча, олим бу ўринда ОАВ ва кинони ғоявий тарғибот қуроли сифатида бир қаторга жамлаган. Бизда ҳам маълум бир тоифа одамлар клиплар, видеофильмлар ва телесериалларда акс эттирилаётган сохта, миллий тараққиётга хизмат қилмайдиган анъана ва урф-одатларимизни тарғиб этувчи ғоялар таъсирида ўз ҳаётларини қурмоқда. «Учинчи тўлқин» асарида эътироф этилган «харсангдай яхлит онг» таъсирида бўлган одамлар ўзларининг турмуш тарзига мана шу ўлчовдан келиб чиқиб баҳо беришига яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ижтимоий онг масаласи ўрганилаётганда шахслар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Матбуотнинг ижтимоий онг ривожига беқиёс аҳамият касб этишини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Элвин Тоффлер фикрича, оммавий ахборот воситаларидаги инқилоб руҳиятда ҳам инқилобга олиб келади. Индустириал цивилизация ривожини ва самарали фаолият олиб бориши учун ахборот тизими беқиёс аҳамият касб этишини таъкидлаган олим фикрларига ҳамоҳанг тарзда айтиш мумкинки, жамият ўзини ўзи модернизациялашга тайёрлайди ва унинг мевалари, аввало, ОАВда намоён бўлади. Агар ўтган йилларни ўзаро таққослайдиган бўлсак, истиқлолнинг дастлабки йилларига нисбатан ахборот оқими кучайган. Чунки ахборот тарқатидиган каналлар – нашрлар, телерадиостудиялар, Интернет тармоғига уланаётганлар сони сезиларли даражада ошиб бормоқда.

Шуни ҳам унутмаслик лозимки, манбаи ошқора кўрсатилмаган ахборот ҳаққоний эмасдир. Ахборот оқимининг ўзига хос яна бир жиҳати, таъбир жоиз бўлса, куч-қудрати шундаки, у жамият аъзоларининг фуқаролик позициясини ҳам белгилаб беради. Шу маънода, танлаш имконияти билан баравар тахлил қилиш масъулияти ҳам ортди. Таниқли ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад «Озод изтироб қувончлари» рисоласида қайд этганидек: «Энди одамларни ахборот оқимидан сиқиб бўлмайди, журналистлар ҳам, жаҳон жамоатчилиги ҳам, тараққий этишни астойдил мақсад қилиб қўйган давлат раҳбарлари ҳам буни тан олмай иложлари йўқ».

Матбуотнинг жамият ва халқ олдидаги обрўи, ҳолис ва ҳаққонийлиги худди мана шу масала билан бевосита боғлиқ. Халқимиз истиқлол шарофати билан хабар тарқатувчи ўнлаб манбаларга эга бўлди. Инглиз, немис, араб, хитой ва бошқа тилларда дунё бўйлаб информация етказётган етакчи телерадиоканалларни кўриб, кузатиб ўтирган юртдошларимиз миллий матбуотимиз фаолиятини қандай баҳолайди, деган савол бизни нафақат ўйлашга, балки имкон излашга ундаши лозим.

Очик эътироф этадиган бўлсак, халқимизнинг матбуотга, қалам аҳлига, хусусан, журналистларга ишончу эътимоди баланд. Шундан бўлса керак, қайси тахририят ёки матбуот нашрига борманг юртдошларимизнинг у ёки бу масала хусусидаги эътироз ва шикоятларига йўғрилган номаларига кўзингиз тушади. Муаммони журналист ечади, деган қатъий ишонч унга далда бўлади. Лекин матбуотнинг ваколат доирасига кирмайдиган, матбуотчининг кўли «калталик» қиладиган мавзулар ҳам борлигини бир қур эсга олсак ёмон бўлмас эди...

Хуршид Дўстмуҳаммад юқоридаги мақоласида кузатувларини давом эттириб, Буюк Британия матбуоти йўналиш, мавзу, безатилиш жиҳатидан бир-бирини тақорламаслигини, журналистлар ва тахририятлар қатъий интизом асосида иш олиб боришларини айтади. «Ҳа, бир хиллик газетанинг, газетага бўлган кенг омма иштиёқининг, пировардида, фикр янгилашининг, демак, жамият гуллаб-яшнашининг кушандаси! Биз орамизда шахслар кўпайишини орзу қиляпмиз, бунинг бош омили фикрлар, қарашлар ранг-баранглиги эканлиги таъкидланаяпти», дейди. Шундан келиб чиқиб матбуотимизнинг бугунини тахлил қиладиган бўлсак, реал воқелик кўнгилга таскин бермайди. Суяги қотмаган ёш авлодни зомбига айлантираётган

кроссвордлар тўла саҳифалар, маиший ҳаётимизни бузиб тасвирлаётган мақола-саргузаштлар, шоу юлдузлари ҳаётининг икир-чикирлари, бемаъни суҳбат ва интервьюлар – аксарият нодавлат нашрлардаги манзара. Ҳолбуки, матбуот биринчи навбатда миллий жамият тараққиётига хизмат қилувчи фикр ва қарашларни ўзида акс эттириши лозим.

Матбуотнинг демократлашуви деганда биз кимнидир ёмон отлик қилишни эмас, аксинча, жамиятнинг хусусият ва иллатларини, ютуқ ва камчиликларини, жамият аъзоларининг аҳвол-руҳиясини бутун бўй-басти билан ҳолис ҳамда ҳаққоний акс эттиришни англаймиз. Акс ҳолда, жуда кўп йўқотиш ва маҳрумиятларга йўл қўйиладиган, бу каби ноқисликларни бутлаш учун бутун бир авлод керак бўлади. Шундай экан, журналистика соҳасида кадрлар танлаш ва саралаш ишларининг савиясини тубдан кўриб чиқишимиз керак. Чунки ҳар бир соҳа салоҳиятини малакали ва юсак маданиятга эга кадрлар белгилайди. Мазкур тамойилга амал қилиб, келгуси режаларни ишлаб чиқишда кадрларнинг маънавий дунёси, билим ва малака кўникмаларини асосий мезон сифатида қабул қилиш айтиш мумкин бўлади. Давлатнинг ва миллатнинг интеллектуал салоҳиятини, даражасини кўрсатадиган мутахассис-кадрлар танлаш ва тарбиялаш иши сиёсатимизнинг устувор йўналиши эканлиги маълум.

Президентимиз Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 февралдаги йиғилишида сўзлаган маърузасида таъкидлаганларидек: «Юқори малакали, замонавий билимларга эга бўлган, ҳозирги кун талаблари асосида фикрлай оладиган етук кадрларни тайёрлаш – ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам иқтисодий муаммоларимизни ҳал этишнинг калити ҳисобланади». Юртбошимиз «калит» деб эътироф этаётган масала-муаммо барча соҳаларда бўлгани каби матбуот, журналистика соҳасида ҳам ўз ечимини кутиб турибди.

«Тўртинчи ҳокимият» деб юритилаётган бутун бошли бир тизим ўз вазифаси ва ваколатига кўра, тартиб рақами билан белгиланадиган ҳокимият эмас. Шундай деб ўйласак ва ёндашадиган бўлсак, собиқ шўролар давридаги каби эски, қотиб қолган тушунчалардан нарига ўтмаймиз. Бинобарин, матбуот ҳокимият даъвоси билан чиқар экан, уни қандай қабул қилганимиз маъқул? Савол шу тахлитда қўйилса мақсадга мувофиқ бўлади. Иқтисодчи бўлмаган одам ҳам биладиган, юсак технология ва ишлаб чиқариш маданияти тараққий этган давлатлар бозорни аллақачон

забт этган: «Митсубиши», «Женерал моторс», «Майкрософт», «Сони» ва бошқа ўнлаб ўз соҳаси бўйича дунё бозорини бошқараётган корпорациялар даражасига етишиш қанчалик душвор бўлса, жаҳон информация бозорида ҳам мавқе қозониш шунчалик мушкулдир. Дейлик, Би-би-си, Си-эн-эн, Рейтер каби машҳур компания ва ахборот агентликлари информация бозорида гегемонлик қилаётган бир шароитда, миллий матбуот ҳокимият даъвосини қай тахлитда ушлаб туради, деган иштибоҳ ҳам йўқ эмас.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг нодавлат тури шиддат билан ривожланмоқда. Мулкчилик шакллари ўртасида соғлом рақобат бўлса матбуот ривожланади, телеканаллар кўримли, радиолар эшитимли, газет-журналлар ўқишли бўлади, деб орзу қилар эдик. Орзуга эришиш йўлида дастлабки қадамлар қўйилди – матбуот соҳасида рақобат муҳити яратилди. Аммо рақобатчи нашрлар қани? Қандай натижага эришяпмиз? Кўз ўнгимизда намоён бўлиб турган воқелик шундан иборатки, нодавлат нашрлар, телерадиоканаллар рақобатчи эмас, балки ким ўзарга улоқ талашаётган пойгачи бўлиб қолмоқда. Кимдир бу фикрга эътироз қилиши, рақобат борлигига далолат келтириши мумкин. Юқорида айтганимиз, пойга ўйинини рақобат деб қабул қиладиган бўлсак, рақобат объекти танқиддан ҳам тубан. Яъни, қайси бир хонанданинг турмуши бузилгани-ю, меҳмонхонасининг жиҳозланиши ва ҳоказолар нашрларнинг асосий мавзусига айланиб қолаётми.

Дарҳақиқат, ОАВ соғлом ва ижодий рақобат бор жойда ривожланади, жамиятни эзгуликка чорловчи маёқ вазифасини бажаради. Мавзу, йўналиши, услуб (агар бор бўлса) жиҳатидан «эгиз» нашрлар бундай фаолиятлари билан Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган маънавий-ғоявий тарғибот жараёнига заррача бўлсин ҳисса қўша оладими? Масалани ана шу тарзда қўйиш ва унга ечим топиш вақти келди.

Таассуфки, аҳолининг айрим қатламларида тубан майллар тарғиботига кўникиш ва ҳатто мослашиш ҳам кузатилмоқда. Эътибор қилинса, асосан тижорат йўналишига урғу бераётган, содда қилиб айтганда «пулини тўла, уёғи билан ишинг бўлмасин» ақидасига суяниб иш кўрадиган нашрларнинг ошиғи олчи. Тўғри, таҳририятлар, телерадиостудиялар фаолияти учун моддий асос бирламчи. Дунёнинг ривожланган давлатларида ҳам шундай. Лекин молиявий мабани шакллантириш халқнинг инжа-нозик туйғуларини ғорат қилиш ҳисобига бўлмаслиги лозим. Моддий асос ижодий

мустақиллик, юксак савиядаги ранг-баранг ижод намуналари орқасидан шакллантирилса мақсадга мувофиқ бўлади. Реклама бутун дунёда матбуотнинг «нони» ҳисобланади. Мамлакатимизда «Реклама тўғрисида» қонун қабул қилинган. Ҳамма гап реклама берувчини ўзига чорлашда. Бунинг учун сифатли, савияси баланд маҳсулот керак. Гап яна айланиб интеллектга тақалаяпти...

Ўзи уйғоқ, журъатли ва хушёр журналистгина ён-атрофга нисбатан сезгир бўлади. Одамларнинг кайфиятини, руҳиятини, ташвиш ва муддаоларини нозик англайди, қалбидан ўтказида. Жонкуяр қаламкашнинг юраги юртдошларининг кўксига уради.

Дарҳақиқат, журналистнинг шахсияти, дунёқараши, билим ва тафаккури, ҳаёт принциплари у тайёрлаган кўрсатув ва эшиттиришда, ёзган асарида шубҳасиз бўй кўрсатади: муаллиф имзоси қўйилмаган мақолани ким ёзганини билиб олиш ҳам қийин эмас. Муаллиф – услуб, деган фикр ҳақиқатан тўғри эканлигига амин бўласиз. Шу ўринда бир мулоҳаза: миллий журналистикамиз ривожда алоҳида ўрин тутадиган услуб масаласида амалиётчиларимиз ҳам, назарийчиларимиз ҳам ўз нуқтаи назарларини очиқ билдираётгани йўқ. Ҳолбуки, матбуотимиз кечмиши ва бугунда ўз услубига эга бўлган журналистлар бармоқ билан санарли. Битта мақола, кўрсатув, эшиттириш билан минг-минглаб одамларнинг фикрини ўзгартириш, уларнинг онгига таъсир кўрсатиш мумкинлигини исботлаш шарт эмас. Шундай экан, журналистикамизнинг таянч нуқтаси бўлган маҳорат, услуб масаласини холис ва ҳаққоний ўрганиш ва баҳо бериш фурсати етди, деб ўйлаймиз.

Бугун ҳар бир тадбиркор, ишлаб чиқарувчи, аввало, бозорни ўрганади. Қандай товарга талаб катталигини билгачгина уни ишлаб чиқаришни

бошлайди ва, албатта, ютади. ОАВ ходимлари, телевидение ва радио журналистлари ҳам аввал истеъмолчи эҳтиёжини ўрганишлари, халқ ичига «юриш» қилиб, уни қийнаётган муаммоларни билиб олишлари, ҳарҳолда фойдадан холи бўлмас.

Етакчи хорижий давлатлар журналистикасида жамоатчилик фикрини ўрганиш ва мониторинг олиб бориш учун яхшигина сарф-харажат қилинади ва оламшумул хулосалар олинади. Бу юмушни оммавий ахборот воситаларидан бўлак жамиятнинг бирор бир институти уддалай олмайди. Бунга асло шубҳа йўқ. Дейлик, муайян ҳудудгагина тегишли бўлган масала-муаммо атрофлича ўрганилади ва ёритилади. Аслида, ҳукумат даражасида қабул қилинадиган қарор ва фармонлар оммавий ахборот воситаларида кўтарилган муаммога асосланса уларнинг халқчиллиги ошади, одамларга тезроқ етиб боради.

Мисол учун, қишлоқ хўжалигига оид қарор қабул қилинди дейлик. Қарор ижросини таъминлаш учун Республика миқёсида иш бошланиб кетади. Ваҳоланки, Навоий вилоятининг Томди, Учқудуқ туманлари шароити билан Андижон ёхуд Фарғона вилоятидаги туманлар шароити бир-биридан тубдан фарқ қилади. Бордию матбуот мана шундай вазиятларда ўз сўзини айтиш имкониятига эга бўлса ортиқча сарф-харажатлар, зўриқиш ва беҳуда муҳокамаларнинг олди олинади. Қабул қилинган қонунлар ижросини назорат қилувчи, у ёки бу қонуннинг ҳаёт талабларига жавоб берай қолган ўринларини тузатиш лозимлигини кўрсатувчи холис ҳакам матбуот эканлигини ҳаётнинг ўзи уқтирмақда.

Шундай шароит мавжуд жамиятда, ўз-ўзидан аёнки, сўз ва фикр устуворлиги таъминланади ҳамда жамият демократия тантанасига тўла эришади.

*Кўнгул дуриси ичра гуҳар сўздурур,
Башар гулшанида самар сўздурур.*

* * *

*Озига келганини демак подонинг иши,
Олдига келганини емак ҳайвонинг иши.*

Алшер Павоний

* * *

Сўз – гул, иш – мева.

Ал-Хоразмий



Ориф Одилхонов

Қалбим эркалайди бу гулшан ҳаёт

Менга азиз

Менга азиз шу тупроқ, шу тош,
Чўкиб ётган ўрқачли тоғлар.
Сўқмоқлари отамга сирдош
Ва бағрида гуллаган боғлар.

Мушфиқ онам шунда туғилган,
Шу ерга кўмилган боболарим ҳам.
Менинг киндик қоним тўкилган
Қишлоғимнинг ўзи бир олам.

Узоқларга кетсам ногаҳон,
Меҳри тортар куёшдай порлаб.
Тоғларимни кўмсайман шу он,
Хотиралар қўймайди чорлаб.

Менга азиз шу тупроқ, шу тош,

Яшнасин

Кўшиқ куйлаб доим шовулласин сой,
Қирларга сочилиб кетсин бойчечак.
Чашмада чўмилиб тунда тўлин ой,
Юлдузлар қавмига сўйласин эртақ.



*Ҳамкасблари томонидан «Тоғлар куйчиси»
дея тасниф берилган шоир Ориф Одилхоновдан
шеъроят мухлисларига ўнлаб шеърини тўпламлар
мерос бўлиб қолди. Унинг юздан зиёд шеърлари хо-
нандаларимиз томонидан ҳозиргача кўшиқ қилиб
куйлаб келинади.*

*Азиз муштарий! Шоирни эслаб, унинг битиклари-
дан намуналарни эътиборингизга ҳавола этаймиз.*

Таҳририят

Гулласин бодомлар, олчалар қийғос,
Димоққа урилсин яшнаб ялпизлар.
Баҳорни олқишлаб тоғликларга хос
Толбаргак тақишсин хушчақчақ қизлар.

Ялмоғиз ғам, алам, иғво, қайғулар
Йўқолиб кетсин тез кириб тупроққа.
Хавотир олмайин сергак охулар
Бемалол келсин бу қайнар булоққа.

Саъваю булбуллар шўх наво тузиб
Сайрасин, яйрасин тоғлар бағрида.
Тош ҳам қуламасин тинчликни бузиб,
Бўлмасин бирор доғ осмон қаърида.

Меҳр қўйсин ҳамиша одамга одам,
Дард чекиб ҳеч кимса кўрмасин завол.
Нурлару гулларга тўлиб бу олам
Яшнасин ҳамиша тоғларим мисол.

Бир уй бор

Қир бағрида кичик бир уй бор,
Кўринади юрсанг тоғ томон.
Юрак уйнаб, вужудим титрар,
Мен шу уйга боққаним ҳамон.

Шунда кўнган муқаддас туйғу,
Шу уй мени ўтга отган ҳам.
Шунда қўлим етмаган орзу
Ва қалбимни кемирган алам.
Қир бағрида кичик бир уй бор.

Келардинг

Келардинг сўқмоқдан ой мисол тўлиб,
Сочларинг дарёдай тўлқин урарди.
Чор атроф чехрангдан нурафшон бўлиб,
Гўё чўнг қоялар тилга кирарди.

Келардинг занжирбанд зулфингни ечиб,
Паришон ақлимни қилолмасдим жам.
Сочларинг тўлқини қалбимга кўчиб,
Ларзага соларди вужудимни ҳам.
Келардинг сўқмоқдан ой мисол тўлиб.

Қуёш уфқларга

Қуёш уфқларга қўйди бошини,
Эсди гуллар атрин уфуриб шамол.
Шафаққа бўяган тоғлар тошини
Кўқда парча булут-қирмизи рўмол,
Эсди гуллар атрин уфуриб шамол.

Боқмоқда ошиқиб ўлкам ҳуснига
Тун парда ёймасдан кўринди юлдуз.
Сўнг борлиқни безаб олтин тусига
Бошин кўтарди ой-зар кокилли қиз.
Тун парда ёймасдан кўринди юлдуз.

Тоғларим менинг

Тоғларим бағрида муаттар еллар
Эсаркан булбуллар хонишин олиб,
Ранглар жилосидан қувнайди диллар,
Ловуллар узоқдан лолалар ёниб.

Пистаю бодомлар гулини кўринг,
Уларда қуёшнинг нурлари порлар.
Бошида оқ салла тоғларим менинг
Меҳмондўст отадек бағрига чорлар.


Жилғалар қўшиғи айлайди асир,
Тинглайман, сеҳридан кўзларимда нам.
Ё нодон тошжорак, ёки тошбағир
Ундан завқ олмайин яшаган одам.
Тоғларим бағрида муттар еллар.

Нашида

Қалбим эркалайди бу гулшан ҳаёт,
Баҳор нафасидай нафис ва гўзал.
Ажиб нашъасидан туғилар ғазал,
Қалбим эркалайди бу гулшан ҳаёт.

Фикрим узоқларга қоқмоқда қанот –
Янги умид ишқида, бермангиз халал.
Қалбим эркалайди бу гулшан ҳаёт,
Мен унга ошиқман, ошиқ ҳар маҳал.





АДАБИЁТШУНОСЛИК

Сафо Матчонов,
профессор

БОЛЛАР АДАБИЁТИ: САНЪАТМИ Ё ТАРБИЯ?

Адабий танқидчиликда болалар адабиётининг тарбиявий моҳияти хусусида турлича қарашлар мавжуд. Баъзи адабиётшунослар болалар адабиёти, катталар адабиёти деган айирмачиликка ҳожат йўқ деган фикрни билдирсалар, баъзилар болалар адабиётининг тарбиявий жиҳатига ортикча урғу бериб, уни бир ёклама талқин этадилар.

Бизнингча, бундай ҳар хил таъриф-таъсифдан аввал, болалар адабиётининг ички табиатига назар ташлаш ҳақиқатга яқинлаштиради. Умумадабиётнинг бир қисми бўлган болалар адабиёти ҳам замон ва макондан айрича яшамайди. Бинобарин, жамият ҳаётидаги янгиланишлар болалар адабиётида ҳам ўз ифодасини топиши табиий. Шундай экан, болалар адабиётининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат, деган савол туғилади. Гап шундаки, бозор иқтисодиётига ўтиш болалик оламига ҳам таъсир кўрсатмасдан иложи йўқ. Айни шу ҳолат болалар адабиётида қай даражада ўз аксини топмоқда? Яратилаётган асарлар болаларнинг китобхонлик бора-сидаги маънавий-ахлоқий эҳтиёжларини қаноатлантирадими?

Болалар адабиётининг бир жиҳатдан сўз санъати, бошқа томондан тарбия воситаси эканлиги ижодкорлар зиммасига катта масъулият юклайди. Дарҳақиқат, болалар ёзувчиси қайси йўлдан бормоғи керак? У тарбияга хизмат қиладими ёки санъатгами? Болалар адабиёти билан боғлиқ суҳбатларда шу хил саволларга бот-бот дуч келиш мумкин. Болалар адабиётининг ўзига хос-хусусиятларини тўғрисида бундан роппа-роса бир юз эллик йил муқаддам рус адабиётшунос олими Беллинский шундай фикрни билдирган: «Болалар адабиёти тарбия учун ёзилади. Тарбия эса буюк иш, у

инсон тақдирини ҳал қилади». Мазкур фикр шундан сўнгги даврда бадиий адабиётнинг азал-азалдан ёш авлод тарбиясига хизмат қилишга қаратилган махсус турли – болалар адабиёти намуналарини баҳолашда асосий мезон бўлди, десак хато қилмаймиз. Бу мезон XX асрдан бошлаб ўзбек болалар адабиёти учун ҳам муҳим аҳамият касб этди. Шуниси қизиқки, бадиий ижод соҳасидаги ўзига хос бу сирага ҳар бир даврда ўзгача муносабатда бўлиб келинди. Жумладан, XX аср бошларида Ҳамза, Абдулла Авлоний, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудий каби илғор зиёлилар ижодида болалар адабиёти воситасидаги тарбия ўша пайтдаги тарихий шароит тақозосига кўра маърифатпарварлик ғояси билан боғланган бўлса, 30-йиллардан бошлаб социализм тантанасини ташвиқ қилишга қаратилиб, ижтимоий-сиёсий йўналиш касб эта борди. Натижада, курак декларативлик, даъваткорлик, тарғибот-ташвиқот руҳи дидактика билан уйғунлашиб кетди.

Замон билан ҳамнафасликдан иборат мазкур ижтимоий-сиёсий юк гоҳ у, гоҳ бу тарзда то истиклол давригача болалар адабиёти оёғига кўзга кўринмас кишан бўлиб келди.

Болалар адабиёти тарбиявий моҳиятнинг турли даврларда турлича тушунилиши ҳукмрон мафкура маҳсули бўлиб, унинг сўз санъати сифатидаги вазифасига соя солиши табиий эди.

Бу билан болалар адабиётининг тарбиявий моҳиятини инкор қилмоқчи эмасмиз. Аксинча, болалар адабиётининг сўз санъати сифатида махсус адабиёт эканлигини таъкидлаган ҳолда, унинг тарбиявий моҳиятига бир ёклама ёндашишнинг ўзини оқламаганини эслатмоқчимиз, холос.

Истиклол даври болалар адабиётида шартли равишда қуйидаги йўналишлар устуворлик қилганини айтиш лозим:

◆ Жамият тараккиёти билан боғлиқ публицистик йўналиш;

◆ Болалар феъл-атворида учраб турадиган жиҳатларнинг танқидига доир ҳажвий-юмористик йўналиш;

◆ Дунё муаммоларини, «одам ва олам сирларини», табиат синоатларини англашга доир фалсафий йўналиш.

Сўнгги йилларда нашр этилган турли жанр ва савиядаги кўплаб асарлар болалар адабиётининг маълум бир даврдаги манзарасини белгилайди. Бу борадаги ютуқ ва камчиликлар бадий ижоддаги шаклга ҳам, мазмунга ҳам баббаравар тегишлидир.

Бадий асар шакли ва мазмунининг уйғунлиги билан боғлиқ изланишлар хусусида сўз борганда, бу сирада изчил ижод қилаётган Мирозиз Аъзам, Анвар Обиджон, Турсунбой Адашбоев, Абдурахмон Акбар, Дилшод Ражаб сингари болалар адабиётининг вакиллари асарлари тўғрисида алоҳида тўхталмоқ жоиз. Болалар адабиёти олдидаги нима яхшию нима ёмонлиги хусусидаги азалий муаммо талқинида шоир Мирозиз Аъзамнинг «Қирк саволга қирк жавоб» китоби ҳаётдаги турли жумбоқларга ўзига хос жавоблар тарзида янгича бир ечимини топади.

Болалар адабиётининг сўз санъати сифатидаги улғувор вазифасини теран тушунган шоир бу адабиётни кичик китобхон даражасига туширмасдан, аксинча, кенг ўқувчилар оммасини юксак савиядаги нафосат оламига олиб кириш хусусида ўйлайди.

Шоир асарларидаги лирик қаҳрамоннинг Ватан қисмати ва фуқаролик бурчига оид безовта қалб кечинмалари унинг ижодида мушоҳадакорлик, ҳаёт жумбоқларини ечишга кучли иштиёқ, жамият, ҳаётга фаол муносабатда бўлиш билан боғлиқ фалсафий йўналиш такомил топиб бораётганини кўрсатади.

Ижодкорнинг «Айлана» ва «Энг ёруғ юлдузлар» номли китобларига кирган кичик сахна асарлари, шеър ва эртаклари, тарихий ҳикоятларидаги Имом Бухорий, Замахшарий, Амир Темур, Улуғбек каби буюк бобокалонларимизнинг умр йўлларидан келтирилган кичик-кичик ибратли воқеалар, болаларнинг олам жумбоқларини билншга оид изланишлари тасвири ҳозирги ҳаётимиз билан боғлиқ чин инсоний максадлар тарғиботига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Мирозиз Аъзамнинг тарихий мавзудаги асарларида ифодаланган фалсафий йўсинлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзлаштиришда

кичик китобхонларга заррача мушкуллик туғдирмайди, аксинча, уларни инсон ва замин, инсон ва Ватан, инсон ва жамият муносабатлари хусусида мушоҳадага чорлайди.

Инсон табиат фарзанди сифатида болалигидан бошлаб унинг сир-синоатини билишга қизиқади. Майса-кўқатларнинг дов-дарактларнинг ниш уриб кўкарнишдан тортиб, то қуриб-қовжираб қолгунича бўлган даврдаги турфа ҳолатлари, умуман, қуёш, сув, тупроқ, ҳаво уйғунлигининг ўзига хос қонуниятини азалий муаммо тарзида инсониятни болалигидан қизиктириб келади.

Қуддус Муҳаммадий ва Қудрат Ҳикматларнинг худди шу сирлар талқини билан боғлиқ ижодий анъаналарини изчил давом эттираётган Турсунбой Адашбоев асарларида табиатдаги ҳар бир ҳолат – манзара мўъжизаворлик касб этади. Баҳор элчиси бўлган бойчечак ўзини «офтобнинг парчаси» («Бойчечак») деб билса, куз фаслида «оқ ятакли қайинлар» зар балдоқ тақади, зарғалдоқлар чаҳ-чаҳлаб қушларга гап тайинлайди («Куз»). Ижодкор «Соғиниш» шеърида ҳар нарсага қизиқувчи бола тилдан ёмғир ёғиши янгича қислар билан ўхшатилиши туфайли кичик китобхон қалбига ҳайрат туйғусини солади:

Қуни билан,
Туни билан
Ёмғир эзиб ёғади.
Булутларни табиат
Эринмасдан соғади.
Кўча-кўйлар ялтирар,
Тухумдайин арчилиб,
Кўкнинг туби тешиланми,
Томчи тушар янчилиб?

Болалар шеърлятидаги табиат мавзусига дахлдор бошқа кўпгина асарлардан фарқли ўлароқ, Анвар Обиджон шеърларининг лирик қаҳрамони табиат ҳодисаларини, жонзотлар оламни ўзини воситасида идрок этади.

Маълумки, болалар адабиёти тадқиқотчиларининг қузатувларида, болаларнинг диққати турғун бўлмаслиги, шу сабаб уларга бағишланган шеърлий мисраларнинг қиска ҳижоли сўзлардан ташкил топиши талаб даражасида қўйилади. Аммо Анвар Обиджоннинг «Булбулнинг чўпчаклари», «Жуда қизик воқеа», «Ўғирланган паҳлавон» тўпламларидаги шеърларининг аксарияти бу талабга тўғри келавермайди. Назаримизда, бунинг боиси, бир томондан, халқ оғзаки ижодидаги анъанавий бадий тасвир усулларида, муболага, мажоз, киноя, иршоиди масал каби шеърлий санъатлардан зарғарона аниқлик билан фойдаланилганида, иккинчи томондан, воқеликка амал қилганида, кичик

китобхонларнинг кизикчишини, хаёлот оламини, диди ва тушунчасини катъий ишобатга олганидадир.

Масалан, иждокор «Кимнинг кўнгли нимада?» шеърда гурракнинг тут, кашкирнинг хўроз, итнинг суяк тўғрисида хаёл суришини санаш орқали болаларни ўша жонзотларга хос хусусиятлар билан таништирар экан, навбат хира пашшага келганида танқид найзаси киши билмас иркит болаларга қаратилади:

**Пашша деган сур хола, тўйган бўлса сал чала,
Борми деб кирроқ бола, тишим билмай
визиллар.**

«Дахшатли Мешполвон», «Ўғирланган пахлавон», «Одил Бургутшоҳ ва Замбуруг лақабли жосус ҳақида эртак», «Алишер ила Хусайн ёки уч доно ва ўғри» асарларнинг бадий тўқимаси муҳим ижтимоий ғоялар талқинида, фольклор аъёналарига мурожаат қилиш, ҳаётни ўйинлар воситасида англайдиган кичкинтойлар тушунчасига ҳар жиҳатдан мос келишини кўрсатади.

«Дахшатли Мешполвон» дostonининг бош қаҳрамони ўта қайсарлиги, лоф-кофга мохирлигидан ташқари ташки кўринишининг ғайритабиийлиги билан ҳам бошқалардан ажралиб туради. Унинг «кикки лужжи ноғора, бети офтобдан зогора, жагида эшак тепкисидан нақшланган чандик, қорни қирқ пудлик сандик, бурни мушукникидек пучук, елкаси баайни хурпайган чумчук, бўйин олдинга энкайган, кулоқлари динкайган, оёк босиши иланг-биланг, боши Ёзёвон чўлидек яп-яланг, кўринишидан камгапу аиқов, аслида, маҳмаданаю мижгов, кўзлари бойкушникидек ола... Хуллас, росаям кизик бола».

Асар сюжети Сепкилшоҳ бошлик босқинчиларнинг Мешполвонлар юртидаги хунрезликлари тасвири билан бошланади. Банди қилинганлар тилидан айтилган мунгли қўшиқ дoston матни замиридаги тағмаънони англатади:

**Мардлар сенга фидо бўлди,
Бизлар тирик жудо бўлдик,
Кечир бизни она юрт...**

Иждокор босқинчиларнинг кирдикорларини қулгили, кинояли тарзда тасвирлар экан, киндик қони томган заминни зулм ва хорликдан қутқариш, адолат тантанаси учун курашиш ҳар бир фарзанднинг муқаддас бурчи эканлигини қайта-қайта китобхоннинг қулогига қуйиб боради.

Анвар Обиджоннинг «Булбулнинг чўпчаклари» тўпламидан жой олган эртакла-

рида ҳеч муболағасиз жаҳон эртакчилиги, биригчи навбатда, Андерсен ва Перролар иждодий аъёналарининг миллий эртакчилик аъёналари билан узвий боғланиб кетганини алоҳида қайд қилмоқ жоиз.

Анвар Обиджон «Одобли бўлиш осонми?» эртагида Тўлпоқ сичқонча саргузаштлари орқали хашхулқлик, салом-алиқ қилиш инсон одобининг асоси эканлиги хусусида муҳим ҳаётий хулоса чиқарса, соф реалистик характердаги «Кекса ямоқчи» эртагида ямоқчининг рамзлар тўғрисидаги ҳикоялари кичик китобхонларнинг давлат рамзлари борасидаги тасавурларини янада бойитади, Ватанинг муқаддаслиги сирини англашга йўллайди. Мазкур эртаклар сюжетининг таранглиги, кизикарлиги китобхон диққатини қалғиб кетишдан сақлайди, қаҳрамонлар характерини ёрқин тасаввур қилишга қўмаклашади. Қурук панд-насихатдан холи, муҳим тарбиявий мақсаднинг турли тасвир услубида ифодаланиши Анвар Обиджон асарларининг ўқинишлигини таъминлайдиган омиллардандир.

Сўнги йиллар болалар адабиёти борасидаги изланишлар ҳақида гап кетганда, Дилшод Ражаб, Абдурахмон Акбар, Эрпўлат Бахтларнинг бир чимдим юмор орқали салмоқдор мазмун ифодаланган туркум шеърларини, Оллоёр эртакларию Нормурод Норқобиловнинг кисса ва ҳикояларини эсламаслик мумкин эмас.

Дилшод Ражабнинг «Ҳазилкашлар даврасида», «Отамнинг боғи» тўпламларига қирган шеърларининг қаҳрамони ҳаётда кўрган-қузатганлари юзасидан мантқиқли саволлар қўяди. Ёмғирнинг челақдан қуйилгандай шовуллаб тушмасдан ғалвир ёки элақдан ўтгандай ёғишню («Ёмғир»), тоғ тошларини қимлар ҳафсала билан бир жойга уйганигача («Тоғ»), зебранинг устидаги қатор-қатор қизиклари («Зебра»), қурқанинг қазабланиб – хурпайиб юрганча («Қурқак») уни кизиктиради, трамвайни поезднинг боласи («Поезднинг боласи») деб тушунади, телефоннинг жиринглашини ҳазил гапларни эслаб ҳиринглашга («Гўё») ўхшатади, ноғора қалинишидан жиддий хулоса чиқаради:

**Қўш қалтақда қидомай
Дод-вой солар ноғора.
Парво қилмас одамлар
Ўйин билан овора.**

Оллоёр эртаклари у ёки бу ибратли ғоя талқинида тасвирнинг тиниқлиги билан китобхон ҳаёлотини озиклантириш, ҳаёт ва табиатга фаол муносабат уйғотишига

кўра, кишида умид ва ишонч туғдиради. Жумладан, «Рангин қорлар», «Сехрли уйку» эртақларини мутолаа қилган болалар табиатдаги ўзларига олдиндан таниш манзара – ҳолатлар тасвирини ўқиб, уларга биринчи бор дуч келгандек ҳайратларга кўмилиши муаллифнинг изланишларидан далолатдир. Нормурод Норқобилов болалар насрининг усталари: Худойберди Тўхтабоев, Латиф Маҳмудов, Эргаш Раимовларнинг ижодий тажрибаларига суянган ҳолда, ўзига хос янги йўлдан боряпти. Унинг ёзувчи сифатидаги изланишларининг ўзига хослигини асарлари қаҳрамонларининг калтис вазиятларда синовлардан ўтиб, ўзига тўғри йўл таплаши, инсон ва табиат муносабатларининг айрича меҳр-муҳаббат билан ёритилиши мисолида кўриш мумкин. Бинобарин, адибнинг «Чангалзор ити» кинесасининг қаҳрамони шунчаки жонзот бўлмай, кўз ўнгимизда ўзига хос рухий дунёси билан гавдаланувчи бадний тимсолдир. У ўзининг феъл-атвори, хатти-ҳаракатлари билан болаларда инсоний муносабатлар хусусида муайян тассаввур пайдо қилади. Унинг «Капалак» деган ҳикоясида Нусрат исми болакайнинг характери зиддиятли воқеалар фонида очилади. Гўдаклиги кишлоқда яшайдиган бувилари бағрида кечган болакай отаси билан шаҳардаги уйларга кетишини эшитиб, қувончидан ўзини қўйишга жой топа олмайди. Аммо, отаси унинг орзу-хаёллари, кизикиши билан ҳисоблашмаслиги, табиатга нисбатан шафқатсизлиги билан бола қалбида чексиз исён юзага келтиради. Патижада, бола шаҳарга, ўз уйига боришга бўлган кизикишидан бутунлай воз кечади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларимиз, зинҳор бир томоғлама қарашга, яъни, болалар адабиёти бутунлай нуқсонлардан ҳоли деган нотўғри хулосага олиб келмаслиги лозим. Негаки, ҳар қандай ютук тинимсиз меҳнат ва узок изланишлар маҳсули сифатида юзага келиши сир эмас.

Болалар адабиёти муаммоларига онд изланишлар бу адабиётнинг тарбиявий моҳиятини бир ёқлама, жўн тушуниш қасаллигидан ҳали-ҳануз қутулмаётганимизни кўрсатади. Шу нуқтан назардан қараганда, Гулчехра Жўраеванинг «Табиатни кўп ўйламай», Ўлмас Ҳусанбойнинг «Бўлгин донм одобли», Ҳасанбой Эшбоевнинг «Аскар бўламан» каби шеърларида ифода қилган панд-насиҳатлар, яланғоч шиорлар тарзига айланганини кўриш мумкин.

Болаларни ўта гўл ва подон деб тушунишнинг ўзи нодонлик белгиси бўлганидек, уларни ақл ва ҳаётий тажриба борасида катталар билан бир қаторга қўйиш ҳам донолик саналмайди, албатта.

Болалар адабиётининг сўнгги йиллардаги намуналарини кўздан кечириб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

◆ Болалар ёзувчилари мавжуд адабий анъаналардан таъсирланган ҳолда, унинг қобиғини ёриб чиқишга астойдил уриниб, бу борада яхши асарлар яратишга эришмоқдалар;

◆ Болалар ижодкорлари асарларининг етакчи қаҳрамонлари талқинида ижтимоий ҳаётга фаол муносабат кўзга ташланмоқда;

◆ Баъзи ёзувчиларимизнинг янги тарихий муҳит шароитига мослашиши султ кечаётганга ўхшайди. Негаки, дунёни, умумий тараққиётни тушуниш билан боғлиқ зиддиятлар бор бўй-басти билан болалар адабиётига олиб кирилмаяпти. Аксинча, ислохотлар моҳиятини юзаки мадҳ этишга қаратилган асарлар урчиётганини кузатиш мумкин.

Қолбуки, ижтимоий жамиятдаги ислохотлар моҳиятини, гарчи, бу сиёсий талабга ўхшаса-да, тўғри англамоқ ва уларни болалар адабиётига олиб кириш ҳар жиҳатдан ўринли бўлади.

Бозор иқтисодиёти халқ ҳаётига жиддий туртки бергани ҳеч кимга сир эмас. Шундай бир вазиятда болаларни бозордан қайтарадиган даражадаги ҳамда бадний адабиётнинг сеҳрли оламга етаклайдиган қаҳрамонлар яратиш устида ўйлаб кўрилса ёмон бўлмасди.

Ўзбекистон халқ ёзувчи Шукур Холмирзаев бундан бир неча йиллар олдин катталар адабиёти бўйича қилган маърузасида «Адабиёт ўладими?» деган муаммони кўндаланг қилиб қўйган эди. Орадан йиллар ўтиб, болалар адабиётдаги ҳозирги адабий жараён хусусида сўз юритар эканмиз, мазкур саволни қайта таъкидлагимиз келади: болалар адабиётини Ватанимизнинг келажак тақдири билан боғлаб бўладими? Агар шундай бўлса, қайси йўлдан бормоқ керак? Янгилашни йўлидаги изланишлар болалар адабиётининг сўз санъати ва тарбия воситаси сифатидаги моҳиятига қай даражада мос келади? Бу ҳақда, табиийки, болалар адабиётшунослиги ўзининг қатъий фикрини айтмоғи лозим.



Исломжон Ёқубов,
филология фанлари номзоди

«МИЛЛАТ ГУЛШАНИГА Қўнган Андалиб»

Ҳамза қаламига мансуб «Янги саодат» романи етакчи қаҳрамонларидан бири – фақирликда ўсаётган Олимжон маъюс табиатли ўғил сифатида ўзидан кичикларга меҳрибон, катталарга таъзим-тавозедаги одоб-ахлоқи комил фарзанд бўлиб улғая боради. (Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. 5 томлик, 2 том. Тошкент. Фан нашриёти, 1988 йил. Мақоладаги романдан келтирилган иқтибослар шу нашрдан олинди). Олимжон уйда онаси ўқиб берган китобларни жон қулоғи билан тинглар, уларнинг сирли-сеҳрли дунёсига маҳлиё бўлар эди.

Хуллас, унда заковат ва фаросат шаклланиб, маърифатга ҳавас уйғонганди. Шу боис, у қўшни маҳаллалик ўртоғи Аҳмаджонга эргашиб, жадид мактабига боради. Олимжоннинг хатти-ҳаракатлари, одоб-ахлоқи, саволларга берган маънолик ва ширин жавоблари муаллимнинг диққатини тортади. Муаллимнинг: «Ҳамма болалардан сизга ортуқ муҳаббат билан қарайман», «ўғил қиламан» қабилдаги илтифотларига мушарраф бўлади. Бу ҳиммат ва марҳаматга сазовор бўлган Олимжон бечораликни унутгандай бўлади. Бу ҳолатни Ҳамза: «... хуршид булут орасиндан чиққондек чеҳраси бир оз ёришуб, ғунча каби ғамдан тўкилуб турган лаблари тўрт кунлик ойдек табасумлануб кеткан», дея ташбеҳ воситасида тасвирлайди (Ўша китоб, 408 бет).

Хурсандлигини уйдагиларга етказишга астойдил шошилаётган, бир олам қувончдан тўлиб-тошган Олимжонни адиб: «...китобларин бағрига босуб, оёқлари чалишуб уйига юрган», ҳолатда бутун руҳий кечинмалари билан чизади. (409 бет). Ўртоғи Аҳмаджонни уйига эргаштириб келиб, онаси ва синглиси йўқлигини билганида Олимжоннинг кўзлари маъюсона жовдирайди. У ҳовли ўртасида ҳайрон ва музтар ҳолатда қолади. Марям ва Хадича уйга келгач эса, юрагига бир оз қувват кира бошлайди. Онаси ва синглиси шафқатини ҳис этган онларда Олимжон чексиз ифтихор туяди. Улар меҳмонни ширин сўз ва нон-чой билан сийлашган ва унга марҳамат кўрсатишган лаҳзаларда анча дадиллашади. Бу каби инсоний ҳолатлар билан боғлиқ жараёнларни ифода этар экан, Ҳамза ҳам худди Қодирий сингари «қалам ожиз»лигини иқрор этади: «Оҳ, бу тўрт зотни мунча фақирликлар била бир-бирларига қилган меҳр-шафқат ва муҳаббатларини ёзуб чиқмоққа қаламим бутун ожиздур», – деб ёзади у. (410 бет).

Ҳамза инсоф, диёнат, меҳр, шафқат, мурувват, фуқаропарварлик каби қадриятларни улуғлайди. Бетаъма ва саховатпеша муаллимга эҳтиром билан қарайди. Аёлларда мулойим табиатлилик ва оқилаликни кўради. Олимжонни: «миллат гулшанида янги қўнган андалиб» (яъни, булбул), деб таърифлайди. Ҳамза ўлка тараққиёти йўлида миллат болаларига ҳиммат ва марҳамат кўрсатишда муаллимни ибрат қилиб олади. У Туркистон мусулмонларини миллатдошлар деб қараб, ялпи тарзда маърифатга даъват этиш концепциясини ҳам романга сингдириб юборади. Оилавий турмушнинг оқилона тарзда бошқарилиши, меҳр-муҳаббат асосига қурилишини ёқлайди.

Кейинчалик Қодирий ҳам ҳар томонлама етук қаҳрамонларни тасвирлашда Ҳамза анъанасини давом қилдириб, Отабек, Анвар образларини яратди. «Меҳробдан чаён» романидаги мактабдош дўстлар Анвар ва Насим муносабатлари Олимжон ва унинг ўртоғи Аҳмаджонни, Абдулла Қодирий қаламига мансуб ҳар иккала романдаги аксарият қаҳрамонлар маиший ҳаётидаги бечораҳоллик Ҳамза тасвирлаган Рузвон

ая ва Марямнинг ўксик қалбини эсга солади. Кумуш ва Раънодаги фозилалик, бир олам орзулар кучоғида яшашлик Марям табиатига яқин туради. Моҳларойимнинг Анварга кўрсатган турфа меҳрибончиликлари замирида Ҳамзанинг жадид муаллими характериға монанд талай муштаракликлар мавжуд. Ҳар иккала адиб насрий меросидаги бундай муштарак жиҳатлар, бизнингча, улар ижодий концепциясидаги яқинликдан келиб чиққан.

Эртага мактабга чиқишидан беҳад шодланган Олимжон гўзал хаёллар кучоғида анчагача кўзига уйқу инмай, алламаҳалда пинакка кетади. У тушида дўсти Аҳмаджонни кўради. Ҳамда унинг бу дамдаги кечинмаларини туш ва реаллик қоришиқлигида чизади. Эрталаб уйига келиб уни уйғотган ўртоғи Аҳмаджонни кўрган қаҳрамон дабдурустан, туш, хаёл ва ўнгини ажрата олмай қолади. Характер руҳий ҳолатларини тасвирлашда туш кўриш мотивидан фойдаланган Ҳамза шу орқали роман сюжетини ривожлантириш, қаҳрамон руҳияти манзараларининг воқеалар оқимиға ҳамоҳанглигини кўрсатишға интилади. Қаҳрамонлар фикрини банд этган ўй-фикр ва мулоҳазаларға эътибор қаратиш орқали эса адиб романда психологик тасвир унсурларини қўллади. Қаҳрамонларнинг ўзлиги, инсон сифатидаги моҳиятини очади. Бинобарин, имкон қадар табиий руҳий жараён саналмиш онг оқимини кузатишға ҳам уринади. Қаҳрамон ҳаётининг шаклланиш эволюцияси бирин-кетинликда хроникали сюжет асосида берилган «Янги саодат»да Ҳамза аксарият воқеаларни сабаб-оқибат тартибда жойлаштириб романда концентрик сюжет йўсинларини ҳам қўллади. Ўқувчи кўпинча қаҳрамон таржимаи ҳолининг аввалги босқичларига қайтар экан, бу ҳақда китобхонни огоҳлантириб қўйиш йўлидан боради. Бироқ, у эпик ривояда муҳитға бўлган реакциясини ҳам ошқора баён этадики, бундай ахборотлар роман бадииятини ночорлаштириб қўяди. Адиб ретроспектив усулда қаҳрамонлар ўтмишини жонлантиришға уринганида бу усулнинг сюжет ички ривожланишини таъминловчи воситаға айланишиға эриша олмайди. Ундан, асосан, сюжет воқеаларининг ривожланишини тўхтатиб қўйишға эҳтиёж сезганида, қисман эса қаҳрамонларнинг ўй-хаёллари, изтироб-кечинмалари ёхуд ўз қилмишларини таҳлил этишлари жараёнларини беришда фойдаланади.

Демак, Ҳамза қўллаган ретроспектив чекинишларнинг функцияси ўзига хос бўлиб, ўзбек романи тараққиётининг илк босқичи учун ижобий ҳодиса эди. Чунки, адиб насри анъанавий дostonлар ва романтик қиссалар услубидан тубдан фарқ қилиб, ўзига хослик касб этарди. Ҳамза характерларни эволюцияда кўрсатиш йўлидан боради. Айна пайтда, уларнинг ички драматик коллизияларига ҳам эътибор қаратади. Воқеа-ҳодисаларнинг қаҳрамон қалбида қолдирган ғуборлари, руҳиятиға кўрсатган таъсирини ифодалайди. Эпик воқеаларға лирик ҳарорат бахш эта олади. Ўқувчи бунга эпик воқеликни ҳиссий жараёнлар ҳисобиға бойитиш орқали эришади. «Янги саодат»да Ҳамза воқеаларни хотира ва тасаввурлар воситасида бериш, уларни ички кечинмалар нигоҳидан ўтказиш унсурларини дадил қўллаган. Бунга у ҳикоячиликни ўзидан соқит қилмаган ҳолда, турли ассоциацияларни ҳаётий воқеалар тасвирига имкон қадар пайвандлаш орқали эришади.

Ҳамза романда ўзининг илм-маърифат, мактаб-маориф, маданият-ахлоқ, халқ ва миллат ҳақидаги қарашларини илгари суради. Унинг қарашлари XX аср бошлари ижтимоий-педагогик фикр тараққиётида ўзига хос ўрин тутарди. Зеро, адиб тарбия ва ахлоқ масалаларини роман воқеалари кечаётган даврнинг талаб ва эҳтиёжлари нуқтаи назаридан таҳлил этади. У инсон хулқини анъанавий тарзда яхши ва ёмонға ажратса-да, замонавийликни асосий мезон қилиб олади.

Инсонда намоён бўлувчи эзгулик, олийжаноблик ёхуд разиллик ва бадбинлик тимсоли бўлган ахлоқий жиҳатлар кишида ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Улар муайян шароит таъсири остида тарбия характериға кўра шаклланади. Бу жараён шахснинг истак-хоҳишлари, ирода-майллари тўғри йўналтирилишиға бевосита боғлиқ. Демак, ҳамма нарса тарбияға дахлдордир. Ҳамза ахлоқ масаласини ва таълим-тарбия доирасини анча кенг тушунади. У ахлоқнинг нуқсонсиз бўлишини ёқлайди. Уни икки дунё шарафи бўлган илм асосиға қуради. Ўқиб ибрат олмоқ, яъни, фикр тарбияси билан жиддий шуғулланмоқ зарур, деб ҳисоблайди. Адиб жисм поклиги ва озодалиги руҳ тарбиясиға ҳам сезиларли таъсир қилади, деб билади. Шу боис ҳам романда нозик ҳамда салим фикрлар орқали китобхонда завқ ва ҳавас уйғотиш мумкин, деган ақидани илгари суради.

Ҳамза учун Ватан туйғуси энг инсоний, энг мўтабар туйғулардан биридир. Адиб Ватанни шунчаки ардоқламайди, унинг дардлари билан яшайди, бахтидан қувониб, фахр-ифтихор туяди. Романда ёзувчи эл-юртнинг истиқболи ҳақида қайғурувчигина эмас, балки унинг ғам-аламларига дил-дилдан дардқаш фарзанд сифатида намоён бўлади.

«Янги саодат» асари қаҳрамони Олимжоннинг ўқиб-ўрганишга ҳаваси чексиз. У эрта туриб, таҳорат олиб, масжидда жамоат билан намоз ўқийди. Маҳалла аҳли ҳурмати нуксонсиз бажариб, гўзал ахлоқи билан эл назарига тушади. Аҳли муслимнинг субҳдаги пок нафасларидан дуо олади. Эрталаб қаттиқ нон тановул қилмоқликнинг саломатлик учун фойдали эканлиги ҳақидаги Олимжон қарашларида унинг устозларидан эшитган ёхуд китоблардан ўқиган фикрларига амал қилаётганлигини кузатиш мумкин. Ҳамза унинг ҳатто қадам ташлашлари ҳам текис-текис ва оҳиста бўла боргани, салласи ихчам ва чиройлик ўралгани, кичик-кичик қўллари тавозе билан кўксига қўйилиб, кишиларга салом берганигача диққат қаратади. Чамаси, адиб қаҳрамоннинг ахлоқ ва одобда нуксонсизлигига бизни иқроп қилдирмоқ ниятида тасвирда батафсилликка риоя этади.

Жадид мактабини «бу дунёнинг боқчаси ва жаннати» (413 бет.), деб санаган Ҳамза мактабдаги харита ва бинолар тасвиридан тортиб, доска, чўт, стол-стулларгача ҳатто биноларнинг оқланганию полланганлигигача алоҳида аҳамият қаратади. Шу орқали янги мактабда ҳозирланган саранжом-сарихталик, покизаликни ибрат қилиб кўрсатади. Инсон азиз умрини илм-маърифат ўрганишга сарфлаши кераклигини уқтиради.

Роман қаҳрамони Олимжон назарида ўқимаган одамлар: самоварчи, нонвой, киморбоз, ўғри, кўча супурувчи, ямоқчи, қоровул, мешқобчи, эшакчи, исириқчи, гадой, қаландар каби паст хунарлар билан шуғулланишга мажбур. Ўқимаган бойларда мурувват, ҳиммат, инсоф йўқ. Улар кишининг дилига озор етказишадигина эмас, илмсизлик туфайли мол-мулки ва ҳаётини ҳам барбод қиладилар. Аксинча, ўқиган одамлар озода кийиниб юришади. Улар мударрис, мирзо, муаллим, савдогар сифатида иззат-ҳурмат топишади. Бир қадар ғайратсизроқлари ҳам масжидларда сўфи ё имом бўла олади. Муҳими, улар доимо ширин сўз, гўзал хулқли, мурувватли, ҳимматли кишилардир.

Олимжон ўз атрофидаги одамлар, хусусан, жадид муаллим ва ота-онасини қиёслар экан, ибратли ҳаётий хулосалар чиқаради. У ўқиб-ўрганиб «олим ва мулла», шунингдек, «бой киши» бўлишни мақсад қилади. Бу ишга чин ихлос ва эътиқод билан киришиб сезиларли натижаларга эришади.

Инсон тарбиясининг ҳар жиҳатдан мукамал бўлмоғини истаган Ҳамза миллат болаларини маърифатли қилиш орзусидаги зиёлий эди. Унинг маърифатпарварлик қарашлари Исмоилбек Гаспарали, Маҳмудхўжа Бехбудий, Саидрасул Азизий, Абдулла Авлоний ахлоқий-маърифий қарашларига яқин туради. Ўз илдизлари билан халқ оғзаки ижодининг ҳикоят, ривоят, масал жанрларидан озикланади. Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ», Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр», Саъдийнинг «Гулистон», «Бўстон», Пошшоҳўжанинг «Гулзор» асарларидаги маърифий-дидактик фикрларга туташади. Шунингдек, муайян жиҳатлари билан ҳиндларнинг «Калила ва Димна»си ҳамда Кайковуснинг «Қобуснома»сини эсга солади. Айниқса, миллатпарварлик ва ватанпарварлик туйғуси балқиб турганлиги жиҳатидан миллий истиқлол армони билан яшаган жадидлар дунёқарашига тўла мос келади.

Зеро, Ҳамза ҳам маърифат жамиятни маънавий поклайдиган қудратли куч, деб билган эди. Унинг эстетик қарашларига кўра келгуси авлоднинг истиқболи янги мактабдан таралаётган эзгулик нурларидан баҳрамандлик даражасига бевосита боғлиқ. Қобилият тарбия воситасида шакллантирилади, деган тезисга асосланган Ҳамза инсон тафаккурини ўстириш тарafdори сифатида кўринади. Роман қаҳрамони Олимжон руҳан ва фикран туйғун бўлгани сари ўзига ва ўзгаларга берган баҳоларида холислик, ҳаққонийлик, аниқлик даражаси ҳам ортиб боради. Ақл-идроки ва муҳаббат-эътиқоди теранлашаётган Олимжонни улуғлаган Ҳамза, аслида, тафаккур ва нозик туйғулар соҳиби бўлган инсонни шарафлайди. Мукаррам зот бўлган инсоннинг Ватанга муҳаббати ҳам юксак бўлмоғи лозим деб билади. Миллат руҳидаги ўзгаришларни улкан бир меҳр билан тасвирлайди. Жаҳолатни тараққиётнинг душмани деб билган адиб маориф, фан ва маданият орқали бундай

иллатдан буткул қутилиш мумкинлиги ғоясини илгари суради. Миллат тақдирига қайғуриш, пировардида, Ҳамзанинг ўз халқини маърифатли, маданий тараққиётда кўриш армони билан туташир.

Шубҳасиз, «Янги саодат»да ахлоқий-таълимий масалаларни маърифий-дидактик тарзда баён этишдек маърифатпарварлик адабиётига хос хусусиятлар сақланган. Бироқ, Ҳамза образларни имкон қадар реаллаштиришга, тасвир жараёнида қаҳрамон руҳиятига алоҳида эътибор беришга ҳаракат қилган. Қаҳрамонлар ҳаётини бутун мураккаблиги билан кенг кўламда ифода этган. Романга хос муҳим белгилар (оддий инсоннинг маиший ҳаётини тасвирлаш орқали ижтимоий ҳаёт ҳақидаги ўз эстетик идеалини ифодалаш, конкрет ҳаёт ва кундалик турмуш воқеаларига яқинлашиш, кенг эпикликни мумтоз адабиётга хос субъектив-лирик ҳарорат билан омухталаштириш, инсон қалбининг товланишларини бутун нозикликлари билан жилвалантиришга уриниш, шахс тақдири орқали давр характерини кўрсатиш маҳорати)ни биринчилардан бўлиб тўғри англаган ва амалда муваффақиятли қўллаган эди.

Ҳайрат билан ўқиб, устозлари таҳсинига сазовор бўлган Олимжоннинг бу лутф-марҳаматдан беҳад шодланганию имтиҳон мажлисига оталарни тақлиф қилиб, Абдуқаҳҳор номига берилган «Даъватнома» қўлига теккандан кейинги «юраги титраб, бағри эзилиб», руҳсиз ва маъюсланиб қолган ҳоллари романда ғоятда гўзал тасвирланади. Ҳамза унинг вайрон бўлган ҳасратли дилига кулоқ тутар экан, «Даъватнома» залворини англаган қаҳрамон учун бу «Таънаном» мақомини касб этгани хусусида тўхталиб: «...ўқувдан умиди кесилуб, ғариблик болушига ёстанган Олимжоннинг бекаслик била кируб, етимлик била чиқуб турган совуқ нафаслари»нида китобхонга ҳис қилдиришга уринади.

Шаҳарнинг боён ва уламо, қуззотларидан тортиб, фуқаросигача йиғилган беш-олти юзлик миллат мажлисида имтиҳон топширган Олимжон ўзининг хулқ-одоби, билимдонлиги билан бутун издиҳомни мафтун этади. Элнинг таҳсин ва раҳматига сазовор бўлиб, инъомлар олади. Унинг нуқсонсиз имтиҳон бериши кишиларнинг устоздан мамнун бўлишларига, унинг халқ орасидаги обрў ва эътибори ошишига ҳам сабаб бўлади. Баланд фаросатли, нозик руҳли, илми бақувват Олимжон сал фурсатда муаллимнинг яқин кўмакчисига айланади. Маслак ва матонатини маҳкам тутган қаҳрамон ҳар бир амалини ақл тарозусида ўлчаб қиладиган, бидъат ва хурофотдан асранувчи, қадриятларга эҳтиром билан қаровчи, сўзида собит зиёлига айланади. Ундаги ғайрат ва жасоратни анчадан бери синчковлик билан кузатиб юрган савдогар Абдурахмонбой ўзига мирзо ва ўғил қилмоқчилигини билдирганида, Олимжон онаси Марям ва маънавий падари муаллимнинг ризолигидан кейингина тақлифни қабул қилади. Абдурахмонбой ўқимишли, ҳалол ва тўғри йигит бўлиб ўсган Олимжон орқали ўзининг савдо-тижорат ишларини ривожлантиради. Олимжонга бўлган муҳаббати ва садоқати, унинг тadbиркорлигига ишончи туфайли ўзининг барча ишларини юргизишни мамнуният билан топширади.

Олимжон тижорат билан шуғулланар экан, вақтли матбуотни ҳам кузатиб боради, Ҳамза романда бундай нашрлар ҳақида тўхталар экан: «...газета, журнал, рўмон, адабиёт каби олами инсониятдаги миллият, маданият, ҳаёт, саодат била таништирадурғон матбуот», деб баҳо беради.

Дарҳақиқат, Олимжон Туркистон мусулмонлари мутараққий давлатлардан нисбатан орқада қолишларига сабаб бўлган иллатлар ҳақида фикрлайдиган жадид бўла боради. У хотин-қизларни замонавий илмлар руҳида тарбиялаш, уларни ҳам янги усул мактабларига жалб қилиш кераклигини англаб этади. Хотин-қизларга мўлжалланган эски услубдаги мактабга қатнаётган сингисини истиқболда отин библилик ёки ромчилик, парихонлик сингари ҳунарлар кутаётганидан қаноат ҳосил қилмайди. Хадичани мактабдан олиб қолиб, бўш вақт ажратиб ўзи таълим беради. Янгича, фикр-қарашлар, миллий руҳ борасида ўз билганларини муфассал ўргатади. Ҳамза ўлкада хотин-қизлар учун мўлжалланган махсус жадид мактаблари бўлмаган бир шароитда Олимжон каби маърифатли кишилар оила шароитида ҳам ўз қарамоғидаги хотин-қизларни ўқитиб тарбияламоқлари миллат истиқболи учун муҳим аҳамиятга моликдир, деган ғояни илгари суради.

«Янги саодат» асарини Ҳамза алоҳида меҳр билан тасвирлаган, таъбир жоиз бўлса ўз эстетик идеалини тўла сингирган қаҳрамонлардан бири жадид муаллимдир. Дарҳақиқат, муаллим ўз замонасининг етук билимдони. Унда миллат болаларига ўз

билимларини етказиш иштиёқи кучли. Муаллим инсон сифатида ҳам етимпарвар ва саховатпеша киши. Унинг ғариб ва мискин Олимжон каби элнинг иқтидорли фарзандларини илм-маърифатга даъват этиши шундан. Жадид муаллимга бир кўришдаёқ Олимжондаги гўзал хислатлар маъқул бўлади. Чунки синчков нигоҳи билан ўспириннинг зоҳиридаги фақирликни ҳам, ботинидаги улуғликни ҳам дарҳол илғайди. Кўпчилик олдида болакай хижолат чекмасин учун, дарс машғулотларидан кейин хужрасига чақириб унинг ҳол-аҳволи билан мукамалроқ танишади. Шафқат ва марҳамат кўрсатиш билан Олимжон қалбига йўл топади. Бундай илтифот, шубҳасиз, Олимжонни шодлантиради. Бир умр устозга ва мактабга ҳавасини орттиради.

Устоз янги шогирдидаги ўқиш-ёзишга бўлган ҳавас ва иштиёқнинг баландлигига завқи келиб, сабр-бардош билан таҳсил беради. Ундаги ғайрат ва ҳаракатчанликни сўндирмасликка астойдил тиришади. Ҳамза уни заминдан узиб буткул романтик пафосга ўраб бериш ниятидан йироқ. Муаллим оёғи ердан узилмаган одам сифатида ифода этилади. Чунончи, у шикаста дил, фақир Олимжон каби шогирдларга етимлик аламларини унуттириб самимий меҳрибонлик кўрсатади. Шунинг баробарида, мазкур шафқатга зид тарзда муаллим отаси Абдуқаҳҳор номига «Даъватнома» бериб, ўспириннинг нозик қалбига озор етказиб қўйиши мумкинлигини хаёлига келтирмайди. Вазият мантиғи бўйича бундан хабар топганида эса қаттиқ афсусланади. Бироқ саҳван қилинган ҳаракат тўғрисида келиб чиққан ҳолат-вазиятни ўнглаш зарур эди. Акс ҳолда, озорланган шогирднинг ўзига бўлган ишончидан маҳрум қоларди. Муаллим тadbиркорлик билан иш тутиб, Олимжоннинг хонадонига ташриф буюради. Ширин лутф ва лазиз марҳамат билан унинг қалбини ғам-ғуссалардан фориғ қила олади.

Жадид муаллим ҳамиша ва ҳар қандай вазиятда ҳам иқтидорли шогирдининг муваффақиятларидан астойдил суюнади. Олимжонни ўзига ёрдамчи қилиб олади. Унинг кейинги тақдирига ҳам ўта жиддий масъулият билан ёндошади. Чин маъносила Олимжонни барча шогирдларидан ортиқроқ кўради ва ўғил мақомида муносабатда бўлади. Унинг ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишига астойдил ёрдам беради. Олимжоннинг ҳам жадид муаллимни «маънавий ота» санаши бежиз бўлмай, ана шу инсоний меҳр-мурувват, устозларча бағрикенглик уруғларидан унган самимий туйғулар экани, шубҳасиз. Асар қаҳрамонларини инсоний муносабатлардаги инжа туйғулар самимиятига йўғириб тасвирлаш романда Ҳамза услубининг ўзига хос жиҳати сифатида намоён бўлади.

Абдурахмонбой ҳам Олимжоннинг садоқат ва матонати, ахлоқий поклиги ва қалбий гўзаллиги, инсоний ғайрат ва жасоратини, амалда кўргач, ёлғизгина қизи Назокатхонимни унга бериб, чин ўғил қилиб олмоқни истайди. Аслида, очиқ юз, ширин сўз Олимжонда қизнинг ҳам кўнгли бор эди. Шу боис, бойнинг аёли Шамсибиби ҳам бу ишга монелик қилмайди. Хадича Назокатнинг акасига ишқи тушганини билар, бу сирдан Марям ҳам огоҳ эди. Шунинг учун она уйланиш борасида ихтиёрни ўғлига беради. Олимжон устози билан бамаслаҳат яқинда хабарини олган отасини топиб келиш учун бир ҳафта муҳлат сўраб, Қўқондан Тошкентга жўнайди. Отаси уйдан кетганидан ўн икки йил ўтгач, ўн саккиз яшар Олимжон хат мазмуни бўйича Тошкент бозоридан сўраб-суриштириб отасини топади. Олиб келган янги либосларини Абдуқаҳҳорга кийдириб, уни Қўқонга қайтаради. Отасига янги дўкон очиб беради. Олимжоннинг тўйи икки оиланинг ҳамжиҳатлиги остида ўтади. Шу орада Олимжон ота-онаси ва қаттиқ бетоб бўлиб қолган қайнотаси билан маслаҳатлашиб, мактабдош дўсти Аҳмаджонга сингисини никоҳлаб беради. Натижада, биринчидан, ишбилармон ва садоқатли дўст, иккинчидан, савдо-тижорат юмушларига кўмақдош, учинчидан, оқил ва доно куёв муаммолари ҳал бўлади. Кўп ўтмай, Абдурахмонбой мол-давлатини буткул Олимжонга қолдириб, оламдан ўтади.

Афсуски, роман ниҳоясидаги воқеа-ҳодисалар ривожидида ҳеч қандай зиддият кўринмайди. Бу эса, ғоявий-бадий заифлик, юзакилик, бир қадар сунъийликнинг ҳам бўй кўрсатишига йўл очади. Чунки, муаллиф баёни орқали ривожланувчи сюжетда характер ва воқеалар ўртасидаги муносабат тўла ифодаланмайди. Ана шундай ўринларда, ҳодисалар тасвири таъсирчанликдан йироқлашади ҳамда ахборот тусини олади. Ўз-ўзидан аёнки, ахборотларда муаллифнинг характерларга бўлган муносабати ошкора намоён бўлади.

Исҳоқ Жабборов,
тадқиқотчи

«БИР ГАВҲАР БОР ЖОНИНГИЗДА»

Иждокор мозий воқелигини жонлантирувчи ҳар бир детал, аждодлар шахсияти, ижтимоӣ муҳит тасвиридан ҳамиша гуманистик мазмун, юксак инсонсеварлик ғояларни излайди. Инсонга бўлган ана шу чуқур меҳр-муҳаббат, гуманистик руҳ асарга халқчиллик ва ҳаётӣлик бағишлайди. Зеро, халқона ҳикмат, фалсафий бадиий умумлашмалар инсон шахси ва шаънини ҳимоя қилиши, улуғлаши жиҳатидан психологик тасвирнинг гўзал намуналаридир.

Шу нуқтаи назардан қараганда атоқли шоир Абдулла Орипов лирик қаҳрамонининг тарихий ҳақиқатни англаш, тушуниш ҳамда тушунтиришда ўз илғами, ўз йўли бор. Бу – олис ўтмишнинг қоронғи саҳифаларидан нур – ёруғликни топа билиши ва кўра олишида зоҳир бўлади. Бу, аслида, туркий улуснинг юрагида ёнган эрк – хурриятга интиқ орзу-армонлар шуъласидир. Бу, энг оғир, мутелиқда кечган йилларда ҳам эзгулик, яхшилик уруғини кўнгилларда тарбиялаган адолат ғоялари эди. Халқимизнинг ватанпарварлик, қаҳрамонлик, фидойилик учун сафарбар этилган тафаккур шуълалари эди.

Асрлар шундайин тенгиб ўтдилар,
Ер узра ҳукмрон гам бўлди факат.
Кимларки яхшилик донин экдилар,
Ёмон деб ном олди ўзи оқибат.

Ушбу сатрлар шоирнинг қалб қийноқлари, аччиқ азоблар, изтироблар мевасидир. Шу боисдан ҳам ҳар бир сатр ботиний психологизми билан ўқувчи шуурини қамраб олади. Кўнгилларни ҳамроз, ҳамдарад этади. Зеро, сўз – образлар сатрларга сингдирилган теран тафаккур замиридан бўртиб чиқади. Кўз очади. Шу жиҳатдан «Туркистон болаларига» шеърдаги миллат тарихига мурожаат мазмуни характериладир:

Тарихингиз шундоқ узок, жангу жадал деса ҳам бор,
Босқин ҳам бор, тошқин ҳам бор, касбу амал деса ҳам бор.
Бобур бўлиб сўрадингиз кўни-қўшни дунёларни,
Машраб бўлиб кездингиз гоҳ қашқир юрмас саҳроларни.
Ўт кетсин у қаро қунга – бировларга кул бўлдингиз,
Шарқу Ғарбининг ўртасида оёқости йўл бўлдингиз.
Бироқ иймон нури донм оқиб турган қонингизда,
Ўзингиз ҳам сезмагансиз, бир гавҳар бор жонингизда.

Абдулла Орипов шеърларидаги тарих туйғусининг ўзига хослиги шундаки, сўз – образлар ҳамда образли ифодалар (жангу жадал, босқин, касбу амал, қўшни дунёлар, қашқир юрмас саҳролар, оёқости йўл, иймон нури каби) кўнгилда кечаётган ҳиссиёт ҳаракатини, изтиробли туйғулар тўлқинини суратлантиради. Шу тариқа шоирнинг ўзига хос тафаккур табиатини, образли фикрлаш тарзини белгилаб берувчи қатор поэтик образлар (юлдузлар таъми, она ер тафти, мозий хаёли, ўтмиш ёди сингари) яратади. Бу тахлит поэтик образ яратиш маҳорати, сўз – образларни юзага келтириш усуллари Абдулла Орипов бадииятининг ўзига хос хусусиятини белгилайди. Шу боисдан ҳам шоирнинг поэтик луғати ниҳоятда бой. У ҳар гал янги-янги маъноларни англашиш баробарида, яна оҳорли ҳиссий ранг-баранглик ҳамда теранлик, серқатлам мазмундорлик касб этмоқда.

Миллат тарихи, буюк аждодларимиз ҳаёти ва тақдиридаги ҳар бир қадам биз учун ибрат-сабоқлар сифатида ҳам маъноли. Хусусан, аждодларимизнинг хатолари ҳам бугунги ворислари учун ҳикмат касб этади. Яъни, уларнинг билиб-билмай йўл қўйган янглиш ҳатти-ҳаракатлари, лафзи-калималари, босган одимлари бугунги авлодларни яшашга ўргатади. Шоирнинг «Хатолар» шеъри шу жиҳатдан муҳим.

Ёхуд, «Темур боғлари» шеърдаги боғ, дарахт, майса, минг кўзли юлдуз, боғи шамол, боғи беҳишт, ниҳол, оёгин гарди, чаман, чашма сингари тушунча ва образлар луғавий маъносидан кўра, кўламли мазмунни ифодалаш жиҳатидан ҳам муҳимдир. Олис мозийнинг талотум йилларида аждодларимиз буюк бунёдкорлик фаолияти билан машғул бўлганлигини, юртини обод, кўнглини чароғон этиб яшаб ўтганлигини англади. Дов-дарахтлар, ўт-ўлану

майсалар, ёмғир тахлитидаги табиат хоссалари ҳам тириклигимизнинг узвий бир бўлагига, ҳаётимиз мазмунига айлангани боисидан ҳам шукуҳли, фараҳли, сурурлидир.

Темурдек зотининг-ку қайтмоғи гумон,
Лекин не бўлса ҳам изи қолибди.
Қанча чеврилмасин, кўҳна бу жаҳон,
Боғи, иморати, сўзи қолибди.

Ушбу сатрлардаги поэтик образлар (из, сўз, боғ, иморат каби) шоирнинг олис мозийни, аждодлар тақдирини поэтик ифода этишдаги ижтимоий-ахлоқий идеалидан, эстетик принципларидан бохабар этишига кўра ҳам жиддий қизиқиш уйғотади. Из – бу шунчаки қадам белгилари эмас; сўз – ҳар куни, ҳар сонияда лафзимиздан кўчган нутқ ҳам эмас; боғ – шунчаки дарахтзорларни англаган тушунчадан йироқ. Улар буюк бобомиз Амир Темурнинг азми-шижоати билан бунёд этилган гўзаллик, боқийлик, ҳаётсеварлик нишонларидир. Айнан ана шундай ўринларда шоир талқинидаги тарихий шахс ҳаётининг фалсафий саҳифалари ёришади. Айнан шундай лаҳзаларда Абдулла Ориповнинг олис мозий воқелигини фалсафий идрок этишдаги, инсоннинг ҳаётдаги ўрнини суратлантиришдаги ўзига хос бадий тафаккур табиати янада равшан намоён бўлади. Абдулла Ориповнинг лирик қаҳрамони олис мозий воқелиги ҳамда буюк аждодларимиз ҳаётдан юксак маънавий-интеллектуал, ахлоқий маданият туйғуларини, ҳаётга бўлган доно нуқтаи назар ёруғлигини ўқийди. Бу – тарихнинг чўғир ва чўнқир сўқмоқларидан не-не машақатлар билан ўтган халқ ҳаётининг ҳикматларга йўғрилган тажрибасидир. Абдулла Орипов лирик қаҳрамонининг фикрлаш тарзида намоён бўлган юксак тафаккур ва туйғулар маданияти халқимиз маънавий-интеллектуал бойлигининг нишонларидир. Бу нарса, шубҳасиз, шоирнинг ҳаётга, мозийга, аждодларимиз тақдирига нисбатан теран фалсафий нуқтаи назарини белгилаб бермоқда. Айнан шу нуқтада шоир шеъриятидаги нурга илҳақлик, нур-ёруғликни соғиниш туйғулари кўз очаётир. Ана шу соғинч ҳиссида мозий воқелигининг янги-янги талқинларига эришади. Оҳорли кечинма-туйғуларнинг теран тафаккур булоқларидан сув ичаётганини ҳам ҳис қиламиз.

«Бобур ҳақида кичикроқ бир шеър ёзганман, – дейди Абдулла Орипов «Шеър – заковат» номли мақоласида. – Бобур, албатта, аждод сифатида менинг ҳам дилимда яшаб келарди. Бобурга XX асрда ҳам ўз салтанати соя солиб турибди. Шу сабаб, мен унинг шоирлигини қаламга олдим. «Мўмин Мирзо»да ҳам, чамаси, ўтмишдан ибрат ва замонга қиёс қилдирганман». Демак, ижодқорнинг мозий воқелигига ҳамда тарихий шахсга муносабатида нияти аниқ бўлиши зарур экан.

Ҳазрат Павойининг назари тушган,
Юрагида балки шеър қони жўшган,
Ғулчадек қалбида охи увишган
Мўмин Мирзо укам, сени ўлдирдилар.

Абдулла Ориповнинг тарихда ўтган улуг аждодларимиз ҳаёти ва тақдирига адоқсиз қизиқиши бугунги воқелигимизнинг шоир юрагига солган титроқлари, уй-ташвишлари самарасидир. Хусусан, шоир бугунги воқелигимизда кечаётган ижтимоий-ахлоқий масалалар ечимини изларкан, аждодларимиз тақдирдан уларга жавоб топгандек бўлади. Чунончи, Мўмин Мирзо кўлига тилладан занжир солишган. Бу шаҳзода йигитга ҳурмат белгиси эмас, йўқ. У қабоҳат, таҳқир белгиси. Не қабоҳатки, гарчи ёш ўсмирга салтанатнинг ҳеч қандай дахли йўқ эса-да, унинг бошини танидан жудо этдилар. Бу ёвузликнинг тантанаси, ўз қалбини кафанлаб ёлган билан баробар. Бадиуззамон ўз ўғлининг аламу қайғусида дод деб, оҳ чекади.

Абдулла Орипов шеърлари сирти тўлқинли, туби-ботини долғали уммонни эслатади. Шоир лирик қаҳрамонининг индивидуал бетакрорлиги шундаки, у беҳад ҳаётсевар, инсонпарвар, унинг ёруғ ҳаётни, нашъали тирикликни зулматга кўймоқчи бўлганларга, зулмкорликни ўз аъмолига дастак қилиб олган кимсаларга нафрати чексиз. Фикрлар, кечинмалар жунбуши ғайри инсоний қилмишларга қарши бош кўтаради. Ҳаётни гўзаллаштиришга, жамиятни поклашга, инсонни комиллаштиришга қарши ҳар қандай иллатлар, зулм кўринишлари лирик қаҳрамоннинг ғазабига дучор бўлади. Ана шу юксак гуманистик ғоялар шоир шеъриятидаги гўзаллик концепциясининг моҳиятини ташкил этади. «Алишер», «Аллома», «Бобур» сингари шеърларида шоирнинг ҳаётга бўлган ўзига хос муносабати бор. Эзгу ва қутлуг тарихийлик туйғуси шоир юрагида доимо яшаб келаётгани боисидан, у муайян бир кичик туртки сабабли шеърларга кўчиб ўтган.

«Шоирнинг халқ учун айтадиган гапи бўлмоғи зарур, – деб фикрини давом эттиради шоир юқорида қайд этганимиз «Шеър – заковат» номли мақоласида. – Тарихга тарих бўлганлиги учун мурожаат қилиш фойда келтирмайди. У бизга бугун ҳамда келажак учун керак.» Демак, ижодқорнинг олис мозий воқелигига мурожаати бугунги маънавий-ахлоқий ҳаётимиз талаби ҳамда эҳтиёжи тақозосидир. Маълумки, тарих ҳамиша ибрат, ҳикмат, сабоқлар мактабидир.

Бундай сира Абдулла Орипов ижодининг асосий моҳиятини ташкил этади.



Маҳкам Маҳмуд,
филология фанлари номзоди

ҲОМЕР ОЛАМИ

Ҳомер дostonларини ёзиб олиб, китобат ҳолига келтириш Юнонистонда милоддан олдинги VI асрда ва ундан аввалроқ давлат томонидан йўлга қўйилган. Милоддан олдинги IV асрда допишманд Арасту шоғирди, македониялик Искандар (Александр) учун «Илиада»нинг қимматбаҳо кичик сувенир наشريни чиқарган ва унга совға қилган. Арриан ва бошқаларнинг ёзишича, Александр қизғин жанг вақтларида ҳам «Илиада»ни ўзи билан олиб юрган ва ўқиган.

«Илиада» дostonида баҳодирлик, жасурлик, қаҳрамонлик, шон-шуҳрат, адолат ва ноҳақлик, севги ва нафрат, ор-номус, гўзаллик ва хунуқлик, улуғворлик ва тубанлик, уруш ва тинчлик, ватан мудофааси, жисмоний ва руҳий баркамоллик, дўст ўлимга қайғу, ғазабдан туғилган мардининг номардчилиги, шахс ва халқ манфаатлари тўқнашуви, ҳаётнинг ширинлиги ва ўлимнинг аччиқлиги, дағаллик ва нафосат, тақдирга таян бериш ва илохий қудратга қарши исён, бағридарёлик ва феъл торлик, мангулик ва фонийлик, хуллас, инсоният ҳаётининг деярли барча қирралари ҳаётий, ишонарли, реалистик ҳам сирли, романтик, қутулмаган воқеа ўзгаришлари – перипетиялар, мушкулотлар билан муфассал тасвирини топганки, юксак бадииятни ва маънавий бойликларни англашга қуввати етган ўқувчи ҳайратлар оламига шўнғини табинийдир. Ҳомер (Омир) назарида Троя уруши ҳар икки томон учун адолатлидир. Троя шахзодаси Парис Спартадан шох Менелайнинг ёш ва гўзал хотини Еленани олиб қочгани сабабли Микен шoҳи Агамемнон етакчилигида бир тўп иттифоқчи юнон давлатлари Трояга қасос олиш учун келадилар, орийт уларни оғир урушга етаклайди. Трояликлар эса ўз ватани ҳимояси учун урушадилар. Лекин гўзаллик ўғриси Париснинг енгилтаклигидан ҳар икки томон ҳам порози.

Яна ажабланарли ва қизиғи – Ҳомер дostonида бу қонли жангларда, яккама-якка олишувларда «илоҳлар» ҳам фаол аралашади. Улардан баъзилари, Зевснинг хотини Ҳера Троя шахзодаси «Аёлларнинг энг гўзалига» аталган олтин олмани унга бағишламагани учун Агамемнон, Менелай, Ахилл тарафида. Афродита эса «Энг гўзал» деб тақдирлангани учун Троя ва Парис тарафида. Донолик илоҳаси Афина ўзининг сеvimли қаҳрамони Одиссейни ҳимоя қилади.

Лекин, жаҳл келса ақл қочади дегандай, жанг қизиғида баҳодирлар баъзи илоҳларга ҳам ҳужум қилдилар. Бу билан Ҳомер урушлар ақлга энг эканлигини айтмоқчидир. «Одиссея» дostonида ҳам энг оғир дамларда Афина қаҳрамонга ёрдамга келади. Одиссейнинг ўғли Телемах ҳам Афина ёрдамида чақирилмаган «меҳмон» – куёвларга қарши туради. Бу дostonларда илоҳларнинг турли гуруҳларга бўлиниб, ўзаро урушганлари – уларнинг ўйини, эрмағи сифатида талқин этилади.

Рус мутафаккири Чернишевский (у қадимият тарихини, муқаддас китобларнинг моҳиятини яхши билган) «Илиада» ва «Маҳобҳорат» каби дostonлар неча минг йиллар давомида турли ва тарқок қабила ва элатларни қудратли халқ даражасига кўтарган, миллий онгини уйғотувчи асарлардир, деб ёзган эди.

Француз мутафаккири Шарль де Монтескье «Римликларнинг юксалиши ва пикирозининг сабаблари ҳақида мулоҳазалар» асарида Рим ҳарбийларининг доимий ва оғир қуролларни кўтариб югуриши ва сакраши, барча ҳаракатларда чакконлик

ва жасурлигини, шу сабабли улар кўн сонли душманларини ҳам енгишини айтар экан, Ҳомер дostonларида ҳам барча қахрамонлар кучли, чаккон, қийин ишларга ҳам мохир эканлигини тасвирлашини эслатади. «Илиада» дostonида Гектор катта харсангтошини кўтариб, душмани Патроклотадади.

Шарль де Монтескьё айтидики, баъзи олимлар Ҳомернинг қахрамонларини бундай тасвирлашдан куладилар. Агар бу тасвир кулгили бўлса, римлик Саллюстийнинг қахрамони Помпейнинг югуришида, сакрашда, оғир парсаларни кўтаришида мохирлигини макташи ҳам кулгили дейишга тўғри келади.

Яна бир ўрнида Шарль де Монтескьё айтидики, карфагенлик буюк саркарда Ганнибал устидан ғалаба қозонган римлик қахрамонларни тарихчи Тит Ливий гулчамбарлар билан безайди. Аслида, у Ҳомер каби (қахрамонликнинг ўзини) харакатини кўрсатса соз бўлар эди, деб юнон даҳосига юксак баҳо беради.

Шарль де Монтескьё «Қонунлар руҳи ҳақида» номли салмоқли асарида Ўрта ер денгизи соҳиллари, Кичик Осиё ва Қора денгиз жанубида савдо-сотиқ туфайли бойиб кетган обод шаҳарлардан Родос, Коринф, Орхомен ҳақида сўзлар экан, Ҳомер асарида худди шу шаҳарлар бой деб таърифланганини эслатади. У яна Эллада ва Македония сайёҳлари, Мисрда Птолемейлар ва Кичик Осиёда Антиохия подшоҳлари Қора денгиз ва Каспий денгизларини, Каспийга қуйилувчи Амударёни ҳам океanning бир қисми деб янглишганларини айтиди.

«Табиат ва санъат асарларида бадний дид ҳақида тажриба» асарида Шарль де Монтескьё айтидики, саҳнада ўйнаганида жозибали бўлган актриса уй либосида ҳам томошабинга жозибали кўришади, чунки, унинг шу аёл ҳақидаги диди санъат асарини кўрганида шаклланган, дейди. Француз мутафаккири шу ерда яна Ҳомер дostonидаги Афродита (римликлар Венера, Шарк халклари Зухра дейдилар) жозибасининг сирлари ҳақида фикрлар экан, унда гўзаллигидан ташқари қаддини жозибали қилиб турган сирли белбоғи борлигини айтиди ва Ҳомер буни қандай билган экан деб хайратланади. Ҳомер тасвирлашича, Афродита шу сирли белбоғини таққанида қудратли жозоба, таъсир кучига эга бўлар экан. (Шарль де Монтескьё. Танланган асарлар, 715-бет.)

Олмон романтизм оқимининг ёркин вакили Жан-Пол Рихтер «Эстетиканинг бошланғич мактаби» деб камтароша атаган ажойиб асарининг «Романтик поэзиянинг моҳияти» фаслида қахрамонликлар даври жаҳоннинг турли халкларида бўлса ҳам, фақат юнонлар шеърлятида мангу ёғду соча бошлади, дейди. У маънолари, ранглари ва оҳанглари чексиз поэзияни Шиллер фақат «ибтидоий шеърлят» (Ҳомер, Эсхил, Софокл, Эврипид ва бшқалар) ва «янги шеърлят» деб, иккига бўлиб қўйишини танқид қилади. Жан-Пол Рихтер ҳатто биргина романтик поэзиянинг ўзи Ҳомер ва Софоклда бошқача, Петрарка, Ариосто, Шекспир ва Сервантесда ўзгача руҳда эканлигини, даҳоларнинг шеърляти барча даврларда, барча халкларнинг ҳаётини гуллатиб-яшнатиб туришини, чексиз гўзалликлари билан барчани мафтун этишини айтиди.

Қадимият тарихчиси Плутарх ёзишича, Спарта давлатининг раҳбари Ликург қаерда яхши давлат тузуми бор экан деб, излаш учун Кичик Осиё шаҳарлари бўйлаб саёҳат қилиб борганида Ҳомер поэмалари билан биринчи марта танишиб, уларда (поэмаларда тасвирланган) гўзалликдан завқ-шавқ олишдан ташқари, тарбиячи ва давлат арбоби учун фавқуллода фойдали деб, уларни тартибга солиб, ўзи билан олиб кетган. Пифагорчи файласуфларга ҳам руҳ тарбияси учун Ҳомер дostonларининг айрим ўринларини ўқиш тавсия қилинган. Арасту ҳам «Поэтика» асарида ўз фикрларини далиллаш учун Ҳомер дostonларига кўп мурожаат қилган. Буларнинг ҳаммаси Ҳомернинг ҳам буюк шоир, ҳам донишманд, маърифат ва маънавият даҳоси эканлигини кўрсатади.

Баднийят заршуноси Белинский Ҳомер асарини бундай таърифлайди: «Илиада»да дин – ижтимоий ҳаётнинг бошқа стихияларидан ҳали айрилган эмас: халқ ҳукуки, снёнй тушунчалар, граждан ва онла муносабатлари – ҳаммаси тўғридан-тўғри диндан келиб чиқади ва ҳаммаси динга бориб такалади.» Муғомбир Одиссей Аяке Теламонид билан ким ўзишга чопишади, рақибининг ўтиб кетишини кўриб у Палладага сиғиниб, ёрдам сўрайди: Зевсинг кўк кўзли қизи (Афина) ўз суюқлисига раҳм қилади. Аяке бузқ тезағига сирпаниб йиқилади ва Одиссей биринчи мукофотни, кумуш қосани олади, Лекин Аяке ҳам шод, чунки, у иккинчи мукофотни, «бокилиб семурган, эти микти бузоқни» олишга муваффақ бўлади. Кўрасизми: одний тасодиф – тасодиф эмас,

ўз суюқлисига кўмак берган маъбуданинг иши, Аякенинг ўзи бунга бутун жони билан ишонади.

Турди, дала бутасининг шохларини ушлаб олди,
Тезакларни у тупуриб, Аргивияларга деди:
«Яшиничининг қизи, дўстлар, оёғимга зиён берди, Афина,
У Одиссейга доим ёрдам қилар бир – она!»

(XXIII қўшиқ)

Одиссей инсон дополигининг юксак нуқтасидир; лекин унинг дополиги нимада? Унинг дополиги қувликда, кўпинча кўпол ва юзаки қувликда, биз буни оддий тилда «тил ёғламачилик» деймиз. Лекин гўдак халқ назарида бу қувлик мумкин бўлган дополиқнинг энг баланд босқичи бўлиб кўринган. Ҳомернинг энг юксак ва оддий фикрларининг соддадил бўлиши ҳам мана шундадир. Ҳомернинг яшаган даври Кееркенинг Грецияга ҳужумидан 600 йил аввал, деб фараз қиладилар, бу давр халқнинг гўдақликдан тамом чиққан, маънавий ва граждалик ҳаёти тўла тараққий қилган давридир. Демак, Ҳомер ўз «Илиада»сида қандай бўлса, турмушда ҳам худди шундайдир: тасвир этган воқеалари илҳом орқали қандай равшан кўринган бўлса, худди шундай бўлиши мумкинлигига у чин дилидан ишонувчан бир кекса-бола, соддадил бир дахо эди; хуллас, у ўз ижоди билан бир бўлган ва ижоди ҳам унинг муқаддас эътиқодларининг, унинг энг чуқур ишончларининг самимий ва соддадил ифодасидир. Бирок, Ҳомер Троя уруши замонларида эмас, балки ундан икки юз йил кейин пайдо бўлган. Агарда Ҳомер ўша воқеанинг замондош кузатувчиси бўлса эди, ундан бир дoston яратаолмас эди: воқеа ёш халқнинг жонли ва кўркем фантазиясининг шонирона афсонаси, эртаги бўлиб қолиши лозим эди; воқеа қахрамонлари узок замонлардан, уларнинг табиий гавдасини ғоят даражада катталаштирувчи ўтмиш ичидан кўриниши керак эди; уларни кўзга ташиланадиган қилиб, бошдан-оёқкача шухрат, шон нури билан бежаб, яқиндан қаровчи кўзга жуда яққол кўринадиган ҳамма ғадир-будурларни ва оддий тафсилотларни ёпиб кетиши лозим эди.

Ҳозирги нарса гўдак халқнинг шонирона асарларига мавзу бўлаолмайди, ўзининг музалар ҳақида айтган афсонавий кўшиғида, кейинча герман фикри билан инглиз равишида ривожлантирилган поэзия моҳиятини баён қилган қадим замон кексаси Ҳесюд шундай дейди: «Музалар унга (Ҳомерга) илоҳий кўшиқ сўзлайдилар, у келажакни ва ўтмиш воқеани мақтасди», лекин музаларнинг ўзлари «ҳамма нарса ҳақида, нима бор, нима бўлади ва нима бўлиб ўтган, барисини сўзлаб, Олимпда Диянинг (Зевснинг) буюк ақлини кўшиқлар билан хурсанд қиладилар; факат илоҳий поэзиягина, ўтмиш ва келажакдан ташқари, ҳозиргини ҳам қамрайди, чунки фаришталар ҳаётнинг ўзи поэзия ва саодатдир. Аммо Ҳомер яшаган давр, у қуйлаган воқеа давридан жуда кўп узоклашмаган эди: ҳамма нарса ҳали ўша воқеа билан тўла эди. У ҳақдаги афсоналарга, тарихга ишонган каби ишонар эдилар».

Милоднинг II асрида яшаган яна бир буюк адиб ва мутафаккир Луций Апулейни сеҳр-жоду билан одамларга зарар етказишда айблаб, судга берганларида у «Анология» деб аталган нутқида истисносиз, барча илмларни билгувчи Ҳомерни шафё келтириб, ундан денгиз мавжудотларидан турли қиёфаларга кирувчи Протей фойдаланмаслигини айтади. Апулей яна бир ўрнида севги маъбудаси Венера (юнонча Афродита) белбоғи билан сеҳр-жоду қилиши ҳақида Ҳомер «Илиада»сининг XIV фаслига ишора қилади. Шу ерда Ҳомер тасвирлашчи, Гера эри Зеве трояликларга ёрдам бермасин деб, Афродитадан сеҳрли белбоғини сўраб олади ва эрини мафтун қилади.

Элладанинг етти шаҳар – давлати (Афина, Аргос, Фив, Коринф, Эвбея ва бошқа шаҳарлар) шоир Ҳомерни ўз ватандошимиз, ҳамюртимиз деб таланиб, тортишиб, уни шарафлаб, мангуликка ёдгорликлар ва хайкаллар ўрнатганлар. Бунинг сабаблари кўп.

Ҳомернинг «Илиада» ва «Одиссея» дostonлари ва бизгача етиб келган ва йўқолиб кетган илоҳий гимнлари, ямбий, ҳажвий шеърлари жаҳон мумтоз адабиётининг дурдоналаридир. Ҳомер асарларида ўн йиллик Троя уруши воқеалари, қахрамонлари, илоҳий зотларнинг қилмишлари тасвири билан бирга, оламнинг пайдо бўлиши, яратувчи ва унинг итоатидаги «илоҳлар» – фаришталарнинг инсоният билан муносабатларига доир мишг ва миллион йиллар давом этган жараёнлар, инсон ҳаётининг деярли барча соҳалари теран билимдонлик, доғишмандлик билан тасвирлаб берилгани хайратланарлидир.

Драма даҳоси Эсхил «Менинг драмаларим Ҳомернинг тўқин-сочин, поэма-матларга бой дастурхонидан тўқилиб қолган ушоқлардир», деган эди. Афлотуннинг Ҳомерга муносабати эса, мураккаб эди. Ҳозирги тил билан айтганда, у Ҳомернинг шухратига раҳми келарди.

Қадимиятнинг баъзи мутафаккирлари Ҳомер дostonларини севиб ўқир эдилар, унинг бадний қудратини, фикрий тераплогини алқаб, макташар, эъозлаб, хайратланишар, айни вақтда, шоир илоҳлар хаётини тубан, ахлоксиз одамлар хаётига ўхшатгани учун уни ёлгончига чиқариб сўкар эдилар.

Сукротдай софдил, бағри дарё донишманд ҳам Ҳомер дostonларининг баднийати хайратланишарни даражада юксаклигини макташ билан бирга, шоирнинг донишмандлигини тан олгиси келмай, ёмон сўзларни айтган (бу ҳақда қуйроқда тўхталашади).

Машҳур географ ва тарихчи олим Страбон «География» асариди, I китобининг аввалги бобларида (1—3) Ҳомернинг «Илиада» ва «Одиссея» дostonларида тасвирланган тарихий ва жуғрофий худудлар хақида аввалроқ ўтган географ ва файласуф Эратосфенининг фикрлари билан баҳс-мунозара қилади. Гап шуидаки, Эратосфен ҳам «География» китобида Ҳомер келтирган жуғрофий маълумотлар ишончли эмаслигини айтган. Страбон эса Ҳомер берган жуғрофий маълумотлар ишончли, лекин бу маълумотларда баднийат қонуларига кўра адабий тўқима, ижодий фантазия аралаш, дейди. Страбон фикрича, буюк шоир Ҳомер асар воқеалари, қахрамонларининг характерлари, хатти-харакатлари тасвирини тингловчи ва ўқувчиларга марокли, ибратли, фойдали бўлиши учун фавқулодда, муболагали воқеаларни кўрсатган.

Эратосфен фикрича, барча даврларда шоирлар, фақат тарбия учунгина эмас, балки кўнгли очиниш учун ҳам ёзадилар. Страбон айтадики, ўтмишдаги ва бизга замондош буюк шоирлар ўз асарларида ҳам тарбия, ҳам роҳат, хузур беришни мақсад қилганлар. Айни вақтда, хақиқий шоирлар файласуф ҳамдир. Арасту «Поэтика»да бу фикрни тасдиқлайди. Унинг таъбирича, шоир кўпроқ файласуфдир.

Диоген Лаэртний ёзишича, Ксенофан машҳур донишманд Анаксимаандрининг замондоши бўлиб, фалсафий асарлардан ташқари Ҳомер ва Ҳесиоднинг «илоҳлар» хақидаги ёлгонларини «қамчилаб», масҳара қилиб, ямбий (ҳажвий) ва элегик шеърлар ёзган. Фалсафада оламнинг асоси масаласида у Фалес ва Пифагор билан баҳслашган.

Сукротдан бошқа ҳеч ким билан кўришмайдиган ва сўзлашмайдиган, чангалзорда ёввойидек яшайдиган файласуф Тимон бир шеърда аввал ўтган Ксенофанини бундай мактайдди:

Ҳомер ёлгонларини фони этган инсон,
Алжирамас эди ҳеч қачон...

Ксенофан Эрон – Юнон урушида асир тушиб, қул қилиб сотиб юборилганида, пифагорчилар товои тўлаб, уни озодликка чиқарганлар. Элеяли файласуф Парменид (Афлотун асарларидан бири унга аталган) Ксенофанга шогирд эди.

Биз учун Ксенофан нима сабаб Ҳомер ва Ҳесиодни ёлгончига чиқаргани ҳам, унинг «худолар» кўн эмас, биттадир, деган ғояси ҳам қизиқарлидир. Машҳур моддиончи Гераклит эса Ҳесиодни ҳам, Пифагорни ҳам, Ксенофанини ва милетли Гекатейни ҳам кўшиб, масҳара қилган: «Кўн билниш (кўн ўқиш) билан одам ақлли бўлиб қолмайди, агар шундай бўлса Ҳесиод ва Пифагорга, шунингдек, Ксенофан билан Гекатейга ҳам ақл қирган бўлур эди». Лекин, хазилми, чинми Гераклитнинг бу фикри баҳсли, албатта. Ксенофанининг куйидаги қайдлари Гераклитнинг фикри тўғри эмаслигини кўрсатади:

«Абадий бор мавжудот (қайсидир замонда) пайдо бўлмайди... Агар Худо барча мафжудотларининг энг қудратлиси бўлса, у фақат битта бўлади, агар у каби худолар мавжуд бўлса, у энг қудратли Худога нгоат этса, бу тобеъларни Худо деб бўлмайди. Агар бошқа илоҳлар чиндан илоҳ бўлса, улар ҳам энг қучли ва энг яхши бўлиши керак эди...»

Ксенофан мана шу фалсафий мавқеадан туриб, Ҳомер дostonларида Зевсдан бошқа яна кўн худолар тасвирлангани учун шоирни ёлгончига чиқаради. Ксенофан бу фикрида ёлғиз эмас эди. Пифагор, Сукрот, Афлотун ҳам шу фикрда эдилар. Афина халқ суди шу сабабли Сукротни ўлимга ҳукм этган (у кўнхудодликни рад қилгани учун).

Ҳомер атрофидаги ғоявий-фалсафий баҳслар биринчидан, шоир «худолар»ни одамга ўхшатгани, иккинчидан, уларни қудратли деб кўрсатиш билан бирга, ёмон хулқ-атворли, ахлокий тубан одамларга ўхшатиб тасвирлашни сабаб бўлган.

Александриялик Климент «Строматлар» («Фалсафий мушоҳадалар») асарида, «Ксенофон Худонинг бирлигини ва у одамлар каби моддий, гавдални эмас, ножиҳмоний (ъъши, руҳий) эканлиги хақида яхши далиллар айтган», деб, унинг мазкур сатрларини келтиради:

Худо одамлар ичра энг улуг ва биттадир,
У киёфада ҳам, акл-идрок, онгда ҳам одамлардай эмас.
Аммо одамлар ўйлайдики, худолар кимдандир туғилган деб...

Кейинроқ яшаган донишманд Секет Эмпирик «Уламоларга қарши» мақоласида Ҳомер ва Ҳесноднинг танкид қилган Ксенофоннинг қуйидаги байтнинг келтиради:

Бу шoirлар илоҳларнинг турли-туман куракда турмас
Тасвирлашни ўғрилгини, бузуклигини, макру хийласини.

Арасту «Риторика» асарида ёзади: «Элея аҳли Ксенофандан «илоҳа» Левкотеяга қурбонлик қилайликми ва ўлимга аза тутайликми? деб маслаҳат сўраганларида, Ксенофан айгадики: «Агар сизлар уни (Левкотеяни) илоҳа деб билсангиз, унга аза тутманглар, агар ўлган десангиз қурбонлик келтирманглар». Ҳомер ва Ҳеснод достонларида илоҳлар тасвири ва Ксенофоннинг уларни танкид қилиши масаласига александриялик Филон «Тақдир хақида» асарида аниқлик киритади: «На Ксенофан, на Парменид (унинг шогирди), на Эмпедокл, на бошқа илоҳиётчи-олимлар шеър ёзсаларда, поэзия шайдолари эмас эдилар. Улар табиат хақида фикр-мулоҳаза қилишдан севинч топар эдилар, улар ҳалоллик, покликни ва тағриини шарафлаб яшадилар. (Филон бу ерда Ксенофоннинг Худони битта деганини эслатмайди. М. М.) Булар истезодли шoirлардай эмас, юксак ахлоқли, жавонмард кишилар сифатида шон-шуҳрат қозондилар. Қани эди бу зотларга ҳам илоҳий илҳом, самовий фароғатдан туғилажак вази, самовий, илоҳий оҳанг ва равоиллик (ритм) насиб этган бўлсайди, улар келгуси авлодларга барчага намуна бўладиган хақиқий шеърлар, асл, мукаддас китобларни мерос қолдирган бўлар эдилар». (Филон яна бир ўришда): «Нечун Эмпедокл, Парменид, Ксенофан ва уларга жўр бўлмиш тақлидчилар илоҳиёт хақида ёзганларида музалардан (санъат париларидан) илҳом олманмиш?» Александриялик Филон бу сўзларни билан Ксенофан, Парменид ва Эмпедоклга ҳурмат билдиргани холда, Ҳомер ва Ҳеснод шеърининг илоҳий илҳом билан ёзилгани учун мактагани сезилиб туради.

Диоген Лаэртний ёзишича, Ксенофан яхшигина шoir сифатида ҳам шуҳрат қозongan, у Ҳомер ва Ҳесноднинг шеърини, шон-шуҳратига ҳавас қилиб, ўз Ватани тарихига доир «Колофоннинг ташиқил топини» ва «Италия Элеясининг босиб олинниши» поэмаларини ёзган (хар бири 2 минг мисрадан иборат). У бахши шoir сифатида ўз поэмаларини қуйлаб айтарди. У эпик шеър (поэма), Ҳомер ва Ҳеснодга қарши ямблар ёзди. Фалес ва Пифагор фикрларини ҳам танкид қилди.

Шеърининг мусиқийлиги, оҳангдорлиги жиҳатидан ҳеч ким Ҳомерга тенг келолмаслигини Афишей, Сукрот ва Афлотун ҳам эътироф қилганлар. Бу жиҳатдан қараганда, Афишейнинг қуйидаги мулоҳазаси муҳимдир: «Қадимги шoirларнинг муенка билан қариндош-яқинлигини Ҳомер достонларидан билиш мумкин. У (Ҳомер) шеърлари мусиқий, оҳангдор бўлганидан, айрим байтлари бошланмишсиз, бўш, узук-юлуқлигига нарво қилмайди. Ксенофан, Солон, Феогнид, яна коринфлик элегиянавне шoir Периадр (етти донишманднинг бири Солон, бири Периадр. М. М.) ва бошқа шoirлар просодия – қуйланувчи шеърларига кўн сайқал берсалар ҳам, буларда бошланмишсиз, заиф, узук-юлуқ мисралар бўлмаса ҳам Ҳомер шеърини оҳангдаор эмас».

Антик давр мутафаккирлари Ҳомер достонларида шеърини вази, ритм, мусиқийлик, оҳангдорликни табиат ва фалсафага онд илмий шеър ва достонлардан устун туришини эътироф қилдилар. Лекин Ксенофан, Сукрот ва бошқаларнинг жиддий эътирозлари достонларнинг бадниятига эмас, айрим ғояларига тегишлидир. Гўзал асарда мазмун поэтикасининг ўта таъсирчанлиги эса Ҳомернинг буюк донишманд, руҳшунос шoirлиги, хаётий хақиқатларни завқли бадний-фантазия, мўъжизавий воқеалар билан уйғулаштира олинган истезодли билан боғлиқдир. Бу фазилатларни ҳомершунос олима Ирина Шталь бадний тафаккурнинг «эпик синкретизм» нави деб атайдн. У, Ҳомер «Илиада»си ва «Одиссея»си номи билан бизга қадар етиб келган ушбу асарларни турли замонларда бошқа халқ бахшилари тўлдириб, кенгайтириб, ҳозирги мукамал ҳолига келтирган бўлгани эҳтимолини ҳам назарда тутлади. Лекин, бизнингча,

бу шох асарларнинг асосий муаллифи Ҳомер эканлигини милоддан аввалги VI—IV асрларнинг донишмандлари (Анаксагор, Демокрит, Гераклит, Ксенофан, Парменид, Эмпедокл, Пифагор, Павсаний, Протагор, Ҳеродот, Сукрот, Афлотун, Арасту, Лукнаи ва бошқалар), шубҳасиз, эътироф қиладилар.

Ҳомершунос Иррина Шталь «Ҳомер эпоси» асарида фракиялик Дионисий Афлотун, Лукнаи, Страбон, Квинтиллиан фикрларига суяниб, бадний асар баркамоллигининг тўрт белгисини айтади: 1. Шеърый вази; 2. Бадний тўкима; 3. Ҳикоя; 4. Сўз санъати, ифода воситалари. Асар шеърый вазида ёзилса ҳам шу тўрт хусусият бирлиги бўлмаса, у бадний асар ҳисобланмайди. Аслида, Ҳомер эпосида бу тўрт белгидан бошқа яна кўп фазилатларни кўрамиз.

Фақат шеърый вазининг ўзи билан шеър вужудга келмаслигини қадимгилар яхши тушунганлар. Арасту ёзади: «Тарихчи билан шоир фақат вазиенз ёки вазили ёзиши билан фарқланмайди. Агар Ҳеродот асарларини шеърый вази билан ёзиб чиқилса ҳам у вазилими, вазиензми, тарихлигича қолади».

Арасту «Поэтика»нинг I-бобида айтган эдики: «Ҳомер ва Эмпедокл билан вазидаги яқинликдан бошқа ҳеч қандай умумийлик йўқ, шу билан, ҳар иккинсини шоир дейишдан кўра, биринчисини шоир, иккинчисини табиатшунос деб аташ адолатдандир».

Шарқдан мисол келтирсак, Абу Али ибн Сино тиб илмига доир ўнлаб шеърый асар – уржузалар ёзган (ражаз баҳрида), лекин бу асарлар бадний эмас, тиббий асарлардир. (Ибн Синонинг ҳақиқий донишманд шоирлигини кўрсатувчи асарлари ҳам бор. Булар: «Қасидан айинийа», «Рухнома», рубоийлардир).

Юнон донишманди Эмпедокл ва римлик эпикурчи Лукреций Карр «Нарсалар табиати ҳақида» номли асар ёзганлар. Булар гарчи поэма деб аталса ҳам, аслида, илмий-фалсафий асарлардир. (Уларнинг айрим ўрнларида шоирона жўшқинлик, шеърый нафосат ҳам сезилади).

Шоир ва донишманд Ҳомер ижодининг энг яхши билимдонларидан бири қомусий олим ва адиб, Рим империяси даврида яшаган юнон тарихчиси Плутарх ўзининг кўпгина асарларида қахрамонларнинг табиати, руҳий олами, характерларини очинида «Илиада» ва «Одиссея» дostonларининг баднийтидан, ҳаётбахш ғояларидан ижодий баҳра олган.

Плутарх донишманд давлат арбоби, афиналик Солон ҳаётномасида ёзишича, Солон ўзи билан бир вақтда давлат раҳбари бўлиб турган (у замонда юнонлар яқка ҳукмдор, золим бўлиб, халқни қийнамасини деб, донмо иккита раҳбарни сайлаб қўйганлар. М. М.). Фисистратга бундай дейди: «Одиссей душманларни алдаш учун ўз юзини қопатиб, хунук қилган эди, сен эса ўз юртдошларингни алдаш учун ғирромлик қилябсан». Плутарх яна бир ҳаётномасида Юлий Цезаринг рақибни, Помпейни шухратнарастликда Ҳомер қахрамони Ахиллга ўхшатади. Чунки, Ахилл ёшлик қилиб, жанг вақтида: «Гекторга мендан бошқалар найза отмасин!» – деб, буюрган. (Аслида, бундай дейишига унинг ҳақи йўқ эди). Помпей эса, ўз рақибни янада кўп шухрат қозонмасини, деб умумий душманни кечириб юборди. Лекин, бизнингча бу ерда Помпей юнон қахрамони Ахиллга инсбатан мардонароқ иш қилган.

Плутарх «Қиёсий ҳаётномалар»да диктатор Юлий Цезарни йўқотишда қахрамонлик кўрсатган Брутининг вафодор хотини, оқида Форсия билан хайрлашувини Ҳомер қахрамонлари Гекторнинг вафодор хотини Андромаха билан видолашув саҳнасига ўхшатади ва бу Ҳомерона ўхшатиш ўқувчининг назарида Брут сиймосини юксалтиради.

Плутарх Сицилия тирани Дионисийга қарши курашган лашкарбоши Дион ҳақида ёзганида, Афлотун дўсти Дионнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун учинчи марта Сицилияга отланганини, Одиссей донмо бир-бирига урилиб турувчи икки тошқоя орасидан бир амаллаб ва бир марта эсон-омон ўтиб олганини, Афлотун эса, учинчи марта Ҳарибдага яқинлашиб, ўз ҳаётини жиддий хавф остига қўйганлигини ёзади.

Арасту ҳам кўпчилик асарларида, хусусан, ахлоққа доир китобларида назарий фикрларини далиллаш учун кўп холларда Ҳомер дostonларига мурожаат қилган.

Ҳомер дostonларида илоҳлар-фаришталар ва оламлар ҳаёти, ботаника, география, топография, тарих, астрономия, денгизчилик, мусиқа, этнография, рассомлик, илоҳиёт, ғожейлик, комизм, улуғворлик, гўзаллик ва хунуклик, қахрамонлик ва қўрқоқлик, айёрлик ва оқиллик, шодлик ва қайғу, ор-номус ва шафқатсизлик, севги ва нафрат, хуллас, бутун инсоният ҳаётининг деярли барча соҳалари гоҳ қундалик турмуш каби

оддий, гоҳ муболагали, гоҳ яширин, сирли, гоҳ тантанавор оҳангларда тасвирланиши чиндан-да хайратланарлидир.

Ўн йиллик уруш охирида қамал қилинган Троя қалъаси деворлари яқинида оғир аҳволда қолган мудофачилар ҳамон руҳи тушмаган, кекса шох Приам, халк оқсоқоллари рўбарўсидан узок давом этган шу уруш сабабчиси гўзал Елена ўтиб қолади. Спарталик шох Менелайнинг хотини, ёшлиги ва шўхлиги сабабли Троя шаҳодаси Александр-Парис билан бу ерга қочиб келган Елена фожеаларга сабаб бўлганидан қайғуда. Лекин қайғуда ҳам унинг гўзаллиги янада очилган. Троя оқсоқоллари Еленага бир қарашда унинг гўзаллигидан хайратланиб: «Ох, бу аёл учун ошиқлари хар қанча уруш бошласа ҳам арзийди!» деб, қойил қоладилар.

Кейинчалик рассом Павсаний тасвирлаган бу манзарани кекса Сукрот ҳам мактаб, Ҳомер асаридан завқланади.

Ҳомер дostonларида бадний илҳом жўшқинлиги ҳам, илмий-маитикий фикрлаш ҳам, бадний санъатлар ҳам, сюжетни ўткир қилувчи тасодифий билиши, мушкулот-перипетиялар ҳам, яхлит, шижоатли характерлар ҳам, табиат ходисалари ва ландшафт, водий, тоғлар, дарё ва уммон долғалари ҳам, ажойиб-ғаройиб, мўъжизавий эврилишлар ҳам, теран руҳий кечималар ва ҳолатларнинг реал манзаралари ҳам борки, булар адабиёт назарияси учун бой ва туганмас манбадир.

Қадимиятда яшаган бошқа тарихчи ва файласуфларнинг фикрича, Ҳомер дostonларида ҳаётнинг бадний манзаралари, жасур, шавкатли қаҳрамонлар билан бирга олам ва одам ҳаётининг барча соҳалари ҳақида теран билимлар, қизиқарли фикрлар, ғоялар бор. Сукротнинг истеъдодли шогирдларидан бири, машҳур «Қирнинг тарбияси» ва бошқа асарлар муаллифи Ксенофон «Базм» асарининг IV китобида «Ҳомер инсоният ҳаётининг барча масалаларини билувчи энг доно шонр», деб ёзди.

Ҳомернинг олам тузилиши, жаҳон географияси соҳасидаги чуқур билимларини мутахассис географ ва тарихчи олим Страбон эътироф қилиши қизиқарлидир. У, «География» асарининг I китобида ёзди: «Ҳомер қадимий Ойкумена (Ер юзининг одамлар яшайдиган қисми) тўғрисида барча маълумотларни билган ва бу ҳақда авлодларга ёзиб қолдиргандир».

«Илиада» дostonида Троя қамали вақтида Елена қайнотаси – шох Приамга қалъа ташқарисидаги бир одамни кўрсатиб, бундай дейди:

Мухтарам шох,
Мана бу зот Лаэртзода Одиссейдир, жуда ақли,
Тоғу тошли Итақадир унинг-ўсган аёл Ватани.

(III-қўшиқ).

Кейин ўтган тарихчи ва географларнинг асарларида Итака ороли чиндан ҳам тошлоқ жой эканлиги ёзилган. Итака подшоҳи Одиссей тошлоқ бўлса ҳам она Ватанига меҳр қўйган.

Ҳомер дostonида Коринф – денгиз бўйидаги шаҳар эканлиги, Эвбея оролида жанговор қабила-абантлар яшаш, уларнинг этакчиси Арейзода Элефенор бошқа кўп қабилаларни ҳам Троя жангига бошлаб келганлиги, ясин оғочидан ясалган пайзалари муштлашувда (яқин жангда) душманларнинг зирхли либоси – жавшанларини тешиб ўтиши айтилади. Бир неча аср кейин ўтган олим ва шонр Архилох ҳам Эвбея ороли аҳолисининг пайзабозликдаги маҳоратини мактаб ёзган.

«Илиада»нинг II қўшиғида денгиз бўйидаги шаҳар Илион – Трояни қуршаб олган ахайяликларнинг харбий кемалари таърифиди ҳам Ҳомер жуда тўғри жуғрофий, тарихий ва этнографик маълумотлар берганини Страбон ўз «асари»да тасдиқлайди.

Демокрит, Фалес, Гераклит айтган астрономия, табиатга доир янги фикрларнинг кўпчилиги Ҳомер дostonларида айтилгани шу вақтгача олимларни хайратлантиради. Географ ва тарихчи Павсаний «Эллада таърифи» асарида Ҳомернинг астрономия соҳасидаги кузатишлари, турли халқларнинг келиб чиқиши, ҳаёт тарзи, яшаш ҳудудлари, ўзаро урушлари ҳақида маълумотлар берганини ёзди. «Бу маълумотлардан, – дейди Павсаний, – антик давр муаллифлари ҳақиқий тарих сифатида донмо фойдаланадилар. Қадимги дунё Ҳомерни барча соҳаларда устоз деб билади».

Ҳомернинг энг ашаддий танқидчилари Сукрот ва Афлотун ҳам Элладанинг устоз шонрини тап олиб ёзадилар: «Бутун Элладани тарбия қилган, инсониятга фаровонлик келтиришни, инларини яхшилашни мақсад қилган бу шонрининг шеърларини

қайта-қайта ўқиб ва ёдлаб, ўз ҳаётимизни ўша қондалар асосида қуришни ўргансак арзийди». Бу қондалар – жасурлик, ор-помус, адолат, Ватан меҳри, ота-онага хурмат, меҳр-шафқат... каби ёзилмаган қонулардир.

Шеърятда керакли вазнини ташлаш ҳам мазмун билан боғлиқдир. Бадний асар мазмунни енгилроқ, қулғили, ўйноқи бўлганда ямб вазни, тарихий, қахрамонлик мазмунини ифодалашда виқорли, салобатли эпик гекзаметр вазни ташлашни бежиз эмас. Гекзаметр вазнини охангдан ташқари Арасту айтганидек: «Энг барқарор ва энг сиғимли вазидир, чунки, унда (гекзаметрда) ҳаммадан кўра ноёб сўзлар ва ташбеҳлардан фойдаланиш қулайдир, бу эса хикоя, тасвирнинг ўзига хос фазилатидир».

Арасту ўзининг «Поэтика» асарида эпоснинг драмадан, трагедиядан фарқлари ҳақида сўз юритар экан, драмада бор барча фазилатлар эпосда ҳам борлигини айтади: «Эпопеяда ҳам кескин ўзгартишлар (перипетиялар), тўсатдан билиб қолишлар, коллизиялар (изтироблар), фикр ва тил яхши бўлиши керак. Ҳомер шуларнинг ҳаммасидан биринчи марта ва аъло даражада фойдаланади. Унинг икки поэмасидан бири «Илиада» – кучли эхтирослар эпопеяси, «Одиссея» эса мураккаб тўқимали бўлиб (бутун поэма тўсатдан билиб қолишлардан иборат), характерлар эпопеясидир. Тил ва фикр жиҳатидан ҳам улар ҳамма дostonлардан устун туради».

Ҳомер поэмаларни қадимги адабиёт назариячиларига манба, етук намуна бўлиб хизмат қилади. Эпик бадний асарда шоир лирика ёки мелика (қуйланадиган шеър)даги каби бир лаҳзали шахсий кайфиятни, кечинмаларни эмас, балки давлат ва халқнинг қахрамонлари тақдирини кўрсатишда уларнинг ўйлари ва кечинмаларига «тақлид» қилади. Демак, ижодий тамойил сифатида тақлид – мимесисе – ҳозирги маънодаги тақлид, кўчирмачилик маъносини билдирмайди. Мимесисе – воқеъликка, табиатга, бунёдкорликка тақлид, янада аниқроғи, ҳаётга ўхшатиш, бадний асарда ҳаётни фақат «акс эттириш» эмас, балки ҳаёт манзараларини, сюжетни, характерларни бунёд этишидир. Қадимшунос олма Ирина Шталь «Гомеровский эпос» асарида «мимесисе» сўзини «воспроизведение» (қайта ясаш) деб, аниқроқ ифода қилган.

Яна Ҳомер асарида география ёки тарихга доир билимлар, маълумотлар келтирилиши, яъни, бадний асарнинг маърифат бериш хусусияти ҳақида Эратосфен билан Страбон баҳсга қайтамиз, чунки, бу фикрларнинг аниқ даврдаги адабиёт назариясига алоқадорлиги бор. Эратосфен айтади: «Бадний асарда (Ҳомер дostonларида) шоирдан кўп жойларни, манзилларни билишини, ҳарбий санъат, дехқончилик ёки нотиклик санъати ҳақида билим беришини талаб қилиш мумкин эмас. Агар шоир буларни биламан деб даъво қилса, бу иззат талаблиқдандир».

Страбон айтадики, Эратосфеннинг илмий билимлар бериш – шоирнинг вазифаси эмас, деган фикри умуман тўғри, лекин Ҳомерга нисбатан бундай дейиш унчалик маъқул эмас. Чунки, Ҳомер асарларида ҳаётний ва табии билимлар жуда кўп берилган.

Перикл, Сукрот, Аристофан, Афлотун, Арасту давридаги демократия, ватаншарварлик, озолик, тенглик каби умуминсоний қадриятлар юқори даражада ривожланган Эллада давлатларида нотиклик санъати, фалсафа ва поэзия жамият ҳаётида юксак мактаб ва мақомда эди. Шоирлар у вақтда кучли нотик ва файласуф бўлганлар. (Софокл Греция ҳукумати Олий кенгаши хайъатида ўн аъзодан бири, айтиш мумкин, сенатордан ҳам баланд эди), нотиклар файласуф ва шоир, машҳур файласуфлар эса нотик ва шоир эдилар. Перикл дўсти Сукротни кўп марта давлат кенгашига юқори лавозимларга тақлиф этган, лекин у фалсафага ва эркин ҳаётга вақтим етмай қолади, ҳам сиёсатчи эмасман, деб баҳона қилиб, кўнмаган. Аслида, Сукрот энг буюк сиёсатчи, адолатли, идеал давлат жамияти қандай бўлишига, ватаншарвар, онгли фуқароларни тарбиялашга умрини бағишлаган эди. Афлотуннинг «Давлат» номли асарининг асосий қисми Сукротнинг шу ҳақдаги фалсафий фикрларига бағишланган.

Афлотуннинг «Давлат» асарида тасвирланишича, унда қайд этилишича, Сукрот идеал давлатда Ҳомер ва Ҳеснод каби буюк шоирлар, умуман, шоирлар бўлмаслиги керак деб ҳисоблайди. Сабаби, шоирлар шахсий ҳис-туйғуларини, севги-қувончлари ва изтиробларини тасвирлаб, фуқароларни йнғлоқи қилиб кўяди, деб ўйлар эди.

Сукрот бундан ташқари Ҳомер ва Ҳеснодни Зевс ва бошқа илоҳлар (фаришталар) ни одамларга ўхшатиб, жанжалкаш, ахлоқсиз, таъмағир қилиб тасвирлашга қарши бўлган. Бунинг ўрнига (Сукрот фикрича) Ҳомер ва Ҳеснод фуқароларга ҳаётнинг турли соҳаларида билимлар бериши, турли касб-хунарга, санъатларга ўргатиши керак эди.

У Ҳомернинг даҳо шоирлигини эътироф қилар, лекин ҳаётгӣ билимларга бойлиги, донишмандлигини таъ олмасди. (Баъзи вақтларда бу фикрдан қайтган. М. М.).

«Ҳомер илоҳлар одамларга битмас-туғанмас ноз-неъматлар беришини айтади, лекин илоҳларни урушқоқ (адоватчи), алдамчи ва шафқатсиз қилиб кўрсатади», дейди Сукрот.

Фикрнинг давом эттириб ёзди: «Сен, Ҳомер, агар шахсий ва ижтимоий фаровонлик масалаларида донишманд бўлсанг, буни нима билан исботлай оласан? Бирор вақт сен Ликург вагани Лакедемонда тузгани каби яхши қонулар қолдиргани туздингми ё Солон каби бирор давлат тузгани ҳақида асос (қонда) ишладдингми? Ё сенинг ёрдамнигда бирор урушда ғалаба қозондингми? Бундай муҳим ишларда билимдон одам ўзидан шулар ҳақида чуқур билимларни кўрсатувчи қандайдир асарлар қолдиришини истар эди. Лекин, бу соҳаларда сендан ҳеч нарсая қолгани йўқ».

Табиийки, Ҳомер ҳақида Сукротнинг бу хилдаги фикрлари ҳозир жуда қулғили кўринади, у шеърнинг, шоирнинг вазифасини бошқача тушунгани сезилади.


Ҳомер шахси, унинг қайси даврда яшагани, асарларини бир ўзи тўқиганими ёки кейинги бахши шоирлар қўшиб бойитганими, у ўзи донишмандми, шоирми, асарида қайси тарихий манбалардан фойдаланган, деган саволлар уч минг йил давомида шоир, тарих, фалсафа олимларини тўқинилантириб, қизиқтириб келади. Ҳомер ҳар иккала дostonида тасвирлаган Троя уруши ижодий тўқимами ё тарихда шундай воқеалар бўлганими, деган масалага археолог олимлар яқин вақтлардагина (2800 йил кейин) аниқлик киритдилар.

Археолог Г. Шлиман ва бошқалар ҳақиқий Троя шаҳри вайронларини қидириб топдилар. Бу ерда турли асарларга доир қатламларни фарқлаб, чиндан ҳам узоқ давом этган урушда ёниб кетган шаҳар қолдиқларини аниқладилар. Хуллас, Ҳомер, ўз дostonларида, Арасту «Поэтика» асарида ёзганидай, бўлиб ўтган воқеаларни ҳамда бўлиши эҳтимоли бўлган воқеаларни ва қаҳрамонларни, уларнинг характерларини ёритган.

Қадимшунос олимлар аниқлашча, милоддан аввалги VIII—VII асрлардаёқ Ҳомер авлодлари унинг бахши, оқинлигини давом эттириб, Афина, Бесотия, Крит, Делос, Хиос шаҳарларида дoston айтганлар. Уша замонларда Саламин, Спарта, Эшидавр давлатларида бахши шоир раисларнинг Ҳомер дostonларини қуйлаш бўйича байрам мусобақалари ўтказиб турилган. Афинада VI аср биринчи ярмида яшаган машҳур давлат арбоби Солон маҳсус қонун чиқариб, Панафиней байрамларида «Иллада» ва «Одиссея» дostonларини ўқини, мусобақа тартиблари ҳақида алоҳида қонун ҳам жорий этган.

Афлотуннинг «Ион» асарида эса Хиослик дostonчи Ион билан Сукротнинг суҳбати берилган. Мазкур суҳбатда авваллари Ҳомерни дostonчи таъқид қиладиган Сукрот унинг буюқ илоҳий шоирлигини дostonчига тушунтириб беради. Бундай эътироф тафаккурга айланган Ҳомер оламининг улуғлигидан далолатдир.





Абдураззоқ Обрўй

СОҒЛОМ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

Ҳажвия

Мен туппа-тузук юрганам билан дардим кўп. Иссиқ жоннинг иситмаси бўлади-да. Гоҳ белим оғриydi, гоҳ бошим лўққиллаб қолади. Баъзан тунда оёғимнинг таги шундай қизиб кетадики, хотин кўлини теккизиб: “Ёняпти”, дейди. Утираман, тураман, юраман. Тафти саҳал босилгандай бўлади. Ётсам, тамом, ёнади.

Хуллас, гап бундай.

Оёғимнинг таги қизиб кетишидан қандай кутилсам экан, деб ўйлаб юрган кунларимнинг бирида, Парда ака йўқлаётган экан, иш жойи эсимдан чиқди, танишим, котибамиз Парчахон айтди. Кўнғироқ қилдим. Салом-алиқдан сўнг:

– Соғлигингиз қалай? – сўради.

– Бир нави, шу десангиз, тунда оёғимнинг таги қизиб кетиб ухлатмаяпти, кесиb ташласамми, деб юрибман, – дедим нолиб.

– Асло ундай қила кўрманг, – деди у. – Бир учрашсак, чораси бор.

– Мен тайёрман.

– Сиз овора бўлиб юрманг, олдингизга ўзим бораман.

Келдилар. Бир ҳамроҳи ҳам бор. Иккаласининг ҳам кўлида катта портфель.

– Сизга соғлиқ керакми, пул керакми? – савол берди Парда ака жойлашиб ўтириб олгач.

– Иккаласи ҳам, – дедим мен.

Кулдилар. Ҳамроҳи ерга қараб ўтирибди.

– Бир иш бор, ҳам соғлигингизни тиклайсиз, ҳам идорангиздан чиқмай, маошингиздан икки-уч баробар кўп пул топасиз.

Бир пайтлар қаердадир айтган қадаҳ сўзим эсга тушди: “Соғлиқ бўлсин, Бойлик бўлсин! Иш-ламасдан ойлик бўлсин!”

Парда ака портфелини очиб, ичидан бир дунё қоғоз олди. Қоғозларни титиб:

— Мана, сизга чипта, яқшанба кuni таништирув маросими бўлади, – деб бир бўлак қоғозни узатди. Чиптанинг тепасига “Минг доллар” деб ёзилган.

– Бу чиптанинг нархи эмас, ютуқ! – деб изоҳ берди ҳамроҳи.

– Э, узр, шеригимни таништираман-ку, – деди Парда ака. – Бу киши бизнинг “Ҳар бало” фирмамизнинг вакили Кенгаш.

– Мабодо Мажлис деган вакилингиз йўқми?

Кулишдик.

– Қанақа иш ўзи?

– Мунча шошасиз. Борганингизда ҳаммасини билиб оласиз.

Хуллас (яна хуллас деяпман), улар айтган жойига борадиган бўлдим. Чиптанинг нархи қиммат эмас экан: икки минг сўм.

Белгиланган жойда мени Кенгаш кутиб олди.

– Кенгаш, кенгашга келдик.

Парда ака бир оз кечикиб келди. Менга ўхшаб, ҳам соғлигини тиклаб, ҳам кўп пул топиш иштиёқида юрганлар кўп экан, ёш дейсизми, кекса дейсизми.

Маросимга фақат чиптаси борлар киритилди. Эшиклар ёпилгач, саҳнага бир хил костюм-шим кийиб олган икки киши чиқиб келди. Бири ориқ, бири семиз. Дарров сездим: ориқ иштаҳаси йўқлигидан қийналса керак, семиз аксинча, кўп овқат ейишдан. Ориқроғига устидаги кийими унчалик ўтиришмай турибди. Шу гапни бошлади:

— Ҳурматли дўстлар, бугун сиз ҳаётингизда катта бурилиш яшаш арафасида турибсиз. Молиявий аҳволингизни яхшиламоқчимисиз, марҳамат. Соғлигингизни тикламоқчимисиз, бош устига. Яхши уй қуриб, машина олмақчимисиз, ёрдам берамиз. Чет элларга бормоқчимисиз, юборамиз. Бизнинг фирма дунё миқёсида тан олинган. Пул жамғармаси миллиарддан ошиб кетган. Деярли барча мамлакатларда вакилларимиз бор. Ҳозир фирмамиз тўғрисида видео фильми томоша қилиб, унга ўзингиз ҳам амин бўласиз.

Семиз киши ана шу гапларни рус тилида такрорлади. Кейин видео фильм намойиш этилди. Умумий фонда байроқчалар кўтариб олган, шодон қиёфадаги одамлар тасвирланди. Кейин уч-тўрт киши, мазкур фирма билан ҳамкорлик қила бошлагач, ҳаётида қандай ўзгариш бўлганлиги хусусида гапиришди. Бир сўз билан айтганда, саломатликларини тиклашиб, жарақ-жарақ пул топишаётган эмиш. Фильм тугагач, саҳнага ўрта яшар бир аёл чиқиб келди.

— Менимча, соғлигида муаммо бўлмаган одам бўлмаса керак, — дея гап бошлади у. — Бу ерга ишга кирмасимдан олдин бошим қаттиқ оғрирди. Рўмолимнинг бир учидан турмуш ўртоғим, бир учидан ўғлим тортиб, маҳкам қисиб боғлашарди. Ўшанда бошимни сапчадай узиб ташлашса ҳам рози эдим, чунки оғриқнинг зўридан бошим тарс ёрилиб кетаман дерди. Дўхтирга ҳам кўрсатдим, табибга ҳам. Барибир бўлмади. Бир куни қўшним етаклаб мана шу ерга олиб келди. Ҳозир бош оғригидан асар ҳам қолгани йўқ. Бунга ушбу фирманинг маҳсулотларини истеъмол қилиб эришдим. Бизнинг оилада: эрим ҳам, болаларим ҳам дўхтирга мурожаат этишмайди. Чунки биз озиқ-овқатимизга қўшимча маҳсулотлар танавул этамиз. Бу қўшимча маҳсулотлар фақат бизнинг фирмада ишлаб чиқарилади.

Ундан кейин ҳассали бир чол саҳнага чиқди.

— Кампирим ёрдам бермаса, на у ёнбошимга, на бу ёнбошимга бурила олардим. Орқамга икита ёстиқ қўйиб, овқат берарди. Шунда ҳам қўлим оғзимни тополмасди. Бир неча марта оғзим деб, қўлоғимга қошиқни олиб борганман. Бурним қичиса, киндигимни қашиган чоғларим бўлган. Ростини айтсам, икки оёғим ҳам ишламай қолган эди. Қаратмаган дўхтиримиз қолмади. Укол олавериб, думбам илма-тешик бўлиб кетган. Барибир фойдаси бўлмади. Мана шу фирмага кампирим ишга киргач, маҳсулотларидан бир ой истеъмол қилган эдим, мана кўриб турибсиз, ҳасса билан юра бошладим. — Бироз тўхтаб, нафасини ростлаб олди, кулди. Кейин давом этди. — Энди кампиримга гоҳи-гоҳида шўхлик ҳам қиляпман. Яқинда ҳассамни ҳам ташлайман.

Чолдан кейин саҳнада бир аёл пайдо бўлди, қўлида каттагина сурат.

— Мана шу суратдаги аёл менман, — деди у. — Қаранг, қандай семизман. Фигурам ўзимга ёқмасди. Оғирлигим юз ўн кило эди. Ҳозир оғирлигим етмиш беш кило. Анча ихчамлашдим, кўркамлашдим. Қайси куни кўчада бир йигитча: "Дўндиқча", деди. Бирам ёқди, бирам ёқди. Мениб турибман, қандай қилиб бундай натижага эришдингиз, деб сўрамоқчисизлар. Жавоб битта: биш ҳам мана шу фирма маҳсулотларини истеъмол қила бошлаганимдан буён шу ҳолатга келдим.

Саҳнага яна ҳалиги бир хил костюм-шим кийиб олганлар чиқиб келишди, бири ориқ, бири семиз, ориғига устидаги кийими унчалик ўтиришмаган.

— Вақтни бой бермай, бизнинг фирмага аъзо бўлинглар, — деди ориғи. — Ҳозир бизнинг вакилларимиз сизларга анкета тарқатади. Ана шунини тўлдириб берасизлар.

Семизи рус тилида такрорлади.

Олдимга Парда ака билан Кенгаш келди.

— Бу сизга, — деди Парда ака бир парча қоғозни узатиб. — Бир ярим минг сўм.

Пулни тўлаб, қоғозни олдим ва тўлдириб уларга бердим.

— Бўлдимми? — дея сўрадим.

— Бугунча етади, — деди энди Кенгаш. — Бораверинг, эртага гаплашамиз.

Ҳа, айтгандай, чиптадаги ютуқ ўйналдими, йўқми, бундан хабарим йўқ. Биров ютган бўлса, шов-шув бўлиб кетарди-ку.

Эртасига Парда ака билан Кенгаш яна ўша катта портфеллари билан ишхонамизга кириб келди. Лицензияга ўттиз минг тўладим, портфелида шифобахш маҳсулотлар бор экан. Нархи уч юз минг сўм дейишди. Ҳамкасблардан қарз олдим. Нима бўлса, бўлди. Энг муҳими, оёғимнинг таги қизиб кетишни бас қилса бўлгани.

— Мана, кўрасиз, отдай бўласиз, — дейишди улар.

Котибамиз Парчахон уларга қизикиб қолди.

— Дўстларингиз қаерда ишлашади?

— Маоши кўп жойда. Таништириб қўяйми? — дедим ҳазиллашиб.

— Ғалати одамлар экан, шунга сўряпман, — деди у лабини буриб.

Фирманинг "шифобахш" маҳсулотларини бир ҳафта эмас, бир ойдан бери истеъмол қиляпман. Бироқ, ўзгариш йўқ. Авваллари ўтириб, туриб, юрган бўлсам, энди ўрнимдан сакраб туриб, югуриб кетяпман. Мабодо, ярим тунда югуриб юрган кишига кўзингиз тушса, ҳайрон бўлманг, соғлигини тиклаб, кўп пул топиш иштиёқида юрган ўша мен — "Ҳар бало" фирмасининг янги вакилиман.

МУНДАРИЖА

НАСР

Муҳаммад Салом. Нажот. Роман 3

НАЗМ

Олимжон Холдор. Мажнунтол беланчаги.
Ғазаллар. 73
Баҳром Рўзимуҳаммад. Гапирайлик соғинч тилида.
Шеърлар 75

НАСР

Жўра Фозил. Мўъжиза. Ҳикоя 77

НАЗМ

Азим Суюн. Ватан кенгликлариди. Туркумдан 86
Вафо Файзулло. Титраноди баҳорий новда.
Шеърлар 91
Икром Искандар. Кузнинг бир парча куни.
Шеърлар 94

АЛПОМИШХОНЛИК

Отаули. Халқнинг ўлмас руҳи. Бадиҳа 97

МУЛОҲАЗА, МУНОЗАРА, МУҲОКАМА

Олим Тошбоев. «Тўртинчи ҳокимият» истиқболи 97

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Ориф Одилхонов. Қалбни эркалайди бу гулшан ҳаёт.
Шеърлар 135

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Сафо Матчонов. Болалар адабиёти:
санъатми ё тарбия? 138
Исломжон Ёқубов. «Миллат гулшанига
кўнган андалиб» 142
Исҳоқ Жабборов. «Бир гавҳар бор жонингизда» 147

ЗАКОВАТ НУРИ

Маҳкам Маҳмуд. Ҳомер олами. 149

ГУЛҚАЙЧИ

Абдураззоқ Обрўй. Соғлом бўлай десангиз 158

Шарқ юлдузи

Адабиёт журнали
2007
6-сон

Матн кўчирувчи:
Манзура Йўлдошева
Саҳифаловчи:
Эля Ким

* Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга келган бир босма табоқча бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

* Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади.

* Обунага монетьлик кўрсатилса ёки журнал ўз вақтида етиб бормаса Тошкент – 100000, Амир Темур тор кўчаси, 2. Республика «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясига мурожаат қилинсин.

Босишга рухсат этилди 26.02.2008 йил.
Қоғоз бичими 70x108^{1/16}.
Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди.
Босма табоғи 10.
Шартли босма табоғи 14.
Нашриёт ҳисоб табоғи 15,4.
Адади 864 нусха.
Буюртма № 48.

«ARNAPRINT»
босмахонасида чоп
этилди.
100182, Тошкент,
Хусайн Бойқаро
кўчаси, 41